



**ИСЛОМ КАРИМОВ**

**БУНЁДКОРЛИК  
ЙЎЛИДАН**

**4**

ISBN 5-640-02095-4

Тошкент  
«Ўзбекистон»  
1996

## **БИЗ ҚУРИШ, ЯРАТИШ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАМИЗ**

Муҳтарам халқ ноиблари!

Энг аввало, сизлар билан омонликда юз кўришиб турганимдан бағоят мамнун эканимни айтмоқчиман.

Бугун қутлуғ кун - миллатимизнинг, халқимизнинг, гўзал диёримизнинг буюк байрами арафаси.

Фурсатдан фойдаланиб Сизларни, Сизларнинг тимсолингизда барча Ватан аҳлини мукаддас Истиклолимизнинг тўрт йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Азиз дўстлар!

Ўтган тўрт йил биз учун асрга тенг бўлди, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Шу тўрт йил мобайнида миллий давлатчилигимизни тикладик, дунёга озод ва эркин миллат сифатида танилдик.

Энг муҳими - келажак омонатдай бўлиб турган ғоят мураккаб, ғоят таҳликали дамларда ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлай билдик.

Энг муҳими - танлаган йўлимиз ягона тўғри йўл эканини амалий ишимиз билан исботладик. Бугунги кунда Ўзбекистон танлаган ислохотлар йўлини бутун дунё тан олди.

Эришган энг катта ютуғимиз - одил ва меҳнаткаш, мард ва танти халқимиз танлаган йўлимизни чуқур англади, унга қаттиқ ишонди ва кўллаб-қувватлади.

Дунёда халқ ишончидан улуғ нарсанинг ўзи йўқ. Бизлар ана шундай ишончга сазовор бўлган йўлимиздан ва бу йўлда эришган ютуқларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шунинг учун ҳам юртимизнинг энг оғир кунларида ҳам яқдиллик кўрсатиб, чексиз умид ва пок ниятлар билан яшаган миллатимизга, халқимизга, элимизга тиз чўкиб таъзим қилиш - биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фарғона ва Ўшдаги фожиалар, ундан кейинги фожиаларнинг аччиқ сабоғи юрагимизни ўртаб турган пайтни яна бир карра эслаб кўрайлик. Унда биз ҳали истиқлолга эришмаган эдик. Худди ўша замонда илк бор бизнинг "Бугунги барқарорлик ва осойишталик - энг катта бойлигимиз", деган дастлабки муқаддас қоидамиз, муқаддас шиоримиз пайдо бўлди.

Бу сокин ва мазмунли шиор айрим қуруқ бақирӣқ-чақирӣқ билан юрганларга, субутсиз кимсаларга зарба бўлди, юртимизни аёвсиз кучлар таъсиридан сақлаб қолишга асос бўлди.

Енгилтак сиёсатдонлар тарих саҳнасидан тушиб кетди, аммо аччиқ тажриба самараси - муқаддас шиоримиз яшаб қолди, ўзининг ҳаётбахшлигини намойиш этди.

Азиз дўстлар!

Буюк истиқлолнинг тўрт йиллик тўйини нишонлар эканмиз, босиб ўтилган йўлга қисқа бир назар ташлаб, олинган сабоқларни кўз олдимизга келтириб, мухтасар баён этсак, фойдадан холи бўлмас.

Зеро, истиқлол учун жонини фидо этган улуғ адибимиз Абдулла Қодирий айтганидек, "мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидур".

Яқин мозий бизга берган энг катта сабоқ нималардан иборат?

Ўтган тўрт йил берган сабоқлардан бири шуки, халқимиз ўзининг буюк тарихини теран англади, аждодларимиз қолдирган буюк меросдан бахраманд бўлди, ўз келажагини, ўз истиқболини буюк тарихимиз мезони билан ўлчашни, уни аниқ ва кенг кўламли тасаввур этишни ўрганди.

Бу ҳақиқат бир қарашда жуда оддий бўлиб туюлиши мумкин. Аммо биз учун муҳим жиҳати шундаки, бу ҳақиқатни ҳар бир авлод ўзича янғидан кашф этади ва амалда синаб кўради.

Истиқлолнинг тўрт йили берган яна бир сабоқ шундан иборатки, асрлар давомида зулм ва истибдод остида мўрт ва тарқоқ бўлиб яшаган ўзбек миллати ягона ва жипс миллат сифатида шаклланишни бошлади, эркин ва озод миллатга хос ғурур ва онг касб этди.

Бугун биз нимаики ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси ана шу ғурур ва ана шу юксак онг меваларидир.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Биласизларки, мен ютуқлар ҳақида гапиришни унчалик

ёқтирмайман. Аммо бугун, буюк байрам арафасида, улардан айримларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Навоий вилоятида олтин ишлаб чиқарадиган янги комбинатни ишга туширдик. Яна шу Навоий вилоятида "Зарафшон - Ньюмонт" номли ўзбек-америка қўшма корхонаси руда қолдиқларидан тилла олишга киришди. Бу корхона ҳақида дунё матбуоти жуда кўп ёзди ва у Ўзбекистон ҳамда Америка Қўшма Штатлари ўртасида тобора ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларнинг энг ёрқин мисоли тарзида баҳоланди.

Шу кунларда Буюк Британиянинг "Лонро" фирмаси билан олтин қазиб олувчи яна бир катта корхона лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Асакадаги автомобиль заводида монтаж ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Хоразмда юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи завод иш бошлади.

Ўзбекистонни автомобилсозлик мамлакати бўлади, деб айтишга тўла асосимиз бор. Ҳозирги пайтда Туркиянинг "Кўч холдинг" компанияси билан Самарқандда автобус чиқарадиган завод қуриш устида жиддий музокаралар олиб бормоқдамиз.

Бухорода дунёдаги энг замонавий технология билан жиҳозланган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи жадал суръатлар билан қурилмоқда.

Ишлаб чиқариш салоҳиятимизни, иқтисодимизни кўтарадиган, бугунги кунда қурилиб бўлган ёки қурилаётган бундай салмоқли иншоотлар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин.

Бундай иншоотларнинг хорижий сармоя иштирокида қурилаётгани барчамизни хурсанд қилиши табиийдир. Бугун юртимизда қўшма корхоналар сони 3600 дан ортиб кетди.

Лекин бир нарсани катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кўплаб қурилаётган объектлар, авваламбор, ўзимизнинг кучимиз, имкониятларимиз ҳисобидан барпо бўляпти. Оғир кунларни бошимиздан кечираётганда ҳам, ўзимизнинг келажагимизни қураётганда ҳам биз қўлимизни чўзиб юрганимиз йўқ. Аввало, ўз кучимизга, салоҳиятимизга ишондик, таяндик. Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятли, ўз сармоялари ҳисобидан йирик ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга қурби етадиган давлат сифатида

узил-кесил тан олинди.

Бугунги Ўзбекистон харитасида ишга тушган ва туширилаётган яна кўплаб ана шундай корхоналарни мисол келтириш мумкин. Қўқонда ва Андижонда ишга тушган йирик гидролиз заводларини тилга олиш жоиз. Бу икки завод мамлакатнинг ичимлик спиртга бўлган эҳтиёжининг 50 фоизини қоплайди.

Энергетика объектлари курилиши ҳам жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Таллимаржон ГРЭСида биринчи йирик турбина, Ангрен ГРЭСида саккизинчи турбина ишга тушиш арафасида турибди.

Яна уч йирик объект - Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи ҳамда Навоий - Учқудуқ - Нукус темир йўли курилиши бошланди.

Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Қамчи довони орқали боғлайдиган йирик автомобил йўли курилишини бошлаганимиз ҳам кўпчиликка маълум.

Режалаштирилган Ғузор - Бойсун - Қумқўрғон темир йўли курилиши, ҳеч шубҳасиз, Қашқадарё ва айниқса, Сурхондарё вилоятлари ривожига янги куч, янги қувват бахш этади.

Учқудуқ минтақасининг Ўзбекистон ҳаётида, келажакда тутган жойини - ўрнини яхши биласизлар. Шуни инобатга олиб, минтақа ривожини кўзлаб, Учқудуқда жаҳондаги энг илғор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қуришга тайёргарлик бошланди.

Устувор йўналишларимизнинг муҳим соҳалари бўлмиш қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам анча ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида 11 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Иншооллох, йил охиригача яна шунча ерни ўзлаштирамиз.

Учқўрғон сув омборидан Наманган шаҳрига, Кампирравотдан Андижон шаҳрига ичимлик сув тармоқлари тортилмоқда. Бухоро ва Навоий шаҳарлари яқинда Дамхўжа сув тармоғидан, Гулистон ва Янгиер шаҳарлари Дехқонобод сув тармоғидан баҳраманд бўлади.

Бу курилишлар жуда катта маблағ талаб этади. Ва бу маблағларнинг барчаси ўз ички резервларимиздан ажратилмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Сизларга яна бир нарсани айтишдан мамнунманки, мамлакат

ичкарасидаги инвестицияларнинг шакли ҳам ўзгармоқда. Умумий инвестиция миқдорида хусусий инвестицияларнинг салмоғи ўсиб бормоқда.

Тошкентда ва Самарқандда, Ургутда ва Хивада, Андижонда ва Қўқонда, Наманганда ва Марғилонда, хуллас, юртимизнинг барча шаҳарларида хусусий корхоналар ва тижорат марказлари сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Қишлоқларда ҳам хусусий корхоналар ва хусусий фермер ҳўжаликлари яхши самара бериб ишламоқда.

Мамлакатимизда ишбилармонлар учун яхши шароит яратилди, деб бугун бемалол айта оламиз.

Њурматли дўстлар!

Ниятимиз эзгу ва пок эканки, Яратганнинг ўзи тўрт-беш йилдан бери бизга ўз карамини кенг тутиб келяпти.

Халқимиз аҳиллик билан, кўнгилини кенг қилиб, ютукдан кувониб, қийинчиликка чидаб, ёркин келажакни тезроқ қуриш, инсонларимизга муносиб ҳаёт яратиб бериш саъй истагида сидқидилдан меҳнат қиляпти.

Иншооллоҳ, энг оғир даврдан тус-тугал ўтиб олдик. Халқимизнинг кайфияти, шижоати ва пухта ҳисоб-китоблар шундан дарак берадики, 1996 йилдан бошлаб халқимиз учун, юртимиз учун муттасил юксалиш даври бошланади.

Бундай дейишга бизда барча асослар бор.

Аввало, бунга асос барча шаҳар ва қишлоқларда ишга тушаётган ва маҳсулот беришни бошлаган кичик ва катта корхоналаримиздир. Юртимиз мураккаб вазиятдан чиқиб, ободлик ва тўкинлик сари йўл олгани яққол кўриняпти.

Мақтаниш деб ўйламанглар, азиз биродарлар, қани, айтинг-чи, бугунги Тошкент бундан беш йил олдинги Тошкентга ўхшайдими?

Пойтахтимиз йил сайин обод бўлиб, чирой очиб бораётганини ким инкор эта олади?

Бошқа шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳалла ва гузарларимиз манзараси ҳам кескин ўзгарди. Буни юртимизга келаятган барча нуфузли сиёсатчилар ва кадрли меҳмонларимиз очик-ойдин эътироф этипти.

Бугун гўзал диёримизда кўтаринкилик руҳи, бунёдкорлик руҳи устувор бўлиб турибди, деб айтсак, асло муболага бўлмайди. Биз жуда кўп тилга оладиган моддий ва маънавий янгиланиш дегани ҳам аслида шу эмасми?

Бизнинг шиоримиз - яратиш. Тўрт йиллик Истиклол даврида Ўзбекистон фалон ақидасини бузди ёки ундан қайтди ёки фалон ваъдасининг устидан чиқмади, деган гапни ҳеч ким бизга айтолмайди.

Яна такрор айтаман: бизлар бузиш йўлидан эмас, тузиш, барпо этиш йўлидан бордик. Биз борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан бордик.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Қилган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бир муҳим масалани эслатиш ўринли деб ўйлайман. Биз ҳар доим мақтанмасдан, ютуқларимизни дўмбира қилмасдан, "оламшумул" баландпарвоз гаплардан, шиорлардан ўзимизни тийиб, амалий ишлар билан шуғулландик, шу билан яшадик.

Жондан азиз Ўзбекистонимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий давлат қуришга бел боғладик. Қисқа даврда кўзга кўринган ютуқларга эришдик. Узоққа бормасдан, 1995 йилнинг биринчи ярми натижаларига назар ташлайлик. Йил бошида ҳар ойлик инфляция даражаси 16-17 фоизни ташкил этар эди. Ҳозир бу миқдор роппа-роса 8 марта камайиб, июль ва август ойларида 2 фоиздан ҳам пастга тушди.

Бизлар Халқаро валюта фонди билан давлат бюджети камомадини 3,5-5 фоиз миқдорида бўлишини келишиб олган эдик. Аслида эса, бу миқдор 3 фоиздан ҳам камроқ бўлди.

Пул эмиссияси ҳам камайди.

Энергетика масаласида тўла мустақилликка эришиш арафасида турибмиз.

Бу йил ғалла ҳосили мўл бўлди. Худо хоҳласа, янаги йилда четдан бир килограмм ҳам ғалла сотиб олмаймиз.

Бу йил пахта ҳосилининг чўғи ҳам ёмон эмас. Иншооллоҳ, пахтадан мўл хирмон кўтариб, дунё олдида юзимиз ёруғ бўлғуси.

Хусусийлаштириш жараёни жадал суръатлар билан амалга ошмоқда. Қишлоқ жойларда бу жараённинг тезлашганини алоҳида

этироф этиш жоиз.

Яна бир қувончли натижа шуки, ўзбек сўмининг тўлиқ ички конвертациясини таъминлаш арафасида турибмиз.

Айни замонда, қимматбаҳо қоғозлар бозори жиддий равишда жонланганини ҳам айтишимиз зарур.

Буларнинг барчаси, мухтарам дўстлар, келажакка умид ва ишонч билан қарашга ҳуқуқ беради.

Қадрли халқ ноиблари!

Ташқи сиёсат борасида қисқача гапирадиган бўлсак, дадил айтиш мумкинки, Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Бугун дунё сиёсати минбарида Ўзбекистоннинг ўз овози ва ўз обрўси бор.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўз йўлига ва залворли сўзига эга. Ташқи сиёсатдаги энг асосий мезонимиз, энг аввало, миллий давлатимиз манфаатларини кўзлаб, уларни барча имкониятлар билан ҳимоя этган ҳолда иш юритишдан иборат.

Фахр билан айтишим мумкинки, биз ҳеч қачон бошқаларнинг кўргазмаси билан иш тутганимиз йўқ. Биринчи кунлардан бошлаб барча давлатлар ва халқлар билан дўстона сиёсий ва маданий муносабатлар, тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқалар ўрнатиш йўлидан бордик.

Ва бу йўл ҳам ўзини оқлади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, халқаро ҳуқуқнинг мустақил иштирокчиси - субъекти сифатида башарият аҳлига танилди.

Яна бир фикрни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сиёсати ва иқтисодидаги ижобий ўзгаришлар ҳамда мамлакатда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик вазияти жаҳон ҳамжамияти, обрўли халқаро ташкилотлар, хориждаги етук сиёсатчилар ва раҳбарлар тарафидан юксак баҳоланмоқда.

Бу ташқи алоқаларимизнинг жадал ривожидида ҳам яққол кўринади.

Кейинги ойлар давомида Украина Президенти Леонид Кучма, Индонезия Президенти жаноб Сухарто, Германия Федерал Президенти жаноб Герцог, Покистон Бош вазири Бхутто хоним,



Туркия Бош вазири Чиллер хоним, Россия Федерацияси ҳукумати раиси жаноб Черномирдин, Словакия Бош вазири ўринбосари жаноб Козлик расмий зиёрат билан ташриф буюрдилар.

Шу давр мобайнида АҚШ мудофаа вазири жаноб Перри, Германия давлат вазири жаноб Шэфер, Швейцария Конфедерацияси ташқи ишлар вазири жаноб Котти билан ғоят самарали расмий учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбарияти ўз навбатида Молдова, Латвия, Литва мамлакатларига расмий сафар қилди.

Сафарлар давомида жуда кўп ўзаро фойдали ҳужжатларга имзо чекилди ва бу ҳужжатлар ўзининг амалий натижасини бера бошлади.

Ўзбекистон давлатининг сиёсий ва иқтисодий қурбидан дарак берувчи биргина мисолни келтирмақчиман. 1991 йилдан бери Ўзбекистон ва Россия ўртасида икки тарафлама иқтисодий, маданий ва илмий алоқалар бўйича 50 дан ортиқ турли ҳужжатлар имзоланган эди. Жаноб Черномирдин ўз сафари чоғида бу ҳужжатларнинг барчаси амалга ошаётганини, Ўзбекистон тарафи барча шартномаларни ҳалол ва ўз вақтида бажараётганини эътироф қилди.

Муҳтарам депутатлар!

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг регионал интеграция, хавфсизлик ва барқарорлик масаласида Марказий Осиёда тутган ўрнини ҳамма яхши тушунади.

Бундан икки йил олдин Ўзбекистон раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, илк марта Тошкентда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мавзуга бағишланган доимий кенгаш-семинар ташкил этишни таклиф қилган эди.

Ниҳоят, бизнинг таклифимиз амалга ошди. Яқин кунларда БМТнинг доимий кенгаш-семинари Тошкентда иш бошлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноблари бизга йўллаган махсус мактубида Ўзбекистоннинг регионда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини эътироф этди. Унинг халқаро семинар ишига муваффақият тилагани сизларга матбуот хабарларидан яхши маълум.

Бўлажак халқаро кенгаш-семинар Ўзбекистоннинг нафақат ўз минтақамизда, балки дунёда ҳам нуфузини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Биз тинчлик ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа обрўли халқаро форумлар доирасидаги саъй-ҳаракатларимизни янада фаол давом эттирамиз.

Муҳтарам халқ депутатлари!

Энди мен учун энг нозик, энг мураккаб бир масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ҳурматли парламентимиз - Олий Мажлис ташаббуси билан Президент ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш масаласига бағишланган умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.

Референдум пайтида халқимиз менга жуда юксак ишонч билдирди. Бу ишончдан менинг, шу халқ фарзандининг, бошим осмонга етди.

Бу юксак ишончни оқлаш учун инсон умри камлик қилади. Шунинг баробарида халқимиз менинг зиммамга шундай улкан, буюк масъулиятни ҳам юкладики, мен бу масъулият залворини жуда яхши англайман ва ҳис қиламан.

Муҳтарам биродарлар!

Мен ўтиш даврида ҳокимият тармоқларининг фаолиятини даврий жиҳатдан ўзаро мослаштирув объектив зарурат эканини тушунганим учун ҳам, президентлик ваколатларини яна уч йилга чўзишга розилик бердим.

Айни замонда, муҳтарам депутатлардан ва халқимиздан ваколатим чўзилган уч йиллик муддатни президентлик ваколатларининг иккинчи муддати деб ҳисоблашни илтимос қилган эдим.

Нима учун шу масала кун тартибига қўйилди? Нима мақсадда шу масала Сиз муҳтарам депутатларнинг, Сиз орқали сайловчиларнинг қарорига қўйилди?

Биринчидан, халқимиз олдида, бизга ишонч билдирган, ўз тақдирини ишониб топширган инсонлар олдида мансабга интилиш, мансабга ёпишиб олиб, лавозимда туриш муддатини атай узайтириш

ҳеч қачон асл мақсадимга кирмаганини кўрсатиш, исботлаш керак эди.

Иккинчидан, биз бугунги вазиятни, мавжуд бўлган муҳитни, албатта, инобатга олишимиз шарт эди. Модомики, биз янгича ҳаёт, янгича демократик жамият қурмоқчи эканмиз, модомики, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда очик-эркин, демократик, халқ иродасига асосланган ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган давлат қурмоқчи эканмиз, нафақат яқин-йироқ қўшни мамлакатлар олдида, балки бутун дунё жамоатчилиги олдида ҳам ўзимизнинг шу ҳолисона ниятимизни, демократик тамойилларга содиқ эканимизни намойиш қилиш ҳамда Ўзбекистонда қурилаётган янги давлат ва жамият обрўсини кўтаришимиз лозим.

Учинчидан, четда туриб, жамиятимизда устувор бўлган соғлом муҳитни булғатиш, орамизга адоват, низо, норозилик, ҳар хил фитна уруғини сочиб, шундан шахсий манфаат топиш ҳаракатида бўлган ғанимларимизнинг ҳар хил сафсата, ғаразли, бўҳтон, тухмат гапларни тўқиб чиқаришига имкон бермаслик нияти зоҳир эди.

Тўртинчидан, мен Ўзбекистон давлати раҳбари сифатида, ўз шахсий мисолимда мамлакат тарихида, жамиятимиз ҳаётида, энг аввало, ўсиб-униб, кучга кириб келаётган ёш авлодларга ўрнак бўлишни, уларга ибрат беришни хоҳлардим. Мамлакат, вилоят, туман ва умуман ҳар қандай жамоа миқёсида ўз амалига ишониб юрган одамларга, энг аввало, раҳбарларимизга шу ниятни етказишни хоҳлардим.

Бешинчидан, мана шундай ҳаракат, услуб билан бахту саодат лавозимда, мансабда эмас, балки жамиятга, халққа ҳолисона хизмат қилишда, деган ақида биз учун оддий бир одатга айланишини хоҳлардим.

Мана шундай мақсадлар Олий Мажлиснинг II сессиясида мен баён қилган фикр замирида мужассамлашган эди. Лекин мен ҳар доим - нафақат Президент сифатида, балки шахс ва фуқаро сифатида ҳам-омманинг, жамоанинг, халқимизнинг иродаси-қарори, унинг билдирган ишончи - бутун ҳаётимда, фаолиятимда ҳал қилувчи, тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо, деб қабул қилганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншооллоҳ.

Шундай экан, Сиз, мухтарам халқ ноиблари, халқимиз иродасига асосланиб, қабул қилган қарор мен учун ҳам қонундир.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани айтмоқчиман: халқимизнинг ваколатли вакиллари - Сиз, мухтарам халқ ноиблари билан сафдош, елкадош, ҳамнафас бўлиб, ҳар доим одамлар қалбидан хабардор бўлиш, уларга ҳар доим садоқат, иймон ва ихлос билан хизмат қилиш мен учун юксак шарафдир.

Азиз дўстлар! Юртдошлар!

Ўтган давр ва бугунги ҳаётимиз муаммолари бизнинг дунёқарашимизни бемисл равишда кенгайтди, кўзимизни очди.

Янги ҳаёт, янги жамият қуриш, бошлаган ислохотларимизни пировардига етказиш, биз кўзлаган, биз интилаётган манзилларга етиш, қисқа қилиб айтганда, халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, энг муҳим муаммолар орасидан асосий тўрт тамойил ни, асосий тўрт шартни алоҳида таъкидлаган бўлура эдим.

Биринчиси. Биз бундан буён ҳам юртимиздаги тинчлик-тотувлик, барқарорликни кўз қорачиғидай сақлаш, ёвуз, ғаразли ёмон кўзлардан - ҳаракатлардан асраб-авайлашимиз керак.

Иккинчи шарт. Мулкчилик масаласида кескин ва қатъий ўзгаришлар яшаш зарур. Мулк ўз эгасига тегиши лозим. Ундан кейин шу мулкни асраш учун, ҳимоя қилиш учун, уни кўпайтириш учун, унинг шахсга, оилага, жамоага хизмат қилиши учун курашиш мумкин. Чунки, ҳақиқий мулк эгалари, янги пайдо бўлган мулкдорлар синфи шу давлатни, шу ижтимоий тузумни тиклаш учун, равақ топтириш ва қўриқлаш учун ўзини аямайди.

Яна бир бор бугунги кунда муҳим бир масалага, олдимизда тўсиқ бўлиб турган масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзининг ҳалол меҳнати билан ўзига бойлик топаётган одамларни қувиш эмас, қўллаб-қувватлаш керак. Бу масала, аввало, маъмурий идоралар, ҳокимларга боғлиқ.

Учинчи муҳим масала - одамларимизнинг, аввало, фаолларимизнинг, жамоатчилигимизнинг тафаккурини ўзгартириш даркор. Жамиятга янгича фикрловчи одамлар керак. Боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ўзининг кучига, ақлу заковатига, қурбига, ўзининг мулкига ишониб, ёруғ келажак, муносиб, эркин ҳаёт учун

тинимсиз курашиш лозим.

Тўртинчи шарт. Одамларимиз, жамиятимиз мафкурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак.

Истиклолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

Бу буюк ғоялар ҳар биримизнинг қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик - муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак.

Муҳтарам халқ ноиблари!

Сизларни, Сиз орқали бутун Ўзбекистон аҳлини яқинлашиб келаётган буюк айём билан яна бир бор самимий табриклашга ижозат бергайсизлар.

Адолат ва бунёдкорлик йўлида Яратганнинг ўзи доим бизга мададкор бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясида  
сўзланган нутқ, 1995 йил 30 август*

## ВАТАН МАНГУ ҚОЛАДИ

Азиз ватандошлар!

Ардокли меҳмонлар!

Бугун - Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон халқи учун энг буюк байрам.

Истиклолимизнинг тўрт йиллик муқаддас тўйини нишонлар эканмиз, шу мўътабар ва гўзал заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг юраги ғурур ва ифтихорга тўлиши табиийдир.

Бизнинг қадимий ва бой тарихимизни, улуғ аждодларимиз ва улар қолдирган бекиёс маданий мерос башарият маданияти ва ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганини бутун жаҳон тан олади.

Она юртимиз Ўзбекистон тупроғида, бетакрор ва гўзал диёрда не-не улуғ аждодлар ва буюк зотлар яшаб ўтдилар. Улар биз ворис бўлиб турган бугунги тарих ва маданиятни бизга мерос қилиб қолдирдилар.

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз - Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

Биздан мангу қоладиган нарса - Ватан шону шухрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.

Муҳтарам дўстлар!

Ўтган тўрт йил мобайнида оламшумул воқеалар, ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ҳаётимиздаги бошқалар ҳавас қилса арзийдиган катта ўзгаришлар меҳнаткаш халқимиз меҳнати туфайли амалга ошди.

Тўрт йил ичида Ўзбекистон салоҳияти, унинг улуғвор истиқболи

бутун дунё томонидан тўлиқ эътироф этилди.

Тўрт йил ичида биз буюк келажагимизнинг маънавий асосларини белгилаб олдик.

Миллий қадриятларимизни тикладик.

Буюк аждодларимизнинг муборак номларини миллат боши узра баланд кўтариб, уларнинг рухларини шод этдик.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақладик. Барқарорлик шароитида миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдеворини куриб олдик.

Халқимизга эркин ва муносиб ҳаёт яратиш йўлида улкан ислохотларни бошладик ва уларни изчил давом эттирмақдамиз.

Энг асосийси - юртимизда инсоний меҳру оқибат устувор бўлиб турибди. Ёшу қари баробар келажакка катта умид ва комил ишонч билан қарамоқда.

"Ватан мен учун нима берди?" деб эмас, балки "Мен Ватанга нима бердим? деган эзгу фикр билан яшаётганлар, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар тобора кўпайиб бормоқда.

Бу - бугунги замонамизнинг, бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим белгиси - нишонидир!

Қадрли биродарлар!

Шу байрам кунларида юртимизда бунёдкорлик руҳи устун эканини, халқимизнинг яратувчилик салоҳияти тобора кучайиб бораётганини ҳаммамиз ҳам теран ҳис этамиз ва бундан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, бу ҳол, бу ютуқ бугунги нотинч ва таҳликали замонда биз эришган буюк қудрат ва ифтихор туйғусидан ёрқин далолатдир.

Албатта, биз интилаётган мақсадга етиш учун, танланган йўлимизда собит қадамлар билан бориб, пировардида авлодаждодларимиз орзу қилган адолатли демократик давлат ва жамият куриш, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш учун ҳали кўпдан-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп синовлардан ўтишимиз кераклигини биз жуда яхши англаймиз.

Биз яхши биламизки, ҳаёт - тинимсиз изланиш, тинимсиз курашдир. Халқимизнинг бошидан кечирган не-не қийинчиликлари, мардона меҳнатининг самарасини кўриш, ундан баҳраманд бўлиш

замони - вақти етиб келмоқда.

Мен катта ишонч ва умид билан мана шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман: энг оғир кунларимиз ортда қолди.

Насиб этса, 1996 йил - Мустақиллигимизнинг бешинчи йили - Ўзбекистонимиз учун, халқимиз учун, юртимиз учун юксалиш йили бўлмай, иншооллох.

Азиз дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Бугун буюк байрам арафасида:

- бепоён далаларда, завод ва фабрикаларда буюк келажак орзусида пок ниятлар билан мардона меҳнат қилаётган деҳқонларимизни ва ишчиларимизни,

- халқимиз маънавияти хазинасига муносиб ҳисса қўшаётган олимларимизни, ижодкорларимизни, барча зиёлиларимизни,

- донишманд отахонларимизни, дуоғўй онахонларимизни, мунис ва гўзал аёлларимизни,

- истиқлол юкини елкага олишга шай бўлиб турган мард йигитларимизни,

- гўзал ва ифбатли қизларимизни,

- беғубор болаларимизни,

- хуллас, бутун Ўзбекистон элини буюк сана - Истиқлолнинг муборак тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

Қадрдон юртдошларим!

Президент сифатида шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир одамни алоҳида бағримга босиб, ҳар бирингизга равақ ва омад тилайман!

Эзгу ва пок ниятларимизни амалга оширишда Оллоҳнинг ўзи бизга мададкор бўлсин!

Халқимизнинг насибасини зиёда этсин!

Юртимиз омон бўлсин!

Шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз муродига етсин!

*Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан*



*ўтказилган тантаналарда сўзланган нутқ, 1995 йил 31 август*

## ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛСИН

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам ватандошлар, кадрли меҳмонлар!

Бугун биз Ўзбекистон давлати ҳаётида, халқимиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа муносабати билан бу ерга йиғилдик.

Бугун Сиз билан катта тарихий воқеанинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлиб турибмиз. Ўзбекистон ўз истиклолининг тўрт йиллигини зўр шодиёна билан нишонлаётган ушбу қутлуғ кунларда навқирон давлатимизнинг мустақиллигидан яна бир нишона бўлиб юртимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси барпо этилди.

Аввало, барчангизни ана шу шонли воқеа муносабати билан чин дилдан табрикламоқчиман!

Сизларни - Қуролли Кучлар академиясининг очилишига бағишланган ушбу тантанали йиғилиш иштирокчиларини табриклар эканман, бу ерда хорижий мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва вакиллари ҳозир бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу - Ўзбекистон халқига, Ўзбекистон давлатига ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир белгисидир. Бу - Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш юзасидан ўтказаетган изчил сиёсатга яна бир бор эътибордир.

Тарихнинг ўзи бизга мустақил Ўзбекистон Армиясини оёққа турғизиш, унинг муҳим қисми бўлган малакали ҳарбий мутахассисларни тайёрлайдиган академияга асос солиш имкониятини берди.

Ишончим комилки, йиллар ўтиб, авлодларимиз халқимизнинг мустақиллиги йўлида, унинг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш йўлида қилган ишларимизга муносиб баҳо беради.

Сизнинг ўқув юртингиз Ватанимиз мустақил деб эълон

килинганининг тўрт йиллиги нишонланаётган пайтда очилмоқда.

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги тараққиёти яқунлари биз танлаб олган йўлнинг тўғрилигини ишонарли тарзда кўрсатиб турибди. Бу йўл ўтказилаётган ислохотларнинг изчиллигига, сиёсий барқарорликни сақлашга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга асосланган.

Миллий мустақиллик мафкураси, маънавий ва маданий кадриятлар, маърифат ва адолатга интилиш, Ўзбекистон истиқлолининг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилиш жамиятимиз ва ҳар бир фуқаро ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди.

Бундай ёндашувни бутун жаҳон тушуниб, қўллаб-қувватламоқда. Ҳозирги пайтда жаҳондаги 150 дан ортиқ давлат Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, улардан 74 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Йиғилишимизнинг муҳтарам иштирокчилари!

Ёшлик йилларимизда машҳур бўлган бир қўшиқнинг сўзларини Сизларга эслатмоқчиман: "Бизга бировларнинг бир қарич ҳам ери керак эмас, аммо бир қарич еримизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз". Шу муносабат билан миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосларини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш жуда долзарб масалага айланмоқда.

Бунга ягона давлат сиёсатини ўтказиш, иқтисодий, сиёсий, ташкилий, ҳарбий, ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар тизими билан эришилади.

Шу йил 16 август куни Миллий Хавфсизлик Кенгашининг биринчи мажлисида бу ҳақда гапирилди, Ўзбекистон Республикаси парламенти - Олий Мажлиснинг учинчи сессияси эса мустақил давлатимизнинг ҳарбий доктринасини тасдиқлади.

Сизлар ҳарбий кишисизлар, шунинг учун ҳам Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини ва мураккаблигини аниқ тасаввур қилишларингиз лозим. Бу вазият кескинликнинг сақланиб қолаётгани, ҳарбий хавф ва қуролли можароларнинг доимий ўчоқлари мавжудлиги билан белгиланади.

Тожикистондаги сиёсий беқарорлик, Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни

чигаллаштирувчи омил бўлиб қолмоқда. Биз бир-бирига қарши турган томонлар ўртасидаги низоли масалаларни тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз.

Бундай шароитда яқин даврда ҳарбий куч давлатимизнинг истиқлоли ва ҳудудий яхлитлигини, миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолаверади.

Шу сабабли биз чинакам ватанпарварлар, ўз ишининг юқори малакали мутахассисларидан иборат профессионал армия барпо этиш йўлидан дадил бормоқдамиз.

Мақсадимизни яна бир бор такрорламоқчиман: бу мақсад таркиби, аввало, Ўзбекистонимизнинг, ҳаммамиз учун кадрдон бўлган Ўзбекистоннинг ватанпарварларидан ташкил топган профессионал армиядир. Энг муҳими, бу армия таркибида ўз ишининг юқори малакали мутахассислари бўлиши керак.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳомийлигида тинчлик ўрнатиш бўйича операцияларни ўтказиш ҳарбий доктринада ўртага қўйилган ғояларнинг амалда рўёбга чиқаётганидир. Шунингдек, биз Ўзбекистон фаол иштирок этаётган "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги биргаликдаги ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватламоқдамиз ва унга катта аҳамият бермоқдамиз.

Қуроли Кучлар - давлатимиз хавфсизлиги ва халқимиз тинч ҳаётининг муҳим гарови эканлиги, шубҳасиз.

Таркиби жиҳатидан кам сонли, лекин тез ҳаракат қиладиган, замонавий қурол-яроғлар ва жанговар техника билан жиҳозланган, ҳам мустақил равишда, ҳам МДҲ аъзолари бўлган давлатларнинг Қуроли Кучлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, Ўзбекистоннинг ва Ҳамдўстлик жанубий сарҳадларининг хавфсизлигини ишончли таъминлашга қодир бўлган армия тузиш - бундай Қуроли Кучларни барпо этишнинг асосий қондасидир.

Давлат Қуроли Кучларини жанговар техника ва қурол-яроғларнинг энг янги намуналари билан жиҳозлаш, қўшинларга барча шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳаётини таъминлашнинг, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси мустаҳкам тизимини барпо этиш юзасидан аниқ чораларни кўрмоқда.

Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, ўқув юртингиз қўмондонлиги

юқори малакали зобит кадрлар тайёрлаш юзасидан академия олдига қўйилган асосий вазифалардан келиб чиқиб, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштиришга, яна таъкидлаб айтаманки, миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериши лозим.

Ишни шундай йўлга қўйиш зарурки, токи кадрларни тайёрлаш энг замонавий талабларга мос келсин, ҳарбий фаннинг энг сўнги ютуқлари, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги урушларнинг жанговар ҳаракатлари тажрибаси, хусусан, мен буни алоҳида таъкидламоқчиман, афғон урушидаги жанговар операцияларни ўтказиш тажрибаси ҳисобга олинсин.

Олий зобитларни тайёрлашда Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади лозим. Биз буюк бобомиз Амир Темурнинг саркардалик истеъдоди ва ҳарбий стратегияси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилганини ҳамisha ёдда тутишимиз ва ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Мен ҳозиргина Қуролли Кучлар академияси таркиби ва, аввало, унинг профессор-ўқитувчилар таркиби қандай тўлдирилгани билан қизиқдим. Академия тингловчиларига муносиб кишилар таълим беришлари лозим. Ўз ишини яхши биладиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда тажрибаси бўлган кишилар таълим беришлари керак.

Тўғри, бизда зобитлар тайёрлашда ўзини кўрсатган тўртта ҳарбий билим юрти бор. Олий зобитлар таркибини тайёрлайдиган академия Ўзбекистон Қуролли Кучлари генералитетини тайёрлаб беради. У ҳозирнинг ўзидаёқ жуда юқори малакали мутахассислар, зобитларимизга кўп нарсаларни ўргатишга қодир бўлган профессорлар, ўз ишининг усталари билан тўлдирилиши керак. Мен фахрланиб айтишим мумкинки, зобитларимиз орасида ожиз кишилар йўқ. Зобитларимиз халқимиз билдираётган ишончга муносиб кишилар, деб биламан. Бу масалада Қуролли Кучлар академиясига бизга яна кўп нарсани ўргатиш мумкин бўлган хорижий давлатлар Қуролли Кучлари вакиллари таклиф этишдан уялмаслигимиз керак. Мен Россия Қуролли Кучлари академияси вакиллари, АҚШ, Франция, Германия, Туркия ва бизга ёрдам беришга тайёр турган

бошқа давлатлар академиялари ва олий зобитлар тайёрловчи ўқув юртлари вакилларини назарда тутяпман. Биз бугун зўр мамнуният билан шуни айтмоқчимизки, бу давлатлар элчиларининг бу ерда ҳозир бўлиши бу фикрни тўла тасдиқлайди. Биз контракт асосида хорижий мамлакатларнинг профессор-ўқитувчиларини академияга таклиф этишимиз керак.

Мисол учун, бир взводдан иборат Қуролли Кучларимиз вакилларининг Америкада бўлган ҳарбий машқларда иштирок этишини мен дастлабки тажрибамиз, деб биламан. Бу бизнинг дастлабки ютуғимиздир. Такрор айтаман, бизни шундай доирада қабул қилишгани, бизни тан олишгани, биз билан ҳисоблашаётганлари - ютуғимиздир. Шунинг учун ҳам бизга ўз тажрибаларини ўргатишмоқчи. Мен Президент сифатида буни юксак қадрлайман. Фахрланиб айтишим мумкинки, йигитларимиз, Қуролли Кучларимиз бу биринчи синовдан муносиб равишда ўтдилар.

Бугун таъкидламоқчи бўлган асосий гапим шуки, мен буни очик айтаман: армиямиз мафкурадан холи бўлиши лозим. Бизга ҳеч қандай мафкурани тикиштиришмасин. Биз ҳар қандай "буюк" ғояларга қаршимиз. Биз ўз юртимизда ўзимиз хоҳлаганча, халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча одамларнинг манфаатларига мос келадиган тарзда яшаш, ишлаш ва ўз истиқболимизни белгилаш тарафдоримиз. Зобитларимиз таълим берадиган профессорларга, ўз ишининг мутахассислари бўлган ҳарбийларга мен битта шарт қўяман: ҳеч қандай мафкурага, ҳеч қандай ташвиқотга йўл қўйилмасин. Бу йўлда фақат битта иш: зобитларимизга профессионал бурчини ўргатиш, таълим бериш мумкин. Бизнинг бошқа шартимиз йўқ.

Азиз дўстлар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг очилиши билан самимий табриклайман, мустаҳкам сихат-саломатлик, жанговар меҳнатингизда омад тилайман.

Севиқли ва муқаддас Ватанимизнинг садоқатли ҳимоячилари - ҳурматли ҳарбийлар!

Бугун ўз эшиқларини тантанали суратда очган ҳарбий академиянинг келгуси ишларига, унинг давлатимиз тинчлигини сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг

мудофаа қудратини ошириш борасидаги улкан фаолиятига муваффақият тилайман.

Ишонаманки, академия чинакам ҳарбий маҳорат мактаби бўлиб қолади, бу даргоҳда таълим олган мард ва шижоатли ўғлонларимиз ватанимизнинг жасур, фидойи посбонлари бўлиб, халқимизга садоқат билан хизмат қиладилар.

Ҳаммангизга сихат-саломатлик, мураккаб ва масъулиятли ишларингизга ривож тилайман.

Амир Темур бобомизнинг мангу руҳи, тенгсиз ҳарбий салоҳияти, ақл-заковати ҳамиша Сизларга ёр бўлсин, мураккаб хизматингизда Сизларга куч-қувват бағишласин!

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясининг  
очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 2 сентябрь*

## СПОРТ - БИРДАМЛИК ВА ТОТУВЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Муҳтарам биринчи Марказий Осиё ўйинларининг иштирокчилари ва меҳмонлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мен Сизларни меҳмондўст ўзбеклар диёрида қутлаётганимдан, барчангизни биринчи Марказий Осиё ўйинлари очилиши билан табриклаётганимдан хурсандман.

Бу улкан спорт байрами халқимиз ҳаётидаги тарихий шонли воқеа - Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига тўғри келгани чуқур рамзий маънога эга.

Барчага маълумки, спорт ҳар доим тинчлик элчиси, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашнинг ноёб воситаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шу юксак минбардан туриб бугун қардош мустақил давлатлар: Қозоғистон ва Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ва, албатта, Ўзбекистон спортчиларини чин қалбдан табриқлайман.

Стадионларда ва спорт майдонларида ҳалол, очиқ спорт курашида энг кучли ва саботлилар ғолиб чиқишига ишонаман. Улар мардлиги, истеъдоди ва маҳорати билан инсон имкониятлари чексизлигини яна бир бор исботлайдилар, куч, нафосат ва уйғунликни, ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланадиган фазилатларни яна бир бор намоиш қилдилар, деб ишонаман.

Ҳозирги олимпия ўйинларининг асосчиси Пьер де Кубертэн ялпи тинчлик шахсининг ҳар томонлама камол топиши учун интилишига асосланган антик олимпия ўйинлари эркинлик, тинч мусобақа ва жисмоний камолот руҳининг қайта тикланишига кўмак беради, деб орзу қилган эди. У спортни ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг аниқ имкониятларидан бири деб биларди.

Ишончим комилки, тарихда илк бор бўлиб ўтаётган биринчи Марказий Осиё ўйинлари олимпия ҳаракатининг олижаноб анъаналарини давом эттириб, халқлар ўртасида бирдамлик ва



ҳамкорликни қарор топтиришга, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, пойтахтимизда биринчи Марказий Осиё ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни қўллаб-қувватлаганликлари ва ёрдам берганликлари учун Халқаро Олимпия қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч ва Осиё Олимпия кенгаши бош қотиби жаноб Сингхга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мен, шунингдек, республикамизнинг бош стадиони - "Пахтакор"га қадимий олимпнинг муқаддас оловини олиб келган қадимий Эллада вакилларида астойдил миннатдорман.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Марказий Осиё ўйинлари куч, нафосат, ёшлик, истеъдод ва мардликнинг ёрқин байрамига айланади, ҳозирги замонда инсоннинг жисмоний ва маънавий камолоти, унинг уйғун тарзда ўсиши энг асосий қадрият эканини намойиш қилади, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз.

Мусобақаларнинг барча иштирокчиларига мустаҳкам сихат-саломатлик, бахт-саодат, спорт беллашувларида муваффақият ва омад тилайман.

*Тошкентда 1 Марказий Осиё ўйинлари очилиши маросимида  
сўзланган нутқ, 1995 йил 2 сентябрь*

## ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Муҳтарам Эдуард Амвросиевич!

Азиз дўстлар!

Биз Сизни, Эдуард Амвросиевич, Сиз бошқараётган Грузия давлати делегациясини Ўзбекистон диёрида улкан эҳтиром туйғуси билан қутлаймиз.

Сизнинг Ўзбекистонга илк ташрифингизга, суверен ва мустақил Грузия делегациясининг илк ташрифига ўзбек ва грузин халқларининг ўзаро ҳурмати, иккала давлатнинг дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга бўлган самимий истагининг бир кўриниши, деб қараймиз.

Грузин ва ўзбек халқларининг тарихий тақдирларида жуда кўп ўхшашлик бор. Бизнинг тарихимиз ва маданиятимиз жуда қадимийдир, биз аجدодларимиз анъаналари ва урф-одатларини муқаддас деб биламиз. Сизлар ҳам, бизлар ҳам ўз минтақаларимизда марказий ўринларни эгаллаб турибмиз.

Грузинлар ва ўзбекларнинг серҳосил ерлари, ер ости бойликлари асрлар мобайнида турли босқинчиларнинг кўзини ўйнатиб келган, аждодларимиз эса, доимо бу ерларни талончилардан ҳимоя қилиб келганлар.

Жаҳон маданиятининг улкан намояндалари орасида бизга тинчлик, бунёдкорлик, ватанга садоқатни васият қилиб қолдирган Шота Руставели ва Алишер Навоийнинг номлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда, ҳозирги қийин пайтларда ҳам бизнинг асосий ташвишимиз давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор барпо этишдан иборат.

Мен мана шу барча муҳим масалалар бўйича Грузия раҳбари жаноб Шеварднадзе билан тўла ҳамфикр эканимиздан хурсандман. Биз Эдуард Амвросиевични йирик давлат ва сиёсат арбоби, озод Грузиянинг ҳақиқий ватанпарвари, барча кучи ва улкан тажрибасини ўз халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган инсон сифатида

биламыз.

Ишончим комилки, биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ҳолда қийинчиликларни тезроқ енгиб ўтамыз, давлатларимиз олдида турган мақсадларга тезроқ эришамиз. Ўзбекистон бу йўлда грузин қардошлари учун ҳар доим садоқатли дўст ва ишончли ҳамкор бўлиб қолади.

Ошқора суҳбат мобайнида биз МДХ доирасида ҳам, кенг халқаро майдонда ҳам саъй-ҳаракатларимизни янада яхшироқ мувофиқлаштириш ҳақида келишувга эришдик.

Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги янги ўзаро муносабатларга асос бўлишига аминман.

Ҳозир Грузияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам халқларимиз ва давлатларимиз келажаги учун улкан аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бошланган ўзгартиш ва ислохотларнинг асосий мақсади халқларимиз учун яхши турмуш шароити яратиш, ҳар бир кишининг салоҳияти ва имкониятини тўла юзага чиқаришдан иборат.

Бу йўлда кўпгина мураккабликлар ҳам бор, албатта. Ислохотлар жараёни ҳеч қаерда ва ҳеч қачон осон кечмаган. Ўтмиш қолдиқлари, тафаккур қоқоқлиги, эскича фикрлаш, ҳаммани тенглаштириш, боқимандалик психологияси ва бошқа йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этишимиз лозим.

Тарихан қисқа муддат ичида иқтисодиётда чуқур тузилма ўзгартишлари қилиш, бутун хўжаликни бозор иқтисодиёти йўлига ўтказиш учун чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш зарур.

Мана шу мураккаб вазифаларни ҳал қилишга киришар эканмиз, биз Ўзбекистон ўз шарт-шароит ва имкониятлари, халқимизнинг анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда ўз йўлидан боради, деган қарорга келдик.

Биз Ўзбекистон халқининг амалга оширилаётган ва ишончимиз комилки, барқарор тус олган ислохотларни қўллаб-қувватлашини мустақиллик йилларидаги саъй-ҳаракатларимизнинг энг муҳим якуни, деб биламыз.

Биз халқимиз, жамоатчилигимизнинг бундай мададини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар муваффақиятининг муҳим шarti, деб биламыз.

Очиғини айтаман: биз белгилаган туб ўзгартишларнинг моҳиятини Ўзбекистондан ташқарида дастлаб ҳамма ҳам бир хилда идрок этгани йўқ.

Шу ўринда буюк Шота Руставелининг: "Жангни ташқаридан кузатган ҳар қандай киши ўзини саркарда ҳисоблайди", деган сўзларини эслаш жоиздир. Бизга ақл ўргатмоқчи бўлганлар ҳам анчагина эди, бироқ биз ўз аҳдимизда қатъий турдик.

Бугун сохта камтарликларсиз айтиш мумкинки, "Ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт модели республикадан ташқарида тобора машҳур бўлиб бормоқда.

Биз асраб қолишга муваффақ бўлган энг катта бойлик - мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликдир. Уч йилча бурун жамиятимиз ҳаётининг барча томонларини белгилаб берувчи мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинди. Янги парламент - Олий Мажлисга сайлов ўтказилди. Ҳақиқий кўп партиялилик пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда республикада тўртта сиёсий партия ва бир қанча жамоатчилик ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий ислоҳот ҳам ўтказилди. Қабул қилинган қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, жамиятни демократиялашни чуқурлаштиришга, бозор ислоҳотларини сакрашлар ва фалаж қилувчи ҳолатларсиз тезлаштиришга қаратилган.

Иқтисодий сиёсатда биз ижтимоий томонларни доимо ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз.

Аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни мунтазам равишда ошириб бориш, даромадларни индексация қилиш амалга оширилмоқда. Миллий валюта - сўм жорий қилинган бўлиб, у ҳозирнинг ўзидаёқ ички конвертацияга эга бўлди. Пул кадрсизланиши суръатлари мунтазам равишда ва изчиллик билан пасайиб бормоқда, давлат бюджети барқарорлик билан деярли камомадсиз бажарилмоқда.

Иқтисодиёт тузилмасида ҳам чуқур ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Биз асосий тармоқлар - қишлоқ хўжалиги, ёнилғи-энергетика ва қазилма мажмуига, машинасозликка, енгил ва қайта ишлаш саноатига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана шу ва бошқа тармоқларга йирик давлатлар маблағлари ажратилган, салмоқли хорижий сармоялар жалб этилган. Бу бизга аста-секин, бироқ дадиллик билан илгариги, шўро салтанати давридаги хом ашё берувчилик вазифасидан қутулиб, рақобатбардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришимизга имкон беради.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Биз муқаррарлик туси берган хусусийлаштириш ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Бу гапларни рақам ва далиллар билан исботлашга зарурат бўлмаса керак. Улар, азиз меҳмонлар, Сизларга яхши маълум. Шуни айтиш кифояки, илгариги хўжалик алоқаларининг узилишидаги барча мураккабликлар ва бу мураккабликлар келтириб чиқарган салбий жараёнларга қарамай, МДХдаги барча давлатларга нисбатан бизда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиш суръати энг камдир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи йўқ. Биз нефть мустақиллиги арафасида турибмиз. Янаги йилда эса, ғалла мустақиллигига эришамиз. Бугунги кунда бутун республикада юзлаб янги замонавий корхоналар қурилмоқда.

Мен бугун таъкидламоқчи бўлган муҳим бир фикр: Ўзбекистонда ўтмишни қўмсаш йўқ. Халқимиз назари фақат келажакка, фақат олға қараган. Орқага қайтиш йўқ ва қайтилмайди ҳам.

*Грузия давлати раҳбари, Грузия Парламенти Раиси Э. Шеварднадзе шарафига уюштирилган қабул маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 4 сентябрь*

## **МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН**

Мухтарам делегация бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни қадимий Ўзбекистон диёрида чин дилдан қутлайман ҳамда Тошкент кенгаш-семинарининг барча иштирокчиларига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизларнинг юртимизга ташрифингиз минтақамиз тақдири учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу анжуманни ўтказиш имконини берди.

Мазкур учрашувимизнинг кўпгина яхши нишонлари бор. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги арафасида тўпланиб турибмиз. Бугунги анжуманни ўтказишга тайёргарлик ҳам айнан ана шу мўътабар ташкилотнинг ташаббусимизни маъқуллаши ва қўллаб-қувватлаши туфайли бошланган эди. Бизнинг ташаббусимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлагани учун жаноб Бутрос Бутрос Ғолийга миннатдорлигимизни айтишга ижозат бергайсизлар. Биз БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан кўрсатилаётган доимий ёрдам учун ҳам миннатдормиз.

Биз бу ерда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти делегациясини қутлашдан ҳам хурсандмиз. Кенгаш ташкилотчилари бу мўътабар ташкилот билан фаол ҳамкорлик қилишдан умидвордир.

Тошкент кенгашида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси бўлган давлатларнинг кўзга кўринган сиёсий вакиллари, Марказий Осиё билан чегарадош мамлакатларнинг салмоқли делегациялари иштирок этаётгани бизга бу кенгашни ўтказиш зарурлигига ишонч бағишлайди.

Биз Ўзбекистондаги бошқа давлатлар элчилари, шунингдек тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидаги фаолияти билан ҳурмат-эътибор қозонган олимларни ҳам самимий қутлаймиз.

Биз анжуманимиз ишида Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) иштирок этаётганига ҳам катта аҳамият билан қараймиз.

Ўзбек халқи анъаналари орасида қўшниларга хурмат-эътибор алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мен Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон делегациялари шаънига алоҳида самимий миннатдорлик сўзларини айтаман.

Уларнинг Тошкент анжуманида иштирок этиши - бизнинг Марказий Осиёдаги аҳиллигимиз ва бирлигимизнинг ҳам қўллаб-қувватланиши, ҳам бу аҳиллик ва бирликнинг энг ишончли далолатидир.

Минтақада вужудга келаётган вазиятни чуқур таҳлил қилиш, Тошкент учрашувида муҳокама қилиш учун минтақавий ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар мажмуини белгилашдек меҳнатни ўз зиммасига олган экспертларга ҳам миннатдорлик билдириш ниҳоятда адолатли иш бўлур эди.

Биз Тошкент учрашуви мақсадларини жуда қисқа - бор-йўғи уч сўзда ифодалашга ҳаракат қилдик. Бу: Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик сўзлари ҳеч кимда эътироз уйғотмаса керак.

Биринчиси - давлатлар ва халқлар ўртасидаги тинчлик, ўзаро хурмат ва ишонч, суверенитет ва мустақилликни сўзсиз тан олиш, куч ишлатишдангина эмас, куч ишлатиш билан қўрқитишдан ҳам тўла воз кечишдир.

Иккинчиси - сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг, ислохотлар олға силжиши ва амалга ошишининг, инсон ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида тараққиётга эришининг муҳим шарти бўлган барқарорликдир.

Учинчиси - биринчи галда давлат ва жамият тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатларини рағбатлантирувчи ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли шериклик асосида амалга ошириладиган иқтисодий интеграция жараёнларидан иборат ҳамкорликдир.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугунги учрашувимиз - энг аввало, кўпгина давлатларнинг илгари минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг мантиқий натижаси ва қонуний давомидир.

Бугунги учрашувимиз арафасида ўтказилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик

ташкilotи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё давлатлари давлатлараро кенгаши вакилларидан ташқари 16 мамлакатдан келган экспертлар иштирок этган экспертлар кенгаши ҳам бу давлатларнинг Марказий Осиёнинг тинчлик, барқарорликда ривожланишидан манфаатдор эканини кўрсатди.

Тошкент анжумани илгари бу йўналишда ташланган қадамларни рад ҳам, тафтиш ҳам қилмайди. Аксинча, кўпгина экспертлар эътироф этганидек, уларнинг мазмунини бойитади, ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги шакллари учун шароит яратади.

Кўпгина экспертларнинг бир ярим ҳафта бурун бу ерда изҳор этган фикрлари унинг муҳим томонларини аниқлаб олиш имконини беради.

Энг аввало - бу ана шундай учрашувларнинг маслаҳат ва кенгаш тусида ўтишидир. Бизнинг назаримизда, бу шакл эркин фикр алмашувга яхши шароит яратади, нуқтаи назарларни таққослаш ва бир-бирига яқинлаштириш, биргаликда ташаббуслар кўтариб чиқиш имконини беради.

Тошкент кенгаш-семинари бошқа халқаро ташкilotларга асло қарама-қарши қўйилмайди ва уларнинг ишини такрорламайди.

Биз мазкур семинарни минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик тизимини ўрнатиш ва уни олға силжитиш йўлида, Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва халқлари учунгина эмас, балки бу минтақага чегарадош улкан ҳудуд учун ҳам жуда зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асосни шакллантиришда турли фикр ва ёндашувларни юзага чиқариш ва уларни бир-бирига яқинлаштиришдан манфаатдор бўлган анжуман деб баҳолаймиз. Буларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкilotи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotи ва бошқа халқаро ташкilotларнинг барча қабул қилган, барча томонидан эътироф этилган меъёр ва механизмлари доирасида бўлади.

**Хонимлар ва жаноблар!**

Янги жамият қураётган, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлида дадил олға бораётган Ўзбекистон учун, бошқа қўшни суверен давлатлар сингари, амалда давлат чегаралари бўлмаган мазкур минтақада тинчлик ва барқарорлик керак.



Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган оламшумул ва минтақавий жараёнлар ўртасидаги узвий алоқа тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Оламшумул хавфсизлик ва умумий тараққиётга эришиш минтақавий барқарорликни ўрнатиш ва бир-бирини англашга бевосита боғлиқ экани барчага маълум.

Биз Марказий Осиё деб атайдиган, дунё қарийб юз йил давомида унутиб қўйган жуғрофий-сиёсий маконнинг бугунги кунда ўзини янги сифати билан кўрсатаётгани сиёсий шароитда кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Айни пайтда, бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини жалб этаётган Марказий Осиё уларнинг ташқи сиёсий йўли стратегиясини шакллантиришда муҳим ва ҳал қилувчи унсур бўлиб қолмоқда.

Биз, янги мамлакатлар раҳбарлари, ўз муаммоларимиз хусусида мунозара қилишга ўрганиб қолганмиз.

Бироқ, биз яшаётган дунё торгина эмас, жуда мураккаб эканлигини идрок қилмасдан туриб, бу муаммоларни ҳал қилиш мумкинми?

Биз бир-биримиздан қочмаслигимиз керак.

Биз бир-биримизни тушунишга мажбурмиз.

Биз бу учрашувда бемалоллик ва эркинлик, турли фикрларга ҳурмат ва тоқат билан қараш шароитида ҳар бир иштирокчининг минтақадаги вазият хусусида ўз фикрини очиқ айтиш истаги пайдо бўлишини, уларнинг қўйилган мақсадларга эришиш йўллари тўғрисидаги фикрларини баён қилишини жуда-жуда истар эдик.

Кўп томонлама мулоқотни қандай йўлга қўйиш мумкин?

Олдинга ташланадиган қадамлар қандай ва нималардан иборат бўлиши лозим?

Учрашувимиз шиорини қандай амалга ошириш мумкин?

Муҳтарам кенгаш қатнашчилари!

Ҳар бирингизнинг папкангизда Баёнот лойиҳаси бор. Бу - коллектив ҳужжатдир. Сизлар бу лойиҳага вазият ҳақидаги тасаввурингиз, тинчликни мустаҳкамлашга, барқарорликни таъминлашга, хавфсизликни кафолатлашга доир фикрларингизни қўшингиз. Ундаги бир-бирини ўзаро англаш ва ҳамкорликка ҳалақит

берадиган барча нарсани чиқариб ташланг.

Минтақамиз хусусияти, унинг жуғрофий-сиёсий аҳамияти шундайки, воқеалар салбий тус олган тақдирда, бу ер бутун дунёдаги бекарорлик ўчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалар 60 миллион киши тақдирига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу мамлакатлардан келаётган хавф Марказий Осиё давлатлари учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Келинглари, минтақада тўпланган қуролларнинг катта захираси солаётган таҳлика, янги қурбонлар қидириб тарқалаётган нарқобизнес, экология танглиги, аҳолининг назоратдан чиқиб кетган кўчиши, уюшган жинойтчилик ўрнида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик Марказий Осиёдаги ҳақиқатга айланиши учун нима қилиш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Хавфсизликни таъминлаш бўйича энг оддий механизмларнинг йўқлиги, давлатлар ўртасидаги мунозарали масалаларни ҳал қилишдаги тарқоқлик воқеалар салбий тус олган тақдирда минтақадаги нисбий барқарорликни барбод қилиб, олдиндан билиб бўлмайдиган миқёсларда ҳалокатлар келтириб чиқаришга қодир.

Айни пайтда, можароли вазиятларни бартараф қилиш хусусида гапирар эканмиз, биз ҳаққоний вазиятни ҳисобга олишимиз керак. Бир тўртки билан Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин, деган фикр жуда жўн фикрдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, тинчликка қадам-бақадам, муҳолиф томонларга бир хилда мақбул келадиган муайян, аниқ бажариб бўладиган босқичлар орқали ҳаракат қилиш зарур.

Бизнинг назаримизда, тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш жараёни қуйидаги ўзаро узвий боғлиқ унсурлардан ташкил топиши лозим:

- низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;
- барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши;
- томонларнинг бир-бирига ён бериш ва мураса йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;
- бу жараёнда БМТ, ЕХҲТ, ИКТ ва бошқа халқаро

ташкilotларнинг фаол иштирок этиши ва ҳомийлик қилиши;

- ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;

- қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўйилмаслиги;

- маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян тақиқлаб қўйиш.

Хавфсиз дунё - умуман, бутун инсоният учун ҳам, ҳуқуқлари учун курашда озмунча найзаси синмаган ҳар бир инсон учун ҳам олий мақсаддир. Бугунги кунда жаҳондаги кўпгина минтақаларда юз бераётган, одамларни энг асосий ҳуқуқи - яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилаётган қонли тўқнашувлар тўхтатилмас экан, инсон ҳуқуқлари ва инсоният тараққиёти соҳасида эришилган ютуқлар тўғрисида жиддий гапириб бўлмайди.

**Муҳтарам Тошкент анжумани иштирокчилари!**

Биз саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, энг асосий қоида ҳозирги замон жамият тараққиётининг бебаҳо бойлиги, ҳатто минтақада барқарорликни ўрнатишнинг муҳим шарти сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат-эҳтиромни мустаҳкамлашимиз керак. Биз сиёсий ва иқтисодий ислохотларни олға силжитишимиз, нарқобизнес ва терроризмга, минтақавий ва жаҳон ҳамкорлиги жараёнлари ривожига халақит берадиган барча иллатларга қарши курашишимиз лозим.

Хавфсизлик тушунчаси фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, инсонийлик ва бошқа белгиларни ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кучайди.

Биз, экология ҳалокати марказига тушиб қолган Марказий Осиёда истиқомат қилаётган кишилар бунини яхши тасаввур этамиз.

Мен атроф муҳит ва стратегик хавфсизлик муаммоларининг бири-бирига ўзаро таъсирига далил бўлиб хизмат қилаётган Орол фожиасини назарда тутмоқдаман.

Оролнинг Европа марказларидан узоқда жойлашгани мазкур ҳалокат туфайли ер биосферасида юз бераётган бузилишлардан уларнинг ҳимояланишини кафолатламайди.

Ишончим комилки, бугунги кунда дунё миқёсига чиққан Орол муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмайди. Бу шунингдек, инсониятнинг бир-бирига ҳамдардлиги ва бир-бири билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Хонимлар ва жаноблар!

Энди анжуманимиз концептуал томонларининг қисқача баёнига ўтишимга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. Минтақавий ва оламшумул миқёсларда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

БМТ, ЕХХТ, ИКТ, МДХ ва бошқа халқаро ташкилот ва бирлашмалар хавфсиз тинчликка эришиш йўлида ўз саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириши лозим.

Шуни эътироф этиш керакки, Марказий Осиёда бунга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Давр хавфсизлигининг яхлитлигини ҳамда энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантирди.

Иккинчидан. Хавфсизлик ва барқарорликка эришишнинг энг муҳим шarti бўлган коммуникациялардан оқилона фойдаланиш ҳақида гапириш лозим.

Учинчидан. Инсон ва кам сонли миллатлар ҳуқуқлари, уларнинг хавфсизлиги кафолатини, ижтимоий қадриятлардан тенг баҳраманд бўлиши кафолатларини таъминлаш, терроризм ва наркобизнесга қарши кураш соҳаларида ҳамкорликка доир маълумотларни марказлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратиш зарурати ҳам етилди.

Бизнинг назаримизда, шу мақсадда ЕХХТ ҳомийлигида минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликка эришишнинг энг муҳим масалалари бўйича эксперт тавсияларини ишлаб чиқадиган бирлашган ахборот фонди ташкил этилса ёмон бўлмас эди.

Стратегик масалаларни ҳал қилиш технологияси сиёсий ирода ва

яхши ҳисоб-китобдан ташқари, қадимий Осиё мутафаккирлари барча илмлардан устун қўйган муносабатлар илми соҳасидаги кенг билимларнинг қўлланишини ҳам тақозо этади.

Тўртинчидан. Замонавий сиёсат рақобат руҳи билан суғорилган.

Мен сиёсатда шундай рақобат тарафдориман, бу рақобат хавф-хатарсиз тинчликка интилиши билан ўзини оқлайди.

Мен хавфсизлик ва тинчлик учун курашда устунлик берадиган янги ғоялар, технологиялар ва фикрларни ишлаб чиқишга ундайдиган шундай рақобат тарафдориман.

Назаримда, бизнинг Тошкент анжуманининг кейинги кенгашларини Алмати ёки Душанбе, Ашхобод ёки Бишкекда ўтказиш ҳамда унда иштирок этиш учун тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик учун курашаётган барча давлатларни таклиф қилиш ҳақидаги фикр ҳеч кимни ажаблантирмаслиги керак.

Хонимлар ва жаноблар!

Жаҳондаги ҳозирги вазиятга икки принципиал ҳол хосдир:

- биринчиси, бўҳрон ва зиддиятларни енгиллаштирадиган икки томонлама алоқаларни ҳар томонлама рағбатлантириш;

- иккинчиси, инсоният тизими учун умумий мақсадларни ишлаб чиқиб, алоҳида ўрин тутадиган БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар нуфузини эътироф этишдир.

Бу тузилмалар барпо этган халқаро муносабатларнинг асосий қоидалари кейинги мураккаб ўн йилликлар давомида ўзининг ҳаётбахшлиги ва ҳар томонлама амал қила олишини исботлади.

Ихтиёримизда мураккаб баҳс ва зиддиятларни маърифий йўл билан ҳал қилишнинг мана шундай синалган механизмлари борлиги - катта омаддир.

Энди иш сиёсатчиларга боғлиқ.

Тақдирини бизга ишониб топширган халқлар инсон ва давлат хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда изчиллик ва масъулиятимизга, донолигимиз ва сабр-бардошимизга умид қилади.

Ишончим комилки, Тошкент кенгаш-семинари БМТ "Тинчлик кун тартиби"га киритган масалаларни ҳал қилишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Шу йўл билан Марказий Осиё сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликка эришишга қаратилган инсоният аҳиллиги ва

биргаликдаги саъй-ҳаракатлар майдонини кенгайтиради.

Мазкур анжуман иштирокчиларига унумли ва самарали иш, ҳамжихатлик ва муваффақиятлар тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағшилланган кенгаш-семинарда сўзланган нутқ, 1995 йил 15 сентябрь*

## ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Азиз биродарлар!

Қадрли меҳмонлар!

Сизларни, аввало, мамлакатимиз тарихи ва тақдири учун муҳим аҳамиятга молик бўлган воқеа - Давлат ва жамият қурилиши академияси очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Академиянинг номидан ҳам яққол кўриниб турибдики, бундай Академиянинг тузилиши дунё харитасида пайдо бўлган, ўзига хос ва ўзига мос йўли билан дадил қадам қўяётган мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётидаги давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Хонимлар ва жаноблар!

Дўстлар!

Мен мазкур Академиянинг ташкил этилишида фаол меҳнат қилган, бу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган барча кишиларга чуқур миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок қилаётган азиз меҳмонларимиз - Ўзбекистоннинг янги давлатчилиги барпо этилишида, демократик ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бизга ёрдам берган ва кўмаклашаётган кўплаб хорижий давлатлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатли вакилларига ташаккур изҳор қиламан. Чунки Академиянинг очилиши ҳам ана шу жараёнларнинг яққол натижасидир.

Биз мустақиллик йўлини танлар эканмиз, ўз уйимизни бунёд этишда икки асосий тамойилга таянишимизни бошидаёқ эълон қилган эдик.

Биринчи ва энг муҳим тамойил - биз барча ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда ўтмишимизни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана

ва урф-одатларини, Ўзбекистоннинг буюк халқи ўзининг кўп асрлик бой тарихи давомида тўплаган фазилатларни имкон қадар инобатга олган ҳолда иш тутамиз.

Ўтказилаётган ислохотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни назарда тутиш ва акс эттиришига биз учун уларни муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон бутун дунё учун очик ва биз сайёрамизда рўй бераётган жараёнларни теран ва пухта идрок этишга, демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш борасида ривожланган давлатлар тўплаган улкан тажриба асосидаги замонавий цивилизация ютуқлари билан танишиш, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига янада фаол қўшилишга ҳаракат қиламиз.

Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамыз.

Шу маънода, ўзимиз танлаган йўлнинг энг аввалидаёқ АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция каби иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этганимиз, бошқа давлатлар тажрибасини ҳам ўзлаштирганимиз бежиз эмас.

Айнан ана шу мамлакатлар тажрибасидан биз давлатчилигимиз қаддини тиклаш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш имконини берадиган йўлни топдик.

Биз бундан кейин ҳам хорижий мамлакатларда давлатчилик, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида рўй бераётган янги ижобий ўзгаришларни қунт билан ўрганамиз ва бундан ўзимизга керакли хулосаларни чиқарамиз.

Ана шу тамойиллар Давлат ва жамият қурилиши академияси фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Бунда давлатчилик ва жамият қурилишининг мураккаб ва узоқ йўлини босиб ўтган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ўзлаштириш билан бирга, ўз тарихимизни, халқимиз психологиясининг моҳиятини тушуниш



фавкулудда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, танлаган ўз тараққиёт ва ислоҳот йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш муҳимдир.

Бошқа жиҳатдан эса, мустақиллик йилларида давлат қурилиши, жамиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш борасида ўзимизда ҳам амалий тажриба тўпланди.

Биз бир неча бор такрорлаганимиздек, ислоҳотлар йўлининг бошланғич, энг қийин, шу билан бирга энг муҳим босқичини ўтдик.

Олдимизда бу босқични батафсил ўрганиш ва таҳлил этиш вазифаси турибди.

Қандай ишларни амалга ошира олдик, қайси жиҳатларда фаол ҳаракат қилиб, кўзланган мақсадларга эришдик, қаерда депсиниш рўй берди - бунини танқидий кўз билан баҳолашимиз ва зарур хулосаларни чиқаришимиз лозим. Ютуқларимиз нимада, камчиликларимиз нимада эканини аниқ билишимиз керак.

Кундалик тиғиз иш давомида бундай муаммоларни чуқур ва атрофлича таҳлил этишга кўпинча вақт етишмаслиги тушунарли, албатта. Академия эса айнан ана шу ишни амалга ошириши, бундай имкониятни яратиши, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни нафақат илмий жиҳатдан, балки иқир-чиқирларигача ўрганадиган муҳитни шакллантириши даркор. Давлат ва жамият қурилишини асослаш бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш орқали уларга юксак малакали мутахассислар нуктаи назаридан атрофлича баҳо бериш, уларни янада ривожлантириш йўллари топиш зарур.

Бу ишда ҳам бошқа мамлакатлар тажрибасига суянишимиз лозим бўлади. Чунки биз ҳозирча бу даражадаги мутахассисларни ўқитиш учун ўз ўқув қўлланмаларимизни, ўз ўқув дастурларимизни яратиш улгурганимиз йўқ. Шунинг учун бу ерда, биринчи навбатда, бошқарув ходимларини тайёрлайдиган йирик хорижий марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга солиниши даркор. Бу ўринда анчадан буён махсус курслар, марказлар, махсус ўқитиш модулларининг кенг

тармоғи эга бўлган Франция, Германия, АҚШ мамлакатлари тажрибасини эшлаш кифоя.

Бундан ташқари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи Комиссияси каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг институтлари нафақат ўз мутахассисларини, балки собиқ социалистик мамлакатлар учун ҳам ходимларни қайта тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга.

Академия - бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки, раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак.

Худди шулар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини яратишда асос бўлиши лозим. Улар Академиянинг шаклланиш жараёнида вужудга келади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, Академиянинг моҳияти унинг номида мужассамлашган. Унда ҳаммаси акс этган: у бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

Худди шу сабабли Академиянинг низоми, унинг ташкилий, таркибий, ўқув дастури, энг муҳими, кадрлар билан тўлдириш қоидалари, ўқитувчилар ва тингловчиларни танлаш тизими уни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва мўлжаллардан келиб чиқиши зарур.

Бу борада жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларга ва олдимизга қўяётган асосий вазифаларга яна бир бор тўхталиш мутлақо ўринли бўлади.

Биринчидан, бугунги кунда шу нарса мутлақо равшан бўлмоқдаки, инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда бу - асосий муаммодир.

Инфляция даражасини тубдан қисқартирмасдан, инфляцияни кутиш кайфиятини йўқотмасдан туриб иқтисодий таназзулдаги барча

нуқсонларни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, корхоналарни ишлаб чиқариш ва сармоя жалб этиш борасидаги фаоллигини кўтариш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мумкин эмас.

Ушбу йўналишда биз анчагина ишлар қилдик. Республиканинг банк ва молиявий тизими жиддий ўзгармоқда. Тижорат банкларининг яхлит тармоғи вужудга келди. Эмиссияга қарши тартибга солиш бўйича кучли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нархларни янада эркинлаштиришда инфляция даражасини бирмунча қисқартириш имконини берди.

Агар йил бошида инфляция 16 фоиздан ошган бўлса, ҳозирги вақтда у ойида 1 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади.

Бироқ бу кўрсаткич ғоят кескин, муҳим иқтисодий муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамлардир. Бугунги кунда ишлаб чиқиладиган макроиқтисодий мўлжаллар шунга асос берадики, келгуси йилда инфляциянинг ўртача ойлик даражасини тахминан уч баравар қисқартириш мумкин бўлади.

Иккинчидан, давлат мулкни хусусийлаштириш ва мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш бўйича бошлаган ишимизни охиригача етказишимиз керак.

Хусусийлаштириш масалаларида биз сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйдик. "Кичик хусусийлаштириш"ни, яъни маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошира бориб, биз муайян тажриба орттирдик, мутахассислар тайёрладик.

Булар бугунги кундаёқ сезиларли натижаларга олиб келди. Ҳозир миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, савдонинг деярли бутун ҳажмини давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда. Мазкур сектор узлуксиз ривожланмоқда.

Давлат корхоналарини кенг кўламда акциялаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тугаллаш яқин келгусидаги муҳим вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, фонд биржасини, қимматли қоғозлар биржаларини кенг ривожлантириш ва эркинлаштиришни, уларни нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам очишни ва ҳар томонлама тарғиб қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очик турдаги акционерлик

жамиятларини ташкил этиш аҳолининг барча қатламларини ушбу жараёнга фаол жалб қилиш учун кенг имкониятлар очади.

Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш реал ҳақиқатга айланади.

Хусусийлаштириш жараёнини номигагина ўтказиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизга зиддир. Бундан кўзланган асосий мақсад - бутун мол-мулкни уларнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришдир.

Мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичида катъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

Мулкнинг мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

Ана шунда пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини ва йўналишларини диққат билан кузатиб бораётган киши, шак-шубҳасиз, кичик ва хусусий тадбиркорлик йўлида очилаётган улкан имкониятларни, берилаётган катта эътиборни кўриб турибди.

Бугунги кунда парламент - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилаётган барча қонунлар Президент чиқараётган фармонлар ва ҳукумат қарорлари, амалга ошираётган ишларимиз мамлакатда ушбу соҳани жадал ривожлантиришга қаратилгандир.

Ушбу тадбирлар натижасида пайдо бўлган ўрта ва хусусий тадбиркорлар тоифаси яқин келажакда давлатимизнинг ишончли ва мустаҳкам таянчи бўлади, деб умид қиламиз. Бу таянч қуйидагиларни таъминлайди:

- ички бозорни товарлар билан тўлдириш;
- хорижий сармоя ва энг янги технологияларни жалб этиш;
- аҳолининг, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтириш ва пировард натижада республика

аҳолиси аксарият қатламининг турмуш даражасини кўтариш.

Ишончим комилки, кичик ишлаб чиқариш ва хусусий бизнеснинг тадбиркорлиги ва изланувчанлиги билан биз жаҳон бозорини рақобатбардошли маҳсулотлар билан таъминлай оламиз. Бизнеснинг фикримизча, энг муҳими, атрофимизда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда - ўзига ишончли, келажакка ишонадиган, мустаҳкам, барча илғор янгиликларни қўллаб-қувватлашга тайёр ижтимоий қатлам - мулкдорлар қатлами ўсмоқда.

Худди шу сабабли биз қонунчилик ва амалий ижрочилик фаолиятимизда тадбиркорларнинг ана шундай тоифасини ривожлантириш учун зарур бўладиган энг имтиёзли шарт-шароитларни яратамиз.

Учинчидан, миллий валютани мустаҳкамлаш ҳозирги даврдаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим устувор вазифадир. Миллий валютани жорий қилиниши билан ҳаётимизда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Миллий валюта, бу - мустақиллик рамзидир. Бизнеснинг муқаддас бурчимиз эса - ўз валютамызни кучли, бутун жаҳонда ҳурмат қилинадиган ва бизнесменлар учун жозибадор валюта қилишдир.

Бугунги кундаёқ бизнеснинг сўмимизни жорий конвертациялаш таъминланмоқда. У етарли даражада барқарордир. Биз келгуси йилдаёқ уни қатъий валютага эркин алмаштирилишини таъминлашга реал яқинлашдик.

Тўртинчидан, чуқур таркибий ўзгартиришлар қилмасдан, биз ўнлаб йиллар мобайнида тўпланиб қолган иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаймиз, номутаносибликларни бартараф қилолмаймиз.

Фаол таркибий сиёсат - бу стратегик вазифадир. У кўплаб инвестицияларни талаб этибгина қолмай, балки келгусида республикамыз иқтисодиёти қандай бўлиши, биз жаҳон бозорига қандай салоҳият билан чиқишимиз тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишни ҳам талаб қилади.

Бу узоқ вақт талаб қиладиган вазифадир, бироқ уни ҳал этишга бугунги кундаёқ киришиш зарур. Айнан ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муаммоси энг долзарб бўлиб турибди. Биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг

салбий оқибатларидан, бошқа постсоциалистик мамлакатларга хом ашё ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлишидан мумкин қадар тезроқ халос бўлишимиз зарур.

Бунинг учун бизда тегишли барча табиий, минерал-хомашё, иқтисодий ва энг муҳими - интеллектуал салоҳият мавжуд.

Биз бу соҳада ҳам қисқа муддат ичида салмоқли натижаларга эришдик. Ўз олдимизга қийин, бироқ мамлакат тақдири учун муҳим вазифа - энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш масаласини кўйиб, ҳозир бу муаммони ҳал этиш арафасида турибмиз.

Тузилма ўзгаришлари, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли республиканинг айрим ресурсларни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада камайди.

Биз иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартиришга эндигина киришмоқдамиз. Биз ишлаб чиқариш тузилмасини бутунлай қайта кўриб чиқишимиз лозим. Рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжалланган тайёр маҳсулот, техник жиҳатдан мураккаб, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидоргир кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Азиз дўстлар!

Биз яхши англаб олишимиз керакки, ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин.

Бунинг учун биз мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб қўйганмиз. Йилдан-йилга хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ошиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобил, рангли металллар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қурилмоқда ва янгидан барпо этилмоқда.

Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганини ҳамда республикамизнинг келажагини юксак

баҳолаган хорижий сармоядорлар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз - иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий неъматга айланишига эришишдан иборат.

Яна бир муаммо, кишилар тафаккурини ўзгартириш, эски қолиплар, энг аввало, боқимандалик кайфиятларидан қутулиш зарур. Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суяниб, ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт куришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим.

Бугунги кунда гўзал мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик кўзга ташланмоқда, жамиятда бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқдаки, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур кўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажакимиз учун қудрат бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни куришимиз лозим.

Давлат курилиши ҳақида гапирар эканмиз, биз босиб ўтилган йўлни, ҳамма нарса ягона мафкура тазйиқида қотиб қолган доғмалар, штамплар ва қолипларга бўйсундирилган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш юзасидан қилинган ва қилинадиган ишларни танқидий кўз билан кўриб чиқишимиз лозим.

Бу борада ҳозиргача кўпгина иш қилинди, бироқ биз янги давлат

ва жамият тузилмаларини шакллантиришда, кўппартиявийликни йўлга қўйишда, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тикланишни амалга оширишда, савияни юксалтириш масалаларида, айтиш керакки, ахборот фаоллигини қотиб қолган ҳолатдан чиқариш борасида қилган ишларимиз бу соҳадаги биринчи қадамлардир.

Буни очиқ тан олиш лозим. Бу ўринда социалистик тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, давлат тузилмаларини демократиялаштиришга ўтиш моделининг ўзини тўла оқлаган тажрибаси амалда мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш адолатдан бўлур эди.

Хурматли дўстлар!

Амалга оширилган муайян ишларимизни баҳолаб, олдимизда турган улкан вазифалар хусусида гапирар эканмиз, ўтказилаётган ислохотларимиз йўлининг муҳим бир хусусиятига тўхталмоқчиман.

Биз бошданок ислохотларнинг машхур моделларидан нусха олишдан воз кечдик. Ўзимизнинг йўлимизни танладик, ислохотлар жараёнига асос бўлиши лозим бўлган тамойилларни аниқ белгилаб олдик.

Тўғриси айтиш керак, бизнинг ислохотлар қайси йўналишда бориши лозимлиги масаласига ёндашувимиз ва нуқтаи назаримиз дастлаб хорижда унча хушлангани йўқ. Дастлабки уч йил давомида бизни консерваторликка мойилликда айблаб, бизга иш юритишни ўргатиш ва ҳатто ишимизга тузатиш киритиш майллари ҳам кўриниб турди. Бироқ ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Бугунги кунда охир-оқибатда ким ҳақ бўлиб чиққани, қайси модел самарали ва прогрессивроқ эканига амин бўлиш имкони бор.

Мисол учун оладиган бўлсак, собиқ социалистик макондаги бошқа мамлакатдан ҳақиқий ҳаёт ва шаклланган турмуш тарзини ҳисобга олмасдан, ўзгаларнинг тавсиясига кўр-кўрона эргашиш нималарга олиб келганини ҳамма кўриб турибди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги "Фалаж қилиб даволаш" билан боғлиқ барча уринишлар давлат бошқаруви таъсири сезилмаслиги, бу билан бирга, бозор иқтисодиётини амалга оширадиган зарур ташкилотлар, яъни бозор инфраструктураси ташкил бўлмаганлиги кўп жихатдан салбий натижаларга олиб келиб,



бир қанча мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатга ҳам айланди. Ислохотларни бошлаш пайтида кўпчилик эски нарсаларни тезда бузиб ташлаш, бозор муносабатларига шошилиш равишда ўтиш кишини бир зумда бой қилиб юборади, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратади, деб ўйлаганлар ҳам оз эмасди.

Бироқ, зарур шарт-шароитнинг мавжуд эмаслиги, бир сўз билан айтсак, ҳаёт ҳақиқатини рад этиш бу каби хомхаёлларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймади.

Бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврида дадил чора-тадбирлар билан бозор тузилмаларини ривожлантиришда кўмаклашишга қодир фаол ислохотчи - давлат зарур экан.

Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқладики, бозорни қўллаб-қувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо қилмасдан туриб, тегишли шароит туғдирмасдан туриб, режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтишни амалга ошириб бўлмайди.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак.

Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.

Бу эскича фикрлаш юкидан холи бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилиши зарур. Сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор.

Биз яхши биламизки, бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарларнинг ўзи йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққанимизни тан олишимиз керак. Ва бизнинг қонимизда эскича қолип, эскича фикрлашнинг муайян асоратлари борлигига ҳам иқдор бўлишимиз шарт.

Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган

вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

Хўп, масала шундай қўйилар экан, табиий бир савол туғилади, яъни янги, замонавий мезонлар билан фикрловчи одамлар, ходимларни тарбиялаш учун, бу ишни давлат йўлига қўйиш борасида нима қилдик?

Албатта, бизнинг олий ўқув юртларимиз, бошқа илм даргоҳлари давлат қурилишининг бу муҳим соҳасига ёндашувларни ўзгартириш бўйича кўп иш қилмоқда. Ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам бугунги талабни тушунадиган кўплаб раҳбар ва мутахассисларни тарбияламоқда. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Лекин, очиғини айтганда, ҳар хил қолиплардан холи, мутлақо янги давлат барпо этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини эплайдиган, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустаҳкамлайдиган мутахассислар ва фидойи одамларни тарбиялашга хануз киришганимиз йўқ.

Менинг фикримча, бугунги кунда бу соҳа - кадрлар тайёрлаш иши маблағ сарфлашда энг даромадли бўлган соҳага айланмоқда. Чунки бу тармоқ эртага ҳар қандай давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тараққиёти учун зарур бўлган олтин омил - етук мутахассисларни бера бошлайди.

Бу, албатта, алоҳида мавзу, лекин мен бу гапларни шунинг учун айтяпманки, Академия айнан ана шу масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил қилинмоқда.

Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир.

Биз ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва билимлардан фойдаланиб, маълум маррага етиб келдик. Ислохотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнга олға силжишларимиз тобора қийин муаммога бориб тақалиши мумкин: у ҳам бўлса -юксак малакали ходимларнинг, энг аввал, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамият идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслигидир.

Шуни яхши англашимиз керакки, энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас. Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан

буёғига ҳаракатлана олмаймиз.

Академиянинг вазифаси фақатгина муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим.

Хорижда ўқиш учун қанча одам юбормайлик, хорижлик дўстларимиз кадр тайёрлашда қанчалик ёрдам бермасин, биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Вақт ўтиб бормоқда. Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир.

Улар қайси ғояларни олға суради? Қандай маънавий қадриятларни афзал кўради? Ахир, гап биз мамлакат тақдирини ишониб топширадиган янги авлод ҳақида кетмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Академиянинг асосий вазифалари аниқлаб қўйилган. Улар энг аввало қуйидагилардан иборатдир:

Давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантили, интеллектуал иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш. Бу Академиянинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, Академия олдига бошқа вазифалар ҳам қўйилганки, улар қуйидагилар билан боғлиқдир:

- раҳбар кадрлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқишда ва жорий этишда қатнашиш;

- давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий ривожлантиришни такомиллаштириш, психология ва социология соҳаларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини

такомиллаштириш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти соҳалари бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар ва тавсияномаларни экспертизадан ўтказиш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Академияга кадрларимизни тайёрлашда қатнашиш учун хорижий мамлакатларнинг таниқли ўқув ва илмий марказларидан машҳур олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни, хорижий тилларни ўрганишга, Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва миллий анъаналари соҳасидаги билимларни эгаллашига эътибор қаратилади.

Таълим беришда раҳбар кадрларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий ва профессионал ўстириш масалалари муҳим ўрин тутди.

Биз уларни етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда, халқаро ташкилотлар ва фирмаларда тажриба ўрганишларини ташкил этишни назарда тутганмиз.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар раҳбар ходимлар билан таъминлашга резерв бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам дўстлар!

Шунга ишончимиз комилки, бу борада кўп нарса Академияда ишлайдиган, ўқитадиган ва унга раҳбарлик қиладиган мутасаддиларга боғлиқдир.

Бу борада ҳам бизда қўйилган талабларга жавоб берадиган тайёр кадрлар, профессор-ўқитувчилар таркиби йўқ. Буни биз тушунамиз.

Шу сабабли, ишонаманки, Академиянинг мураккаб фаолияти давомида унинг ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланиб ва куч-ғайратга тўлиб боради.

Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур. Буни амалга оширишда хорижий тилларни пухта

эгаллаш керак.

Шу билан бирга, мен Академия фаолиятига амалий ишда бой тажриба орттирган олимларимиз ва профессорларимиз, халқаро ва хорижий ваколатхоналар ва элчихоналар раҳбарлари жалб этилишини истардим.

Бугунги ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳар қандай қимматли ғоялар ва фикрлар соҳиблари билан учрашиш, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, нафақат Академия тингловчилари учун, балки унинг ўқитувчилари учун ҳам бутун бир мактаб бўлиши муқаррар.

Бу борада мен Сиз, хорижлик ҳамкасбларга ва дўстларга жуда катта умид билан қарайман. Биз хорижий меҳмонларга, Европа ва Америка олимлари ҳамда амалиётчиларига катта умид билдирамиз. Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат қурилишининг барча соҳалари бўйича ўзларининг қизиқарли ғоялари ва тавсияномаларини Академия билан баҳам кўришни хошлашган Германия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар билан ҳозирдаёқ келишувлар мавжудлиги бизни қувонтиради ва бу таклифларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Ишончим комилки, Академия аудиторияларидаги ўқитишнинг бундай тизими, олиб бориладиган эркин мулоқотлар ўзининг керакли самарасини ва натижаларини беради, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Биз яхши биламизки, турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон-бир самарали натижалар кутиш амримаҳол.

Халқимиз асрий орзуларининг рўёбга чиқиши, мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда биз бой тарихий меросимиз, анъаналаримиз, ижтимоий кадриятлар, давлат қурилиши борасида ривожланган мамлакатлар эришган тажрибаларга таяниб миллий давлатчилигимиз пойдеворини қўйдик. Бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик

ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгари бормоқдамиз.

Мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва осойишталик, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдаги изчиллик бунинг ёрқин далилидир.

Эндиликда одамларимиз ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар борасида юргизаётган мустақил давлатчилик сиёсатимиз моҳиятини тобора чуқур англаб етмоқдалар. Қўлларини ва руҳий-маънавий интилишларини боғлаб турган кўзга кўринмас кишанлардан, мустабидлик асоратидан озод бўлмоқдалар.

Албатта, бу осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Бинобарин, оёғи ердан узилган, хомхаёллардан озикланган собиқ шўролар мафкураси яратган бу кишанларни парчалаб ташлаш, қулик мафкурасидан халос бўлиш ҳар бир фуқародан мустаҳкам ирода, ўткир сиёсий онг, Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик талаб қилади.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси - ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир.

Халқимизда ўн қўшчига бир бошчи, деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос қўйган.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номутаносибликни ҳам очик эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда.

Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадilar, ёинки биз уларнинг бутунлай бахридан ўтамыз.

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган соҳибқирон Амир Темур ўз Тузукларида: "Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради", деб ёзган эди.

Азиз дўстлар!

Халқимиз мустақил мамлакатимиз келажагига катта умид ва ишонч билан қарамокда. Бу катта умид ва ишонч замирида бой тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз, адолатли жамият куриш асослари, жонажон Ўзбекистонимизнинг Аллоҳ таолло инъом этган табиий бойликлари, томирида улуг аждодлар қони жўш ураётган ёш авлод салоҳияти мужассам.

Ана шундай эзгу орзу-ҳавасларимиз ижобат бўлишига Давлат ва жамият курилиши академияси ҳам муносиб ҳисса қўшади, дея ишонч билдиришга ижозат бергайсиз!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ўқишларингизда омад, илмий-педагогик фаолиятларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 3 октябрь*

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Жаноб Раис!

Бош котиб жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида муҳокама этилаётган муаммолар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирги замондаги энг долзарб масалалардан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи ҳисобланади.

Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг бевосита кўмаги билан, 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Муайян минтақаларда, хусусан бугунги кунда "Оловли нуқталар" деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.

Бу айниқса улкан табиий, минерал-ҳом ашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг журрофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаёт-



ган, афғон халқи бошига мислсиз қулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуроолларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш қўшни Тожикистондаги шусиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.

Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон ҳудуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиغان темир йўл, автомобил коммуникациялари қуриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жуғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

Бу юксак минбарда туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожаа, бутун ер юзини қамраб оладиган биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи муаммо тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Бугунги кунда халқаро молия тузилмалари ва ривожланган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда кўмагисиз, БМТнинг ташкилотчилиги фаолиятсиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслиги аниқ ва равшандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш лозимлиги тўғрисида гапирилар экан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур бўлиб кўринади:

**Биринчидан,** Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

**иккинчидан**, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

**учинчидан**, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора кенг тарқалаётган, хусусан, бизнинг минтақамизда кенг тарқалаётган қурол савдоси миқёслари ва ҳажмлари ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Кўпгина мамлакатлар ҳатто қурол савдоси улар учун муҳим валюта манбаларидан бири бўлиб қолаётганини яширишга ҳатто ҳатто йўқ. Ҳолбуки, улар бу қурол эртага кимга қарши қаратилиши ва қайси мақсадларда ишлатилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаптилар.

Қандай тинчлик ваъдалари билан ниқобланган бўлмасин, ядровий технологияларни сотиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу манфаатлар кўзланаётгани айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир.

Биз айрим жойларда эшитилаётган, бизни қайтадан ҳарбий-сиёсий ва блоклар қарама-қаршилигига қайтариш хусусидаги баландпарвоз баёнотлар билан асло келиша олмаймиз.

Биз учун ягона тўғри йўл — ҳалокатли равишда ўз қобиғига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукамалликлар мавжудлигига қарамасдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Собиқ Совет ҳудудида барпо бўлган янги мустақил давлатлар ўзининг миллий давлатчилиги асосини шакллантираётган, демократик янгиланишлар йўлидан бораётган бугунги кунда улар ислоҳотларни амалга ошириш ва ўзларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмаларга қўшилишини тезлаштиришда жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир.

Мен моддий ва молиявий ёрдамнигина эмас, энг аввало — суверенитетимиз ва тараққиётимизнинг мустақил йўлини маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлашни назарда тутяпман.

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олға босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*Бирлашган Миллатлар  
Ташкилотининг эллик йиллиги  
муносабати билан  
Бош Ассамблеянинг  
махсус таъиннали йиғилишида  
сўзланган нутқ,  
1995 йил 24 октябрь,  
Нью-Йорк*

## МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

**МУХБИР:**— Муҳтарам Президент! Сиз бошчилигинингиздаги Ўзбекистон делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган сессияда иштирок этиб қайтди. Бу мўътабар халқаро ташкилот минбаридан туриб нутқ сўзладингиз. Илтимос, дастлабки таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тўйига — 50 йиллик юбилейига таклиф қилиниши давлатимиз жаҳондаги энг нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олинганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Ушбу анжуман кун тартибига асосан иккита масала қўйилган эди. Биринчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йил давомида амалга оширган ишларига баҳо бериш; иккинчидан, бу ташкилотнинг бугунги фаолиятига замон нуқтаи назаридан қараш, уни ҳозирги халқаро ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш.

Маълумки, бугунги кун 50 йил олдинги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Башарият, халқлар тараққиёти, давлатлар ривожини, умуман бугунги вазият бундан ярим аср аввалги — Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврдан жуда ўзгариб кетди. Ҳозирги замон талаби ҳам бошқача. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқларини кенгайтириш, бугунги ҳаётга, халқлар ривожига ҳар томонлама қўмаклашиш, урушга қарши кучайтириш, умуман барқарорликни сақлаш, умумбашарий масалаларни ҳал этишдаги имкониятларини кенгайтириш асосида унинг таркибини ўзгартириш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бошқача кўз билан қараш, уни бугунги замонга, шароит ва тизимга мувофиқлаштириш вақти етди.

Шунинг учун анжуманда сўзга чиққан ҳар бир давлат раҳбари, авваламбор, шу икки масалага алоҳида эътибор берди. Ўтган эллик йил давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учинчи жаҳон урушининг олдини олиш, айрим минтақаларда пайдо бўлаётган ўзаро низоларни бартараф этиш, очарчиликка қарши кураш, ривожланаётган давлатларга ёрдам уюштириш каби салмоқли ишларни амалга оширди.

Бу ўринда касалликларга қарши кураш ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Мисол учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини олайлик. Бу ташкилот ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир бўлагидир. Кўпчилик эса "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти" деганда, қандайдир мустақил халқаро тузилмани тушунади. Аслида эса, бундай эмас, бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига киради. Шунинг учун ҳам касалликларга, хусусан, сурункали ва юқумли касалликларга қарши кураш бугунги кунда БМТ фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мен ҳали маданиятни ошириш, саводсизларни саводхон қилиш, кишиларнинг жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш тўғрисида гапирётганим йўқ.

БМТнинг асосий вазифасига қисқача тавсиф берилса, мен уни халқлар ўртасидаги аҳилликни таъминлаш, турли қарама-қаршиликлар, тўқнашувларга олиб келадиган низоларга йўл қўймасликдан иборат, деган бўлур эдим. Шунинг учун ҳам бизнинг Нью-Йоркда айтадиган гапларимиз етарли эди. Бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятига танқидий қараш ҳам ўзини тўла оқлади.

Жуда кўп давлатлар раҳбарларининг нутқида масалага фалсафий ёндашув бор эди. Ҳар бир нотиқ учун ажратилган беш дақиқа ичида кўп гапни айтиб бўлмайди. Бироқ, менимча, айрим нотиқлар нутқида БМТ тизими ва фаолият йўналишида нималарни ва қандай қилиб ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги ўта мавҳум, фалсафабозлик устун эди.

Шунинг учун ҳам бу йиғин байрам сифатида қандай ўтгани тўғрисида гапириш қанчалик тўғри бўлади, айтишим қийин. Мен бу ерда байрамга оид бирон нарса кўрганим йўқ. Учрашувга асосан битта мақсад — ўтган даврга яқун ясаш ва БМТ фаолиятини танқидий назар

билан таҳлил этиш, бу ташкилотнинг келажагига боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш билан банд бўлган раҳбарлар йиғилишди. Дарвоқе, бу масала бўйича нуқтаи назар ва ёндашувлар шу қадар кўп эдики, уларни маълум бир доираларга жойлаштириш қийин. Бу ўта масъулият билан қараш лозим бўлган жиддий муаммодир.

Шу нарса кўзга яққол ташландики, анжуман минбаридан туриб сўзлаган ҳар бир нотиқ бу муаммолар хусусида ўз мамлакатининг келажакдаги манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб сўз юритди. Дунё эса, гарчи у яхлит бўлса-да, ўзининг объектив қонунлари бўйича яшайди. Сайёрамизнинг бир нуқтасида пайдо бўлган уруш эртага унинг нариги томонида алангаланиши мумкин, вабо офати эса жуда қисқа муддат ичида ўз манбаидан юзлаб, минглаб километрларга тарқалишга қодир. Очлик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин... Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шундай фалокат ва ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадда ташкил этилган эди.

Бироқ қанча давлат бўлса, шунча фикр-мулоҳаза ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам Африка қитъаси вакиллари ўзларига хос, осийликлар — бошқачароқ фикр қилади. Америкаликларнинг ўз ёндашувлари, европаликларнинг ўз ёндашувлари бор, шимол мамлакатлари ўзларининг бошқача фикрига эга. Хуллас, бу ерда қанча давлат бўлса, шунча нуқтаи назар мавжудлиги ойнадагидай акс этиб турибди.

Олам бугунги кунда қитъа манфаатлари бўйича эмас, қайси мамлакат кимнинг таъсири остида экани бўйича бўлинган. Биз илгари икки қутблик дунё ҳақида гапирар эдик, бугунги кунда эса кўп қутблик дунё тўғрисида фикр юритиш лозим бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, айримлар тўртта қутб, бошқалар бешта қутб ҳақида гапирди... Бироқ ўзидан йирикроқ ва кучлироқ давлатдан ёрдам олаётган ва уларнинг қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўлаётган мамлакатлар ўз истиқболини ҳам шу давлатларда кўриши — гарчи ҳеч ким бу тўғрида ошкора гапирмаса-да — сир эмас-ку. Бу давлатлар маълум гуруҳларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири қитъа фикрини эмас, афсуски, маълум қутб таъсири остидаги муайян гуруҳ фикрини ифода қилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу — металл буюмларни ўзига чиппа тортиб оладиган магнит ҳаракатига ўхшайди.

Нотиқлар БМТ олдида турган вазифаларга ҳам ўз муносабатларини билдирдилар.

Ушбу нуфузли мажлисда қатнашган Ўзбекистон делегациясининг асосий фикри шундай эди: БМТнинг 50 йил мобайнидаги ишларини ҳар томонлама баҳолаш учун мазкур анжуманнинг имкониятлари катта. Иккинчидан, БМТ фаолиятининг ҳозирги даврга мутаносиблиги тўғрисида матбуотда кўп ва хилма-хил фикрлар билдирилипти. Шунинг учун бизга ажратилган беш минутлик вақт мобайнида мен Ўзбекистоннинг бугунги асосий муаммолари — нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг ҳаёти, тақдир, келажаги ҳар томонлама чамбарчас боғланганини инобатга олиб, шу минтақанинг дардлари тўғрисида, муаммолари тўғрисида гапиришни мақсад қилиб қўйган эдим. Ўйлайманки, шу ниятимга эришдим.

**МУХБИР:**— Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига ҳар хил қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Сиз бу халқаро ташкилотнинг келажагини қандай тасаввур этасиз.

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятини қандай қилиб ривожлантириш, бу борадаги муаммоларни қандай счиш керак, деган масала юзасидан мен уч нуқтага анжуман иштирокчиларининг эътиборини қаратдим.

**Биринчи масала.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг асосини Хавфсизлик Кенгаши белгилайди. Хавфсизлик Кенгашига 5 та давлат доимий аъзо ҳисобланади. Ҳозирги пайтда 187 та давлат БМТга аъзо бўлса-ю, уларнинг ҳаёт-мамотини 5 та давлат ҳал қилиши, албатта, адолатдан эмас. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш масаласини қўйдик.

Яна бир масалага эътибор бериш керак: Япония ва Германия ўз салоҳияти билан бизга катта ёрдам бераётган, тараққиёт даражасига кўра дунё ҳаётига кучли таъсир кўрсата оладиган давлатлар сирасига киради. Улар жуда катта имкониятларга эга. Япониянинг охириги икки-уч йилда Ўзбекистонга берган бегараз, такрор айтаман,

беғараз ёрдамини, Ўзбекистонга катта-катта сармоялар олиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Япония мамлакатимизга сармоя олиб келиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Мана, Оролбўйи муаммоларини ҳал қилиш учун ҳам сидқидилдан ёрдам кўрсатмоқда. Маданиятимизни ҳар томонлама юксалтиришга кўмаклашмоқда. Масалан, япониялик дўстларимиз Алишер Навоий номидаги опера ва балет театримизга тегишли ёрдам кўрсатадилар. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дунё тарихида ва бугунги мавжуд бўлган вазиятда қанчадан-қанча давлатлардан олдин кетаётган ва менинг фикримча, XXI асрга ҳозирданоқ қадам қўйган Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлмаслиги адолатдан эмас.

Шу нуқтаи назардан Германияга — бирлашган Германияга қарасак, унинг қудрати, имкониятлари қандайлигини ва XXI асрга — истиқболга қандай тараққиёт билан қадам қўяётганини аниқ тасаввур этиш мумкин. Германия ҳам Ўзбекистонга катта ёрдам берапти. Бу алоқалар келажақда яна ҳам ривожланади. Бу масалада менинг фикрим аниқ: Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликдан жуда манфаатдор, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Германия билан ҳамкорлик қилишдан фақат фойда кўради. Манфаатларимизнинг ўзаро мос келиши, бир-бирига уйғунлиги шунини кўрсатяптики, Германия ва Японияга ўхшаган давлатларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлиши бизга ҳар томонлама наф келтиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жуда катта ташкилот. Жаҳонда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасини назорат қилиш қийин кечмоқда. Кўп жанжаллар — Босния-Герцоговина, Қорабоғ, Тожикистон, Афғонистон, шунингдек, Африка ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўлаётган можароларни тинчйтиш, уларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларга таъсир кўрсатиш ҳаят мушкул иш. Қарор қабул қилаётганда ўз манфаати йўлида оёғини тираб туриб олган давлатларнинг бошини қовуштириш ҳам ҳаят оғир вазифа. Фараз қилинглар, можаролашаётган иккита давлатни муросаю мадорага келтириш нақадар қийин. Бу ерда эса 187 та давлат бор ва энг ривожланган, кучли-қудратли давлатлар — Америка Қўшма Штатлари,



Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Япония... Ҳар бирининг ўз манфаати бор. Ҳар қайсиси бугунги бўлаётган можароларга ўз кўзи билан қарайди ва авваламбор, ўз манфаатини кўзлаб муносабат билдиради. Шуни ҳисобга олсак, бир қарорга келиш, яъни муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида, бугунги халқаро ҳаётда энг муҳим воқса ҳисобланади.

Шунинг учун менинг иккинчи фикрим шундан иборат бўлдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жанобларининг ваколатларини кенгайтириш керак.

Мисол учун оддий бир оилани олиб кўрайлик. Ҳар қайси оилада битта бош бўлиши керак. Битта одам бош бўлмаса, бу оила отбозор бўлади. Агарки, кенгроқ миқёсда жамоани, қишлоқ ёки туманни, вилоят, минтақа, республикани олсангиз, ягона раҳбар бўлмаса, халқ демократик асосда ваколатини ишониб топширган шу одамга имконият берилмаса, унинг ҳуқуқлари ҳар томонлама жиловлаб ташланса, олижаноб фикрлари, мақсадлари, ҳаракатлари кесиб турилса, бу жамоа, бу кенгаш, бу ташкилот жойида қотиб қолади, унинг ривожини таъминлаш, истиқболга эришиш қийин бўлади.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳбари бўлмиш Бош котибнинг ҳуқуқи кенгроқ бўлиши керак. Албатта, Хавфсизлик Кенгаши, яъни кенгайтирилган таркибдаги Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилиши лозим. Аммо бу қарорни амалга оширишда, албатта, Бош котибнинг ҳуқуқи анча кенг бўлиши керак.

Учинчи масала. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун дунёда рўй бераётган воқсаларни, бутун жаҳондаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши керак. Лекин ер юзида тахминан 5 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, бу вазифани эплаш осон иш эмас. Шунинг учун жойлардаги, минтақалардаги халқаро ташкилотлар, ўзига беш-ўн та давлатларни жамлаган ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида иш олиб борсагина уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб бўлади. Акс ҳолда бир минтақада ўзини халқаро ташкилот фараз қилган ҳар бир уюшма ўзича ишлайверса, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

фаолиятига, асосий сиёсатига мос келмаса, бундай ҳолат истиқболга, умумий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ташкилотларнинг фаолиятини бир-бири билан уйғунлаштириш керак.

Масалан, Африкада, Осиёда шундай ташкилотлар мавжуд. Европада — Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида — Ислом ташкилотлари, Жанубий-Шарқий Осиёда — Тинч океан минтақаси давлатларининг Кенгаши бор. Мазкур ташкилотларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан уйғун равишда сиёсат олиб бориши керак.

Биз яна бир масалани кўтардик: жойларда БМТнинг ваколатхоналари ишламоқда. Мана, бизда жаноб Холид Малик бошчилигида ваколатхона бор. Ўрни келиб қолгани учун мен мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Холид Малик жаноблари Ўзбекистонга келиб уч йил ичида бизнинг обрўйимизга обрў қўшишда, бизни дунёга таништиришда ва бизга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўмагини олиб келишда жуда катта иш қилди. Уни нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистоннинг олис-олис жойларида ҳам яхши танийдиган бўлиб қолишди. Демокриманки, шундай ваколатхоналарнинг имкониятини кенгайтириш, уларни кучайтириш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаерда? Америкада, Нью-Йоркда жойлашган. Ўзбекистон қаёқда, Марказий Осиё қаёқда?! Шунинг учун бу ердаги ташкилотнинг таркиби, албатта, кенгроқ бўлиши керак. Унга ҳам кўпроқ ҳуқуқ бериш ва иқтисодий нуқтаи назардан имкониятларини кенгайтириш керак.

Мен бу учрашувдан олган энг муҳим таассурот — ҳамманинг БМТни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етгани бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлмаса, беқарорлик юзга келади, дунё умумий фикрини ишлаб чиқиш имконидан маҳрум бўлади. БМТ барқарорликни таъминлаш, айрим давлатларнинг умумий меъёрлар донрасини писанд қилмай, ўзидан кетган раҳбарларининг танобини тортиб қўйиш учун маълум воситаларга, керак бўлган тақдирда эса ҳарбий куч ишлатиш имкониятига эга. Қолаверса, БМТнинг Низоми мавжуд ва бу ҳужжатга имзо чекканлар уни бажаришга мажбур. Шунинг учун ҳам БМТ Низоми унинг аъзолари зиммасига мажбурият

иклайди, БМТ Низоми айрим нарсаларни чеклайди, БМТ Низоми зиддиятли вазиятларни бартараф этиш йўлларини таклиф қилади.

**МУХБИР:**— БМТни ислоҳ қилиш йўлидаги асосий муаммолар, Сизнинг назарингизда, нималардан иборат?

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Катта ташвиш туғдирадиган асосий муаммо — бир-бирига мос келмайдиган фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг кўплигидир. Табиийки, бу нарса қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам, назаримда, БМТни ислоҳ қилиш — узоқ давом этадиган жараён бўлади. Бу ўринда ҳаммага маъқул тушадиган фармон ёки қарор чиқариб бўлмайди. Бу ислоҳ босқич-ма-босқич, тадрижий равишда амалга оширилиши керак. Мен бунга қатъий аминман. Инқилоб йўли эса — мулкка ҳам, маънавий дунёга ҳам эга бўлмаган яланғоёқлар йўлидир, Ахир мулк дегани — олтин, пул, уй-жой ва унинг ичидаги бойликкина эмас. Мен бу тушунчага маънавий мулкни ҳам киритаман. Бу мулк моддий мулкка қараганда қимматроқ туради. Шунинг учун ҳам маънавий мулкнинг сифат даражасини кўтариш кўпинча иқтисодий даражани кўтаришдан мураккабдир.

Бироқ бу тушунчалар бир-бири билан ўзаро мустақкам боғлиқ. Пировардида одамлар яхши яшай бошлайдиган давр — иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши уларнинг маънавий савиясини ҳам кўтаради.

Бу мулоҳазалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган вазифалар ва муаммоларга дахлдор. Бу масалалар бўйича кўп давлатларнинг раҳбарлари ўз фикрларини билдирди.

**МУХБИР:**— Муҳтарам Президент! БМТ минбаридан сўзлаган нутқингизда, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири минтақавий барқарорликка эришишдир, деган ғояни илгари сурдингиз. Илтимос, шу фикрни кенгроқ шарҳлаб берсангиз...

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Мен ўзимнинг беш минутлик нутқимда Ўзбекистоннинг муаммоларини кенгроқ ифода этишга ҳаракат қилдим. Мен қўйган биринчи масала бу —

Ўзбекистон жойлашган минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Ўзбекистонда ва шу минтақада яшаётган ҳар қайси оила, ҳар бир инсон шу заминда тинчлик бўлишини хоҳлайди. Кимки юзига фотиҳа тортмасин, тинчлик, омонлик бўлсин, деб тилак тилайди.

Лекин барқарорлик фақат Ўзбекистоннинг ўзига боғлиқ эмас. Атрофимизда қанча давлат бор, қанча турли феълийлик, турли мақсадли одам яшайпти. Афғонистон можароси, Тожикистондаги жанжаллар, ўзаро тушунмовчиликлар — буларнинг барчаси қанчадан-қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир авжи куз, бу ерда пахта терилаяпти, бу ёқда ғалла экилмоқда, мана шу далаларда тақдиримиз ҳал бўлаяпти. Шундай кунларда эрталаб туриб бугун бир Фарғона ёки Хоразмга бориб келсам, эртага Сурхондарё, Қашқадарёга ё ўзимнинг юртимга ўтсам, деҳқонлар билан, ҳамюртлар билан "ҳорма-бор бўл" қилсам деб орзу қиламан-у, афсуски, мана шу ташвишли муаммолардан ортиб бўлмайди.

Олдимизда улкан ва масъулиятли вазифалар турибди.

Ҳарбий соҳа бўйича ғоят мураккаб масалаларни ошиғич равишда ҳал этиш лозим.

Бу ёқда пул масаласи ҳам бор. Миллий пулимизнинг қадрини кўтариш, унинг ҳар томонлама харид имкониятларини кучайтириш ва шу орқали одамларнинг истиқболини ойдинлаштириш асосий вазифамиздир. Халқаро валюта фонди билан, умуман, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада кенгайтириш ҳам долзарб ишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонга кимки келмасин, албатта, Президентни кўришни хоҳлайди. Нимага деганда, узоқдан келган одам, албатта, аниқ тасаввурга эга бўлиб, муайян бир кафолат олиб иш кўришга интилади. Бу табиий ҳол. Лекин ҳозир Ўзбекистонга қанчадан-қанча одам келаяпти. Уларнинг ҳар қайсиси билан учрашиш, бунга тайёргарлик кўриш, муҳокама қилинадиган масалаларга эътибор бериш ҳам жуда кўп вақт талаб қилади.

Бошқа ишларни, масалан, қўшниларимиз билан ҳамкорлик қилишни олсак. Илгарилари қўшни республикаларнинг ўзаро муносабатлари Москва орқали ҳал этилар эди.

Агар бирон бир иттифоқдош республикада ёнидаги қўшнисига нисбатан муаммо пайдо бўлса, раҳбарлари

куриб Москвага борарди. Кремль юлдузи остида ўтирган катта раҳбарлар эса бундан фойдаланиб, балки шунга шайхон туғдириб, муаммони ҳал қилган бўларди-ю, аслида икки республика етакчилари ўртасига зимдан адоват уруғини сепаб қўярди. Токи, булар бир-бири билан андармон бўлиб ётсину ягона ҳалоскор ва нажоткори деб Москвани билсин, итоатдан бўйин товламасин!

Бугун энди замон бошқача. Ҳозир арзу дод қилиб ҳеч кимга бормаيسان. Агар иккита давлат орасида тушунмовчилик вужудга келган бўлса, бугунги вазиятда албатта ўзаро тил топишиш керак. Дипломатия деган нарса осон ин эмас экан. Буни уюштириш учун, ташкил қилиш учун жуда кўп ўйлаш керак. Ўзаро тил топишиш, одамларни янги замонга чорлаш, даъват этиш, ҳар томонлама кўндириш, ишонтириш... Одамни мажбуран тазйиқ остида ишлатиш мумкин, бунақаси тарихимизда кўп бўлган. Лекин дўстингни, ҳамкорингни, қўшнингни улуғ мақсадлар йўлида йўлдошлик қилишга кўндириш — жаҳонда энг масъулиятли ва олижаноб юмушдир. Белни маҳкам бойлаб, халқимга бир хизмат қилай, мардлигимни кўрсатай, деган одамларни қўллаб-қувватлашимиз, руҳини кўтаришимиз керак.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, тинчлик, осойишталик тўғрисида гапирганда, муаммолар олдин бошқачароқ эди. Чегарани қўриқлаш, ҳарбий кучларни таъминлаш, тарбиялаш бизнинг ихтиёримизда эмасди. Энди вазият ўзгарди. Бизни қайси томондан хавф кутаётганини олдиндан билмасак, такрор айтаман, олдиндан билмасак, эртага Ўзбекистон остонасида тўсатдан хатар пайдо бўлса, аввало мен жавобгарман. Албатта, бундай кундан Худо асрасин. Асраяпти ҳам! Атрофимизда табиий офатлар, сиёсий можаролар, қонли тўқнашувлардан озмувча одам озор чекапти, дейсизми. Ахир улар ҳам инсон-ку. Мен халқим номидан, ўз номимдан минг-минг шукроналар айтаманки, Худо бизни ўзи асраяпти. Аввало, Аллоҳ таолонинг ўзи бизни паноҳига олган. Ношукурлик қилмасак, шу тинчликнинг қадрига етсак, марра бизники. Хуллас, БМТ мунбаридан айтган яна бир гапим шу бўлдики, бугун дунё миқёсида барқарорликка эришиш учун дастлаб минтақаларда барқарорликни таъминлаш

керак. Умумбашарий барқарорлик кичкина минтақада тинчликни сақлашдан бошланади.

Яқинда Ўзбекистонда бўлиб ўтган Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликка бағишланган семинар-кенгашда 31 давлат, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан 4 таси қатнашди. Кенгашдан чиқарилган асосий хулоса шу бўлдики, авваламбор, минтақаларда тинчликни сақлайлик, шу минтақалардаги давлатларнинг бошини қовуштирайлик. Ана шундагина жаҳонда барқарорликни сақлаш мумкин. Босниядаги аҳволдан ҳамманинг хабари бор. Сийсий барқарорликка эришилмаса, бу ердаги можаро учинчи жаҳон урушига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу — биринчидан.

Иккинчидан. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзланган мақсадга қандай эришиши мумкин? Темирни қизиғида бос, дейдилар. Жанжал кўтарилишини кутмасдан, ҳали ўт чиқмасдан ҳаракат қилиш зарур. Жанжал кўтарилса, инсон қони тўкилса, чақалоқлар ўлдирилса, аёллар, оналар хўрланса, ўзаро меҳр-оқибат йўқолиб, одамларни яраштириш қийин бўлади. Ноҳақ тўкилган қон айниқса Шарқда, мусулмон давлатларида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизни қизиққон дейишлари бежиз эмас. Иззат-нафсониятимизга жиндак тегиб қўйилса, эртага биз ёниб кетсак, бу алангани ўчириш маҳол бўлади. Бизнинг табиатимиз шундай. Европада, иқлими совуқ жойлардаги совуқмижоз одамлар буни тушунмайдилар. Ҳазил бўлиб туюлса ҳам аслида бор ҳақиқат шу.

Учинчи масала. Минтақада юзага келган экологик вазият, Орол фожиаси... Қани, имкон бўлса, шу катта минбардан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилишдан асло чарчамасдим: эй одамлар, эй халойиқ, эй жаҳон! Кучли давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари! Бугун биз — ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қозоқлар — шу минтақада яшаётган эллик миллиондан зиёд халқ бошидан кечириётган азоб-уқубатлардан огоҳ бўлинглар. Экологик офат зурриётимизга ҳам таъсир этиб, болаларимиз майиб-мажруҳ туғилаётганини сизлар билишларингиз керак. Бугун биргалашиб олдини олмасак, эртага кеч бўлади — бу офат сизларнинг ҳам шўрингизни қуритиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кучли давлат-

лар, халқаро ташкилотлардан сармоя ундириб, Орол фожиясини бартараф этишга бош-қош бўлиши, биз билан бақамти ҳаракат қилиши керак.

Бу ерда яна бир масала бор. Мен бу гапларни уёқда дйтганим йўқ. Беш минутда нимани ҳам айтиш мумкин. Қолаверса, андиша қилдим. Уйингдаги гапни кўчага олиб чиқиш яхши эмас. Мен нима демоқчиман?

Авалло, шу минтақада яшаётган, Орол офатидан жабрланаётган бевосита бешта давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон халқлари ва раҳбарлари аҳил бўлишларини истардим. Марказий Осиёда Хавфсизлик ва барқарорликка бағишланган семинар-кенгаш кунлари бешта республика раҳбари Орол бўйича бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини мен ниҳоятда хоҳлаган эдим. Чунки шу ҳамфикрлик бўлмаса, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари олдида ким деган одам бўламиз! У ерда Америка Қўшма Штатлари вакиллари ўтирибди, Германия ва бошқа йирик давлатлар вакиллари ўтиришибди. Афсуски, дўстларимиздан бири бу йиғинда иштирок этишни ўзига лозим кўрмади. Орол фожияси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг фожияси эканлигини наҳотки бу дўстимиз тушунмаса?!

Танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Орол офатининг нималигини шу минтақада яшаётганлар, аввалло, қорақалпоқлар яхши билишади. Биз меҳмондўст халқмиз. Ким бўлишидан қатъи назар, меҳмонни бошимизга кўтарамиз. Лекин улар ҳам бизни тушунишсин-да. Энди шунчаки Оролни томоша қилиб кетиш, ҳамдардлик билдириш, тавсиялар бериш билан иш битмайди. Энди гап бошқача бўлиши керак. Нияти холис одам бу ерга келганда албатта ўзи билан ниманидир олиб келсин, ўзидан нимадир қолдирсин. Оролга оғзида эмас амалда ёрдам берган кишигина инсоний бурчимни бажардим, дея олиши мумкин.

Афғонистонда ўн етти йилдан буён уруш кетаяпти. Бундай давомли уруш тарихнинг қайси замонда бўлган — билмадим. Тожикистонда мухолиф кучлар ҳалигача келиша олмаяптилар. Тожикистон халқи, шу жумладан Тожикистонда яшаётган бир ярим миллион ўзбек аҳолиси

хавф остида яшаётгани ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак. Бу ўта муҳим масала.

Боя Босния-Герцоговинани эсладик. Биз тўғри тушунамиз, Европанинг қоқ ўртасида турган давлатда уруш чиқиши хавфли. Лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боснияга ажратаётган маблағининг мингдан бир қисмини Афғонистонга, Тожикистонга берса, олам гулистон бўларди. Атрофимиздаги давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар тинчлик тўғрисида чиройли сўзларни жуда кўп гапиришади. Гўё ҳаммалари тинчлик учун курашаётгандай. Амалий ишга келсак... Аравани қуруқ олиб қочмай, аниқ иш билан шуғулланиш пайти етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, мен бир фикрни айтдимки, Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини хоҳлайдилар. Тинчлик бўлса, автомобиль йўллари, темирйўллар қуриб, биз бу мамлакат орқали Ҳинд океанига чиқишимиз мумкин. Мен шу гапни яна такрорламоқчиман: Ҳинд океанига чиқиш Ўзбекистон учун муаммолар муаммосидир! Бир фараз қилинг-а: тўрт томонимизга йўл очилди. Темирйўл билан Шимолга чиқдик, Ғарбга чиқдик, Жанубга ҳам чиқдик. Юқларимизни Ҳинд портларидан денгиз, океанлар орқали хоҳлаган томонга ташиб ўзимизга керакли нарсаларни Ўзбекистонга олиб келдик... У ёғи Япония... Индонезия... Малайзия... Буёқда мусулмон давлатлари, Арабистон дегандай... Орауға айб йўқ. Худога шукурки, кўп мақсадларга эришяпмиз. Агар шу мақсадимизга ҳам эришсак, билмадим... шахсан менинг ҳеч армоним қолмасди. Нега деганда, бу йўл нафақат иқтисодий, сиёсий, керак бўлса маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиши турган гап. Бир эслаб кўринг: буюк аجدодимиз — саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу йўллардан ўтмаганми? Ҳиротда яна бир улуғ бобомиз — ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг хоки муборақлари бор. Ўша мақбарани бир бора кўзга суртиб тавоф этиш ҳар бир ўзбекнинг армони эмасми?!

Шунинг учун мен БМТ минбаридан айтдимки, бизнинг ниятимиз холис. Афғонистондаги уруш қачон тугаркан деб, илҳақ кутиб турибмиз. Шароит туғилса, биз йўл қурилишини бошлаб юборишга тайёрмиз. Ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган банклар ҳозир



жуда кўп. Халқаро банклар миллиард-миллиард пул беришга тайёр. Фақат битта нарса — тинчлик керак. Тамом, бошқа нарса керак эмас.

Бугун бир-бирини ўлдириш, отиш билан тирикчилик қилаётган юз минглаб афғонлар эртага йўл қурилишига ўтади. Ризқини тинч меҳнатдан топиб, бола-чақасини тарбиялайди. Кимки шу лойиҳани қўллаб-қувватласа, Афғонистоннинг тинчлиги учун курашган бўлади! Кимки қарши чиқса, у одамнинг ўзиям, сўзиям қалбаки, риб-кордир! Уларга уруш нима учун керак? Марказий Осиё давлатларини доимо хавф остида сақлаб туриш учун керак.

Ёнимизда уруш олови ёниб турса, биз тинч юришимиз мумкинми? Бор-йўғи саккиз юз километр масофа! Термиздан у ёғи ёниб турибди. Бу урушни халқро кучлар ёрдами билан тезроқ тўхтатиш кераклигини катта-катта минбарлардан кўп гапирганман. Россия давлат раҳбарлари билан учрашганда ҳам қайта-қайта такрорлайман: Амударё қирғоғида қадим-қадимдан умргузаронлик қилган икки халқни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Термизда бўлганимда одамлардан кўп эшитганман, уларнинг айтишларича, ўша пайтлар одамлар бемалол у қирғоқдан бу қирғоққа ўтиб туришган, тўйлар қилишган, қиз бериб, қиз олишган. Ҳужжат текширишлар, автомат ўқталишлар қасрда дейсиз. Қўриқчилар нари борса, ҳа келин олиб келяписизларми, бўвти, ўтаверинглар, қўшгани билан қўша қаришсин, дейишар экан. Кейин СССР деган давлат пайдо бўлди, ҳаммаёқ симтиканлар билан ўралди. Боя айтганимиздек, Афғонистонда уруш кетаётганига 17 йил бўлаяпти. Бу борада бутунлай янги авлод ўсиб стишди. Эътибор беринг-а, ўн етти йил давомида чақалоқ қурол кўтарадиган ўсмирга айланади. Ҳамма даҳшат мана шунда.

Хўш, Афғонистонда уруш нега ҳамон давом этапти? Нима учун Тожикистонда ҳозирга қадар тинчликка эришилгани йўқ. Урушнинг тўхташидан манфаатдор бўлмаган кучлар Афғонистонга қурол келтиряпти. Шимолдан ҳам, жанубдан ҳам, ғарб томондан ҳам Афғонистонга қурол келяпти. Миллион-миллион афғоннинг ёстиғи қуриди. Афғонистонда уч ярим миллион ўзбек яшайди, тожиклар, туркманлар яшайди. Улар ҳам қуриляпти. Бу хунрезликларнинг ташкилотчилари бўлган йирик давлат-

лар, давлат арбоблари бор. Уларнинг муддаоси нима? Афғонистонда тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ҳам тинчлик бўлмайди. Афғонистонда уруш давом этаверса, Ўрта Осиё давлатлари ҳамиша хавф остида тураверади.

Хўш, тинчлик ўрнатилди ҳам дейлик. Эртага Афғонистон кимнинг измида бўлади, кимга бўйсунди? Афғонистонга кўз тикканларга ана шу савол ҳам тинчлик бермайди. Нима кўп, Афғонистонда қабила кўп. Бир қабила биронта давлатга бориб пул, қуrol сўрайди. Қуrol, ёрдамни аямайдилар: марҳамат, олинг. Энди ўша давлатдан иккинчи қабила ҳам қуrol, пул сўрайди, марҳамат, унгаям беришади. Кўрдингизми, Афғонистоннинг бугунги аҳволи қандай. Жаҳоннинг катта сиёсати гирдобига тушиб қолган бечора бир давлат бўлди бу Афғонистон! Бечора халқ бўлди бу афғон халқи!

Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти эътиборни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар эътиборини бу масалага жалб қилиш бизнинг бурчимиз эди. Яна бир бор айтаман: Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, Ўзбекистонда, мана шу Тошкентда биз хотиржам яшай олмаймиз. Бу — аниқ. Чунки гиёҳванд моддалар ҳам Ўрта Осиё ҳудудига асосан Афғонистон орқали кириб келмоқда. Бу хавф эртага халқимиз бошига, фарзандларимиз бошига битган бало бўлиши мумкин.

Бизнинг ҳудудимиздан ўтадиган гиёҳванд моддалар эртага Европада пайдо бўлади. Шунинг учун катта минбарлардан айтишга тўғри келяпти; ў, азиз биродарлар, гиёҳванд моддаларнинг асосий харидорлари сизларда, Европада, дейлик, Петербургда ўтирибди. Сизларда пул кўп. Эҳтиёж бўлмаса, бу заҳриқотил шунча йўл босиб Европага келмасди. Сизларда эҳтиёж бор экан, бу ёқда наша экилаверади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсаларинг ёмон бўлмас эди.

СССР парчалангандан кейин ҳар қайси давлат тараққиёт йўлини ўзи белгилади. Демократик йўл танлади. Биронта давлат четдан ёрдам олмасдан, эркин демократик давлат қурмаган, бозор иқтисодига ўтмаган.

Мақсад демократик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодига ўтиш экан, бу ишни бизнинг ёрдамимизга умид қилмаймиз. Демокра-

тик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодиётига ўтишимиз учун ёрдам керак.

Биз истиқбол тўғрисида, тараққиёт тўғрисида гапирганимизда, ёрдам беринглар деганимизда, Ўзбекистонда янги завод-фабрикалар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, яъники уларнинг турмуш даражасини кўтаришни кўзда тутамиз.

Лекин йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя керак. Ўзбекистонга олиб келинадиган лойиҳалар сизу бизга манфаатли бўлса; марҳамат олиб келинглар, деб айтдим. Аммо мен бирор жойдан бир доллар ҳам сўраган эмасман, сўрамайман ҳам. Ўзбекистоннинг ўз кучи старли. Минг қатла шукурки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсон — кеча туғилган гўдақдан тортиб қарияларгача, ҳамма-ҳамма бошини баланд кўтариб, қаддини фоз тутиб, ғурур билан айтиши мумкин: биз ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, иншооллоҳ, бўлмаймиз ҳам! Худонинг бизга бергани бор.

**МУХБИР:**— Одатда, биз, кенг жамоатчилик дунёдаги сиёсий воқеаларнинг расмий жиҳатидангина хабардор бўламиз-у, уларнинг замиридаги маъно-мазмунни кўп ҳолларда англаб ставермаймиз. Мана шу мураккаб, чигал воқеаларни Сиз жуда теган ва содда таҳлил қилиб бердингиз...

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Одамларимиз, олис-олисларда ўтирган қарияларимиз нима учун шундай сиёсат юритаётганимизни тушуниб этиши учун мен бу гапларни содда, оддий тил билан айтяпман. Бу сиёсатдан кутилган мақсад нима? Президентимиз нима учун шу узоқ жойларга бориб келди? Бизлар ҳам унинг бир учини билайлик, деб туришибди. Мен тушунаман; одам тирик экан, ҳаракатда экан, унда қизиқиш бўлади. Шахсан мен учун ана шундай одамлар азиз. Шундай одамлар тушуниб олиши учун мен содда тил билан гапиряпман: биз ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, бўлмаймиз ҳам!

Яна бир нарса шуки, биз нафақат Европа, балки жаҳон ҳамжамиятига тезроқ киришимиз керак. Агар биз ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб ётсак, ўз минтақамизда ўралашиб қолсак, билингки, бу биз учун катта зарар.

Кимки шундай фикр-хаёл билан юрган бўлса, демак унинг фаҳми калта, тушунчаси паст. Тирикчилик, умуман бу дунё олди-бердига қурилган. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Шундай экан, бизнинг муносабатимиз самимий бўлиши керак, чегараларимиз очиқ бўлиши керак. Биз ота-оналаримизга, ҳатто саксондан сакраган қарияларимизга дунёнинг кенглигини кўрсатишимиз керак. Бу — бизнинг фарзандлик бурчимиз. Қурби етарли, бели бақувват одамлар, албатта, ўз йўлини топади. Хоҳлаган жойига боради, боряпти ҳам. Ҳозир имконият катта.

Шу гапларни айтяпман-у, кўз олдимда саксон иккига кириб оламдан ўтган онам гавадланиб турибди. У Самарқанддан бошқа бирорта шаҳарни кўрган эмас, ҳатто Тошкентни ҳам. Раҳматли онам сингари ўзининг қишлоғидан бир қадам нарига чиқмаган миллионлаб аёлларимиз бор. Бир ўйлаб кўринглар, Европа аёлларидан ёки эркакларидан нимамиз кам? Қайси жиҳатдан ожизмиз? Хизмат юзасидан кўп жойларни бориб кўряпман. Ҳозир ҳам кеча кўрганларим таассуроти остидаман. Халқимизнинг уларга нисбатан анча маданиятли экани сезилди. Шу боис чегарани очишимиз керак, токи биз бошқа юртларга эмин-эркин бориб-келайлик, бошқалар эса бизникига бемалол келиб кетсин.

**МУХБИР:**— Нутқингизда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам тўхтаб ўтдингиз. Бу борада Сиз қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Буни Америкада ҳам айтган эдим. Бу — Россияда пайдо бўлаётган ҳар хил кучлар, ҳаракат ва намоийшлардир. Айрим кимсалар Россияни собиқ СССР чегарасида тикламоққа уринишяпти. Соддароқ қилиб айтганда, бу парчаланиб кетган СССРни тиклаш дегани. Олди-кетини ўйламайдиган бу ҳовлиқмалар (улар жуда кўп!) эски коммунистлар, эски ўй-фикрда юрган одамлардир. Улар бир вақтлар партноменклатурага кириб, тўғрироғи, партия тепасига чиқиб олиб айшини суриб юришарди. Ҳар куни Москвага чопиб бориб, қўли кўксига, энди нимани букорасиз, тақсирим, деб сўра-

шарди. Улар ҳозир ҳам ўша кунларни қўмсаб, соғиниб юришибди. Уларни биламан, лекин уларнинг даври ўтди, энди қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Нега деганда, халқимиз қайси йўл ёруғ, қайси йўл тўғри ва қаерга олиб боришини тушуниб олди. Четда пайдо бўлаётган ана шу хавф тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман.

Ҳовлиқма кимсаларнинг фикри-зикри СССРни тиклаш, бизни унинг таркибига киритиш. Сабаби, собиқ СССР чегарасини Россия чегарачилари қўриқлаётган эмиш. Бизнинг баъзи бир қўшнилариимиз бу билан фахрланишмоқда, келажagini ҳам уларга тикмоқда. Аммо катта минбарлардан туриб, бизлар мустақилмиз, дейишади. Чегарани бошқа давлат ҳарбий кучлари билан қўриқлаш, бу мустақиллик далолати эмас, такрор айтаман, мустақиллик далолати эмас. Бу — заифлик далолати.

Ҳозир шундай сиёсат бўляптики, Россия мана шу макондаги давлатлар, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо давлатлар чегарасини ҳимоя қилишга, қўриқлашга ёрдам берар эмиш. Хўш, давлатимиз мустақил бўлса, ўз мустақиллигимизни бутун дунёга эълон қилган бўлсак, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, истиқболимизни, иқболимизни ўз хоҳишимизча қураётган бўлсак, нима учун бизнинг чегарамизни бошқалар қўриқлаши керак? Наҳотки чегарани қўриқлайдиган куч ўзига ҳеч нарса талаб этмаса?! Бу дунёда ҳеч нарса бетаъма бўлмайди. Сенинг чегарангни текинга қўриқлаб берадиган аҳмоқ бор эканми! Ким бунга ишонади? Бу ерда коса тагида нимкоса борлиги кўрга ҳам аён.

Чегарамизда бегоналар тургандан кейин дўстларимиз келсин, биз ҳам борайлик, борди-келди қилайлик, очиқ жамият бўлайлик, деган ниятларимиз саробга айланади. Чунки бизни қўриқлайдиган чегарачи, авваламбор, ўзини қўриқлайди. Ундан кейин айтганим айтган, деганим деган деб туриб олади. Йўлимизни шартта тўсиб олиб, бизнинг, дейлик, дунё ҳамжамиятига қўшилувимизга ўз кўзи билан қарайди. Маъқул тушса — қўяди, маъқул тушмаса — қўймайди. Бу аниқ гап! Биз буни яхши тушуниб олишимиз, тўғри баҳо беришимиз ва олдини олишимиз керак!

Балки баъзи давлатларнинг ўз чегарасини қўриқлашга қурби келмас. Унда очиқдан-очиқ таң олсин, мен заифман деб. Мен мустақилман, ислоҳотни ундоқ олиб бо-

рялман, бундоқ олиб борялман, одамларимиз яқинда жаннати мамлакатда яшайди, деб мақтанмасин. Майли, бу давлатлар раҳбарларининг номини айтмай қўя қолай. Аммо улар қуруқ мақтаниш ўрнига, ўзларига ўзлари менинг чегарамни бошқалар келиб қўриқласа, қанақасига мен мустақил бўламан, деб савол берса ўринли бўларди. Ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақдирини бировга боғлаб қўймайди. Бу бор гап.

Яна бир қўшнимиз эса мен нейтрал, яъни бетараф давлат қураман, деб юрибди. Бетараф давлатнинг чегарасини бошқа биров қўриқлаб берадими? Бу қандай бетарафлик бўлади? Ҳеч бир ақлга сиғмайди. Ўзини бетараф деб танитган давлат ўз чегарасига чет мамлакатлар ҳарбий кучларини умуман қўймаслиги керак. Бу оддий ҳақиқат! Агар биз, Туркистон халқлари, аҳил яшасак, чегарамизни биров қўриқлашига ҳожат қолмайди.

Бизнинг аجدодимиз бир, азал-абаддан қариндош, қондош, қисматдош бўлиб келганмиз. Ҳаммамизни Аллоҳнинг ўзи яратган. Унинг ўзи инъом этган беҳад куч, салоҳият, бойликка эга, соҳиб бўла туриб, нима учун четдан посбон чақиришимиз керак?! Ахир биз ҳамма вақт бир-биримизнинг ютуғимиздан қувониб, камчилигимиздан куюниб келганмиз-ку! Нима учун биз Худо берган ақлни яхшилик томон ишлатмаймиз, бир-биримиз билан аҳил, оғанин бўлмаймиз?! Бугун эса замоннинг зўри билан орамизга тортилган чегарани пеш қилиб, давр синовидан ўтган аҳиллигимизга путур етказяпмиз. Чегарамизни ёт одамларга ишониб топширяпмиз. Бу менимча, Ватан тақдирини қўш қўллаб бировнинг измига беришдан бошқа нарса эмас. Агар биз бирлашсак, биздан зўр куч топилмайди. Менинг бунга ишончим комил.

Биз уруш ҳақида кўп гапираимиз. Аслини айтганда, уруш — бир-бирини қириш, ўлдириш одамзот табиатига ёт нарса. Лекин урушишади. Бунинг сабаби нимада? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа йирик кенгаш ва ташкилотлар бунинг олдини олиш учун йилига миллиард-миллиард пул сарфлайди. Аммо урушлар давом этапти. Бир кун бўлсин тўхтамаяпти. Нега? Бу офат қачон тугайди? Бунинг сабаблари кўп: очкўзлик, манфаатпарастлик, шухратпарастлик, амалпарастлик, жаҳолат, маданиятсизлик ва ҳоказолардир. Уруш таназзул юз

бераётган жойдан чиқади. Нодон одам давлат тепасига чиқиб олиб, бошқаларнинг ютуғига ҳасад қилиб, ўз нафсини бошқалар ҳисобидан қондирмоққа интилади. Ўз нафсини қондириш учун халқини қиргинбаротга бошлайди. Бу биринчи сабаб.

Иккинчи сабаб — жаҳолату маданиятсизликда. Маданият устун бўлган жойда уруш чиқмаслиги аниқ. Илму маърифат эъозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар!

Ватан, Ватан муҳофазаси ҳақида гапирар эканман, айти ўринда уни хавф остига қўядиган яна бир иллат ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирон нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлиги бор одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг орасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боисдан бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз керак. Уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги керак. Агар тева-рак-атрофимиздаги бирор одамда шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, уларнинг юрагига эзгулик уруғини қадайлик.

**МУХБИР:**— Сиз Америка Қўшма Штатларида бир қанча давлат арбоблари, шу жумладан, АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашдингиз. Бу учрашувлар Ўзбекистон иқтисоди ва сиёсатига қандай таъсир этади?

**ПРЕЗИДЕНТ:**— Биз Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Гор таклифига биноан Нью-Йорк.

Вашингтонга ташриф буюрдик. Учрашув учун қисқа фурсат ажратилган бўлса-да, биз кўп масалаларни муҳокама қилдик. Музокаралар яхши ўтди. Икки томонни ҳам мамнун этди. Уларнинг кайфиятидан сездикки, Оқ уй маъмурияти учрашувимиздан талай таассуротлар, кўп саволларга аниқ ва ишончли жавоблар олди, умуман ўзлари учун муҳим хулосалар чиқарди.

Агар Америка — Ўзбекистон алоқалари, муносабатлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, биринчи навбатда, унинг ривожига ахборот камлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дайн ахборот камлиги, етишмаслиги орамизда баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ерда ҳам ғаразгўй, сотқин кимсалар икки давлат орасига қутқу солмоқда. Орамизни бузиш учун турли бўҳтонлар ёғдирмоқда. Улар бегона эмас, ўзимиздан, ўз орамиздан чиққан одамлар. Улар маълумот камлигидан фойдаланиб, шу ёққа бориб, ўз она Ватани ҳақида ҳар хил бўлмағур гапларни тарқатиб, тирикчилик қилиб юришибди. Нима ҳам дердик, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.

Америка энг аввало жамоатчилик тафаккури юксак кадрланиши билан бошқа мамлакатлардан фарқланади. Мен жамоатчилик фикрини назарда тутаяпман. Маърифатли дунёда "фуқаролар давлати" деб гапирилмайди. "Фуқаролар жамияти" дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Мен бу ҳақда Олий Мажлисиимизнинг биринчи сессиясида гапирган эдим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур.

Ишбилармонлар билан бўлган учрашувлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Улардан бири — АҚШнинг энг йирик банкларидан ҳисобланган ва жаҳон ишбилармонлар



оламида муҳим ўрин тутадиган "Чейз Манхэттен банк" атрофида бирлашган гуруҳ вакиллари билан учрашувдир. Бу банк ҳозирда "Кэмикел банк" билан бирлашишга тайёр. Ушанда уларнинг бойлиги қарийб беш юз миллиард долларни ташкил этади. Ақлни шоширадиган рақам бу. Шундай бойликка эга бўлгандан кейин барча жаранларга фаол таъсир кўрсатиш, атрофига стакчи фирма ва компанияларни тўплай оладиган марказ ташкил этиш осонлиги ҳам аён. Бироқ, бу учрашув чоғида, мен энг аввало уларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ҳис этдим ва бу ҳол мени жуда мамнун қилди. Бу қизиқиш шу қадар катта эдики, уларнинг барча саволларига жавоб бериб улгура олмадим. Имкони бўлганда бу учрашув узоқ давом этар эди. Мени биринчи галда қойил қолдирган нарса учрашув иштирокчиларининг очиқлиги, Ўзбекистонда бугунги кунда биз қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан ҳам кўпроқ нарсани кўриш истаги бўлди. Назаримда, бу жуда ибратлидир.

Иккинчи учрашув — таркибига ишбилармонлар дунёси намояндалари, банкирларгина эмас, АҚШ ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга сезиларли таъсир кўрсатадиган одамлар ҳам кирадиган "Америкен интернэшнл груп" кенгаши аъзолари билан бўлди. Учрашув иштирокчилари орасида давлатни бошқарган кишилар ҳам, ҳукумат аъзоси бўлган кишилар ҳам бор эди. Очиғини айтганда, бу барча эркин гапирадиган, эркин фикр алмашадиган, мамлакатдагина эмас, унинг ташқарисидати воқеалар ривожига ҳам таъсир кўрсата оладиган кишилар таклиф қилинадиган учрашув эди. Улар меҳмонларни тўрт томондан "нишонга олади", фикр-мулоҳазаларини бойитиш учун уларнинг "сиқиб сувини ичади".

Назаримда, бу жуда катта зарур ва фойдали ташкилот. Биз ҳам ўзимизда ана шундай ташкилотни тузишимиз керак. Турли нуқтаи назар ва турли манфаатга эга бўлган кишиларнинг кутилмаган худосалари истиқбол учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот тилида, асл манба, деган тушунча бор. Афсуски, жаҳон, хусусан, Америка жамоатчилиги айни пайтда Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги ахборотни иккиламчи манба — Россия оммавий ахборот воситаларидан олишмоқда. Ваҳоланки, Россия ом-

мавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлар, кўпинча, бирёклама ёки мутлақо бир-бирига қарама-қарши бўлади. Битта газетани ўқисангиз — бир гап, бошқасида эса — бунинг тамомила тескариси. Бундай матбуотда ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда истаган уйдирмани ёзавериш мумкин.

Ўша учрашувга қайтиб, қайд этмоқчиманки, америкаликлар Ўзбекистоннинг жаҳонда тугган ўрнини, мамлакатимизда қандай жараёнлар юз бераётганини яхши англаб олишди. Мен уларга улкан меҳнат, табиий ва минерал-ҳом ашё ресурсларига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда жуда кўп мамлакатлар эътиборини тортаётганини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бу ўринда манфаатлар тўқнашуви ҳам юз бермоқда, яъни айримлар бизни ўз таъсирига олмақчи бўлмоқда, бошқалар эса бу таъсирни йўқотиб қўймасликка уринмоқда. Яна бошқа бировлар эса, бу ерда эгаллаб олиш мумкин бўлган бўшлиқ ҳосил бўлди, деб ўйламоқда. Бу манфаатлар тўқнашуви портлаш билан экун топиши мумкин бўлган жуда катта хавфдир. Унинг олдини олиш йўли битта: ҳар ким арқонни ўзига қараб тортмаслиги, минтақа халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини бериш лозим.

Альберт Гор билан учрашганимизда, мен ярим чин, ярим ҳазил оҳангда бир гапни айтдим, уни сизга ҳам айтмоқчиман: "Бизларга мактабда жуғрофияни яхши ўқитишганми ё... билмадим, Ўзбекистонда яшасак ҳам, ҳар қалай, жуғрофияларингизни сизлардан кўра яхши биламиз. Лекин сизлар Ўзбекистоннинг қаерда жойлашганини ҳам билмай-сизлар". Улар хафа бўлишмади. Ҳаммалари кулишиб, гапингиз тўғри, дейишди. Чунки Қозоғистон қаёқда-ю, Ўзбекистон қаёқда — баъзилари шуниям билишмайди.

Очигини айтганда, Америка маъмурияти сўнгги бир йил давомида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар, биз қураётган жамият тўғрисида анча хабар топди. Холис маълумотлар етиб бормаган чоғлар бизни менсимгани, менсизлиги хоҳламагани рост. Ҳозир эса аҳвол бутунлай ўзгарган. Ҳа, кескин ўзгарган. Чунки борди-келдиларимиз, юзма-юз суҳбатларимиз тобора изчил ва мунтазам тус олмақда. Билвосита эмас, бевосита ахборот олишмоқда. Илк таассуротлари ижобий томонга ўзгармоқда. Мен ўз олдимга ютуқла-

римиз ҳақида гапирмаслик вазифасини қўйдим. Кимга керак бўлса, бу минтақада яшаётган одамларнинг ўзидан сўраб билиб олаверсин. Бу энг ишончли ахборот бўлади.

Мен ҳозирги босқичда Ўзбекистон олдида турган муаммолар, хавф-хатарлар тўғрисида сўзлаб беришни лозим топдим. Жаноб Горга бугунги кунда Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тўртта муаммо тўғрисида гапириб бердим. Биз айрим ҳолларда хавфсизликни анча жўн тушунамиз. Ваҳоланки, хавфсизликни жуда кенг миқёсда: инсон хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги, атроф муҳит хавфсизлиги, ниҳоят фуқаролар жамияти хавфсизлиги деб тушунишимиз лозим.

Альберт Гор ўзини қизиқтирган саволларни ён дафтарчасига қайд этиб қўйган экан. Уларнинг барчасига муфассал жавоб олди. Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, ўзгаришларни айтдик, режаларимиз билан ўртоқлашдик. Шу орада у Марказий Осиёдаги вазият, Эрон, Афғонистон ва Тожикистон муаммолари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги аҳвол, бизнинг Россия билан алоқаларимиз ҳақида қизиқди. Бу масалалар бўйича фикр алмашиб олдик. Жаноб Альберт Гор ҳамма-ҳаммасини қайд этди ва бугун бўлган гапларни ортагаёқ жаноб Клинтонга етказаман, деди. "Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон ва Марказий Осиёда стратегик манфаатлари бор, шу манфаатларнинг қоқ марказида Ўзбекистон турибди. Бизнинг минтақангиздаги манфаатимизни ифодалашда Ўзбекистон тутган ўрин катта. Марказий Осиёнинг келажаги, истиқболи, ҳозир амалга оширилаётган ишларни эътиборга олсак, биз фақат Ўзбекистонга суянамиз", деб ваъда берди.

Биз Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликка фақат буюк давлат билан ҳамкорлик эмас, жаҳонда юз бераётган жуда кўплаб жараёнларга таъсир кўрсатадиган давлат билан ҳамкорлик, деб қараймиз. Биз АҚШнинг суверенитетимизни, ислоҳотлар соҳасида, юртимизга, халқимизга албатта фаровонлик келтирадиган улкан лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида юз бераётган тадрижий жараёнларни қўллаб-қувватлашига, айниқса, умид боғлаймиз.

Биз диёримизда тинчлик ва барқарорлик мавжуд бўлишини истаймиз. Биз Афғонистондаги уруш ва Тожикистондаги танг вазият ҳудудимизга кўчиб ўтмаслигини

истаймиз. Бу ердан 500 ёки 800 километргина узоқликда уруш авжида эканини кўпчилик тасаввур қилолмайди. Одамлар ёнгинамизда минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётганини, шаҳарлар портлаб, бутун-бутун қишлоқлар вайрон бўлаётганини унутмаслиги керак. Диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш ва асраб-авайлаш зарур. Шунинг учун ҳам биз барқарорлик кафолатига эга бўлишимиз, бу ерда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини таъминлашимиз лозим.

Биз ҳамма нарсдан кўпроқ қадрлашимиз лозим бўлган энг муҳим нарса ана шу. Мен бунинг учун зарур бўлган барча нарсани қилишга тайёрман.

*Ўзбекистон телевидениеси  
мухбирининг саволларига жавоблар,  
1995 йил 27 октябрь*

## ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

*1995 йил 2 ноябрь куни Республика Президенти бир гуруҳ олимлар — мамлакат Фанлар академияси вакиллари билан учрашди.*

Ўзбекистон фани, хусусан, Фанлар академияси олдида турган муаммолар кўп, деди Ислом Каримов. Биз аввалги учрашувларимизда уларни ҳал этиш бир кунда бўладиган иш эмаслиги, бу масалаларни қадам-бақадам ечиб бориш тўғрисида фикрлашган эдик. Шундан буён ўтган икки йилча вақт мобайнида академиянинг бошқарув тизимини такомиллаштириш, ижодий муҳитни соғломлаштириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, қийинчилик билан бўлса-да, олға силжимоқда. Шуниси қувончлики, ислохотларнинг дастлабки натижалари, бу йўлдаги ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Буни нафақат яқин қўшниларимиз, балки дунёдаги буюк давлатларнинг раҳбарлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари ҳам эътироф этмоқда. Бизнинг икки-уч йил аввал Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган шиоримизни истеҳзо билан қаршилаган айрим кимсалар ҳам бугунги ҳақиқат олдида тан бермоқда.

Бу меҳнаткаш халқимизнинг самарали меҳнатлари натижаси, ютуғидир. Бунда сиз, турли соҳа олимларининг ҳам сезиларли ҳиссангиз бор, қолаверса, одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган юксак маданият, интеллектуал салоҳият борки, ана шулар бу натижаларни қўлга киритишда асосий омил бўлди, десам янглишмайман. Қисқача айтганда, табиий бойликлар, қулайликлар ўз йўлига, лекин шундай бир ноёб бойлигимиз борки, бу —

меҳнаткаш ҳалқимиз ва унинг ақл-заковатидир. Бу бойлик билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллик байрамида таъкидлаганимиздек, энг оғир кунлар ортда қолди. Бизни Яратганнинг ўзи бало-қазодан асради ва асрапти. Фарғона, Ўш фожиаларининг олови вақтида ўчирилди, миллий, диний низолардан сақлана билдик. Зеро, тинчлик йўқ жойда ҳеч нарса бўлмайди, савобли ишларга қўл тегмайди. Доноларимиз, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади, деб бежиз айтмаганлар.

Бу ҳикматни теран тушуниш керак. Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, деган гап ҳам бор. Шу маънода бугунги тинчи бузилган узоқ-яқин юртларни кўриб келаётганлар кўзи очилиб қайтпти. Чунки ҳақиқий шароит солиштириб кўрганда билинади. Димоқчиманки, биз ҳам истиқлол арафасида, унинг дастлабки йилларида оғир хавф остида яшадик. Нафақат иқтисодий қийинчилик, балки маънавий таназзул хавфини ҳам бошимиздан кечирдик. Шукрки, ҳалқимиз ўша вақтдаги вазиятни, бизнинг ниятимизни тўғри тушунди ва қўллаб-қувватлади. Бу эса, ўз навбатида, ислохотларни амалга оширишда катта таянч бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз олдида турган муаммоларга келсак, иқтисодий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда ва бу борада кўзлаган мақсадимизга эришялмиз. Аминманки, яқин йиллар ичида иқтисодий аҳвол бутунлай ўнгланиб кетади. Аммо илм-фанни ривожлантириш, халқ маънавиятини юксалтириш борасида эса сиз, академиклар, барча зиёлилар олдида жуда улкан вазифалар турибди.

Республика Фанлар академияси ҳақида гапирар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, мазкур илм масканида кейинги бир ярим-икки йил ичида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бир қанча ёш, истеъдодли олимлар академик деган юксак унвонга сазовор бўлди. Ҳақиқий аъзолар сони 80, мухбир аъзолар эса 86 нафарга етди. Бу сизлар учун оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Чунки, таъбир жоиз бўлса, сиз шу қозон ичидасиз. Лекин кенг жамоатчилик назарида, ҳалқимиз ҳаётида бу катта воқеа бўлди. Марказдан четроқда — вилоятларда ишлаётган ходимлар, айниқса умидли ёшларнинг академия аъзолигига сайланиши уларнинг адолат

ва ҳақиқат барқарорлигига, ўзининг илмий келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлади.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар олис қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Шу маънода Фанлар академиясига янги сайловлар бу ерда қарор топаётган соғлом муҳитнинг илк намойиши бўлди, деди Президент.

Лекин бугунги кунда Фанлар академияси олдида турган муаммолар ҳам кам эмас. Биз яхши тушунамиз, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида келажакни ўйлаб, бориға қаноат қилиб фан йўлида заҳмат чекиш — бу фидойилиқдир. Бугунги кунда шуни тан олиш лозим: лаборатория ва тажрибахоналарда илм-фанга бутун қалби билан берилган чинакам саботли ва садоқатли заҳматкашларгина қолди, десак ҳеч қачон муболага бўлмайди. Фан соҳасига фандан бошқа мақсадларни кўзлаб кирган айрим кишилар аллақачон бўлак ишларнинг бошини тутиб кетди.

Ҳозирги огир шароитда фанга интилиш, ҳаётини илмга бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларга эҳтиром билдириш барчамизнинг бурчимиздир. Ўз лабораториясига, ўз изланиш ва тадқиқотларига, ўз фанига содиқ қолган илм аҳли бугун ҳар қанча эъзозга муносиб. Менга қолса, бугун ана шундай одамларга атаб "Фанга садоқати учун" деган махсус медал таъсис этган ва ўша фанпарвар одамларнинг ҳар бирининг кўксига ўз қўлим билан тақиб қўйган бўлур эдим.

Фанлар академиясининг тарғиботи етарли даражада эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Телевидениенинг ҳам, матбуотнинг ҳам бу соҳага эътибори шахсан мени қониқтирмайди, деб таъкидлади Президент. Илм-фаннинг ҳақиқий фидойиларини кўпроқ кўрсатиш, бу мавзудаги кўрсатув ва мақолаларнинг мазмунини тубдан яхшилаш керак.

Халқимизда, айниқса, ёшларимизда илм-фанга бўлган ташналик ва интилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга сазовор соғлом ижодий хусусиятдир. Илм-маърифатга қизиқиши суст миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу ўринда мени бир нарса қувонтирадики, бизнинг етакчи олимларимиздан ҳеч ким ўз манфаатини ўйлаб чет элларга кетиб қолмади. Ҳолбуки, у ёқларда бизнинг олимларга ҳам "харидорлар" кўплаб топилади.

Шахсан мен буни асл ватанпарварлик белгиси, деб биламан. Юртга бундай содиқлик, бу сабр-чидам, албатта, таҳсинга арзийди. Лекин шу ўринда бошқа ҳақли савол туғилади: хўш, бу сабр-бардош қанчагача давом этиши мумкин? Ҳар қандай чидамнинг ҳам чегараси борку! Агар биз илм-фан аҳлига, чинакам фанпарвар олимларимизга тегишли шарт-шароит яратиб бермас эканмиз, бу ҳол тузатиб бўлмас салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаннинг замона талаблари даражасида тараққий топиши учун, менинг назаримда, қуйидаги муҳим омиллар зарур: ғоя, моддий асос, тегишли шароит ва фикр, тафаккур эркинлиги.

Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. Ҳозирги шароитда ишбилармонлар, савдогар ва тadbirkorлар топиш-тутиш жиҳатидан илм-фан ва маданият соҳаси кишиларидан ўтиб кетгани сир эмас. Майли, бозор иқтисодиёти бусиз бўлмайди. Савдо-солиқ, бизнес керак. Лекин фан, ижод уларнинг соясида қолишига биз йўл қўя олмаймиз. Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, бориёнки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажакини тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни барча теран ҳис қилмоғи даркор.

Иқтисодимизнинг ривожланиши, бозор тўкин бўлиши, миллий валютани эркин алмаштириш, чет элларга бориш-келишни осонлаштириш мумкин. Шубҳасиз, ҳадемай барча иқтисодий масалалар ечилади. Ўзбекистон, албатта буюк давлатлар сафидан жой олади. Лекин халқнинг теран маънавиятсиз, гурурисиз, юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун фан киши-



лари узоқни — ана шу кўзлаган буюк келажагимизни назарда тутиб ишлашлари керак.

Шу маънода, Фанлар академияси олдида қандай вазифалар турибди?

**Биринчидан**, биз қандай улуг мероснинг ворислари эканлигимизни асло унутмаслигимиз лозим. Яқинда ЮНЕСКОда Ўзбекистоннинг маданий тарихи биз учун улкан кашфиёт бўлди, деган фикр айтилди. Ана шу буюк меросни халққа етказиш, уларнинг қалбига муҳрлаш, кенг ташвиқ қилиш миллатимизда гурур ва ифтихор уйғотади. Ана шу ўлмас бойлик ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириб, миллий заковат ва илмий салоҳиятни юксалтириш академиянинг энг асосий вазифасидир.

Хўп, ўтмиш билан фахрланиш керак, ифтихор қилиш зарур, лекин биз фақат шу билангина чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. **Сабаби, фақат ўтмиш обрўси билан яшаб бўлмайди.** Илгари айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим. Хўш, аجدодларимиздан бизга буюк мерос қолган экан, биздан авлодларимизга қандай мерос қолади? Биз фарзандларимизга қандай илмий ихтиро ва кашфиётларни, қандай фан ютуқларини, қандай илмий тафаккурни мерос қилиб қолдирамиз?

Мана шу масалаларга ечим топиш академиямизнинг иккинчи муҳим вазифаси бўлиши керак.

**Учинчидан эса**, умуман академиянинг таркибий тузилишини қайта қўрмоқ даркор. Токи, бу фандаги устувор соҳаларни ривожлантириш учун тўла имконият берсин.

Очигини айтганда, илм-фан соҳасида танқид жуда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кучли. Ҳолбуки, танқид — тараққиёт омилларидан бирidir. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин.

Илму фanning чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, ҳар бир илмий ходим чет тилларини пухта эгаллаши зарур. Негаки, бир илмий

кашфиётнинг, айтайлик, инглиз тилидан рус тилига, кейин ўзбек тилига ўгирилиб, бизга етиб келиши учун уч-тўрт йил вақт кетади ва у эскириб қолади. Бинобарин, аслият тилини билмаган олим илмий янгиликлардан, тараққиётдан орқада қолади. Ўз қобиғида қолиш эса фанда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз шарт, деди Президент сўзини давом эттириб, биз Шарқ давлати, мусулмон мамлакатимиз. Баъзиларнинг фикрича, мусулмон мамлақати бўлиш гўёки қолоқлик, оқсоқлик белгиси эмиш. Бу фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Биз мусулмон мамлақати эканимиздан сира хижолат чекмаслигимиз, аксинча, димо фахрланишимиз лозим. Чунки Шарқнинг минг йиллик фалсафасию ислом қадриятлари тараққиёт учун бебаҳо хазинадир.

Шарқона қадриятларда икки нарса ғоят улуғланади: каттага ҳурмат, кичикка иззат. Шу икки хусусият Академияда, умуман, ижтимоий ҳаётимизда асосий тамойил бўлсагина, муҳит соғломлашади. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар. Катталарни давринг ўтди, демаслик билан бирга ёшларнинг йўлини тўсмаслик керак. Ана шундагина ўсиш, ривожланиш тезлашади.

Фан аҳлига, зиёлиларга самарали ишлаш учун зарур шароит яратиб бериш давлатнинг бурчидир, деди Президент. Баъзан биттагина илмий кашфиёт мамлакатни бутун дунёга машҳур қилиши мумкин.

Айниқса фундаментал фанларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки фундаментал фанлар тараққиёт асосидир. Нима учундир айрим кишиларда бу фанларни ривожлантириш қимматга тушади, деган нотўғри қараш бор. Фақат бу фанлар улкан самарасини кейинроқ беради, холос. Улар олимдан алоҳида салоҳият, истеъдод, сабот-матонат талаб этади. Бу фанлар билан дуч келган ҳар қайси олим ҳам шуғуллана олмайди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, бу фанлар ривожига кўмаклашувчи алоҳида жамғарма тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу жамғарма маблағларини устувор илмий соҳалар учун адолатли тақсимлаш академия ва жамғарма кенгаши зиммасида бўлиши зарур.

Менинг яна бир фикрим шундайки, биз фан ва унинг ҳар қайси бўғинларига — у институт, бўлим, лаборатория

бўлсин, тегишли эркинлик, тегишли қулайлик ҳамда моддий шарт-шароит яратиб бермасак, бу соҳада самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур.

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчиманки, деди Ислом Каримов, академиямиз бундан буён ҳам энг нуфузли фан маскани бўлиб қолсин. Илғор фан-техника ютуқлари одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, маънавий дунёсини юксалтиришга хизмат қилсин. Токи биз улғу боболаримизнинг беқийс ақл-заковати билан фахрланиб юрганамиз сингари келгуси авлодлар ҳам бугунги олимларимизнинг илмий кашфиётлари ва салоҳиятларидан ҳаммиша ифтихор қилсинлар.

**ЎЗБЕКИСТОН РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ  
GERMANIA ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА  
РАСМИЙ ТАШРИФИ ЧОГИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ШАРАФИГА УЮШТИРИЛГАН ҚАБУЛ  
МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Федерал Президент жаноби олийлари!

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Германия диёрида делегациямизга кўрсатилган қайноқ ва самимий меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало Ўзбекистон — Германия алоқаларининг ривожланиш жараёни тобора қизгин паллага кираётганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ҳамкорлигимиз атиги бир неча йил бурунгина бошланган бўлишига қарамай, биз бугуноқ бу ҳамкорлик ўзаро фойдали ҳамда Германиянинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам узоқ муддатли манфаатларига мос экани тўғрисида ҳулоса чиқаришимиз мумкин.

Германиянинг Европада ҳам, бутун дунёда ҳам улкан нуфузга эга экани унинг иқтисодий қудрати билангина эмас, бу давлатнинг маънавий ва маданий мероси бойлиги билан ҳам изоҳланади.

Шунинг учун ҳам ҳамкорлигимиз тўғрисида гапирар эканмиз, биз тобора мустақамланиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, маданият, санъат, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқаларни ҳам назарда тутамиз.

Кеча Буюк ипак йўлига бағишланган кўрғазманинг очилиш маросимида иштирок этар экансиз, бизнинг ўлкамиз қадим-қадимдан Ғарб-Шарқ мамлакатларини боғловчи қўлрик бўлиб хизмат қилганига ўзингиз ҳам амин бўлган бўлсангиз керак, жаноб Президент.

Бугунги кунда биз Буюк ипак йўли анъаналарини қайтадан тикламоқчимиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Ғарб учун ҳам, Шарқ учун ҳам очиқ бўлиб қолди. Биз барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали шериклик асосида

ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, ҳозир жуда кўп мамлакатлар билан ана шундай ҳамкорлик қиляпмиз ҳам.

Алоқаларимиз ҳақида гапирар эканман, мен гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Чунки мана шу алоқаларни ривожлантириш орқалигина Буюк ипак йўлини янги мазмунда тиклаш, рамзий қилиб айтадиган бўлсак, унга иккинчи ҳаёт бахш этиш мумкин бўлади.

Шу муносабат билан, назаримда, бугун имзоланадиган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳаво йўли ҳақидаги битим муҳим аҳамият касб этади.

Биз Германия ва бошқа Европа мамлакатлари билан бу соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайтиши бизга яна Шарқ билан Ғарбни боғловчи муҳим йўлларнинг ўртасида туриш имконини беради, деб умид қиламиз. Эндиликда бу йўллар карвон сўқмоқларидан эмас, энг замонавий ҳаво лайнерлари солган осмон йўлларидан иборат бўлади.

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Бутун жамиятимиз оёққа туриш, янгилашиш руҳи билан яшамоқда. Биз ислоҳотлар йўлидаги дастлабки, энг қийин, бироқ шу билан бирга энг муҳим босқични босиб ўтдик.

Бу йўлдаги энг улкан ютуғимиз — Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг тобора юксалиб бораётгани, халқимизнинг бу ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганидир.

Ислоҳотлар аллақачон сезиларли натижалар бермоқда. Миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва савдонинг деярли бутун ҳажмини тобора ўсиб бораётган давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда.

Ўртанча ва йирик давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жадал бормоқда. Хорижий фуқаролар ҳам бу корхоналарга тегишли қимматли қоғозларга эга бўлиши мумкин.

Миллий валютани мустаҳкамлаш ва пул қадрсизланишининг олдини олиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Пул қадрсизланиши даражаси йил бошида 16 фоиздан ортиқ бўлса, бугунги кунда у ойига атиги бир фоизни ташкил этмоқда.

Ўзингиз яхши биласизки, тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, демократик фуқаролар жамиятига ўтишнинг тайёр моделлари йўқ ва бўлмади ҳам.

Биз ҳозир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий янгиланишларнинг дастлабки босқичида турганимизни яхши англаймиз.

Биз учун энг муҳими — кишилар тафаккури, уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, биз учун ҳали янги бўлган демократик қадриятларни уларнинг шуурига синдиришдан иборат.

Мен бир нарсага аминман:

мамлакатимизда мулкдорлар синфи, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, майда ва ўртача мулкдорлар синфи пайдо бўлганидагина (барчанинг қашшоқона тенглиги эмас) жамиятимизнинг фаровонлик ва демократия сари барқарорлик билан ва дадил бора олишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир киши учун фақатгина барқарорлик ва хавфсизлик, миллий ва фуқаролар тотувлиги республикада ислоҳотлар ва янгиланишларнинг муҳим гарови ҳисобланади, деган оддий ҳақиқат аён бўлиб қолган.

Биз янгиланиш, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан дадил ва изчиллик билан бормоқдамиз.

Бир нарсани таъкидламоқчи эдим: гарчи биз иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича ўз йўлимизни танлаган бўлсак-да, Германия сингари иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тажрибасига катта қизиқиш билан қараймиз. Биз Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, кўпгина банклари, компаниялари ва албатта Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси сингари нуфузли муассасалари Ўзбекистондаги янгиланишлар ва ислоҳотларга қўшаётган улкан ҳиссасини миннатдорлик билан қайд этишни истардик.

Ўзбекистон — Германия муносабатлари ҳақида гапирар эканмиз, биз Германия Европа Иттифоқининг йирик мамлакати ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг Европадаги ташқи сиёсатида ўз манфаатларини амалга оширишда кўмаклашишга қодирлиги, Ўзбекистон Республикаси эса, ўзининг Марказий Осиёда тутган жуғрофий-сиёсий мавқеидан келиб чиққан ҳолда, ГФРнинг минтақамиздаги

манфаатларини амалга оширишдаги интилишларида ишонарли шерик бўла олишини назарда тутамиз.

БМТнинг яқинда нишонланган 50 йиллик юбилейи жаҳон ярим аср мобайнида қанчалар ўзгариб кетганини кўрсатди. Янги шарт-шароит, Германиянинг халқаро ҳаётда тутган янгича ўрнини ҳисобга олган ҳолда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қайта ташкил этиш ҳамда Германияни БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сафига киритиш зарурлигига қатъий амин бўлдик.

Германиянинг ташқи сиёсати, кўплаб оламшумул долзарб муаммоларни ҳал этишда унинг иштироки кўпайиши — юз бераётган жараёнларга улкан таъсир кўрсатаётгани бугунги кунда барчага аён.

Мамлакатингиз амалга ошираётган фаол халқаро гуманитар сиёсат ҳам ҳайратомузидир.

Шу муносабат билан, Сизнинг, жаноб Президент, ҳомийлигингизда фаолият кўрсатаётган "Германия агроакция" ташкилотини алоҳида қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон ўтган ойда бу ташкилот билан ҳамкорлик ҳақида битим тузди.

Федерал Президент жаноби олийлари!

Шу йил бошида Давосда сўзлаган нутқингизда Сиз халқаро жиноятчиликни, шу жумладан наркотик моддалар савдоси ва сиёсий террорчиликни ҳам жиловлашга эътиборни қаратган эдингиз. Сиз бу муаммо қийинчиликлардан кўз юмишни эмас, воқеаларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олдини ола билишни талаб этишини қайд этган эдингиз. Ҳақиқатан ҳам фалокат оқибатларини тугатишдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ кечади.

Бу масалада бизнинг нуқтаи назарларимиз бир-бирига мосдир. Бугун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, террорчилик ҳамда бошқа хавфли жиноят турларига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланишини мамнуният билан қайд этишим мумкин.

Мазкур битим бу ишга масъул тузилмаларимиз ўртасида ҳозирнинг ўзидаёқ мавжуд бўлган ўзаро ҳаракатларга ҳуқуқий асос бахш этади.

**Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!**

Сизнинг шу йил апрель ойида Ўзбекистонга ташриф буюришингиз ўзаро муносабатларимизга кучли туртки бўлди. Шу билан бирга бу ташриф Сиз ҳамда рафиқангиз ҳақида камтарин ва самимий, юксак заковат ва маданиятга эга инсонлар деган ўчмас таассурот қолдирди.

Германия раҳбарлари ҳақида гапирар эканмиз, биз Германия халқи, ўзимиз узоқ муддатли ва ишончли алоқалар ўрнатмоқчи бўлган давлат ҳақида фикр қиламиз.

Бизнинг мазкур босқичдаги асосий вазифамиз — ўртамизда эришилган аҳдномаларни тезроқ ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Биз мана шу йўлдан бораверишга қатъий аҳд қилганмиз.

*1995 йил 16 ноябрь*



## ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Муҳтарам дўстлар!

Самарқанд - бекиёс қудрати, бой тарих ва бетакрор маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган қадимий макон. Кўҳна Туроннинг улуғ анъаналари, жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим даврлари бевосита шу замин билан боғлиқ. Чиндан ҳам, Самарқанд дунё тараққиётининг бешикларидан биридир. Буни Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият вакили алоҳида таъкидламоқда ва тан олмақда.

Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналари кўп асрлар олдин шаклланидан далолат беради. Улуғ Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сиёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис келгуси йили ЮНЕСКО қарори билан буюк бобомизнинг 660 йиллик тўйини бутун жаҳон нишонлайди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Биз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйдик. Бутунлай янги тарихий шароитларда миллий давлатчилигимизнинг асосини яратдик. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашмоқда.

Дунё сиёсатдонлари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини маъқулламақдалар. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотларни қўллаб-қувватламақдалар. Биз бутунлай янги, ўз миллий анъаналаримизга хос бўлган, халқимиз турмуш тарзи ва урф-одатларига тўғри келадиган, айна пайтда жаҳон андозаларига мос баркамол жамият куриш тамойилларини ишлаб чиқдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-юбилей сессияси

Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва янги имкониятларини яна бир бор намоён этди. Биз бу сессияда жаҳон сиёсатида бурилиш бўладиган таклифларимизни ўртага ташладик. Бу таклифлар сизларга матбуот орқали таниш.

Куни кеча яқунланган Германия Федератив Республикасига сафаримиз эса Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар мамлакати эканлиги, дунёнинг ҳар қандай давлати билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга кодирлигини кўрсатди.

Бунга яна қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, яқинда Жаҳон банки раҳбари Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, ривожланиш тамойиллари ва халқимизнинг турмуш тарзи билан танишди ва тажрибамизни ижобий баҳолади.

Шу кунларда дунёнинг обрўли сармоядорлари, энг ривожланган мамлакатларнинг таниқли ишбилармонлари ва иқтисод билан боғлиқ бўлган қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари Ўзбекистон билан қизиқишмоқда. Бу мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганидан, унинг ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон жаҳон давлатчилиги анъаналари, халқаро сиёсат ва дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини инсонпарварлик ғоялари билан бойитиш борасида ўзига хос йўлдан бормоқда.

Мамлакатлараро, минтақалараро, қитъалараро муносабатларни юксак сиёсий маданият, шарқона ахлоқ-одоб ва олий даражадаги тафаккур мезонларига таянган музокаралар йўли билан ҳал этиш каби принципал таклифлар билан чиқмоқда. Дунё муаммоларини ечиш ва ер юзида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда энг замонавий усулларни қўллаш - ҳар қандай чигал масалаларни юзма-юз мулоқот ва фикр алмашиш йўли билан ҳал этиш каби ғоят инсонпарвар тамойилларнинг амал қилишини таклиф этмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини, нуфузини, қолаверса, халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятларга таянганлигини кўрсатади.

Энди келажакка қатъий ишонч билан қараб мавжуд имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш, ислохотлар самарадорлигини

янада ошириш кераклигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ўз навбатида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, инфляция суръатларини пасайтириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сингари кенг миқёсли муаммоларни ҳал қилишни талаб этади.

Биз бугун айти шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишларга баҳо бермоқчимиз. Негаки, Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Бу вилоят халқ хўжалигининг тараққиёти бевосита бутун мамлакат равнақига кучли таъсир этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Самарқанд вилоятида сўнгги йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Чунончи, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиётнинг кўп қиррали шакллари пайдо бўлмоқда, кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Вилоятда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун бинолар қурилиши, ободонлаштириш ишлари сезиларли даражада амалга ошириляпти.

Вилоят ҳаётида эришилган ютуқлар ва меҳнат натижалари, албатта, мавжуд. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Лекин бугунги учрашувимизнинг мақсади йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабаблари ва илдизлари ҳақида, мутасадди раҳбар ва ходимларнинг масъулияти ҳақида бўлиши керак. Нимага деганда, кейинги йиллар давомида Самарқанд вилояти ҳаётида анча ташвишли ҳолатлар ва воқеалар содир бўлмоқда. Бунга эътибор бермаслик, лоқайдлик билан қараш мумкин эмас.

Бугунги Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларида мавжуд бўлган вазиятни, иқтисод, унинг тармоқларининг ривожланишини ҳолисона таҳлил қилганда, кўпгина жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганини кўриш мумкин.

Кўп соҳаларда, кадрлар, раҳбарлар фаолиятида талабчанлик

кескин пасайиши, хўжакўрсинчилик ҳолатлари кўзга ташланади.

Бугунги энг долзарб масала - ислохотларнинг бориши, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши қониқарли эмас.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида 74 фоиз корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилган. Қишлоқ хўжалигида 1,9 минг деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналар сони 3 мингга етди. Лекин шунга қарамасдан, ислохотларни амалга ошириш ишларида сусткашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўскинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Ташкил этилган 323 ҳиссадорлик жамиятидан фақат 37 ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотган, бу эса бор-йўғи акциядорларнинг 11,5 фоизини ташкил этади. Бу республика миқёсида энг паст кўрсаткичдир. Республика фонд биржасида акцияларни сотиш масалалари умуман вилоят раҳбарларининг назаридан четда қолиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 10 ойида 9 фоизни ташкил қилади, ҳолос.

Ургут, Пастдарғом, Нарпай, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон туманларида акцияларни биржаларда сотиш ташкил этилмаган ва бу борада раҳбарларнинг саъй-ҳаракати сезилмаяпти. Бугунги кунда 42 ҳиссадорлик жамияти очиқ турга айлантирилмаган.

"Ким ошди" савдосига қўйилган кўчмас мулк, ер участкалари сотилиши масаласига Каттақўрғон шаҳри (Б.Зокиров), Нарпай (С.Бобомуродов), Пастдарғом (Ш.Эсонов), Пахтачи (Ч.Норбўтаев), Қўшработ (М.Кўшбоев) туманлари ҳокимликлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда.

Чорва фермаларини хусусийлаштиришда, деҳқон хўжаликларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ўз таъсирини кўрсатмасдан четда қолишган. Янги мулкдорлар ҳуқуқий жихатдан ҳеч қандай ҳужжатга эга эмаслар. Ташкил қилинган кўп ташкилотлар назоратсизлик оқибатида ўз фаолияти жараёнида дастурий йўналишини ўзгартириб, оддий тижорат-фирма дўконларига айланиб қоляпти.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган 92 қўшма

корхонанинг ярмидан кўпи мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Иқтисод ривожига йўл қўйилган оқсоқлик, авваламбор, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тараққиётида кўзга ташланмоқда.

Вилоятда 1994 йилнинг шу давридагига қараганда ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этмоқда: саноат маҳсулоти 81,5 фоиз, халқ истеъмолчи моллари 77,5 фоизни ташкил қилди. Вилоятнинг 152 корхонасидан 101 таси ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган, улардан 30 корхона 1994 йилнинг 9 ойидагига қараганда икки баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

Гўшт ишлаб чиқариш 27 фоизга, сут маҳсулотлари - 52, қандолатчилик - 69, ип газламалар - 70, шойи - 36, трикотаж буюмлари - 45 фоизга камайиб кетди. Ишлаб чиқарилган 723 млн. сўмлик маҳсулот сотилмасдан турибди.

Сўнгги йиллар мобайнида капитал қурилиш соҳасида сезиларли даражада ижобий ўзгариш йўқ. Мактабларнинг ишга туширилиши ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган. 1995 йил мобайнида вилоят бўйича ўзлаштирилган капитал маблағларнинг атиги 1-2 фоизи соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳасидаги қурилиш ишларига сарфланган.

Капитал маблағларни ўзлаштириш Булунғур, Қўшрабат, Жомбой, Пойариқ туманларида икки баробар камайиб кетган. Вилоятда яқка тартибда уй-жой қурилиши учун қарз сўраб мурожаат қилган 9 минг фуқародан 1 минг 700 кишига 19,1 млн. сўмлик маблағ берилган, холос.

Хурматли биродарлар!

Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишнинг муҳим бўғинидир. Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда бу соҳада кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳатто айрим мутахассисларнинг фикрича, ана шу икки йил ичида бажарилган ишлар кўлами яқин ўтмишимиздаги 15-20 йиллик иш ҳажмидан ортиқроқдир. Бу гапларда жон бор. Ташкилот ва муассасаларга эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлигида улар ўз маблағлари ҳисобига водопровод ва табиий газ шохобчаларини кенгайтирмоқдалар.

Ташаббускорлик, удабуронлик ўз самарасини бермоқда.

Бироқ Самарқандда бу борада амалга оширилаётган ишлар ачинарли аҳволда.

Вилоятнинг 30 фоизга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Умуман олганда, вилоят аҳолисининг 73 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда, лекин қишлоқ худудларида газлаштириш фақат 63 фоизни ташкил этади. Шунга қарамасдан, вилоят раҳбарияти жорий йилда газ ва сув таъминоти ишларини сусти олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда вилоятдаги 2060 қишлоқнинг 43 фоизи табиий газ ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. Қўшрабoт, Гўзалкент, Иштихон ва Оқдарё туманларида табиий газ таъминоти вилоятдагига нисбатан 4-5 марта камдир.

Вилоятдаги экологик аҳвол йил сайин ёмонлашиб бормоқда, очиқ сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланмоқда, ахлатни қайта ишлаш заводи кўп йиллардан бери ишга туширилган эмас. Вилоят мутасадди раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бераётганлари йўқ.

Молия, банк тизимини такомиллаштириш борасида, республика миқёсида кенг қўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин вилоятнинг молия масалаларини таҳлил қилганда йўл қўйилаётган тартибсизликлар йилдан-йилга авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади.

Шу йилнинг 9 ойида назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молия-хўжалик фаолиятлари бўйича 586 марта тафтиш ва текширишлар ўтказилди.

Аниқланган зарар 1994 йилнинг шу даврига нисбатан 15 баравар ёки 10,1 млн. сўмга ортган, шундан 262 та ташкилотларда 3,6 млн. сўмлик камомад ва ўғирлик содир этилган. Бу эса ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 8,6 мартага кўп.

Масалан, Каттакўрғондаги Улуғбек номли "Ёғ-мой" ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сотишда тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли моддий жавобгар шахс Н.Тожиев 17,8 тонна ёки 464 минг сўмлик ёғ камомадига йўл қўйган.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича муомалага қўшимча 1,2 млрд. сўм жалб этилган. Вилоятда эмиссия миқдори 5,6 фоиз қилиб

белгиланган ҳолда Нуробод, Гўзалкент, Иштихон, Челак ва Пойарик туманларида бу кўрсаткич 60-90 фоизни ташкил қилади. Умуман вилоятда эса эмиссия миқдори 29 фоизни ташкил қилади, бу республиканинг ўртача кўрсаткичидан 7,9 фоиз юқори даражада қайд этилган.

Касса тартибини бузиш, маблағларни ноаниқ йўналишда ишлатиш вилоятда оддий ҳолга айланган. Шу турдаги ноқонуний операциялар натижасида шаҳар ва туманларда 25 млн. сўмлик маблағ ноўрин сарфланишига йўл қўйилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг умумий дебитор қарзлари 4,1 млрд. сўм, кредитор қарзлари 3,9 млрд. сўм бўлиб, унинг пасайиш даражаси сезилмаяпти. Ўз ишини ижобий томонга ўзгартирмаган 15 корхона ва ташкилот касодга учраши кутилмоқда. Шунингдек, "Ўзбексавдо" уюшмасига қарашли 5 та ташкилот тамомила касодга учради.

Банк тизимидан унумли фойдаланиш, олинган қарзларни вақтида қайтариш, ташкилотларнинг бир-бири билан ҳисоб-китоб қилиши, корхоналарнинг молиявий аҳволидан хабардор бўлиш каби долзарб масалаларга вилоят ҳокимияти томонидан эътибор берилмаган.

Хусусий ва тижорат тузилмалари вилоят марказий банкининг инкассация аппарати билан шартномалар тузмаганликлари учун савдодан тушадиган нақд пулларни банк кассаларига тўлиқ топширмаяптилар. Натижада, аҳолига иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида беришда кўп муаммолар туғилмоқда. Шу йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори 281 миллион сўмни ташкил этади.

Мулк эгалари давлат солиқлари ҳақидаги қонунни бемалол бузиб, ўғрилик, талон-торожликка йўл қўймоқдалар. Вилоятда бугунги кунда 14 солиқ туридан 5 тури бўйича режа бажарилмаган.

1994 йилда 5319 та ташкилот ва юридик шахслар текширилган, шундан 1694 тасида солиқ қонунлари бузилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят бўйича 4300 текширишдан 734 тасида солиқ қонунлари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Бу корхоналардан бюджетга 43,5 млн. сўм қўшимча кирим қилинди. 191 та тафтиш

хужжатлари маъмурий органларга тергов учун жўнатилди.

Албатта, назоратни кучайтириш, молиявий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу масаланинг бир томонигина, холос. Агар банк тизимидан унумли фойдаланиш зарур бўлса, олдин қонунбузарликка йўл қўймаслик йўллари излашимиз, қонунга ҳурмат билан қараш ва унга қатъий амал қилиш каби маънавий-ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Агар ҳар бир киши ўз жойида, ўз хизмати доирасида қонунга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига, меҳнатга муносабатнинг ахлоқ нормаларига айлантира оلسагина ортиқча назоратга ҳожат қолмайди.

Сиз, азиз дўстлар, шу залда ўтирганларнинг ҳар бири қайсидир муҳим участканинг раҳбарисиз. Бу гаплар, энг аввало, сизларга, ундан кейин эса сизлар орқали барча хизматчиларга тегишли.

Энди маиший хизмат соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида икки оғиз сўз. Айниқса, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида ташкил этилмаган. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш, маданий-маиший асбоб-ускуналарни, кир ювиш, мебелларни таъмирлаш, кимёвий тозалаш, ижарага бериш бўйича маиший хизмат турлари кескин камайди. Вилоят "Маишийхизмат" уюшмаси республика тармоқ корхоналари орасида охириги ўринлардан бирида турибди.

Кимёвий тозалаш хизмати Булунғур, Гўзалкент, Пойарик, Каттақўрғон, Қўшработ туманларида умуман ташкил қилинмаган. Кир ювиш, бичиш-тикиш, прокат хизмати мавжуд туманларнинг ярмида умуман фаолият кўрсатаётгани йўқ. Қишлоқларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг умумий аҳволи таҳлил қилинганда, Жомбой туманидаги "Гулистон" жамоа хўжалигининг 5 та қишлоғида ҳаммом, музлаткич, телевизор, радио таъмирлаш устахоналари йўқлиги аниқланди.

Челак, Пойарик, Оқдарё туманларининг аксарият қишлоқларида ҳатто сартарошхоналар ҳам йўқ. Бу ана шу туманларда турмуш маданиятининг нақадар ночорлигидан ва ҳатто аянчли эканлигидан далолат бермайдими?

Сартарошхона қурилиши ё қайсидир пойабзал таъмирлайдиган,



бичиш-тикиш шохобчаларини қуриш ишига мамлакат Президенти аралашishi керакми?

Булар учун жавобгар шахслар ана шу залда ўтиришибди. Туман ҳокимлари учун шу аччиқ дашномларни эшитиш ёқимлими?

1995 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш жон бошига 300 сўмни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан 32 фоиз камдир.

Вилоятда аҳоли сони ҳар йили 40-50 минг кишига кўпаяётган бир даврда аҳолини ижтимоий-фойдали иш билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Иш сўраб мурожаат қилувчилар кўпаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 12,3 минг нафар ёрдам сўраганларнинг 50 фоиздан ортиғининг талаби қондирилмади.

Вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳолини иш билан банд қилиш масаласи асосий муаммо бўлганлигига қарамасдан, 2060 қишлоқнинг 1248 тасида, яъни 61 фоизда кичик корхоналар ханузгача ташкил қилинмаган.

Узоқ-узоқ қишлоқларда яшовчи деҳқон бузилиб қолган телевизорини ёки музлаткичини от-аравага юклаб туман марказидан уста топа олмай шаҳарга қатнаши керакми?

Агар шаҳарда - вилоят марказида ҳам маиший хизмат ана шундай аҳволда бўлса-чи? Унда қаяққа борсин?

Пул эмиссияси хусусида кўп гапирамыз. Пулли хизмат соҳасини кенгайтириш - эмиссиянинг олдини олишнинг муҳим йўлларида бири. Бунинг учун ҳар бир қишлоқда, ҳар бир аҳоли яшайдиган манзилда радио-телевизор тузатадиган, электр асбобларини таъмирлайдиган устахоналар қуриш керак. Одамлар бир кўча нарига ўтмасданоқ бутун эҳтиёжини қондирадиган, беминнат хизматдан фойдаланадиган бўлсин.

Нега бизнинг қишлоқларимизда суратхоналар йўқ? Қир ювиш ва тозалаш муассасаларини ташкил этиш қийинми?

Ҳамма гап хўжалик ва ташкилот раҳбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлашга иштиёқмандлигида.

Раҳбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эпчил бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда боқимандаликка, ўзибўларчиликка

кўникиб кетган, эскича иш қолипидан чиқолмаётган раҳбарлар ишлаётганидан далолат беради.

Ахир минг кишилик жамоадан ўнта йигит-қизни маиший хизматнинг турли соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш шунчалик қийинми?

Тегишли асбоб-ускуналарни келтириб, қулайроқ жойда ўрнатиш катта ақл ёки меҳнат талаб қиладиган иш эмас-ку? Аҳолига хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётига янги мазмун бериш, кайфияти ва руҳиятини кўтариш мумкин. Айни пайтда у жамият умумий маданий қиёфасини ҳам белгилайди.

Яна бир масалага - алоқа хизматида дикқатингизни тортмоқчиман. Жуда кўп туманларда бу масалага умуман эътибор берилмайди. Телефонлари унча-мунча мавжуд бўлган жойларда ҳам одамларнинг узоғини яқин қилиш ўрнига кўпроқ асабини ишдан чиқаришдан бошқа нарсага ярамайди. Умуман олганда, ҳар бир хонадон телефон хизматидан баҳраманд бўлмоғи керак. Бу ҳам пулли хизматнинг бир тури.

Халқимиз меҳнатқаш, меҳнатга ижодий ёндашадиган, тадбиркор ва бунёдкор халқ. Унга имконият керак, холос.

Бу - масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони - ҳуқуқий кафолат. Айни пайтда мамлакатимизда ана шу иккинчи жиҳатнинг асоси яратилган. Меҳнат қиламан, ишлайман, интиламан, бунёд этаман деган кишига ҳар томонлама ҳуқуқий кафолат берилган.

Бироқ кўп жойларда аҳоли турли расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига дуч келмоқда. Таъмагирлар, назари паст кимсалар "Сендан угина, мендан бугина" қабилида иш тутиб, одамларнинг ташаббусларини бўғишмоқда.

Демак, юқорида айтганимиздек, масаланинг биринчи томони - маънавий-ташкилий жиҳатлари маҳаллий ҳокимият органлари доирасида оқсаб қолмоқда.

Лекин бошқа соҳаларга нисбатан, вилоятда энг ачинарли аҳвол - барчамизни боқадиган, халқимизнинг ризқ-рўзини берадиган қишлоқ хўжалиги тармоқларида. Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари сўнгги уч йил ичида сурункасига бажарилмади.

Шу давр мобайнида пахта етиштириш ва сотиш 110 минг тоннага камайди. Вилоятда пахта тайёрлаш режаси бу йил ҳам уддаланмади. Пахта етиштирувчи 11 тумандан атиги 4 таси йиллик режани бажарди.

Пахтачиликдаги бундай орқага кетишларнинг асосий сабаблари қишлоқ хўжалиги вилоят раҳбарлари учун бамисоли бир ўғай соҳага айланиб қолгани, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларида ташкилотчилик, тадбиркорлик савиясининг пастлиги билан изоҳланади.

Вилоят, туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари республикада ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини тўғри англаб етмай, бу ишга ўта масъулиятсиз муносабатда бўлмоқдалар.

1993 - 1994 йиллардаги режанинг барбод бўлишига қарамай, бу йил ҳам мўлжалланган мақсадга эришиш учун 90 минг тонна дон кам етиштирилди. Гектар бошига белгиланган 19,4 центнер ўрнига 15,9 центнер ҳосил олинди.

Суғориладиган ердан олинган ҳосил Челак, Булунғур, Гўзалкент туманларида 24-27 центнердан, лалми ерлардан Каттакўрғон ва Пахтачида 4,4, Қўшработ ва Пойарикда 4,9, Нурободда 5,6 центнердан ошмади. Бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Шу билан бирга вилоят ҳокимининг шахсан назоратсизлиги туфайли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси (директори Р. Аҳмедов) томонидан хўжаликлар билан давлат режасидан ошиқча қабул қилинадиган дон учун эркин нархда сотиб олиш бўйича шартнома атиги 3,3 минг тоннага тузилган. Топшириққа нисбатан давлатга ғалла сотиш 80 фоизга бажарилди.

Ғалла йиғим-терими даврида маъмурий орган ходимлари томонидан 101 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 25 таси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Иштихон тумани "Мехнат - роҳат" жамоа хўжалигидаги деҳқон хўжалиги бошлиғи С. Отахонов 16,3 тонна донни ўғирлаётганда қўлга тушди. Ҳозирги пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бу вилоят раҳбарларининг ва ғалла йиғим-теримига жавобгар бўлган шахсларнинг масъулиятсизлиги, лоқайд ва келишувчилиги

оқибати эмасми?

Шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун ким масъул? Нима учун биз енгил-елпи йўллар қидирамиз? Қачон ҳақиқатга тик қарашга ўрганамиз?

Ўтган йили 1992 йилга нисбатан 126 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,7 минг тонна картошка кам тайёрланди.

Вилоятда чорвачилик соҳаси салмоқли ўринни эгаллаб турганлигига қарамасдан, бу муҳим тармоқ ҳамон оқсаб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бозор муносабатлари даражасида олиб борилмаётганлиги бўлса, иккинчидан, чорва молларининг талаб даражасида озиклантирилмаётганлиги, наслчилик ишларининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, зоотехник ва ветеринария хизматларининг мутлақо талабга жавоб бермаётганлиги оқибатида моллар бош сони ва уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетган. Халқ истеъмоли учун асосий маҳсулот гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари аввалги йилларда эришилган кўрсаткичлардан ҳам пасайиб кетган.

Вилоят агросаноат мажмуига (А. Қаландаров) қарашли хўжаликларнинг асосий қисми оғир иқтисодий аҳволда бўлиб, ҳозирги кунда дебитор қарзлари 1,9 миллиард сўмни, кредитор қарзлари 1,6 миллиард сўмни ва банкдан ссуда қарзлари эса 520 миллион сўмни ташкил этади.

Белгиланган режалар бажарилмаганда бундай инқирозга тушиш табиийдир. Бундай ҳолатлар ҳақида, уларнинг сабаб-илдизлари ҳақида кўп гапираемиз. Мулк эгасини топмагунча, ерга ҳақиқий эгалик ҳукуки кўлга киритилмагунча кўзланган мақсадга етиб бўлмаслиги ҳақида кўп гапираемиз.

Нима, Самарқандда ўрганишга арзигулик, эргашса бўладиган тажрибалар йўқми? Мисол учун Самарқанд туманида амалга оширилаётган ишлар, халқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида тўпланган тажрибалар ўрганилса бўлмайдими?

Туман ҳокими (Р. Ҳақимова) ўз атрофида эпчил ва ҳозиржавоб кадрларни тўплагани ва хўжалик раҳбарлигига ҳар томонлама етук

ислохотлар моҳиятини тушунадиган одамларни танлаб қўйгани учун ҳам бу ерда ўртак бўларли ишлар амалга ошириляпти.

Вилоят деҳқонларининг ўзига хос деҳқончилик анъаналари, асрлар давомида шаклланган тажрибалари ва ўз иқлим шароитидан келиб чиққан деҳқончилик мактаби мавжуд. Қани бу тажрибалар? Бу улуг ва муқаддас мактаб сабоқлари қаерда қолди? Нега биз уларни нутишимиз керак? Биздаги масъуллик, фидойилик, эртаги кун олдидаги жавобгарлик ҳислари қаерда қолди?

Ҳурматли вилоят ноиблари ва фаоллари!

Республика ҳукумати ва давлатимиз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш сиёсатини ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи қилиб қўяётган бир пайтда, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Сурункасига бир неча йил давомида ўткир ичак касаллиги, вирусли гепатит, тиф ва паратиф каби юқумли касалликлар мамлакат кўрсаткичларидан ҳам 2-3 марта ортиқдир.

Вилоятда 20 ёшгача бўлган оналарнинг туғиш давридаги ўлими республикада энг юқори даражада туради. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган, натижада оналар ўлими республика кўрсаткичидан ҳам 5 фоиз юқори туради.

Чақалоқлар ўлимининг 70 фоизидан зиёди ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида содир бўлган. Сил ва рақ касалликлари даволаш ҳеч қандай натижа бермайдиган ҳолга келиб қолгандагина аниқланмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника аҳволи ташвишли ҳолда. Тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёж қондирилмаган, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли қатор ускуналардан фойдаланилмаяпти. Вилоятда мавжуд 1091 қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-доялик пунктларининг 34 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган, уларнинг атиги 7 фоизи махсус замонавий биноларга жойлаштирилган, 78 фоизида телефон алоқаси йўқ. Бу эса беморларни даволашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш борасидаги давлатимиз юритаётган сиёсатни амалга оширишга вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари (Ж. Эшқобилов) жиддий эътиборни қаратмаяптилар. Нима деганда раҳбарларнинг аксарияти ана шу туманлар марказларида яшайди-да. Шунинг учун, эҳтимолки, олис қишлоқлардаги аҳоли соғлиғи учун ҳам жон куйдирмайди, уларнинг ташвишига бефарқ қарайди.

Мактаб, халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли эмас. Кўплаб аниқ фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Мактаблар таъмирлашга муҳтож, моддий-техника базаси жиддий эътиборни талаб қилади.

Ҳозир вилоят бўйича 51 та мактаб авария ҳолатида, 30 фоиз мактаблар мослаштирилмаган биноларга жойлашган. Вилоят бўйича 9 ойда халқ таълими учун ажратилган бюджет маблағларидан 136 миллион сўм сарфланмай қолди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг бепарволиги, ўз ишига масъулият билан қарамаганлиги, ҳамон эскича иш услубидан чиқа олмаётганлиги, халқ таълими тизимини бошқаришдаги янгиликларни сингдира олмаётганлиги ва амалиётга татбиқ эта олмаётганлиги сабабли бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаган. Шу аҳволда мазкур соҳада бундан кейин ҳам бирон ижобий ўзгариш бўлишига ишониш қийин.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари рўқач қилиниб, вилоятда кейинги йилларда 100 дан ортиқ болалар боғчалари ёпилган. Шу туфайли болаларни мактабгача тарбия муассасаларига тортиш 30 фоиздан 22 фоизга тушган.

Ҳукуматимиз фан, маърифат ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда. Ўтиш даврининг энг қийин ва мураккаб пайтида ҳам давлат маорифни такомиллаштириш, билимли ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳеч нарсани аямаяпти.

Ахир, ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан кураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади?

Бугунги катта ислохотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладими-йўқми?

Нега биз қарийб бир ярим асрлик мустамлакачиликдан озод бўлганимизда шундай улуғ ва мўътабар Ватанимизни асрай оладиган, уни ҳимоя қила биладиган ва шу олижаноб анъаналарни давом эттиришга қодир бўлган авлодни тарбиялашга шароит яратмас эканмиз?

Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим. Бизнинг барчамиз, ана шу залда ўтирган ҳар биримиз ота эканлигимизни, она эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шон-шухрати муқаддас орзу-хавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини рўқач қилиш - ношуд ва ноқобил раҳбарнинг иши. Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қоникарсизлигини баҳонапараст раҳбарлар ҳеч нарса билан оқлолмайдилар.

Қадрли дўстлар!

Мустақил мамлакатимизнинг халқимиз миллий маданиятини ривожлантириш борасида юритаётган сиёсатини амалга ошириш, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафқурасини халқ онгига сингдириш, инсонни давр талаби асосида тарбиялаш борасида вилоятда етарли чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Вилоятда маънавий, ахлоқий қадриятларга эътиборсизлик, умуман маданиятнинг иккинчи даражали соҳага айланиб қолаётганлиги сезилмоқда.

Гарчи Самарқанд илмий-маърифий салоҳияти бўйича ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг сони жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирида турса-да, ёшларга таълим-тарбия бериш миллий мафқурани тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари қоникарсиз аҳволда. Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар,

кинотеатрлар, истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган.

Ҳозирги кунда вилоятда мавжуд 2060 қишлоқнинг 80 фоизда маданият ўчоқлари умуман йўқ. Гарчи вилоят газетаси саҳифаларида маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда бирмунча тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ислоҳотларимизга тўсқинлик қилувчиларни, Президент фармонларини бажаришда сусткашлик қилувчиларни фош этувчи материаллар деярли учрамайди.

Газетхонларнинг ариза ва шикоятлари ҳақидаги акс садо йўқ даражада. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қилган мақолаларга етарлича ўрин ажратилмаяпти.

Самарқанд радиоси ва телевидениесига бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янада чуқурлаштириш ҳақида, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида етарли ахборотлар берилмаяпти. Вилоят телевидениесига берилаётган кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар мазмунан ҳамда сиёсий жиҳатдан саёз, шошмашошарлик билан эскича услубда тайёрланмоқда. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ ҳисоби. Аксинча, телевидение кўпроқ чет эл видеофильмларини намоиш қилиш билан чегараланиб қолмоқда.

Вилоятда физкультура ва спорт ишлари вилоят ҳокимлиги ва бу соҳага мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 1995 йилга келиб физкультура жамоалари сони 70 тага камайиб кетган. Спорт заллари, сузиш бассейнлари, спорт майдончалари сони республика кўрсаткичларидан ўртача 2 марта камдир.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаётганлиги оқибатида вилоят бўйича ашаддий безорилик, гиёҳвандлик, ўғирлик, порахўрлик, таъмагирлик, номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Республика бўйича оғир жиноятчилик турлари 6 фоизга



камайгани ҳолда Самарқанд вилоятида 8 фоизга кўпайган. Айниқса, ўқотар куруллардан фойдаланиш каби жиноятлар 130 фоизга ошганлиги ҳам оператив вазиятнинг мураккаблашганини кўрсатади.

Вилоятда ташкил қилинган рэкет ва террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими умуман қониқарсиз аҳволда ишламоқда. Ваҳоланки, бундай жиноятларга бошқарув тизимида ҳамда ички ишлар органларида ишлаётган амалдорлар ва бошлиқлар қўл урмоқдалар.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, вилоят ички ишлар ходимларининг бевосита иштирокида 1994 йилда 34 та жиноят содир этилган, шу жумладан 22 та ҳолат айблов хулосалари билан тугалланиб, судларнинг қоралов ҳукмлари чиққан.

1995 йилнинг 9 оyi давомида милиция ходимларига нисбатан 17 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилган.

Булар босқинчилик, номусга тажовуз қилиш, фирибгарлик, мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, наркотик моддаларни экиш, ташиш ва сотиш каби жиноятлардир.

Масалан, Самарқанд шаҳрида милиция ходими бўлиб ишлаётган Аҳмад Файков ва Шўхрат Насриддинов фуқаро А. Яхъёевнинг уйига босқинчилик йўли билан кириб, 2,5 миллион Россия рублини олиб кетганлар. Соқчилик бўлими милиционери Аҳлиддин Умматов 3,9 га жойга кўкнори экиб, парвариш қилганлиги фош этилди ва у 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Самарқанд тумани ички ишлар бўлими раҳбарларидан бири, милиция майори Т. Ахтамов 40 килограммдан ортиқ кўкнори шираси олиб кетаётганда қўлга тушган. Ана энди ўзингиз айтинг: қонун ҳимоячиларининг ўзи жиноятга қўл урса, арзингни айтиб кимга борасан?

Ички ишлар хизматида юз бераётган бу қўпол равишдаги қонунбузарликлардан генерал Тўхтаевнинг хабари борми?

Суд ва прокуратура (А. Тўхташев, С. Назаров) органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аҳолида катта норозилик туғдирмоқда. Ўтган 10 ой ичида Президент девонига вилоят меҳнаткашларидан 561 шикоят келиб тушгани бунинг ёрқин мисолидир. Айрим судьялар

судланувчилар ва уларнинг қариндош-уруғлари қандай молиявий-иқтисодий имкониятга эга эканликларига эътибор бериб, ҳукми шунга қараб белгилайдилар.

Агар барча қонун бузилишларга Прокуратура органлари мутасадди эканини ҳисобга олсак, унинг қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги фаолияти ўта суғуст ташкил этилганидан дарак беради.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят хўжаликлари томонидан фонддаги 77,6 тонна нефть маҳсулотлари четга чиқарилиши қайд этилди. Масалан, Самарқанд ва Тойлоқ автомобиль йўллар бошқармалари 9 минг литр керосин ва дизель ёқилғисини четга чиқариб юборишган. Бу фактлар вилоят ҳуқуқ-тартибот органларининг самарасиз ишлаётганлигидан далолат беради.

Ислохотнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши, биринчи навбатда, кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Аммо вилоят ҳокими П. Абдурахмонов кейинги олти йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида билимли ёшлардан иборат кадрлар захираси тизимини яратмаган. Кадрлар билан ишлаш борасида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Кадрларни шошмашошарлик билан, ишбилармонлик, касбий ва ахлоқий сифатлари чуқур ўрганилмаган ҳолда масъул вазифаларга тавсия этиш натижасида бир йил ичида Булунғур тумани ҳокими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиқлари икки мартадан алмаштирилган, вилоят "Тадбиркорбанк" бошқаруви эса тўрт ой ичида икки марта янги раис билан алмаштирилган.

Оқибатда, вилоятда эски тузум иш методларидан воз кечолмайдиган ёши ўтиб қолган раҳбарлар сони кўпчилиқни ташкил қилади. Улар ҳамон иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган оддийгина қонун-қоидаларни, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини билмайди, оқибатда ўз фаолиятларини давр талабларига мос равишда йўналтира

олмаяптилар.

Ёш кадрларни тарбиялаш, уларни ўстириш, йўлни кенг очиб бериш масалаларида ҳамон ўзгариш йўқ.

Юқорида баён этилган камчилик ва нуқсонлар вилоят ҳокимининг ташкилотчиликни, ижро интизомини, раҳбар ва мутахассислардан топширилган ишнинг бажарилиши устидан талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, баъзи ноқобил, эскича ишлашдан воз кеча олмайдиган раҳбарларга нисбатан мураса қилиб келаётганлиги оқибатидир.

Вилоятда илгари ўз хизмат вазифасини удалай олмаган, эл-юрт назаридан тушиб қолган кишиларни лавозим билан "сийлаш" ҳолларига йўл қўйилмоқда. Натижада билимдон, иқтидорли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшлар эътибордан четда қоляпти.

Аҳолининг ариза ва шикоятлари билан ишлаш борасида ҳам талайгина жиддий камчиликлар мавжуд. Халқнинг кундалик эҳтиёжига, уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга жиддий эътибор берилмаганлиги сабабли шу йилнинг 10 ойи давомида Президент девонига 2 мингта хат ва ариза келган, шахсий қабулда 560 киши бўлган. Фуқароларнинг хат ва аризаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маъмурий-ҳуқуқий, қонунчилик ишлари, маданий ва маиший соҳалардаги камчиликлар баён этилган. Қабулда бўлганлар ҳам айнан шу фикрларни билдиришган.

Бу аҳоли кўпчилик қисмида норозилик кайфиятининг пайдо бўлишига, уларнинг нафсониятига тегишига сабаб бўлмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар бевосита вилоятда кадрлар сиёсатидаги жиддий нуқсонлардан келиб чиққан. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, агар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари бутун жавобгарликни зиммаларига олиб ишлаганларида эди, вилоятдаги вазият бу даражада ночор аҳволга тушмаган бўлура эди.

Кадрлар тизимини янги, билимли ва истеъдодли ёшлар ҳисобига тўлдириш, лавозимларни тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган ёшларга топшириш ҳамма вақт янгилашишларнинг асосий мезони ҳисобланади. Ишончим комилки, Самарқандда бундай ёшлар етарли,

уларга йўл бериш, ишониш ва суяниш лозим.

Азиз дўстлар!

Самарқандликлар улуғ ва бунёдкор, эзгуликка интилиб яшайдиган халқдир. Мен сизларни бугунги танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқариб, вилоят халқ хўжалигининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланишингизга ишонаман. Бунинг учун сизларда қатъият, билим ва тажриба, ташаббус ва шижоат етарли деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга ва вилоятнинг барча аҳолисига сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизда муваффақият, тинчлик ва омонлик тилайман.

*Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида  
сўзланган нутқ  
1995 йил 21 ноябрь*

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

**МУХБИР:** Муҳтарам Ислом Абдуганиевич! Германия Федератив Республикасига қилган ташрифингиз ниҳоясига етди. Бундан икки йил аввал Сиз бу давлатни Ўзбекистоннинг Европадаги стратегик ҳамкори деб баён этган эдингиз. Бу жиҳатдан Сизнинг қарашларингиз ўзгармадими?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Бизнинг Германия билан муносабатларимиз изчил ва олға ривожланмоқда. Германияга қилган бу ташрифимиз тарихий аҳамиятга молик бўлди, десак янглишмаймиз. Моҳиятан биз кўп асрлик муносабатларимизни қайта тикладик, ҳамкорлигимизнинг янги босқичига қадам кўйдик.

Германия бугунги кунда дунёнинг манаман деган давлатлари сафига кирмоқда. Юксак саноат имкониятлари, халқ руҳий дунёсига сингиб кетган меҳнатсеварлик туфайли мамлакат дадил одим ташламоқда. Немислар қўлга киритаётган ютуқлар ҳар қандай одамни лол қолдиради. Мисол тариқасида уларнинг миллий валютаси - марканинг қувватини олайлик. Ўнлаб йилки, у ўз қийматида барқарор турибди. Мен уларга: "Германиянинг Ўзбекистонда стратегик манфаатлари борми?" деб савол бердим. Бу ерда "манфаат" сўзини турлича талқин қилиш мумкин. Стратегик манфаат деганда, кўплар дарров ҳарбий манфаатларни тушунишади. Мен эса стратегик манфаат деганда, биринчи навбатда иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тушунаман. Шу маънода Германиянинг минтақамиздаги стратегик манфаатлари ҳақида гапирар эканман, мен авваламбор бизнесни кўзда тутяпман. Дарвоқе, Германиянинг Марказий Осиё минтақасида ўз манфаатлари бор. Шу ерда "Нима учун?" деган савол туғилиши табиий.

Немис дўстларимиз Тошкентни нафақат Ўзбекистоннинг пойтахти, нафақат Марказий Осиёнинг маркази, уни Шарқнинг дарвозаси деб ҳисоблайдилар. Буни немис стратеглари жуда яхши

билишади. Мана шунинг ўзиёқ бизнинг ҳамкорлигимиз қандайдир ўткинчи фойдага қурилмаган, балки узок муддатли, икки томонлама манфаатлар асосида мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради. Бизнинг ҳамкорлигимиз қанчалик тез ривожланса, Германия ҳам, Ўзбекистон ҳам шунчалик кўп манфаат кўради.

Германия Президенти жаноб Херцог билан учрашувимизда биз кўп масалалар хусусида гаплашиб олдик, ечилмаган талай муаммоларни муҳокама қилдик. Мулоқот чоғида Херцог жанобларининг бизга хайрихоҳлиги сезилиб турди. Чунки у Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида мамлакатимиз вазияти ва имкониятларини яхши ўрганиб қайтган эди. Шу боис биз жуда самимий гаплашдик.

Бирор масала муҳокама этилаётганда, ўз-ўзидан аёнки, ҳар қайси томон ўз фикрида собит туради. Ўз манфаатларини илгари суради. Лекин биз Херцог жанобларига ўзимизни ташвишлантираётган муаммоларни, амалга оширажак ишларимизни ниҳоятда осон тушунтира олдик. Ҳозир айтганимдек, у Ўзбекистонда бўлганида салоҳиятимизни яққол тасаввур этган эди. Шу ўринда мен яна бир нарсани айтмоқчиман: мамлакатимизга чет давлатлар раҳбарлари, арбоблари, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг вакиллари қанчалик кўп келса, мулоқотларимиз изчил тус олса, биз шунчалик кўп хурсанд бўлишимиз керак. Юртимизга ташриф буюрган ҳар қандай одам дастлаб ҳаётимизни, одамларимизни ўрганади. Ўз таассуротларига эга бўлади. Биз ҳақимиздаги ҳар қандай бўҳтон гапларга лаққа ишонавермайди.

**МУХБИР:** Германияга бу галги сафарингиз марказида Штутгарт шаҳрида очилган "Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси" кўргазмаси турди. Бунга сабаб нима?

**ПРЕЗИДЕНТ:** "Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси" кўргазмасининг очилиши муносабати билан биз бориб кўрган "Линден музеум" фақат Германияда эмас, балки Европадаги йирик маданий марказлардан бири ҳисобланади. Германия Федератив Республикасининг Президенти Роман Херцог жанобларининг шахсан

ўзи бу кўрғазманинг асосий ташаббускори ва ҳомийси бўлганлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман. У ихтисоси бўйича тарихчи, шунинг учун Марказий Осиёнинг, Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихини яхши билади. Мамлакатимизга ташриф буюрганида тарихий обидаларимиз билан яқиндан танишган. Юртимизга, халқимизга жуда катта ҳурмат билан қарайди. Шу боис жаноб Херцог мазкур кўрғазманинг очилиш тантанасида иштирок этиш учун Бонн шаҳридан Штутгартга махсус ташриф буюрди.

Бу кўрғазма мамлакатимизнинг минг йиллар давомида Шарқ билан Ғарбни боғловчи кўприк бўлган кўп асрлик тарихини ўзида ифода этади. Кўрғазмада халқимизнинг буюк имкониятларини намойиш этувчи тарихий ашёларнинг намуналари тўпланган. Бу ерда ўзбек ва немис олимлари биргаликда топган қадимий маданиятимиз намуналари ҳам намойиш этилмоқда. Мен бунинг учун уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Немис дўстларимиз ушбу кўрғазмани кенг миқёсда ташкил этиш учун бебаҳо ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шуни айтиш керакки, немислар диёрида ҳеч қачон қадимий заминимиз тарихи, маданияти, анъаналарини ёрқин акс эттирувчи бу қадар йирик кўрғазма намойиш этилмаган эди.

Биз ушбу тадбирга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки Штутгарт кўрғазмаси Ўзбекистон - Германия муносабатларида янги босқич бошланганини кўрсатмоқда.

Ҳаммамиз яхши биламизки, биринчи босқичда германиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқа боғлаган эдилар. Германиянинг "Даймлер-Бенц", "Алкатель", "Сиенс", "Крупп", "Тиссен" каби йирик компания ва фирмалари Ўзбекистон билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонни ўзининг бизнес қиладиган жойи сифатида танлаб, сармояларини олиб келмоқда, қўшма корхоналар ташкил этиб, давлатларимиз ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Иккинчи босқичда Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ҳамда парламентлари тарафидан имзоланган шартномалар ва бошқа тарихий ҳужжатлар давлатлар орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни яхшилашга, парламентларимиз ва жамоат ташкилотлари ўртасида

ҳамкорликни қучайтиришга асос бўлди.

Мана шулар туфайли "Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси" кўргазмасига Германиянинг кенг жамоатчилиги нихоятда катта қизиқиш, айрича хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлди. Унинг тантанали очилиш маросимида жуда кўп одамлар, жумладан, мамлакат пойтахти Бонн шаҳрида жойлашган кўплаб давлатлар элчихоналари ва ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ҳозир Ўзбекистон - Германия муносабатларида янги - учинчи босқич бошланмоқда. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, расмий алоқалар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги борди-келдиларимиз янги мазмун билан тўлдириляпти. Яъни маданий-маънавий соҳаларда, бир-биримиз билан миллий қадриятлар даражасида яхшироқ ва яқинроқ танишиб оляпмиз. Мен ифтихор билан шуни айтмоқчиманки, биз Германияни жуда яхши биламиз. Нимага деганда, ўзбеклар, Ўзбекистон болалари, умуман бизнинг фуқароларимиз Германия тарихини, Германиянинг бугунги шароитини, бугунги салоҳиятини мактаб ва институтларда яхши ўрганишади. Лекин ўз навбатида, Ўзбекистонни Германияга таништириш катта масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Менимча, бу масаланинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамияти бор. Чунки иқтисодий ва расмий алоқалар, давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларининг ўзаро муносабатлари ўз йўли билан давом этаверади. Агарда немис халқи бизнинг маданиятимизни билмаса, улуғ аجدодларимиз қолдирган бой мерос билан яқиндан танишмаса, ўзаро алоқаларимиз қандайдир юзаки бўлиб қолади. "Юзаки" дейишимнинг сабаби шуки, фақат иқтисодий манфаатга асосланган ҳамкорликнинг тағ-замини мўрт бўлади. Тўғри, албатта манфаат ҳамма жойда бўлиши керак. Лекин иқтисодий манфаат маданий, руҳий манфаат билан чамбарчас боғланганда алоқалар узоқ давом этади ва ҳаётбахш мевалар беради. Халқларнинг, миллатларнинг бир-бири билан маънан боғланиши шунинг учун ҳам бекиёс аҳамиятга эга. Тарихий эврилишлар мана шу шароитда содир бўлади. Шу сабабли Германия билан изчил алоқа ўрнатмоқчи бўлсак, аввало немис халқини тарихга теран илдиз отган ўзимизнинг бой маданиятимиз билан ошно этмоғимиз даркор.

Токи, бизнинг қонимизда, бизнинг суягимизда, бизнинг



наслимизда қандай улуғ маданият бўлганини, биз нечоғлик буюк маданият ворислари эканимизни дўстларимиз ҳам билишсин. Бу мақсадни амалга оширишни шахсан ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман.

Бугун биз ўтказаетган ислохотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодини куриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади.

**МУХБИР:** Германия раҳбарлари билан музокаралар олиб борганингизда Сиз бот-бот хавфсизлик тўғрисида гапирдингиз. Кўплар бу сўзга ҳарбий-стратегик маъно юклашади. Сиз бу сўзга қандай маъно юклагансиз?..

**ПРЕЗИДЕНТ:** Менинг фикримча, ҳамкорлик ва хавфсизлик сўзларини ажратиб бўлмайди. Хавфсизлик деганда, авваламбор жамият барқарорлиги фуқаролар ва миллий тотувликни тушуниш керак. Бунга экологик хавфсизлик ва ҳоказо хавфсизликларни қўшиш мумкин. Ахир хавфсизлик - инсон, оила осойишталиги, эртанги кунга ишонч эмасми?! Барқарорлик ва хавфсизликни мен айнан шундай тушунаман.

Германия қудрати ҳақида гапирар эканман, мен доимо унинг бирлашишини назарда тутаман. Бир вақтлар ГДР социализм машъали саналарди. Ғарбий ва Шарқий немис давлатлари бирлашгандан сўнг янги заминлар федерал ҳукуматга қанчалик ташвиш келтирди. Олти йилдирки, Германия ҳукумати Шарқий қисмига ҳар йили 100 миллиард немис маркаси ажратмоқда. Ақл бовар қилмайдиган маблағ. Агар биз ҳам мана шундай инвестицияга эга бўлганимизда борми, иқтисодиётимизни ислох қилишдаги мураккаб муаммоларни анча тез

ҳал этардик. Ана энди, шунча маблағни сарфлашдан мақсад нима, деган савол устида бир ўйлаб кўрайлик. Бунга жавоб бериш жуда осон. Мақсад - иқтисодиётни кўтариш, одамлар турмушини фаровон этиш. Немислар қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришди. Улар бошқарув тизимини бутунлай қайта қурдилар. Мен, Германия тажрибасини ўрганиш керак, деганда биз етмиш йилдан ортиқ яшаган тоталитар, маъмурий-тақсимлаш тизимини улар қандай қилиб барҳам топдирганини кўзда тутаман. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш мураккаблиklarини улар ҳам англаб етишган. Уларнинг бу жиҳатдан тажрибаси бизга жуда-жуда асқотади.

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита маънавий масалалари билан боғланиб кетади. Қўшни Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган ноҳушликларни, шимолдаги жараёнларнинг кўпгина нозик жиҳатларини ҳисобга олсак, ҳалқимиз, миллатимиз, авваламбор мана шу заминда яшаётган, Ўзбекистонни ўзининг муқаддас Ватани деб билган одамлар маънавий баркамол, ақл-заковати бақувват бўлса, бизни ҳеч қандай куч енголмайди. Шу сабабли ҳам маънавий масаласи биз учун айниқса муҳимдир.

Ота-боболаримиздан бизга бой маънавий мерос қолган. Энди бизнинг қонимизга кўчган, бизнинг насл-насабимизга хос ўша улкан маънавий салоҳиятни янада юксалтиришимиз, уни фарзандларимизга, келажак авлодга муносиб мерос қилиб қолдиришимиз керак. Қурилаётган бу катта корхоналарга, улкан иншоотларга, барпо этилаётган озод ва обод ватанга ҳар томонлама етук, бардам, бақувват авлод биздан ворис бўлиб қолсин. Улар маънавий жиҳатдан биздан юксак даражаларга етишсин. Шундагина ўзимизнинг миллатимизга мос муносиб ҳаёт кечирдик, тарих олдида, фарзандларимиз олдида ўз бурчимизни бажардик, деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз.

Германияда ҳалқимизнинг миллий хусусиятлари, фазилатларимиз тўғрисида гап кетганда, немис дўстларга ота-боболаримиздан қолган бир ҳикматни шундай шарҳлаб бердим: одамзод дунёга келгач, умри давомида уч мақсадни кўзлаб яшамоғи лозим. Авваламбор Аллоҳ таоло марҳамати билан инсоннинг изидан фарзанд қолсин. Шу фарзандни ҳар томонлама соғлом, маънавий

баркамол қилиб тарбиялаб, ўзининг ишларини унинг қўлига топширсин. Фарзанд отасининг ишларини, керак бўлса, ундан ҳам ўтказиб давом эттирсин - бу биринчи мақсад. Иккинчи - уй қуриш. Уй деганда мен оддий иморатни эмас, фарзандларимизга қолдирадиган обод ва озод ватанни назарда тутаман. Инсон ҳаётининг учинчи маъно-мақсади - дарахт экиб, боғ яратиш. Дарахт ўстириш, боғ барпо этиш, мана шу заминимизни гуллаб-яшнатиш, уни обод қилишдек савобли иш йўқ дунёда. Мана шу уч мақсадга эришган одам ўз ҳаётидан мамнун ўтади. Ундан фақат яхши хотира қолади.

Ота-боболаримиздан қолган бебаҳо ёдгорликлар - минг, икки минг йиллик тарих билан бўйлашадиган ноёб топилмаларни Штутгарт кўрғазмасида намойиш қилиш билан ҳақиқий маънавий бойликни юксак кадрлай биладиган немис дўстларимизнинг қалбини забт этишни мўлжаллаган эдик. У ерда бизга кутилгандан ҳам зиёд иззат-хурмат кўрсатилди.

Албатта, Германия буюк давлат. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида бизга берилган имкониятдан фойдаланиб, Германияни Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо сифатида қабул қилиш таклифи билан чиққан эдик. Бунинг ҳам тагида маъно бор. Германиянинг Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлиши биз ўзбекларнинг, Ўзбекистоннинг манфаатига тўла мос тушади. Нимага деганда, бизга яхши кўз билан қарайдиган давлатлар қанчалик юксалса, уларнинг изидан биз ҳам шунча юксалимиз. Тобора ривож топаётган Германия - Ўзбекистон муносабатлари бизнинг ана шу ниятларимизга ҳамоҳангдир.

Сафаримизнинг иккинчи куни Бонн шаҳрида бўлдик. Германия Федератив Республикаси Президенти Роман Херцог жаноблари қабулида бўлиб, мамлакатнинг кўпгина давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари ва ишбилармонлар билан учрашдик. Қабул деганлари фақат ўтириб чой ичиш эмас. Қабул пайтида давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар ҳал этилади. Бундай тадбирлар ҳамкорлик ўрнатиш учун, олисдаги давлатлардан келган вакиллар ва шу давлатларнинг раҳбарлари билан яқиндан танишиш, алоқа боғлаш мақсадида уюштирилади.

Телевизор қаршисида бизнинг шу суҳбатларимизни тинглаб ўтирган юртдошларимиз, халқимиз, айниқса, ёшларнинг фикрлаш тарзи менинг мақсадларим билан ҳамоҳанг бўлсин, деган ниятда бу масалаларни атай содда қилиб тушунтиряпман. Оддий фуқароларнинг фикрлаш даражасини, дунёда юз бераётган воқеаларга муносабатини ўзгартириш, ривожлантириш ва тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги дунёвий жараёнлар билан, ундаги фикр ўзгаришлари билан, олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз билан бақамти қадам ташлаши зарур.

Катта минбарлардан туриб, биз бир жон, бир тан бўлайлик, деб кўп гапирамыз. Бу нимани англатади ўзи? Бу бир кишининг муаммоси ҳамманинг муаммоси, бир кишининг хурсандчилиги ҳамманинг хурсандчилиги бўлиши керак дегани. Яна ҳам соддароқ айтсам, мени ташвишлантираётган муаммолар барча-барчани ташвишлантирса, мени қувонтирган нарсалар барча-барчани қувонтирса - мен ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Одамлар билан телевидение орқали учрашиб туришни мен вақтдан фойдаланишнинг энг самарали усули деб биламан. Албатта, одамлар билан юзма-юз кўришиб дийдорлашганга нима етсин. Аммо бугунги учқур замонда бу иш қийин - вақт тигиз. Шунинг учун эришаётган баъзи ютуқларимиз, ташлаётган қадамларимиздан уларни хабардор этиб боришда мен телевидениени афзал ҳисоблайман.

**МУХБИР:** Германия билан Ўзбекистон ҳамкорлигининг қайси соҳаларини сиз устувор деб биласиз?

**ПРЕЗИДЕНТ:** Саволингизга жавоб беришдан олдин Бундестаг - парламентдаги учрашувни эслаб ўтмоқчи эдим. У ерда биз парламент раиси Рита Зюсмут хоним ва парламент аъзолари билан мулоқотда бўлдик. Парламентарийларга ватанимиз ҳақида маълумот бердик, ўзаро ҳамкорлигимизни янада юксак босқичга кўтариш, давлатлараро масалаларни, давлат бошқарувида парламентнинг тутган ўрнини муҳокама этиш жараёнида яна бир масала хусусида фикрлашдик. У ҳам бўлса - тил масаласи. Немисларда инглиз тилини ўрганишга иштиёқ кучли. Бу жиҳатдан уларга Америка Қўшма Штатлари, Буюк

Британия сингари давлатлар катта кўмак бермоқда. Шу ўринда мен уларга, барака топгурлар, биз немис маданиятини ўрганияпмиз, катта-катта фирмаларингиз билан иқтисодий алоқалар ўрнатяпмиз, йигит-қизларимизда немис тилига қизиқиш катта, ҳатто олис қишлоқларимизда ҳам немис тили ўқитилади, ўқитувчиларингиз боришсин, бизга бу томондан ёрдам беринглар, лозим топсаларингиз болаларимизни, олимларимизни биз бу ерга юборайлик, тил масаласига алоҳида эътибор берайлик, дедим. Ўзбекистон аллақандай қоқоқ давлат эмаслигини ётиғи билан тушунтирдим.

Тўғриси ҳам шундай. Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти, илм-фани, маданияти жуда илғор. Мустақиллигимизни эълон этган пайтларимизда, ана энди сизларга қандай яшаш кераклигини бизлар ўргатамиз, деган давлатлар пайдо бўлган эди. Улар мамлакатимиз билан яқиндан танишганларидан сўнг ўз фикрларидан қайтишди, аксинча бизлардан кўп нарсалар ўрганиш кераклигини эътироф этишмоқда. Бу давлатларни номма-ном санашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Зийрак одам ўзи тушуниб олади.

Инглиз тили, шубҳасиз, буюк тил. Лекин немис тили ҳам ундан қолишмайди. Биз немисчани ўрганишимиз керак. Нега деганда, бу тилда улуғ маданият яратилган. Гёте, Шиллер сингари мумтоз зотлар ана шу тилда ижод этиб, жаҳон маданияти хазинасини бойитганлар. Шунинг учун учрашувимизда маданий ҳамкорлик масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Яна мен уларга: "Бизнинг фундаментал фанлар билан шуғулланадиган 40 га яқин илмий-тадқиқот муассасаларимиз бор. Ядро физикаси, биохимия, биотехнология соҳаларида, тарих фанида эришган ютуқларимиз билан қандай танишишларингиз мумкин", деб савол бердим. Жавоб ўз-ўзидан равшан: бевосита ҳамкорлик туфайли. Шунинг учун мен олимларимиз орасида илмий-техникавий ҳамкорликни изчил ривожлантириш масаласини ўртага ташладим. Чунки бир-биримиздан ўрганадиган жиҳатларимиз бор. Бунга тарих гувоҳ. 30-йилларда бир гуруҳ маърифатпарварларимиз Германияга бориб таҳсил олишганини кўпчилигимиз яхши эслаймиз. Ҳозир эса имкониятлар катта, дарвозаларимиз очиқ. Германия биздан самолётда олти-олти ярим соатлик йўл.

Ташқи ишлар вазири жаноб Кинкель мендан сизларгача неча соатлик йўл, деб сўради. Мен ярим ҳазил қилиб, сизлар томон осон, чунки ер шари биз томонга айланади, дедим. Бундай деганимнинг сабаби бор: келажак бизники. Тарихдан ҳам шундай бўлиб келган. Мисол учун ал-Хоразмийни олайлик. Ҳозирги алгебра, алгоритм иборалари айнан ўшал зотнинг номи билан боғланган эмасми? Американи Колумб очган дейишади. Ваҳоланки, Беруний деган буюк аждодимиз ундан беш юз йил бурун унинг қаерда жойлашганини харитада акс эттириб берган эди.

Европаликлар Авиценна деб атайдиган Ибн Сино ўтказган жарроҳлик операциялари, муолажа усуллари, тайёрланган дори-дармонлари бўйича бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида қанчадан-қанча илмий ишлар ҳимоя қилинмаяпти дейсиз. Х асрда яшаган буюк бобокалонимиз "Ал қонун фит-тиб" асарида тиббиёт қонун-қоидаларини яратмаганми? Форобий-чи"? Амир Темур нафақат йирик саркарда, йирик давлат арбоби, бу беназир инсоннинг адолатни юксак мавқега кўтариш, тинчлик ўрнатишдаги, Европани ҳалос этишдаги хизматларини унутиб бўладими? Бундай инсонлар тарихда кам. Сизу биз Коперник, Галилейни биламиз, лекин Улуғбекни-чи? Бизнинг Улуғбек бобомиз ҳаммадан биринчи бўлиб, 1200 та юлдузнинг жойлашиш нуқтасини белгилаган, кўрсатган. Мана биз кимларнинг ворисларимиз!

Мен бу гапларнинг ҳаммасини парламентдаги учрашувимизда айтдим. "Мамлакатимиз ҳақидаги кўрғазмани бориб кўрсаларингиз, сизлар қайси миллат, қайси давлат билан танишаётганларингизни чуқурроқ билиб оласизлар", дедим. Биласиз, немислар янгиликка, билимга жуда ўч халқ, улар бу кўрғазмани бориб кўриши ва таассуротларини ижобий томонга ўзгартиришига ишонаман.

Сафаримизнинг иккинчи кунда биз ким билан учрашмайлик, суҳбатимиз йўриғи асосан маданият ҳақида, биз ташкил этган кўрғазма ҳақида бўлди. Ҳатто Клаус Кинкель билан Ўзбекистон - Германия икки томонлама манфаатли алоқаларини юқори даражага олиб чиқиш масалаларини муҳокама қилганимизда ҳам ана шу мавзу кўтарилди.

Германияда икки кун бўлишимиз бизга келажакдаги

алоқаларимизни ким билан мустаҳкамлаш, Ўзбекистон дуч келаётган муаммоларни ечишда кимга суяниш, келажагимизни ким билан бирга куриш кераклигини ёрқин кўрсатди. Бунда биз, шубҳасиз Германияга ўхшаган салоҳиятли давлатлар мададкор бўлишига ишонч ҳосил қилдик. Германия ва унга ўхшаган давлатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланаверса, иншооллоҳ, биз ўз олдимизга қўйган орзуниятларга эришамиз.

Агар биз Германия билан тузган қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш, савдо-сотикни, иқтисодиётимизга сарфлаётган сармоясини инобатга олсак, бу бир йилда тахминан 1 миллиард немис маркасига, Америка пулига чақсак, 710 миллиондан зиёд долларга тўғри келади. Мана шу рақамнинг ўзи кўп нарсаларни англатади.

Бугунги кунда нафақат Тошкентда, балки бошқа вилоятларда ҳам немислар билан қўшма корхоналар тузилаётганини, улар дастлабки маҳсулот бера бошлаганини кўриш мумкин. Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: Ўзбекистон иқтисодиётининг ўнгланиб олишига кўп мамлакатлар ўз хиссасини қўшмоқда. Лекин улар олиб келаётган асбоб-ускуналар, технологияларга кўз ташласак, уларнинг аксарияти Германиядан олингани ойдинлашади. Бу айниқса, пахтани қайта ишлаш соҳасида кўп кузатилмоқда. Уларнинг маҳсулотини бизга ўртага тушган воситачилар олиб келиб, ўрнатиб бермоқда. Мен бу гапни илгари ҳам айтганман, яна айтишга тўғри келаяпти: биз Германия ёки бошқа бирор давлат билан муносабатларимизни бевосита ва ҳар томонлама йўлга қўйишимиз керак. Ана шунда воситачига ўрин қолмайди. Мен уларга ҳам, мана шундай имкониятларингиздан нега бошқалар наф кўриши керак, келинг, тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантирайлик, деб айтдим. Биз учун мамлакатимизда Германиянинг маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналари қанча кўп бўлса, шунча яхши. Чунки улар тайёрлаган маҳсулотнинг бошқаларникидан фарқи катта. Улар ҳеч қайси соҳада бир кунлик маҳсулот ишлаб чиқармайди. Мисол излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ота-боболаримиз ўтган асрда Германиядан "Зингер" деган тикув машиналари олиб келишган. Баъзи хонадонларимизда шу машиналарни ҳозир ҳам ишлатишяпти.

Техникада, ишлаб чиқаришда ресурс деган бир сўз бор. У

маҳсулотнинг таннархини белгилайди. Ана шу ресурс нуқтаи назаридан қараганда, уларнинг маҳсулоти бошқаларникига нисбатан қимматроқ. Лекин унинг хизмат қилиш муддати узоқ йилларга мўлжалланган. Ўзимизда "Арзон шўрва татимас", деган бир ибора бор. Бунинг маъноси шуки, камбағал одам бир нарсани икки марта, бой эса бир марта, лекин энг сифатлисини сотиб олади. Мен буни уларга ҳам айтдим. Шунинг учун биз қиммат бўлса-да, Германия маҳсулотини харид қилишдан чўчимаслигимиз керак.

Ҳар қандай фирма авваламбор ўз манфаатларини кўзлайди. Лекин Германияда шундай фирмалар борки, улар ўз маркасини - нуфузини қаттиқ ушлайди. Ҳар қайси ишчи-хизматчи биттагина сифатсиз маҳсулоти билан фирмасига жиддий зарар келтирмасликка тиришади. Бундай анъанадан ҳар биримиз ибрат олишимиз керак.

Германия биз учун ишончли ҳамкор. Улар билан қанчалик кўп кўшма корхоналар тузсак, биз шунчалик ютамыз. Немислар билан савдо-сотиғимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз, кенгайтиришимиз керак. Ва биз ақл-заковатимиз, ишбилармонлигимиз билан Германия заминига кириб боришимиз зарур. Вакилларимиз, тадбиркорларимиз у ерда илм олиш, иш ўрганиш баробарида, ўз молимизни олиб бориб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрликни ҳар томонлама кўтариши керак. Бу ёрлик ҳар бир ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ғурурини белгилайди. Мен одамларимизни ҳамиша мана шу нуфузни сақлашга даъват этаман.

**МУХБИР:** Ислом Абдуғаниевич, суҳбатимиз сўнггида бу сафардан олган хулосаларингизни гапириб берсангиз...

**ПРЕЗИДЕНТ:** Энг муҳими, олиб бораётган ислоҳотларимизнинг ҳозирги босқичида қандай муаммолар ва қийинчиликларга дуч келаётган бўлсак, улар буни тўғри тушуниб, хайрихоҳлик билан ёндашишди. Ахир бизда ислоҳот барча жабҳаларда олиб бориляпти. Биз айна дамда шундай бир мустаҳкам пойдевор яратишимиз ва уни келгусида такомиллаштириб боришимиз керак.

Ишқилиб, бизнинг ҳам ўртача немис оиласи оладиган маош ва турмуш шароити яратиб олишимизни худонинг ўзи ёрлақасин!



Ҳақиқатан ҳам уларнинг даромади бизникидан кўра юқори. Лекин нарх-наво бизда пастлиги ҳам ҳақиқат. Не бўлганда ҳам биз дунё нархлари даражасига чиқишимиз зарур. Бусиз Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига қўшилиши мушкул. Бироқ биз бировнинг тажрибасини механик суратда кўчирмаймиз. Бизда ҳозирча меҳнат унумдорлиги тараққий этган Ғарб мамлакатлариникидан паст, уларнинг нарх-навосини ҳам кўр-кўрона жорий эта олмаймиз. Ишлаб чиқаришга сарфланадиган кучларни пасайтира бориб, биз босқичма-босқич дунё нархлари даражасига чиқиб боришимиз лозим. Немислар даражасига етиш учун биз техникамизни, асбоб-ускуналаримизни бутунлай янгилашимиз, одамларимиз малакасини, фикрлашини оширишимиз зарур. Ана шундагина биз муносиб турмуш тарзини, тўкинликни ярата оламиз.

Тараққий этган хорижий мамлакатга қилган ҳар бир сафаримиз кишида кўплаб фикр-мулоҳазалар уйғотади. Уларнинг муваффақиятини кўрганимда, менда гоҳо фойдали бир қаҳр туғилади. Ахир бизнинг улардан қаеримиз кам! Замона зайли билан биз улардан ўнлаб йил ортда қолганмиз. Энди биз фақат астойдил ғайрат қилсак, чин дилдан ишга киришсак - бас. Ана шунда биз тоғни талқон қилиб ташлашимиз ҳеч гап эмас.

Мен инсон ўз кўзлаган мақсадига танҳо ўзи эришиши мумкин, деган фикрдан йироқман. Давлат кўрсатадиган мадад билангина у орзу этган ниятларига эришиши мумкин. Ҳозир мамлакатимизда тадбиркорлик учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган. Одамлар нимага интилаётганини теран тушуниб олишди: боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб боришмоқда, ҳар бирининг юрагида эгалик ҳисси уйғонмоқда...

Аммо бу давлатнинг кундалик муаммоларни бир четга суриб қўйганини англамайди. Аксинча, у бор куч ва диққатини энг долзарб масалаларга қаратмоқда. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдамига муҳтож иқтисодий соҳалар бор. Қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ана шундай устувор соҳалардан саналади.

Пул муомаласи сиёсатини давлат аниқлаши ва шакллантиришига шубҳа йўқ. Келгуси йилдан энг муҳим

вазифаларимиздан бири миллий валютамиз - сўмни янада мустахкамлашдан иборат бўлади. Бу унинг тўла конвертация қилинишини таъминлайди, хорижий сармояларнинг иқтисодиётимизга кириб келишидаги барча тўсиқларни бартараф этади.

Кўзланган мақсадга эришилгач, ўз-ўзидан равшанки, бирорта ҳам тадбиркор, бирорта ҳам фирма ёки компания кафолатланган дивидендларини олишда қийинчиликка учрамайди. Пировардида улар пул кадрсизланиши ва валютанинг ўзгарувчан курсидан зарар кўрмайдилар.

Мамлакатимизда инсон эркинлиги учун ҳамма шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир фуқаро - на ўзи, на қариндош-уруғлари бирор хавф остида эмаслигини, давлат ҳимоясида эканлигини яхши билади. Мен давлат бойлиги ҳақида гапириб ўтдим. Бу ўринда мен нафақат маънавий, балки шахс бойлигини кўзда тутяпман. Ахир давлат қанчалик бой бўлса, у ҳар бир фуқаросига шу қадар кўп ёрдам бериш имконига эга бўлади.

Келгуси йил бюджетидан биз нафақалар, болаларга бериладиган пул миқдорини оширишни кўзда тутдик. Жумладан, биз 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга табақалаштирилган ҳолда ёндашамиз. Биз 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга тенг кўз билан қарашга қарор қилдик. Бироқ бу ерда бошқа муаммо ҳам бор. Бу - димоғдор амалдорлар, халқ ташвишидан йироқ мансабдорлар муаммосидир. Балоғатга етмаган фарзанднинг борлиги ҳақида ўнлаб хат-ҳужжат талаб қиладиган "тўралар"дан, қоғозбозликдан воз кечиш керак.

Мамлакатимизда ўз-ўзини бошқаришнинг ноёб бўғини, маҳалла самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда бойлигинг, даромадингни ҳеч кимдан яширолмайсан. Ҳамманинг кўз ўнгида бўласан. Айрим бизга қўшни мамлакатларда бошқарувнинг бу шакли - маҳаллага ишончсизлик билан қарашади. Аммо ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: "Минг бор эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал"... Яна такрор айтишимга тўғри келяпти: жамиятимизнинг асоси - оила, шундай экан, давлат ҳар бир оилага мудом ёрдам беради, чунки оиладаги тўкинлик шахснинг, миллатнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини оширишга кафолат беради.

Германияга қилган сафаримиз чоғида бизнинг имкониятларимизни холис баҳолайдиган одамлар, сизлар ўз олдиларингизга қўйган мақсадга албатта эришасизлар, бунинг учун сизларга фақат вақт керак, деган фикрни билдиришди.

Ҳа, биз ўз мақсадимизга муқаррар эришамиз. Ахир ҳар биримиз муносиб турмуш кечириш учун яратилганмиз-ку! Фаровонлик ва маъмурлик учун тинимсиз курашиш, меҳнат қилиш, изланиш керак. Қийинчиликсиз муваффақиятга, машаққатсиз роҳатга эришиб бўлмайди.

*Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблар,  
1995 йил ноябрь*

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Азиз дўстлар!

Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққиётининг олтин белбоғи бўлмиш Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқталаридан бирида жойлашганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу серфайз замин ўзининг беқиёс моддий ва маънавий неъматлари билан машҳурдир.

Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Буюк Амир Темур таваллуд топган бу қутлуғ замин аҳли бугунги кунда улуғ бобокалонимизнинг 660 йиллик шонли тўйига бутун мамлакат халқи қаторида зўр тайёргарлик кўрмоқда.

Амир Темур юбилеи бутунлай янги, миллий давлатчилигимиз шаклланиб, жамиятимиз тубдан ислоҳ этилаётган тарихий бир даврда ўтиши билан диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон тараққиётида ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб олган мамлакатдир. Мустақилликнинг тарихан жуда қисқа даврида мамлакатимиз фақат сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда юксак муваффақиятларга эришибгина қолмай, балки жаҳон сиёсатида янгича ёндашуви орқали дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини янгича мазмун билан бойитишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузи борлигидан фахрлансак арзийди.

Азиз дўстлар!

Биз ҳақли равишда халқимизнинг, юртимизнинг улуғ тарихи ва бетакрор маданияти билан, шу муқаддас заминда яшаётганимиз билан фахрланамиз. Лекин, ҳаёт келажагимизни, муносиб ҳаётимизни, мустақил давлатчилигимиз ва адолатли жамиятимизни барпо этиш учун янги ғояни, буюк вазифа ва муаммоларни ҳал қилишда халқимизнинг руҳини кўтарадиган миллий мафкура, янгича

тафаккурни тақозо қилади.

Зеро, илму тафаккур - кишини эзгуликка бошлайдиган бекиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, баркамол, ташкилотчи ва зукко кадрларни тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Бинобарин, саводли халқ ва илмли раҳбарлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам завқли.

Улуғ маърифатчи Абдулла Авлоний "Илм - дунёнинг иззати. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур", деган эди.

Очиғини айтсак, ҳозирги туб бурилишлар даврида биз фикримизни қилич каби ўткир қиладиган, хатти-ҳаракатимизни ойна каби кўрсатадиган ана шундай илмга муҳтожмиз. Бугунги кунда ислоҳотларнинг самараси бевосита дунёқарашимизнинг нечоғли шакллангани ва тафаккуримизнинг нақадар кенг эканига, эски тизимдан қолган боқимандалик кайфиятидан қанчалик тезроқ озод бўлишига боғлиқ бўлиб турибди.

Хурматли дўстлар!

Бугунги учрашувимизнинг, мажлисимизнинг асосий мақсади Қашқадарё вилоятида барча соҳаларни ислоҳ қилиш, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, мулкчиликнинг турли шаклларини барпо этиш билан боғлиқ масалаларни танқидий кўз билан баҳолаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш муаммолари, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ғов, тўсиқ бўлиб турган масалаларни бирга кўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиб олишдир.

Маълумки, Қашқадарё вилояти ўзининг ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатимизда салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривожига ва тараққиёти асоси бўлмиш ёнилғини етказиб бериш маконидир. Бу ерда саноатни ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тараққиётини тезлаштиришда маълум даражада ютуқлар қўлга киритилди. Буни тан олишимиз керак. Бироқ булар ҳозирги туб бурилишлар даври талаби даражасида эмас.

Мамлакатимиз мустақилликнинг бешинчи йилига қадам қўйди. Ҳозир иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Республика ҳукуматининг саъй-ҳаракати билан вилоят ҳудудида бекиёс аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ захираларини излаб топиш ва қайта ишлаш корхоналари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Улар керакли миқдорда маблағ ва ишчи кучи билан таъминланмоқда. Бироқ мазкур қурилишларни тезкорлик билан ниҳоясига етказишда маҳаллий ҳокимликнинг ҳиссаси ва таъсири унчалик сезилмаяпти.

Ижтимоий объектлар қурилишига кам эътибор берилмоқда. Ачинарлиси шундаки, қурилиш ҳажми 1991 йилдан буёғига камайиб бормоқда. 1994 йил яқунларини 1993 йилги кўрсаткичлар билан таққослаганда, вилоятда уй-жой қурилиши 22,5, болалар боғчалари 85,8, касалхоналар қурилиши 49,3, поликлиникалар 87,1, газ ва сув қувурларини ишга тушириш 30 фоиз камайиб кетган. 1995 йилнинг 9 ойлик натижалари бундан ҳам аянчли.

Вилоят туман ва шаҳарларида аҳоли ҳисобидан бозорлар, дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш пунктларини қуриш жуда суст бормоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қониқарли эмас.

Вилоят қурилиш комплекси ўз имкониятининг атиги 62 фоизидан фойдаланмоқда, ижтимоий соҳада қуриб битказилмаган объектлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Вилоятда 57 та мактаб, 10 та болалар боғчаси, 15 та касалхона қурилиши чала ҳолда турибди. Ваҳолонки, бугун ишлаб турган 44 фоиз мактаб, 61 фоиз болалар боғчаси, 52 фоиз касалхона ва поликлиникалар мослаштирилган биноларда жойлашган.

Аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш бўйича вилоят ҳаракат дастури барбод бўлган. Газ билан таъминлаш 38,5 фоизни, сув билан таъминлаш эса 64,9 фоизни ташкил этади.

Ана энди мавжуд ҳодисаларга ҳолисона баҳо беринг. Бугун мамлакатни газ билан таъминлайдиган вилоят аҳолисининг асосий қисми табиий газдан фойдалана олмаяпти. Ачинарлиси шундаки, бу ҳол раҳбарларни, мутасадди шахсларни ташвишга солмаяпти. Улар ҳамон эски замоннинг лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятидан

кутула олмаяптилар. Нима, газ ва сувни республика ҳукумати келтириб бериши керакми?

Бугун Қашқадарёда мавжуд аҳвол-вазиятни кузатиб, бир нарсага ачинаман. Агарда мен мана шу бетакрор заминда бағри кенг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир, керак бўлса, буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш у ёқда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб ўтирмасдим, ортиқча саволлар ҳам бермасдим.

Гап бундай имкониятларга эга бўлмиш халқни бошқариш, унинг ички, юрагидаги ғам-ташвишлардан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёруғ мақсадларга чорлаш - бунинг ҳаммасини кимдир ўзиммасига, елкасига олишидадир.

Авваламбор, ҳар қайси поғона, тоифа, умуман ҳаётимизда адолат ўрнатишда, ҳақиқатни қарор топтиришда ўзини аямаслик, ўрناق ва ибрат кўрсатиш - ҳар қандай раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу масалада Қашқадарёда содир бўлаётган вазиятни кўздан кечирайлик.

Вилоятда сўнгги уч йилда 179 хўжалик раҳбаридан 104 нафари алмаштирилган. Лекин бундай олдиндан чуқур ўйламасдан, таҳлил қилмасдан, шошмашошарлик билан қилинган ишлар оқибатда нима бериши мумкин эди?

Жами янги раҳбарларнинг 11 фоизигина 30 ёшгача бўлган кадрлардан иборат эканини янгиланиш дейиш мумкинми ўзи?

Кўпчилик раҳбарлар ҳамон юқоридан буйруқ кутиб, боқимандалик кайфияти билан яшайдиган бўлса, замон талаблари моҳиятини тушунишга ҳаракат қилмаса, ижобий натижалар кутиш мумкинми?

Вилоят ҳокимлиги ҳукуратимизнинг жойлардаги ваколатхонаси, ҳоким эса Президентнинг вакили, деб кўп гапирамиз. Аммо жойлардаги ҳокимлар бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаса, қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг маъно, негизини яхши англамаса, ташаббускорлик ҳиссиёти ва хусусиятларидан олис бўлиб, янгиликларга тўсиқ бўлиб турса, уларни

Президентнинг вакиллари, халқнинг ваколатини олганлар деб бўладими?

Бу фикрнинг тасдиғи учун бугунги ва эртанги ҳаётимизни ҳал қилувчи бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Қашқадарё вилоятида 1300 қишлоқ бор. Шу қишлоқларда 1 миллион 400 минг киши эртанги кунга катта умид билан яшамоқда.

Қани, айтинглари, ҳурматли халқ вакиллари, ана шу қишлоқларнинг қанчасида бугун кичик корхоналар ва тадбиркорлик ташаббуси билан ташкил қилинган иш жойи бор?

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, атиги 600 та, яъни 45 фоиз қишлоқ ҳамда хўжаликларда кичик корхона ва хусусий ташкилотлар бор. Уларда бор-йўғи 12 мингга яқин киши ишляпти. Ўзингиз ўйланг, қарийб 1,5 миллион одам қаерда-ю, 12 минг иш жойи қаерда?

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳақда қанча гапириш мумкин?

Нима, Қашқадарё воҳасида бунинг учун хом ашё ва етарли даражада имкониятлар йўқми? Нима кўп, Қашқадарёда хом ашё кўп!

Бу муаммони ечмасдан на қишлоқ хўжалиғи, на бошқа тармоқларни ривожлантириб, энг асосийси, халқнинг аҳволини, ҳаёт даражасини яхшилаб, юртимизнинг барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Бу ҳаммамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Хулоса шундай бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бундан кейин кимки бу ҳақиқатни тушунмаса, уни ҳаётимизга татбиқ этиш учун жонкуярлик, тадбиркорлик қилмаса, раҳбар бўлишга ҳаққи йўқ. Ўз жойини бошқаларга бўшатиб берсин.

Иккинчи мисол: вилоятнинг қишлоқ жойларида ташкил қилинган жами 45 та ўрта махсус ва ҳунар ўқув юртлари мавжуд. Уларнинг аҳволини, ўқув дастурлари, дарсликларини кўриб, аксарият ўқитувчилари, ҳатто раҳбарларининг малакаси ва маданиятини кўриб одам ачинади.

Бундай аҳволдаги ўқув юртларида ёшларимизни қандай касб-ҳунарга ўргатиш мумкин?

Бу ўқув юртларидан ўсиб келаётган авлодни зукко, билимдон ва бугунги эркин бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашни кутиш мумкинми?

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга



бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади. Биз шунга тайёрмизми? Бугунги раҳбарларнинг бу ишдаги ҳиссаси қандай?

Вилоят ҳокимининг ва ҳокимликнинг энг заиф жойи шундаки, кадрлар билан ишлашда, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда масъулиятли ишда қўпол хатоларга йўл қўймоқда.

Менимча, ҳоким Т. Хидировнинг энг катта камчилиги, авваламбор, атрофида соғлом муҳит ярата олмаганида, ўз ёрдамчиларига ишонч билдириб, улардан чўчимасдан ўсиши, мустақил ишлаши учун шароит туғдириб бермаслигидадир.

Ёш, ишнинг кўзини биладиган мутахассислар ва раҳбарларнинг ўсишига рағбат кўрсатиш ўрнига, уларни вилоят марказидан четроқ жойларга жўнатиш одат тусига кириб қолаётганини кўриш мумкин.

Бундай аҳвол ҳар хил миш-миш гапларнинг тарқалишига, ўзаро ишончсизликка, белни маҳкам боғлаб, бамаслаҳат, баҳамжихат ишлаш, халққа етакчилик қилиш ўрнига бир-бири билан алоқаларни аниқлаш, ким ким ҳақида нима деганининг орқасидан қувиштириш оқибатида носоғлом муҳит пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, вилоятда айрим ношуд ва нотавон, укувсиз ва хафсаласиз, билим даражаси паст ва дунёқараши тор кимсалар масъул лавозимларга чиқиб олишига йўл қўйилди.

Бундай нохуш аҳвол тўғрисида кўп бор айтилди. Танқиддан тўғри хулоса чиқарилади деб яна ишондик. Афсуски, аҳвол ўзгармади. Чунки вилоят ҳокими Т. Хидиров ўз фаолиятини давр талабларига мос равишда йўналтира олмади. У кўпинча бир пайтлардаги хизматлари ва обрў-эътибори таъсири билан яшамокда, янги замон келганини, энди янги ташаббуслар билан ишлаш лозимлигини пайқамади. Энди бундай аҳвол билан муроса қилиб бўлмайди.

Яна бир бор айтмоқчиман: бугунги барча ишларимиз, машаққатли меҳнатларимиз, орзу-ниятларимиз, интилишимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан қилаётган саъй-ҳаракатларимиз - ҳамма-ҳаммаси эртанги ёруғ кунларимиз, муносиб ҳаётимиз, биз раҳбарларга кўз тикиб катта умид билан боқиб турган халқимиз, гўдақларимиз, аёлларимиз, кексаларимиз учундир.

Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёт даражаси, сиҳат-саломатлиги,

кайфияти, интилишлари, ишончи кундалик ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ўзгаришлар қай даражада халқимизнинг талабини қондириш билан боғлиқдир. Қашқадарё ҳаётида содир бўлаётган баъзи бир воқеаларни, рақамларни эслаб ўтсак, бу ерда ўтирган кўпчилик фаолларимизни тегишли хулоса чиқаришга мажбур қилади, деб ўйлайман.

1994 йил кузи ва 1995 йил баҳорида ҳарбий хизматга чақирилган ёш йигитларимизнинг тахминан 30 фоизи соғлиғи ёмонлиги сабабли хизматга яроқсиз деб топилган.

Бундай ачинарли аҳволнинг сабаблари қаердан пайдо бўлаётгани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ўзбекчиликда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз.

Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўз-ўзини бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айти пайтда миллий ва халқчил кўринишидир.

Ҳаммадан олдин одамларнинг иссиқ-совуғидан, ғам-ташвишидан хабар топадиган ким? Албатта, маҳалла аҳли. Турмуш тарзини изга солиш, кундалик муаммоларни ҳал этиш учун, энг аввало, маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга ёрдам бериш зарур.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида маҳаллалар ихтиёрига катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бироқ кўп ҳолларда ана шу маблағларни нотўғри тақсимлаш ва, ҳатто, ғайриқонуний ўзлаштириш ҳоллари юз бермоқда.

Айниқса, Қарши шаҳрида, Яккабоғ, Чироқчи, Дехқонобод, Косон, Усмон Юсупов туманларида бундай салбий ҳодисалар кенг авж олган. Яккабоғ туманидаги Самоқ қишлоқ фуқаролар кенгаши бошлиғи М. Тўраева ва котиби Н. Бердиев 27 шахс номидан моддий ёрдам тайинлаш бўйича қалбаки далолатнома тузиб, 25 минг 600 сўмни ўзлаштирганлар.

Бу кимсалар қайси юз билан етим-есирларнинг, фақир одамларнинг насибасига чангал солишини ҳеч тушуниб бўлмайди, бу

ақлга сиғмайдиган ҳолдир.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Маҳалла тепасида ҳалол ва пок одамлар туриши керак. Чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг ортидан эргашади, уларнинг гапини икки қилмайди. Маҳалла оксоқоли ва фаолларининг таълим-тарбия масъулияти мактаб ўқитувчиларининг масъулиятидан ортик бўлса борки, асло кам эмас.

Мана бир кўнгилсиз мисол: вилоятда вояга етмаган болалар 1995 йилнинг 10 ойида 117 та жиноят содир этган. Бунга маҳалла, оила ва жамоат жойларида тарбияга эътиборсизлик, мактабда таълим-тарбия ишларига бир томонлама ёндашиш сабаб бўлмоқда.

Вилоятда айрим кўпорувчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши бевосита маҳалла ва оилада тарбиянинг сустлигидан далолат бермайдими?

Кўп ҳолларда жиноят, жиноят қилиш, бир жиҳатдан, бу қалби нопок, нияти бузуқ кимсаларнинг салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ғўрлиги, ғоявий жиҳатдан чиниқмаганлиги оқибатидир. Натижада улар ўз юрти у ёқда турсин, ўз ота-оналари бошига ҳам оғир ташвиш солмоқда.

Айрим ғаламислар ўзларининг ғаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида айни шу вилоятдан 46 нафар йигитни танлаб кўпорувчилик ишларига жалб этишга уринишди. Йўқса, бунинг оқибатида 21 нафар йигит ота-онасини алдаб, қалбаки ҳужжатлар билан баъзи бир "дохийлик" касалига дучор бўлган жиноятчи ва ватанфуруш кимсаларга эргашиб хорижга қочиб кетганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Эсингизда бўлса керак, шулардан беш нафари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан жинойий жавобгарликка тортилди.

Бу нохуш ҳодиса оилаларда ҳам, маҳаллаларда ҳам тарбиявий ишларнинг сустлигидан, раҳбариятнинг эса жойлардаги муҳит, юзага келаётган баъзи бир нохуш вазиятлардан хабардор эмаслиги, лоқайдлиги ва бепарволигидан далолат беради.

Республикамызда жамоат ташкилотлари мавқеи тобора

кучаймоқда. Хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга ҳоким ўринбосари мақоми берилиши шунчаки мансаб улашиш кампанияси эмас. Аксинча, маҳаллий ҳокимият органларининг халқ турмушига тобора чуқур кириб бориши, демократик жараёнлар самараси ахлоқий-маънавий тарбия таъсирчанлигини ошириш усулидир. Бироқ вилоятда ана шу хайрли иш натижаси кўринмаяпти. Ёшлар ва ўсмирлар тарбияси қолиб кетиб тадбирбозлик авж олмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари, қатор-қатор жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотлари нима билан шуғулланмоқда? Вилоят ҳокимлигида улар фаолиятини мувофиқлаштириб, таҳлил қилиб, баҳо бериб турадиган раҳбар борми ўзи? Аҳоли ҳаётига, тақдирига бефарқлик шунча ҳам бўладими?

Вилоятда маънавий-ахлоқий кадриятлар қиймати тушиб бормоқда. Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, спорт майдонлари, одамлар ҳордиқ чиқарадиган истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган. Маданият саройларини таъмирлашга маблағ ажратилмаган, улар қаровсиз ва таъмирга муҳтож. Бундай ҳолни вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида учратиш мумкин.

Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб, Қамашни туманларида бир қанча кўркем бинолар қурилган, одамлар учун қулайлик туғдирадиган бозорлар, чойхоналар, спорт майдонлари, йўллар бунёд этилган эди-ку! Ана шу ободончилик ишларини сиз билан биз амалга оширган эмасмидик? Минг афсуски, бундай савобли, Қашқадарё воҳасининг юзини, салоҳиятини бутунлай ўзгартириб юборадиган ишлар давом этмасдан қолиб кетганга ўхшайди. Вилоятдаги кутубхоналарнинг умумий аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Айрим туманлар ҳокимлари бюджет маблағини тежаш мақсадида ўз қарорлари билан кутубхоналарни ёпиб юборишган. Иқтисодий қийинчиликлар ўз йўлига, лекин зиё, маърифат ва тарбия ўчоғи бўлмиш кутубхонани ёпиш қип-қизил жиноят эмасми?

Қарши, Касби, Косон туманларида раҳбарлар иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилиб, кинотеатрларни ёпиб қўйганига нима дейсиз?

Одамлар кун бўйи ишлаб келгандан сўнг, ҳордиқ чиқаргиси келади, томоша кўришни, чиройли боғларда сайр қилишни истайди. Афсуски, вилоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларидаги истироҳат боғлари одам кирадиган аҳволда эмас.

Хўш, шаҳар ва туманлардаги стадионлар яроқсиз аҳволда бўлса, улардан мутлақо фойдаланиб бўлмаса, ёшлар ва болалар қаерга боради? Одамларнинг жисмоний тарбияси раҳбарларнинг эътиборидан бутунлай четда қолиб кетаверса, нима қилиш керак?

Кўча-кўйда санкиб юришга, шубҳали гуруҳларга қўшилишга, ёмон йўлларга кириб кетишга мажбур бўлади. Шундан фойдаланиб, уларга турли ғаламислар "устозлик" қилади. Бунинг натижаси нима бўлишини мен сал олдинроқ айтиб ўтдим.

Айрим туман ва шаҳарларни кўриб, нима, бу ерда замон ўзгармаганми, деб ўйлаб қоласан. Қарши шаҳрида ва қатор туман марказларида кўча ва майдонлардаги эски шиорлар ҳамон сақланиб қолган. Нима, бу большевиклар тузумини қўмсашми? Буни қандай тушуниш керак?

Соғлом, бақувват авлодни тарбиялаб, вояга етказиш доимо ҳукуматимизнинг диққат марказида турган масаладир. Вилоятда марказий тиббиёт муассасаларига сарф-харажат кўпайтирилиб, қишлоқ жойларга кам эътибор берилмоқда.

Мавжуд 678 та фельдшерлик-доялик пунктдан 84 фоизи, 177 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 60 фоизи, 43 та қишлоқ шифохонасидан деярли 80 фоизида шароит йўқ. 156 та шифо масканида телефон алоқаси ўрнатилмаган.

Бундай аҳволни Қамаш, Чирокчи, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида яққол кўриш мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаган. Усмон Юсупов, Нишон, Қарши, Баҳористон туманларида тиббий муассасалар педиатр ва ички касалликлар шифокорлари билан 70-75 фоиз таъминланган, холос.

Аҳоли ўртасида турли касалликлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Оналар ва болалар ўлими бўйича ҳам аҳвол ниҳоятда жиддий. Айниқса, Яккабоғ, Касби, Нишон, Дехқонобод туманларида вазият оғир. Бу туманларда касалланиш ҳар 10 минг кишига 9-11

фоизни ташкил қилмоқда.

Бу нима деган гап? Лоқайдликми, ўз касбини билмасликми, ё виждонсизликми?

Вилоятда аҳолининг йиллик ўсиши уч фоиздан зиёдни ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Фарзанд кўриш - бу дунёда катта бахт. Лекин, соғлом авлод ўстириш, уни вояга етказиш жуда катта масъулиятдир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак. Бироқ Қашқадарё воҳасида туғилаётган авлоднинг соғлиғи, соғлом ўсиши, оналарнинг аҳволи, уларнинг дардлари кимнинг эътиборини жалб қилмоқда?

Буни қайси масъулиятли раҳбардан сўраш керак? Бугун мавжуд бўлган нохуш аҳвол учун кимни жавобгарликка тортиш керак?

Соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетдан ажраладиган маблағ йилдан-йилга камайиб борапти. Шундай ҳолатда ҳам 1995 йилнинг 9 ойида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағнинг 66 миллион 400 минг сўми ишлатилмаган.

Маориф соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳам кониқарсиз аҳволда. Шаҳар ва туман ҳокимлари бу масала билан умуман қизикмай қўйишган. Вилоятда 140 та мактаб авария ҳолатида, 1988-92 йилларда қурилиши бошланган мактаблардан атиги 3 таси ишга туширилган. Аниқ фанлар, чет тиллар ва жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Мактаб раҳбарларининг 17 фоизи тест синовларидан ўта олмаган, ўқувчиларнинг физика, химия, биология, хорижий тиллардан билим савияси ниҳоятда паст. Мактаблар таъмирга муҳтож. Моддий-техника базаси ўта ночор. Шу йилнинг 9 ойида маориф соҳасига маҳаллий бюджетдан ўзлаштириш учун ажратилган маблағнинг 54 миллион сўми ишлатилмаган.

Ҳукумат тадбирларини амалга оширишда матбуотнинг аҳамияти бекиёс. Бироқ вилоят оммавий ахборот воситалари мавжуд муаммоларни ёритишда масъулиятсизлик қилмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қиладиган мақолалар йўқ ҳисоби. Масала ва муаммоларга шошмашошарлик, юзакилик билан ёндашилади. Танқидга жуда кам эътибор берилади.

Шу йилнинг ўтган даврида "Қашқадарё ҳақиқати"да иккита

кичик танқидий мақола берилган, холос.

Нима, бугун вилоятда амалга оширилаётган ишлар қониқарлими? Халқ хўжалиги соҳаларида муаммолар йўқми?

Келинг, вилоятдаги ислохотларга ва иқтисодий ривожланишга бир назар ташлайлик.

Хусусийлаштириш борасида давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси (Р. Хидиров) фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Мулк шаклини ўзгартирган корхоналар билан иш олиб борилмаяпти, ном ўзгарган-у, иш услуби эскича.

Фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 77 та бинодан фақат 9 таси кимошди савдосига қўйилган. Тарғибот ва реклама хизмати йўлга қўйилмагани сабабли аҳолига кўчмас мулк қилиб сотилиши мўлжалланган ер майдонлари кетма-кет 5-6 мартадан кимошди савдосига қўйилмоқда.

Текшириш шуни кўрсатяптики, одамлар сўраб юрган, муҳтож бўлган ер участкаларини кимошди савдоси орқали эмас, аксарият ҳолларда ҳокимликлар томонидан пора олиб, таъмагирлик йўли билан ажратиш қулай бўлмоқда.

Вилоятнинг кўплаб туманларида Вазирлар Маҳкамасининг фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш ҳақидаги қарорлари охиригача ўз ечимини топмаяпти. Уларга 6 минг гектарга яқин ер майдони ажратиб берилмади.

Мустақил ва хўжаликлар таркибидаги фермерларнинг иш якунлари таққосланганда, мустақил фермерлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини 4 марта кўп ишлаб чиқараётганига қарамасдан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 1611 фермер хўжалигидан 510 таси ҳамон мустақил фаолият юритмаяпти.

Фермерларга хизмат кўрсатишга мутлақо эътибор йўқлиги сабабли улар ўз вақтида ерларини ҳайдаш, ишлов бериш, хосилни йиғиб олиш имкониятларидан тўла фойдалана олмаяпти.

Фермерлар томонидан шунча қийинчилик билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш аҳволи бундан ҳам баттар.

Чунки деҳқон тайёрлов ва қайта ишлов корхоналарига топширган маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ олмаяпти. Маҳсулотга

қўйилаётган нарх эркин нарх бўлмасдан, мажбурий нарх бўлиб қолмоқда. Шу йўл билан фермерларга катта зарар етказилмоқда ва тўсиқ қўйилмоқда. Бунга қачонгача чидаш мумкин?

Ҳисоб-китоб ишлари ойлаб пайсалга солинмоқда. Натижада, бугунги кунда фермерларнинг дебитор қарзлари 1 миллион 300 минг сўмдан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжаликларининг сони камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Вилоят бўйича 1992 йилда 2476 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилнинг 1 ноябрига келиб уларнинг сони 765 тага камайган.

Мулк эгалари солиқ ҳақидаги қонунни бузишга, ўғирлик, талон-торожга йўл қўймоқдалар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида корхона ва ташкилотларнинг 2168 нафар мансабдор ходимидан маъмурий тартибда 1 миллион 810 минг сўмга яқин жарима ундириб олинган.

Вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти давлат бюджетига кафолатли тушум тушишини таъминлаш ўрнига мансаб талашиш билан овора. Қарши шаҳар солиқ бошқармасида бир йилда раҳбарнинг 3 марта алмашганини қандай тушуниш керак? Балки, айрим кимсаларга бундай лавозим ўта мойли-ёғли вазифа бўлиб туюлиши сабабми?

Товар-моддий бойликларини четга чиқариш борасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Шу йилнинг 9 ойи давомида 105 марта ноқонуний тарзда четга мол олиб чиқиб кетиш ҳоллари қайд этилган. 1 миллион 300 минг сўмлик товар-моддий бойлик давлат ҳисобига мусодара қилинган, булар асосан пахта толаси ва озик-овқат маҳсулотларидир.

Вилоят қишлоқ хўжалиги сусти ривожланмоқда. Аксарият етакчи соҳаларда ҳатто кескин орқага кетиш ҳоллари рўй бермоқда. Шу йил пахта йиғим-терими мавсумида техникадан яхши фойдаланилмагани оқибатида машина терими режаси 45 фоизга уудаланди, холос.

Сиз, раҳбарлар аҳолини пахта йиғим-теримига моддий қизиқтириб, рағбатлантириб, керак бўлса, руҳини кўтариб, ўз вақтида жалб қила олмаганингиз сабабли вилоятнинг пахтачиликдаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмади.

Нишон, Муборак, Косон, Усмон Юсупов туманлари йиллик



режаларини удалай олмадилар. 14,8 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинмасдан қолиб кетди. Бу йил вилоятда 1994 йилга нисбатан 20 минг тонна кам ҳосил олинди.

Ғалла етиштириш ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига бирмунча ошган бўлса-да, 1995 йилда гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 14,7 центнерни ташкил этди. Натижада давлат омборларига 123 минг тонна ғалла етказиб берилмади. Ғалла ҳосилдорлиги Дехқонобод туманида 5,8, Ғузурда 8,2, Косонда 11,7 центнерни ташкил қилган.

Дехқонобод, Нишон, Косон, Чироқчи туманларидаги айрим хўжалик раҳбарларининг мамлакатимиз ғалла сиёсатига бефарқ муносабати туфайли суғориладиган ерлардан, қайтариб айтаман, суғориладиган ерлардан лалми майдонларга нисбатан кам ҳосил олинган. Буни қандай баҳолаш керак?

Бундан ташқари, хўжаликлар билан вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси ўртасида эркин нархларда ғаллани сотиб олиш юзасидан шартномалар тузилмагани сабабли давлатга 80 минг тонна ғалла топширилмай қолган.

Давлат дон топшириғи бажарилмай туриб айрим хўжаликлар дон маҳсулотларини иш ҳақи ҳисобидан фуқаро, хўжалик ва ташкилотларга сотганлар. Қамаш туманидаги "Ғаллакор" хўжалиги, Яккабоғ туманидаги Амир Темур номидаги хўжалик, Баҳористон туманидаги "Олтин бошоқ" хўжалиги, Касби туманидаги Талишбе хўжалиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда мева, сабзавот, полиз, картошка ва узум етиштиришга эътибор сусайтириб юборилгани сабабли ҳосилдорлик камайиб кетган. Масалан, 1992 йилга нисбатан бу йил 56,3 минг тонна сабзавот кам етиштирилган. Картошка 4 минг тоннага, мева ва узум 46,8 минг тоннага камайган.

Вилоят қулай тупроқ ва иқлим шароитига эга бўлса-да, ўзини-ўзи картошка билан таъминламапти. Бу иш билан ҳеч ким шуғулланаётгани йўқ. Уни маъқул майдонларда жойлаштириш, агротехника ва уруғчилик масаласи ҳокимликнинг назаридан четда қолган. Вилоятда 85 минг тонна картошка зарур бўлса, атиги 15-20 минг тонна етиштирилмоқда. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ердан атиги

50-80 центнерни, 1995 йилнинг 10 ойида эса 60 центнерни ташкил қилган.

Вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида туман ва хўжаликлар раҳбарлари айби билан асоссиз равишда 15 минг бошдан зиёд қорамол, 1500 бошдан зиёд соғин сигир, 7 минг бошдан ортиқ чўчка, от, туялар сони камайиб кетди.

Чорвачиликка мутасадди бўлган туман агросаноат фирмалари, мева-сабзавот, вилоят гўшт ва сут ҳиссадорлик уюшмалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини назорат қилиш инспекцияси, зоотехник ва ветеринар инспекцияси, илмий-текшириш институтларининг вилоят филиалларидаги мутахассис ва раҳбарларнинг ўз ишларига эътиборсиз ёндашганликлари сабабли агросаноат соҳасида ижобий силжишларга эришилмаяпти.

Авваламбор, бунинг сабаби меҳнатни ташкил қила билмаслик, ташаббусни ўз вақтида қўллаб-қувватламастик, одамларни рағбатлантира олмасликдир. Афсуски, вилоят раҳбарлари эскича ишлаш услубидан, маъмурий-буйруқбозлик, боқимандалик, даъво қилиш, расмиятчилик ва дўқ-пўписа билан ишлаш иллатларидан халос бўлолмаётдилар.

Савдо ва маиший хизмат соҳаларида олиб борилаётган ишлар талаб даражасидан паст. Савдо соҳасида дўконлар хусусийлаштирилганига қарамасдан, ҳали ҳам мавжуд савдо ташкилотлари раҳбарларининг ўзлари эски усулда маҳсулот тақсимооти билан шуғулланиб келмоқда. Шу сабабли баъзи бир савдо шохобчаларида зарур бўлган озик-овқат маҳсулотлари йўқ.

Вилоятда савдо қоидаларига риоя қилиниши кўриб чиқилганда 2241 та савдо шохобчасининг 50 фоизидан зиёдида қонунбузарлик ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди, улардан 2,4 миллион сўм жарима ундириб олинди.

Маиший хизмат кўрсатиш шу йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33 фоизга камайган.

Молия-кредит тизимларини такомиллаштириш, тўловларни тартибга солиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилашга етарли аҳамият берилмаяпти. Вилоятда пул эмиссияси 60 фоизни, дебитор қарзлар 6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Натижада корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи бўйича қарзлари 665 миллион сўмга етди. Эмиссия Қарши, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи, Яккабоғ, Касби, Нишон, Муборак, Усмон Юсупов туманларида 60-90 фоиз атрофида қайд этилган.

Бундай ҳолат давом этса, ишчиларга иш ҳақини эртага нима ҳисобидан берамиз?

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчиларни саноатга жалб этиш масалаларида ҳам аниқ режа йўқ.

Чўл зоналарида ишчи кучи етишмайди, тоғ зонасида эса одамлар иш билан таъминлангани йўқ. Шуларни тоғдан тушириб иш билан таъминлашни ҳам биз келиб қилишимиз керакми?

Сирдарё, Жиззах вилоятларига андижонликлар келиб ишлаётганидан хабарингиз борми?

Жойлардаги меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олиш ва нафақа тўлашдан нарига ўтмаяпти. Хабарларинг бор, яқинда республикамизнинг жанубий вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш, транспорт хизматини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ғузур - Қумқўрғон темир йўлини қуриш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Ушбу йўлнинг қурувчилари қашқадарёликлар бўлмай ким бўлиши керак? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдиларингми? Бекор юрган ёшларни шу долзарб қурилишга жалб қилиш учун ҳозирданок тайёргарлик кўриш керак эмасми?

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин.

Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, безорилик, гиёҳвандлик каби жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошиб кетган. Қайд этилган жиноятларнинг ўсиши асосан Қарши шаҳри, Ғузур, Чироқчи, Китоб, Деҳқонобод, Нишон, Усмон Юсупов туманларида кузатилади.

Шу йилнинг ўзида содир этилган жиноятларнинг 15 фоизи очилмай қолмоқда.

Хукук-тартибот органлари ходимлари томонидан ўз мансабини суиистеъмол қилиш, кўрқитиш орқали пора олиш ҳоллари учрамоқда.

Ўғрилиқ, талон-торож қилиш каби қонун бузишлар агросаноат соҳасида ҳам кенг тарқалган. Айниқса, жамоат мулкани талон-торож қилиш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, экинзорларни пайҳон қилиш ва бошқа жиноятлар кўплаб содир этилмоқда. Ачинарлиси шундаки, бу каби жиноятларга жамоа раҳбарлари, бригада бошлиқлари ҳамда моддий жавобгар шахслар йўл қўймоқда.

Одил судловни амалга оширишда ҳам қўпол қонун бузишларга йўл қўйилмоқда. 1995 йилнинг 9 ойи мобайнида 141 та жиноят ва 128 та фуқаролик ишининг 30 фоизи бўйича суд қарорлари юқори тоифа томонидан бекор қилинган.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ. Биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантормас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади. Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан боряпмиз. Ана шу эзгу мақсадга эришиш эса, энг аввало, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англай олиши, ўзини ҳимоя қила билишига боғлиқ.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатяптики, вилоят, туман, шаҳар раҳбарлари халқдан ажралиб қоляпти. Натижада фуқаролар ўз раҳбарларидан умид узиб, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳаёт-мамонт масалаларини ечишда адолат ва нажот истаб республика идораларига мурожаат қилишга мажбур бўляптилар.

Шу йилнинг ўн ойи мобайнида Президент девонига қарийб 1800 кашқадарёлик фуқаро ариза-шикоят билан мурожаат қилган ёки қабулда бўлган. Ҳар уч кишининг бири ўз ҳаққини талаб қилиб, қонунчилик бузилаётганидан норозилик билдирган, иқтисодий жиноятларни фош қилган. Давлат ва хўжалик тизимида ўғрилиқ, порахўрлик, таъмагирлик, маъмурий идоралардаги нуксонлар бўйича ҳам шикоят жуда кўп.

**Қадрли дўст-биродарлар!**

Мустақилликнинг 4 йили даврида катта қийинчиликларни енгдик. Қутилмаган қарама-қаршиликлар ва зиддиятларга чидадик.

Мамлакатда сиёсий, иқтисодий барқарорликни таъминладик. Ишлаб чиқаришнинг бир маромидаги равнақиға кенг йўл очиб берилди.

Энг муҳими, одамлар ҳукумат танлаган йўлнинг тўғри ва ҳаққоний эканига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Иккинчидан, одамлар тафаккурида ўзгариш юз бермоқда. Бу - тараққиётимиз гарови, катта имкониятдир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятдан моҳирлик билан оқилона фойдаланишда қолган.

Ўзбекистонимизнинг жанубий минтақасида жойлашган Қашқадарё вилоятининг ўзига хос фэйзи-таровати бор. Одамлари самимий, меҳнатсевар, меҳмондўст, танти бу юрт шахсан мен учун кадрли ва азиздир. Ўз фикрига, мустақил фикрига таянган, ишонган етакчи раҳбар атрофида жипслашиб, унинг изидан боришга, ўзлари ишонган раҳбарини ҳимоялашга ҳар доим тайёр бўлган фаолларни яхши танийман.

Умримнинг бир қисми шу ерда ўтгани, озми-кўпми, меҳнатим синггани учунми, Қашқадарёни фарзандлик меҳри билан яхши кўраман. Ҳозир ҳам шу заминда ўтган йилларим ва кунларимни ҳавас - ҳавас қилиб эслайман. Ҳаётимнинг энг ёруғ, энг бахтли кунларини сиз, азизларнинг орангизда ўтганини яхши англайман.

Очиғини айтсам, бошимга оғир ташвиш ва укубатлар тушган пайтларда, хаёлим паришон бўлган пайтларда шу кунларни эслайман ва шундан ўзимга қўшимча куч ва мадад топаман.

Азиз дўстларим!

Бугунги танкиддан тўғри хулоса чиқарасизлар, деб ўйлайман.

Сизларга ва бутун Қашқадарё халқиға сихат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, бахт-саодат ва ёруғ келажак тилайман.

*Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида  
сўзланган нутқ,  
1995 йил 29 ноябрь*

## **ВАТАН МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам дўстлар!

Мустақил Ватанимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий равнақига, азиз диёримизда бугунги кунда барқарор бўлиб турган тинчлик ва осойишталикка муносиб ҳисса қўшган инсонлар билан эзгу бир сана - Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида дийдор кўришганимиздан ғоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Мана шу залда йиғилган кексаю ёш, эркагу аёл юртдошларимизни халқимизнинг бугунги ҳаётини яхшилашга, ризку рўзини, насибасини бутун этишга астойдил бел боғлаган фидойи одамлар деб биламан. Элу юртимизнинг истиқболи учун, обрў-эътибори учун, келажак ёруғ кунларимиз тезроқ келиши учун ўзини аямасдан, кунни кун, тунни тун демасдан, жонни жабборга бериб ишлайдиган инсонлар деб биламан.

Халқимиз танлаган йўлга ишониб, бу йўлга иймон келтириб, кўтаринки руҳ билан, бугун Ўзбекистон катта қурилишлар ва бунёдкорлик майдонига айланиб, эзгу умидлар билан ишлаётган пайтда, умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида етакчи бўлиб турган ишчиларимиз ва деҳқонларимиз, олимларимиз ва ижодкор зиёлиларимиз, муаллим ва шифокорларимиз, хизматчи ва мутахассисларимиз, мамлакатимизнинг келажак равнақи гарови бўлмиш энг устувор соҳалар меҳнатчиларининг намояндалари деб биламан.

Албатта, юртимизда Ватан келажаги йўлида қилаётган меҳнати учун мукофотга арзийдиган одамлар жуда кўп эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Ишонаманки, халқимизнинг янгидан-янги муносиб вакиллари ватан қахрамони унвонларини олиб, юксак нишонларга мушарраф бўлиб, сизнинг сафингизни тўлдириши аниқ.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўз она юрти учун,

халқи учун ҳалол меҳнат қилган, мамлакат иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга салмоқли ҳиссаларини қўшаётган кишиларни муносиб тақдирлаш - маънавий соҳадаги сиёсатимизнинг узвий қисмидир.

Сизнинг ва сиз каби минглаб, миллионлаб кишиларнинг шижоати, ғайрати, илму салоҳияти, матонати, тўла ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистоннинг кучига-куч, қудратига-қудрат, бойликларига бойлик, обрўсига обрў-эътибор қўшмоқда, Ватанимизнинг ёруғ келажагини яқинлаштирмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Юксак мукофотлар ва унвонлар она-Ватанимизнинг сизнинг ҳалол меҳнатингизга берган юксак баҳоси белгисидир. Ватан ҳаёти ва келажагини юксалтириш ишида кўрсатган салмоқли хизматларингиз ҳосилидир.

Истиқлол бизнинг ҳаётимизга мисли кўрилмаган ўзгаришлар, жаҳон тажрибаси учун ҳам янгилик бўлган тажрибалар олиб кирди.

Энг муҳим тажрибаларимиздан бири шу бўлдики, биз истиқлол ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни баландпарвоз шиорлар билан эмас, чинакам пешона тери билан, кенг миқёсдаги амалий ишлар билан рўёбга чиқаришни ўргандик.

Оддий бир мисолга мурожаат этайлик. Бир неча кун аввал қардош Қирғизистон Президенти Асқар Акаев юртимизга меҳмон бўлиб келди. У билан Асакадаги янги автомобиль заводини бориб кўрдик. Қирғиз дўстларимиз бўлаётган ишлардан хайратга тушди!

Ўтган йил октябрь ойида борганимизда қурилиш энди бошланган эди. Бор-йўғи бир йил ўтар-ўтмасдан, деярли тайёр улкан заводни, энг замонавий технология асосида ишлайдиган конвейерларни, электрон роботларни кўриб, қувонмасдан бўладими?!

Ўзбек йигитларининг энг мураккаб машиналарни бошқаришни ўрганиб олганини кўриб, гапнинг рости, мен жуда ғурурландим.

Халқимиз ҳамма нарсага қодир, биродарлар. Халқимиз уdda этмайдиган касбу корнинг ўзи йўқ. Эл-юртимизнинг тинчлигини, осойишталигини мустаҳкамласак, ўзаро ҳурмат, оқибат ва аҳиллигимизни сақласак, ғайратимизни оширсак, барча эзгу

орзуларимиз ижобат бўлишига заррача шубҳа йўқ.

Минтақада ягона енгил автомобиль заводи қурганимиз, бу - амалий иш. Янги тилла заводларимиз - амалий иш. Янги очилган ва очилаётган нефть ва газ конларимиз - амалий иш.

Ўзбекистон номини бошимиз узра баланд кўтариб, дунё майдонига олиб чиққанимиз ҳам амалий ишдир. Дунё мамлакатларининг Ўзбекистон сари, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари сари бўлаётган ва тобора авж олаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий интилиши - амалий иш.

Илгари ҳам эътироф этганимдек, биз борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, тузиш, бунёд қилиш йўлидан бормоқдамиз.

Бизнинг кучимиз - ана шу маслагимизда, ниятимиз холис эканида, келажакка бўлган комил ишончимизда.

Бугун дунё бизга ишонч кўзи билан қараб, ҳалол ва кенг кўламдаги ҳамкорликка чорламоқда. Мана, гапимизнинг исботи учун, Германиянинг "Штутгартер цайтунг" газетаси босиб чиқарган сўзларни келтирмоқчиман:

"Штутгартда Ўзбекистон кўрғазмасининг очилиши герман жамоатчилигига бу мамлакатнинг қадимий маданияти билан бевосита танишиш имкониятини берибгина қолмасдан, балки бугунги гўзал ва ранг-баранг Ўзбекистонни тенг шерик деб ошқора тан олишга, у билан барча поғоналарда муносабатларимизни ташкил этиш ва кенгайтириш сари чорлайди".

Бу сўзларни журналист ёзган эмас. Газета бу сўзларни Германия Федерал Президенти доктор Роман Херцог нуткидан айнан кўчириб олган. Жаноб Херцог сингари тажрибали ва донишманд сиёсатчининг эътирофи биз учун ҳам, Ўзбекистон билан тенг шерикчилик асосида дўстлашмоқчи бўлган мамлакатлар учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Дунё аҳли бизга хайрихоҳлик ва ишонч билан қараётган экан, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, биз бу ютуққа ўзимизнинг холисона муносабатимиз, меҳнатимиз, тоза ақида ва иймонимиз билан эришдик.

Бугун сиз билан биз тарихий ва оламшумул бир даврда



яшяапмиз. Маълум бир даврнинг ўз ичида яшаб туриб, унга ҳар томонлама баҳо бериш қийин, албатта. Аммо мен бир нарсани қатъий ишонч билан айта оламанки, келажак авлодлар бугунги оғир дамларда буюк истиқболнинг тамал тошларини қўйган аждодларини фахр билан эслайди ва дуо қилади.

Мен ҳар доим "ўзимиз пок бўлиб, яхши ният билан Яратганимиздан эл-юртимизнинг камолини, бахт-саодатини сўрасак, савобли ишларда ўзимизни аямасак, албатта ўтинчимиз ижобат бўлади, Аллоҳ таоло ўз марҳаматини дариг тутмайди!" деб такрор-такрор айтаман.

Эл-юртимизнинг тарихи, муқаддас урф-одатларимиз менга шундай дейиш учун асос беради.

Азиз дўстлар!

Бугун сизларга топширилаётган олий мукофотларни ҳам адолатпарвар халқимизнинг саховати, ўз фарзандларига сийлови ва миннатдорлиги, деб қарасак асло хато бўлмайди.

Сизларни Ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир қарра табриклашга рухсат бергайсиз.

Орамизда жасоратли ва шуҳратли кишилар қанча кўп бўлса, жонажон Ўзбекистонимизнинг шони, шарафи ҳам шунча ортаверади.

Сўзимнинг охирида сизларни, бутун юртимиз аҳлини эртанги муборак сана - Конституция куни билан чин қалбдан табриклайман. Барчангизга бахт-саодат, омонлик тилайман.

Дунёда ягона гўзал юртимиз - муқаддас Ўзбекистонимизга ва унинг захматқаш, танти халқига Яратганимизнинг ўзи доимо мадақкор бўлсин!

*1995 йил 7 декабрь*

## АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ ТАНТАНАСИ

*1995 йил 7 декабрда пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга пойтахт жамоатчилиги вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келган меҳмонлар, шунингдек, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари тўпланди.*

*Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.*

Асосий қомусимиз қабул қилинган кундан буён ўтган уч йил шуни кўрсатмоқдаки, Конституциямизда ёзилган қонун-қоидалар фуқароларимиз ҳаётида ўз аксини топмоқда, деди Ислом Каримов. Шу қисқа вақтнинг ўзи ҳам Конституциямизнинг нақадар етук ва нуфузли ҳужжат эканини тасдиқлади. Конституциямиз юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилганини нафақат республикамиз фуқаролари, балки хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларидан тортиб сиёсатчилару оддий фуқароларигача, шунингдек, халқаро ташкилотлар мутахассислари тан олди. Ана шу фактнинг ўзиёқ Конституциямизни юксак баҳолаш учун асос бўла олади.

Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургувчи маёқдир.

Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати, ҳолос, деб давом этди Президент. Масаланинг бошқа бир муҳим томони шундаки, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётга татбиқ эта билмоқ, унга риоя этмоқ ҳам керак. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаро мансаби, касби, миллатидан қатъи назар. Асосий қомусимизга бениқсон амал қилиши

лозим. Бу биз шу кунгача эришган ва келгусида албатта эришишимиз мумкин бўлган ютуқларнинг энг муҳим шартидир.

Республика Конституциясининг уч йиллик тўйини нишонлаш кунида фахр билан айтмоқчиманки, биз сўнгги йилларда қандай катта муваффақиятларга эришган бўлсак, бунинг барчаси, аввало, ана шу бош қомусимиз ва бошқа муҳим ҳужжатларга тўқис амал қилаётганлигимиз туфайлидир, деди мамлакатимиз раҳбари. Энг оғир кунлар ортда қолмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кишиларимиз моддий аҳволини яхшилаш борасида зарур чоратадбирлар қўллашни тағин ҳам изчил давом эттираверамиз. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бугун биз билан ушбу залда Ўзбекистоннинг биринчи қаҳрамонлари, Ватанимизнинг олий мукофотларига сазовор бўлган заҳматкаш инсонлар ўтирибди. Бундай фидойи кишиларимизнинг сафи ҳам келгусида янада кенгаяверади.

## БУНЁДКОРЛИК - ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ

Муҳтарам халқ ноиблари!

Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи - Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси янги йил арафасида ўтмоқда. Умримизнинг қувончу ташвишларга тўла яна бир йили ортида қоляпти. Ўтаётган йил воқеаларини кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, сарҳисоб қилишга арзийдиган талай ишларимиз борлиги ва айни пайтда биз бугун 1996 йил режалари ҳамда олдимизда турган вазифаларнинг устувор йўналишлари ҳақида ҳам гаплашиб олсак ўринли, деб ўйлайман.

1995 йил, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ислохотлар йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллик йўлига қадам қўяр эканмиз, биз, аввало, давлат ва жамият қурилишининг, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислох этишининг ўзимизга хос, ўзимизга мос дастурини ишлаб чиқдик. Бугун биз бош мақсадимиз - бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият қуришнинг аниқ ва асосли дастурига эгамиз.

Тараққиёт дастурига кўра, ислохотлар кучли ижтимоий сиёсат билан узвий ва уйғун ҳолатда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Соддароқ қилиб айтсак, янгича муносабатларга биз инқилобий сакрашлардан воз кечиб, изчил, собитқадамлик билан ўтиб келмоқдамиз. Ислохотлар ислохотлар учун эмас, авваламбор, одамлар манфаатига хизмат қилиши керак. Бизнинг қатъий фикримиз шундай.

Бугун мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятга назар ташлаб, биз тўғри йўл танлаганимизни яна бир қарра баралла таъкидлашимиз мумкин.

Барчангизга маълум: 1995 йилда иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонладик. Бугун инсоният қатори, ғалаба учун жон фидо қилганларни ҳурмат билан эсладик, ёруғ келажагимиз учун қурашган ва бугунги янги жамиятни бунёд

этишда биз билан ёнма-ён турган фахрийларимизнинг жасоратини, фидокорона меҳнатини муносиб тақдирладик.

1995 йил:

- иқтисодий-сиёсий ислохотларнинг пойдеворини яратиш;
- биринчи мартаба кўп партиявийлик асосида ўтказилган эркин парламент сайловлари;
- жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларидан тортиб, вакиллик, ижроия, суд органларигача бўлган идора тизимларини барпо этиш;
- барча сиёсий ва жамоатчилик ҳаракатлари, партиялар ҳамда республика аҳолисининг жамики қатламларидан вакиллик бўлган республика парламенти - Олий Мажлисни шакллантириш йили бўлди.

1995 йилда ислоҳий жараёнлар иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб, турмуш тарзимиз, онгимизга чуқурроқ кириб борди.

1995 йил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан, халқаро тизимлардан мустақкам ўрин олиш йили сифатида ҳам тарихда қолажак.

1995 йил ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин тўхтатилган, халқимизнинг турмуш шароити барқарорланиши бошланган, ҳуқуқий давлатнинг демократик принциплари мустақкамланган йил сифатида ёдимизда сақланади.

Ўтган йилга ижобий баҳо беришга асосимиз бор. Зеро 1995 йил давлатимизнинг тўрт йиллик тарихида энг самарали, мазмунли йил бўлди.

Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорлик муқаррар тус олганлиги ҳаётимиздаги туб бурилиш яқунланаётган йилда қўлга киритган энг катта ютуғимиздир.

Жамиятимизнинг сиёсий соҳадаги яна бир ютуғи шундаки, ижтимоий уйғунланиш кучайди, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, тинчлик сақланди. Ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, дўстлик ҳаётий эҳтиёж эканлигини мамлакатимиз фуқаролари тобора равшан ҳис этмоқдалар.

Вақт - ҳакам, деган гапнинг айна ҳақиқат эканини биз ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Енгил эҳтирослар даври ўтди.

Тараққийетимизнинг мантиқий ривож олижаноб мақсадлар, интилишларни уйғунлаштириб, барча сиёсий кучларни жой-жойига қўйди. Бугун Ўзбекистонда давлатчилигимизга хавф солиши мумкин бўлган, жамиятимиз асосларини ўзгартира оладиган сиёсий куч йўқ.

Шаклланаётган ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат тизими, бир томондан - халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъаналарига, шу билан бирга, жаҳоннинг энг илғор тажрибаларига таянса, иккинчи томондан - мавжуд реал шарт-шароитлар, тарихий истиқболни назарда тутди. Тарихий истиқболимизни эса биз жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашда деб биламиз.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичларидаги демократик ўзгаришлар ва сиёсий тафаккур ранг-баранглигига баҳо берар эканмиз, айтиш мумкинки, Ўзбекистон бу борада бутунлай янги, анъанавий бўлмаган йўлни танлади.

Бизнинг моделimiz ватанимиз ҳудудида тарихан шаклланган жамиятнинг кўп миллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустақамлашга асосланади. Биз бу моделдан демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг пировард мақсадлари учун фойдаландик. Бинобарин, аҳолининг муайян ижтимоий гуруҳлари, қатламларида юзага келган партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари бу ноёб ҳодиса билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас.

Айни чоғда миллий ва бошқа жамоатчилик ҳаракатлари, шунингдек, ёшлар, диний, маданий ҳаракатлар ўзларининг иккинчи ёшариш фаслини бошдан кечирмоқдалар.

Мустақилликнинг дастлабки йилидаги кераксиз шовқин-суронлардан, ортиқча ур-сурлардан реал ҳақиқат сари ўтиш, иқтисодий ва сиёсий аҳволни хушёр кўз билан баҳолаш уларни дўқ-пўписалардан, шухратпарастилик васвасалари, тор сиёсий манфаатлардан воз кечишга мажбур этмоқда.

Давлат ҳокимиятининг олий органлари тизимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ шаклланиши, сайлов тизимининг янгиланиши, Олий Мажлисга ўтказилган сайловлар 1995 йилда сиёсий ислохотларни бевосита амалга оширишга имкон яратди. Олий ҳокимият органларига сайловлар жамият онгида туб бурилиш ясаб, мамлакат аҳолиси ислохотларни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Қисқа муддатларда давлат, хўжалик, маъмурий, жиной, фуқаролик, меҳнат қонунчилигининг асослари, шунингдек, кўп укладли иқтисодиёт манфаатларини, асосий демократик принципларни, инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати бўлиб турибди. Кўп йиллик фаолиятимизнинг йўриқномаси бўлган Конституциямизда бугунги реал воқелигимиз ҳам, эртанги кунимиз ҳам ўз ифодасини топган.

Сиёсий тафаккурда, жамоат ва давлат ходимлари фаолиятида янгича ижтимоий интилишлар, шакл ва андозалар пайдо бўлаётгани демократиянинг турмушимиздан тобора мустаҳкамроқ ўрин олаётганидан далолатдир.

Ўтган йил минтақавий муаммоларни узил-кесил ҳал этишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди, десам, хато қилмайман. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мўътабар минбаридан бу муҳим масалага доир ва, шу билан бирга, нотинч дунёда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, истиклол йўлида қадам қўяётган давлатларга моддий, сиёсий ва маънавий эътибор беришга доир фикр-мулоҳазаларимиз, таклифларимизни рўй-рост айтдик.

Биз Афғонистон ва Тожикистондаги чўзилиб кетган қарама-қаршиликка бефарқ қараб тура олмаймиз. Бу ҳол Марказий Осиёдаги ҳозирги вазиятни минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш нуқтаи назаридан теран англаб олишни тақозо этмоқда.

Шу маънода 1995 йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича халқаро семинар муҳим аҳамият касб этди. Унда иштирок этган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг қўшма баёноти қабул қилиниб, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоларини биргаликда ечиш йўллари муҳокама қилинди. Тинчликни сақлаш, муроса ва халқлар ўртасида ўзаро ишончни қарор топтириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Бугунги замонда бир ҳақиқат тобора яққол кўзга ташланмоқда: фақат коллектив хавфсизлик хусусида сўз юритиш мумкин ва бунга

умуминсоний кадриятларга асосланган сиёсий воситалар билан эришиш мумкин ва зарурдир.

Мухтарам депутатлар!

Давлат қурилиши соҳасида бу йил давлат тузилмаларининг оёққа туриш, янгиланиш ҳамда ҳокимиятнинг демократияга асосан тармоқланиши шароитида ҳаракат қилиш йили бўлди.

Ижроия ҳокимиятининг тобора халқчиллик ва демократик асосларга суяниши, Олий Мажлис, ҳокимлар бошқаруви, маҳаллий кенгашлар ва жойлардаги ўз-ўзини бошқариш органларининг сифат жиҳатдан янгича аҳамият касб этиши сиёсий ҳаётимизга янгиликлар қириб келишининг амалий исботидир.

Иқтисодий соҳада жорий йил биз учун амалга оширилган янги ишлар, ислоҳотлар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида эришилган ижобий ўзгаришлар йили бўлди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва жадаллаштириш, хусусийлаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда теранлаштириш йили бўлди.

Биз молиявий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютанинг қадрини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кўзлаган изчил иқтисодий сиёсатни татбиқ қилишга алоҳида эътибор бердик.

Ўтаётган йилда иқтисодиёт тизимлари тубдан ўзгартирилди, эркин бозор, товарлар, сармоялар ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўрсатиши учун шароит яратилди.

Йилнинг энг муҳим вазифаларидан бири макроиқтисодий барқарорликка эришиш эди. Юритилаётган сиёсат, шунингдек, амалга оширилган қўшимча тадбирлар натижасида мамлакатдаги молиявий ва иқтисодий вазият ўнгланди.

Иқтисодиётнинг мавжуд секторларида нафақат ишлаб чиқариш суръатлари пасайишининг олдини олиш, балки ўсиш, юксалиш кўзга ташланмоқда. Бу, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, саноатнинг ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби тармоқларига ҳам тегишлидир.

Бу йил эмиссия ва инфляцияни кескин пасайтиришга йўналтирилган пул-кредит сиёсати юритишга катта эътибор берилди.



Шунинг натижасида, ўтган йил билан таққослаганда, инфляциянинг ўртача ойлик даражасини уч баробардан ортиқ камайтиришга ва унинг суръатларини изчил равишда сусайтиришга эришилди.

Буларнинг барчаси ўз навбатида банкларнинг қайта молиялаш ставкаларини камайтириш имконини бермоқда ва ишлаб чиқаришга сармоя солиш учун қулай шароит туғдирмоқда.

Мўътадил ва қаттиққўл бюджет сиёсати юритилаётгани ҳамда даромадлар тушишига қараб харажат қилинаётгани натижасида давлат бюджети камомади кескин қисқарди. Шунинг баробарида жорий йилда бюджетнинг харажатлар қисми тузилмасида инвестицияларга ажратилаётган маблағларнинг ўсиш тамойили кўзга ташланди.

Агар улар 1994 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан, тахминан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда мос равишда 7 фоиздан иборат бўлди.

Бу нима дегани? Бунинг маъноси шуки, бугунданок иқтисодий имтизмининг изчил ўсиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Молиявий аҳволни ўнглаш учун молиявий имтизомни яхшилаш, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар муаммосини ҳал этиш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Векселлар муомалага чиқарилди. Халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларда вексел усулидан фойдаланиш, тахминан 52 млрд сўм миқдоридаги ўзаро қарзлардан қутулиш имконини берди.

Республикада амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ўзгаришлар дастури халқаро молия муассасалари билан, шу жумладан, Халқаро валюта фонди, Дунё банки ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ишига ижобий туртки берди. Бу миллий валютанинг қадрини оширишга хизмат қиладиган валюта захираларини кўпайтириш учун молиявий ёрдам олишга имкон туғдирди.

1995 йил давомида миллий валюта қадрини ошириш билан боғлиқ пул-кредит сиёсатини валюта курси воситаси билан амалга ошириш, босқичма-босқич унинг ички эркин алмашувига эришиш ва

сўмнинг хорижий валюталарга алмашиш курсини барқарор ушлаб туриш учун шароит яратилди.

Турлича мулк шаклига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар қатори тадбиркорлик билан машғул жисмоний шахслар ҳам ташқи бозорга чиқадиган бўлди. Республиканинг ваколатли банклари томонидан аҳолининг нақд пулларини эркин муомаладаги валютага алмаштириш учун зарур шароитлар яратилди.

Чет эл сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар ички валюта бозорида Ўзбекистонда ишлаб топган маблағларини эркин муомаладаги валютага алмаштириш ҳамда фойда ва дивидендларнинг бир қисмини четга олиб чиқиб кетиш имконига эга бўлдилар.

Республика валюта биржасида ҳафтада икки марта, аксарият ваколатли банклар иштирокида, мунтазам тарзда валюта савдоси ўтказилмоқда. Амалга оширилаётган операциялар ҳажми анча кенгайди. Жорий йилда валюта биржасида уюштирилган 200 та савдода 1994 йилдагига нисбатан 13 марта кўп ёки 1,5 млрд АҚШ доллари сотилди.

1995 йилда Ўзбекистон иқтисодиётида сезиларли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Мўлжалланган дастур бўйича мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, иқтисодиётда монополияга барҳам бериш, унинг нодавлат сектори ҳамда хусусий мулкнинг шаклланиш ва оёққа туриш жараёнлари давом этди.

Республикада бугунги кунгача 4 мингдан ошиқ очиқ турдаги акционерлик жамиятлари рўйхатга олинди. Йирик ва ўрта корхоналарни акциялаш бошланди. Эркин сотиш, шунингдек, хорижий сармоядорларга мўлжалланган акциялар ҳажми ортди.

Агар жорий йилнинг биринчи чорагида 200 млн сўмлик, иккинчи чорагида 100 млн сўмлик акция сотилган бўлса, бу кўрсаткич учинчи чорада 500 миллион сўмни ташкил этди.

Бозор ислохотларини тезлаштириш мақсадида қимматбаҳо қоғозлар бозори шакллана бошлади.

Аммо, шуни ҳам айтиш лозимки, кўп ҳолларда акциялаш жараёни катта қийинчилик билан ўтмоқда. Сотилган акциялар ҳажми эркин сотувга мўлжалланган жами акцияларнинг 23,3 фоизини

ташкил этди, сотилган акциялардан тушган маблағ жами 55 фоиздан ошмайди. Акцияларни чет эллик сармоядорларга сотиш иши ҳам кўнгилдагидек эмас. Ушбу йўналишда инвестиция фондлари, фонд биржаси, қолаверса, корхоналар ишида самарадорлик етишмаяпти.

Хурматли депутатлар!

Барчамизга яхши маълумки, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади. Ҳозир республикада 32 минг кичик корхона мавжуд бўлиб, улар халқ хўжалигининг 22 соҳасида фаолият кўрсатмоқда. "Хусусий тадбиркорлик ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши, "Бизнесфонд", амалий алоқалар маркази, "Мадад" суғурта жамиятининг тузилиши кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ана шу институцион ўзгаришлар натижасида давлатга қарашли бўлмаган нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши кескин ошиб бораётир. Мазкур сектор саноат маҳсулотининг 44 фоизини, кишлок хўжалиги маҳсулотининг эса 97 фоизини ишлаб чиқармоқда. Барча капитал маблағларнинг 44 фоиздан ортиғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 64 фоизи ана шу давлатга қарашли бўлмаган нодавлат секторда ишламоқда.

1995 йилдаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг истиқболларини белгиловчи импорт ҳажмларини камайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш сиёсати бўлди.

Шунингдек, устувор тармоқларни тезкорлик билан ривожлантириш мақсадида тармоқлар ва минтақалараро номутаносибликни қисқартириш сиёсати амалга оширилди. Жорий йилда асос тармоқлари - нефть ва газ саноати, электр энергетика, машинасозлик ва кимё саноати корхоналари анча барқарор ишлади. Металлургия саноатида, қишлоқ хўжалиги саноати комплексида, енгил ва мебель саноатида ва бошқа бир неча тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ижобий силжишлар кўзга ташланди.

Биз энергетика мустақиллигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришдик. 1995 йилда нефть ва газ конденсатини қазиб олиш қарийб 1,5 баробар ортди. Минерал ўғитлар, тракторлар, газламалар ва бошқа бир қатор буюмлар ишлаб чиқаришда ҳам сезиларли даражада ўсишга эришдик.

1995 йилда мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида ҳам катта қадам ташланди. Шу мақсадда экин майдонларининг таркибий тузилиши ўзгартирилиб, ғалла майдонларининг улуши 40 фоизга етказилди. Натижада бу йил 3,3 миллион тонна ғалла тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Кадрли дўстлар!

Мен бир ҳақиқатни айтиб чарчамасам керак. Бунинг мазмуни шуки, қишлоқда туб ислохотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир.

Биз буни теран тушуниб олмоғимиз лозим. Шунинг учун ҳам қишлоқда ислохотларнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бугунги кунда республика учун нафақат иқтисодий, балки ҳаётий аҳамият касб этади. Янада очикроқ айтадиган бўлсам, бизнинг келажак ҳаёт-мамотимиз шу масалани қанчалик тез ва қанчалик оқилона ҳал этишимизга боғлиқ. Ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришишнинг бошқа йўли йўқ.

Яна такрорлайман: фақат қишлоқни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришиш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш мумкин.

Бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча муассаса ва ташкилотлар, барча фаолларимиз мана шу соҳадаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун жон куйдириб, бор куч-ғайратларини ишга солишлари лозим.

Қишлоқда ислохотларни муваффақиятли ўтказишнинг асосий гарови бўлмиш бир масала борки, бу ҳақда биз илгари ҳам кўп гапирганмиз. Бу - қишлоқ хўжалигида банд бўлган ошиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга жалб этиш масаласидир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида 3,8 миллион киши ёки Ўзбекистон иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг 46,5 фоизга яқин қисми ишлаяпти.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бугун олинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорини ишловчилар сонини 1,5-2 миллион кишидан оширмаган ҳолда ҳам олиш мумкин. Яъни бугун биз ишлаб чиқаришга мутлақо зарар етказмаган ҳолда 2 миллионга яқин кишини бу соҳадан озод этишимиз мумкин.

Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бугун ишлаб чиқариш бригадаларида 80-100 одам қўл учида бажараётган ишни шунча кишининг ярми ёки учдан бир қисми ҳам бемалол, эмин-эркин уддалаши, эплаши мумкин.

Такрорлаб айтаман: бугун қишлоқ далаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, иш билан банд одамларнинг сонини камайтириб, уларнинг иш унумини ва даромадини камида 2 марта ошириш мумкин.

Ва, ҳеч шубҳасиз, меҳнат интизоми ва иш самараси яхшиланади. Мавжуд машина ва ускуналардан фойдаланиш самараси ўсади, меҳнатни механизациялаш кўлами кенгаяди.

Кўпчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Мана, АҚШ, Германия, Голландия, Франция, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларни олиб қарайлик. Бу мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида ялпи ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга лаёқатли кишиларнинг сони 4-5 фоиздан ҳам ошмайди. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажми нафақат мамлакатнинг ўз эҳтиёжини қоплаб қолмасдан, балки четга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Барча муаммо шундаки, биз ошиқча кишиларни қишлоқ хўжалигидан озод қилиб, уларни қаерга жойлаштиришимиз мумкин?

Бу масалани ечишнинг ягона йўли бор.

Биз бу йўл ҳақида ҳам илгари кўп бор гапирганмиз. Унинг моҳияти шуки, қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш ва кенг жорий этиш, янги кичик ва ўрта корхоналарни қуриш, янги иш жойларини яратиш зарур.

Ҳаммомлар қуриш керак, сартарошхоналар қуриш керак,

устахоналар қуриш керак, суратхоналар қуриш керак. Қишлоқ аҳолиси учун маиший хизматнинг бошқа ҳамма турларини ҳам мухайё этиш лозим. Қишлоқ жойларда банк, суғурта тизимларининг бўлимлари, агросервис нуқталари, хуллас, бозор инфраструктураси яратилиши шарт.

Лўнда қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш тармоғини кенг ривожлантириш, кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш талаб этилади.

Бу ишни ташкил этиш вазифаси кимнинг зиммасига тушади? Албатта, биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг зиммасига тушади.

Бугун масалани шу тарзда кескин қўйиш пайти етди: бу вазифани уддалай олмаган кишининг раҳбар бўлиб ишлашга маънавий ҳаққи йўқ. Чунки бутун ислохотларимиз тақдири, миллионлаб инсонларнинг тақдири шу масалани ечиш, ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Биз ижтимоий соҳада - Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш борасидаги кўп қиррали фаолиятимизнинг марказида инсон, мустақил ватанимиз фуқароси туриши керак деган олижаноб ниятдан келиб чиқиб иш кўрдик. Шунинг учун ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳар бир фуқаронинг шахс сифатида шаклланиши учун, ўз қобилятини, ўз талантини ишга солиб, ҳаётини янада яхшилаш, маънан бойиши учун барча имкониятни яратиб беришдан иборатдир.

Шу билан бирга бозор муносабатларига ўтиш, бошқа мамлакатлар тажрибаси кўрсатаётганидек, осон, чигалсиз, ижтимоий қийинчиликларсиз кечмас экан. Бу - бугунги куннинг аччиқ ҳақиқати десак ҳеч қандай хато бўлмас.

Шунинг учун давлатнинг бу жараёндаги энг муҳим вазифаси ана шу қийинчиликларни имкон бори қадар юмшатиш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг янги ҳаётий шароитига мослашиши учун зарур ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак ва унутмаймиз ҳам. Қолаверса, бозор муносабатларига ўтаётган бошқа давлатлар билан

таққослаганда, биз амалга ошираётган сиёсатнинг энг афзал жиҳатларидан бири ҳам худди шундадир.

Бу соҳада охириги йилларда биз муайян ишларни қилдик. Ёдингизда бўлса, миллий валютани муомалага киритиш чоғида, нархга эркин тус беришнинг яқунловчи босқичига ўтиш пайтида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиш учун биз деярли бутун аҳолига компенсация, яъни қоплаш тўловларини жорий этдик. Кейинроқ бу тўловларни ишчиларнинг асосий иш ҳақиға, пенсия, стипендия ва нафақа таркибига киритдик.

Бугун биз, энг қийин босқичда, яъни нарх-навоға эркин тус бериш даврида меҳнатқашларнинг манфаатларини ҳимоя қила олдик, дейишимиз мумкин.

Мамлакатда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишнинг кўп усуллари ва воситалари вужудға келди ва улардан фойдаланилмоқда.

Ижтимоий йўналишдаги сиёсатни ўтказишнинг натижаларидан бири шуки, сўнгги йиллар давомида иш ҳақи, шу жумладан, унинг энг кам миқдорини, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини мунтазам қайта кўриб чиқиш орқали аҳолининг даромадларини муайян даражада саклаб туришға, бу йил эса чинакам даромадларнинг бир оз кўпайишини таъминлашға муваффақ бўлдик.

Оилаға ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ижтимоий сиёсатимизнинг негизидир. Сўнгги вақтда оналарға болаларни боқиш учун нафақа (бундай нафақа тўлаш муддати икки йилға қадар узайтирилди), 16 ёшгача болали оилаларға ота-онанинг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъи назар, бир йўла тўланадиган нафақа каби янги нафақалар жорий этилди.

Давлат 1994 йилнинг октябридан бери муҳтож оилаларға фаол ёрдам бермоқда. Бунинг учун фуқароларға ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар орқали ижтимоий-моддий мадад бериш усули йўлга қўйилди. Шуни ҳам айтиш зарурки, нафақаларнинг сўнгги икки тури энг кам иш ҳақи миқдори билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу миқдорнинг ўзгариши, нафақалар ана шу турлари миқдорининг ўз-ўзидан кўпайишиға олиб келади.

Оилаға мадад беришнинг биз амалға оширган янги йўли ўзаро

ёрдам ва бир-бирига мадад бериш миллий анъаналарини тўлароқ ҳисобга олади ва фойдаланади. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш демократизмни ва ошқораликни таъминлайди.

Шу йилнинг тўққиз ойидагина ўзини ўзи бошқариш органлари орқали фуқароларга моддий ёрдам сифатида бир миллиард сўмдан кўпроқ пул тўланди. 800 мингдан ортиқ оила моддий ёрдам олди.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги маълум ютуқлар фуқароларнинг ижтимоий кайфиятига, психологиясига ижобий таъсир қилмоқда.

Айтиш мумкинки, дастлабки вақтда кишиларнинг онгида ва хулқ-атворида мавжуд бўлган айрим ишончсизлик, иқтисодиёт соҳасида юз бераётган воқеалар таъсиридан ўзини йўқотиб қўйишдан қутулдик. Ҳозирги пайтда аҳоли кенг табақаларининг иқтисодий воқеликка аста-секин ижтимоий мослашиш жараёни намоён бўлмоқда. Халқимизнинг маънавий қиёфасини эса ҳамшиша унга хос бўлган барқарорлик, тинчлик, тотувлик ва ижтимоий адолатга интилиш каби асосий қадриятларга садоқат белгилайди.

Ҳурматли депутатлар!

Ниҳоясига етиб бораётган йилнинг натижаларига умуман яқун чиқариб, айтишимиз мумкинки, 1995 йил мақсадларимизга эришиш ва ислохотлар вазифаларини амалга ошириш учун яхши пойдевор яратди.

Шу сабабли, ҳозир биз мустақил республикамиз учун янги -1996 йил иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигининг юксалиши учун шарт-шароит яратиш томон бурилиш йили бўлиши керак, деб ишонч билан айта оламиз. Яъни ҳаётимизнинг барча соҳаларида миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ янги вазифаларни бажаришга ўтадиган пайт келди. Иқтисодиётимиз тараққиётидаги бу янги ўзгариш ва тамойиллар бизнинг олдимизга янги вазифаларни қўймоқда.

Хўш, буларнинг энг муҳими нималардан иборат?

Макроиқтисодиётни барқарорлаштириш билан бир қаторда миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг жорий ва тўла алмашадиган бўлишига эришиш келгуси йилдаги бизнинг биринчи ва асосий вазифамиздир. Аслини олганда, бу иқтисодий вазифагина эмас,



ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик вазифага айланмоқда, чунки иқтисодийнинг юксалиши ҳам, аҳоли турмуш даражаси ҳам, давлатнинг обрў-эътибори ҳам шу вазифанинг бажарилишига боғлиқ.

Шундай савол туғилади - биз бу жуда кийин ва мураккаб вазифани ҳал қила оламизми?

Ҳисоб-китобларимиз ҳамда бу вазифани ҳал этиш учун барпо қилган ва тўплаган салоҳиятимиз ҳозир ўз олдимизга ана шундай вазифани қўйишимиз ва уни бажаришимиз мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчи навбатда сўмнинг харид қувватини ошириш учун истеъмол бозорини керакли моллар билан тўлдириш, аҳолининг эҳтиёжларини қондирадиган ва хориждан келтириладиган моллар билан рақобат қила оладиган ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришга зўр бериш зарур бўлади.

Иккинчидан, янги йилда валюта захираларини кўпайтириш чораларини кўришимиз керак. Бунинг учун республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарнинг экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон бозоридан мустаҳкам жой олиш жараёнларини чуқурлаштириш лозим. Экспорт қилинадиган молларни бутун чоралар билан кўпайтириш ва шу ҳисобдан валюта тушумларини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Учинчидан, ёнилғи-энергия манбаларини, кўпгина ускуна ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишни камайитириш, уларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан алмаштириш ташқи савдо балансини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатидир. Бу жараён энергия манбалари ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишни энг кам зарур миқдорга қадар камайитиришга олиб бориши лозим.

Биз бунга эриша оламизми?

Бемалол эриша оламиз. Чунки сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатиб турибди.

Тўртинчидан, капитал бозорининг барча воситаларидан

фойдаланган ҳолда, Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирган ҳолда, аҳоли маблағларини, шунингдек, корхоналарнинг вақтинча эркин маблағларини жалб этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Биз 1996 йилда харажатларни қисқартириш, ортиқча пул чиқаришни - эмиссияни, хусусан, шу борада аҳвол оғир бўлган жойлардаги эмиссияни камайтириш бўйича бошлаган қатъий ишимизни давом эттиришимиз керак, албатта.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш, алмашув курсини барқарорлаштириш миллий валютани мустаҳкамлашда ўз самарасини кўрсатиши лозим. Бу, яқин орада республикага сармояларни жалб этиш учун мақбул шарт-шароит яратиш, миллий хўжалигимизнинг жаҳон хўжалиги билан алоқасини мустаҳкамлашга имкон беради.

Миллий валютамизни мустаҳкамлаш ва унинг эркин муомаладаги қувватини ошириш иккинчи устувор вазифа - пул кадрсизланишини кескин равишда камайтириш билан бевосита боғлиқдир.

Бошқача айтганда, 1995 йилда бошланган иқтисодиётнинг макроиқтисодий, яъни умумиқтисодий кўрсаткичларининг мувозанатини таъминлаш, энг аввало, пул бирлигининг нақд ва нақдсиз муомалада назоратсиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик, кредит эмиссиясини кескин чеклаш керак.

Ўзаро тўланмаган маблағлар, дебитор ва кредитор қарзлар манбаи ва сабабларини бартараф этиш, капитал бозорини жадал ривожлантириш ҳамда пул кадрсизланишини жиловлашга қаратилган бошқа кескин чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи сиёсатни давом эттириш зарур.

Пул кадрсизланишини бартараф этиш банк фоиз ставкасининг қисқаришига, банк, молия-кредит оборотининг жонланишига, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш учун зарур шароитларни барпо этишга, янги корхоналар қуриш, янги иш жойлари очилиши, сармояларнинг ошишига имкон туғдиради. Энг муҳими - аҳолининг аниқ даромади ўсишига олиб келади.

Иқтисодиётимизнинг келажаги кўп жиҳатдан биз бугун хорижий

сармояларни қай даражада қўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Миллий валютаимизнинг ҳолати, устувор соҳаларнинг ривожланиши, иқтисодиётимизга янги технологиялар ва материалларни жалб этиш ҳам маълум даражада бу билан боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Иқтисодиёт фақат унинг фондлари янгиланиб турганида, янги технологиялар жорий этилганида, янги қувватлар ишга туширилганда ривожланиши мумкин. Бу - исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Зикр этилмиш масалаларни ҳал этишда капитал қурилишини жонлантириш дастури ҳамда республикаимиз иқтисодиётига кириб келаётган сармояларни рағбатлантириш муҳим ўрин тутаети.

Ҳурматли депутатлар!

1996 йилдаги муҳим вазифа - иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттиришдан иборат. Биз барчамиз таркиб жиҳатидан янгилаш - республикаимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили эканини чуқур англашимиз лозим.

Иқтисодиётнинг бизга мерос бўлиб қолган тузилмаси СССР манфаатларини ҳисобга олган ҳолда барпо этилган эди. У Иттифок миқёсида меҳнатни тақсимлашга йўналтирилган бўлиб, бу тузилмада Ўзбекистон ҳам ашё минтақаси - қуйруғи ҳисобланар эди, холос.

Республикаимиз мустақиллиги халқ хўжалиги тузилмасида мутлақо ўзгача янгиликлар бўлишини тақозо этади. Биз тузилмани янгилаш мураккаб, қийин ва узоқ давом этадиган жараён эканини яхши биламиз. Бу иш улкан маблағ ва саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Бирок тузилмаларни қайтадан янгиланмасдан, ўз иқтисодиётимиз ва ишлаб чиқариш кучларимизга суянмасдан туриб, биз иқтисодий мустақилликка эриша олмаймиз, меҳнатнинг халқаро тақсимотидаги ўз муносиб ўрнимизга, бинобарин, халқимизнинг муносиб турмуши учун зарур шарт-шароитга эга бўла олмаймиз.

Тузилмани янгилаш сиёсатимизнинг бош мақсади - юксак технологиядан фойдаланиладиган, самарали ва сафарбарлик йўналишидаги бозор иқтисодиётини барпо этишга асосланган мустақил иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир.

Бу сиёсатни амалга оширишда асосий эътибор -

ривожлантирилиши лозим бўлган устувор йўналишларни белгилашга, яъни, энг аввало, иқтисодиётимизнинг келажагини, илмий-техник тараққиётни ривожлантириш суръатини белгилайдиган, том маънода, жаҳон бозоридаги ўз ўрнимизни эгаллашга имкон берадиган соҳаларни, тармоқларни ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Ҳар бир вилоят, ҳар бир тумanning ресурс ҳамда иқтисодий имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланиш, ҳудудий номуносивбликларни бартараф этиш мақсадида иқтисодиётимизнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш - тузилмаларни янгилаш сиёсатининг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Бу масалада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари сингари минтақаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бозор инфраструктураси - тижорат банклари тизими, суғурта компаниялари, аудиторлик хизматлари, коммуникацияларнинг зарур тизимларини жадаллик билан шакллантириш - тузилмаларни янгилаш сиёсатимизнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Иқтисодиётимизнинг янги тузилмасини шакллантириш тезда, ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас, албатта. Бу ишда давлат бундан кейин ҳам асосий ислоҳотчи вазифасини бажариши, иқтисодиётнинг устувор тармоқ ва соҳаларига сармояларни жалб этишнинг кучли амалий воситаларини барпо этиши лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларнинг эътиборингизни бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз учун ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган бир масалага қаратмоқчиман. Юртимизда бошланган давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб бурилишлар, жамиятни янгилаш жараёни кўп жиҳатдан мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Республикамыз жамиятда бозор муносабатларини қарор топтирган ҳолда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил қадам ташламоқда. Лекин биз шуни теран англаб олишимиз керакки, бозор ва бозор муносабатларини мулк эгалари пайдо бўлмасдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бозор, иқтисодий эркинлик ўзига хос кишилар - мулк эгаларисиз амал қилолмайди.

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, айнан ана шу табақага мансуб одамлар туфайлигина жамиятда барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт асоси қарор топади. Мисол учун ҳар қандай иқтисодий ривожланган мамлакатни олиб кўрайлик. У ерда ҳал қилувчи куч - ана шу мулкдорлар синфи ҳисобланади. Аммо қаерда аҳоли таркибида ҳақиқий мулк эгаси бўлган одамлар ҳиссаси деярли катта бўлса, биринчи навбатда ўртача мулк эгалари, ўша ерда иқтисодиёт барқарор ривожланади. Чунки мулк эгаси қўлидаги мулкка хиёнат қилмайди, бу мулкнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, уни авайлайди, ўз моддий фаровонлигининг манбаи деб билади.

Шунинг учун ҳам, биз бозор ҳақида гапирар эканмиз, аввало, ана шу бозорни яратадиган одамларни назарда тутишимиз керак. Агар жамиятнинг демократик йўлидан изчил ривожланишнинг иқтисодий асосини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этса, нуфузли, таъсирчан ўртача мулкдорлар табақаси унинг сиёсий асоси бўлиб хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Одамлар қачон ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этади? Улар, ҳар бир фуқаро бирон бир шаклда муайян мулк - кўчмас мулк, ер участкаси, кичик корxonанинг эгаси хилма-хил касбу кор, ҳунармандлик, тижорат, умуман тадбиркорлик билан шуғулланишда ўзини мулкдор ҳисоблайди. Ёки у ана шундай мулкларнинг эгаларидан бири - акционер, бошқача айтганда, ўзига даромад келтирувчи акция, қимматбаҳо қоғоз соҳиби бўлиши керак. Шундагина одамларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга, ислохотларга қизиқиш уйғонади. Ана шундагина улар ислохотларни олға юритувчи фаол кучга айланади.

Улар ўзлари пай, акциялари орқали эга бўлган корxonалар, банклар, бошқа тузилмаларнинг ривожланиши учун ўз маблағларини сарф этадилар. Шу боисдан ҳам уларнинг қандай ишлашига бефарқ қарай олмайдилар. Бошқача айтганда, бу одамларнинг ҳаёти, оиласининг фаровонлиги мазкур корxonалар, банклар, молиявий тузилмаларнинг қандай ишлаётганига, улар даромад келтирадими ёки зарар кўриб ишлайдими - ана шунга боғлиқ бўлиб қолади.

Биз бу ижтимоий қатлам, бундай синфнинг мустаҳкамланиши давлатимиз иқтисодий қудратининг янада юксалиши, жамиятимизда

ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши, демократик кадриятларнинг ўз ўрнига қўйилиши билан боғлаймиз.

Шундай савол туғилади: қандай омил ва манбалар эвазига мулкдорлар синфини шакллантириш мумкин?

Аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш бу муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу - биринчи шарт. Ишончим комилки, агар биз зарур шарт-шароит яратиб бера оلسак, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ниҳоят даражада тез ва кенг тараккий топади.

Бунинг учун бизда барча шарт-шароит мавжуд. Агар тарихга теранроқ назар ташласак, бозор муносабатлари даставвал қайси маконда юзага келганини аниқлаш ўта мушкул эканини кўрамиз. Қадим замонларда Шарқда тижорат ва ҳунармандчилик билан бадавлат шаҳарлар ўлкасида бу муносабатларнинг кўплаб тарихий изларини учратиш мумкин.

Айтайлик, Мағрибу Машрикни боғловчи муҳим савдо йўллари айнан шу замин орқали ўтади. Машҳур савдогарларнинг ана шу заминда етишиб чиққанлиги ҳам тижорат аввало Шарқда дунёга келган деб тахмин қилишимизга асос бўла олади.

Ўша замонларда ҳунармандлар, халқ усталари, савдогарлар ва тадбиркорларнинг нечоғлик ҳурмат-иззатга сазовор бўлгани, қандай нуфуз ҳамда имтиёزلардан фойдаланганликларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ота-боболаримиз буни яхши биладилар. Бозор муносабатлари ҳақида гапнинг мағзини айтадиган бўлсак, биз унинг сарчашмаларига, бу соҳадаги ўз анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой тажрибаларига қайтаямиз.

Халқимизнинг ана шу тарихий тажрибаларга асосланган муносабати, дунёқараши бугунги кунда кичик корхоналар ва тадбиркорлик тармоғини кенг ривожлантириш учун кучли туртки бера олиши мумкин. Бу йўл билан бозор конъюктурасига изчил таъсир кўрсатиб, зарур истеъмол молларини кўпайтиришга шароит яратиб, янги иш ўринлари ташкил қилибгина қолмай, ташқи бозорга ҳам фаол аралашган ва рақобатлаша бошлаган бўлур эдик.

Айтиш керакки, бундай ривожланиш бугун Ўзбекистонда, том маънода, бошланган, аммо у давлат, қонунчилик ва жамият

томонидан тубдан қўллаб-қувватланиши керак.

Мулкдорлар синфи шаклланишининг иккинчи манбаи - қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, унга бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат. Бу биз учун янгича бир ёндошувдир. Ўтган йиллар мобайнида биз бу жабҳага яқинроқ ёндошмаган, шуғуланмаган эдик.

Бозор иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатяптики, ҳақиқий ўрта мулкдорлар табақасининг асосий қисми уларнинг пул маблағларини қимматбаҳо қоғозларга, кишилар учун манфаатли бўлган ҳар хил омонатларга, банк депозитларига жалб этиш йўли билан юзага келади.

Тан олиш керак: бугунги кунда мазкур йўналиш, таассуфлар бўлсинки, катта қийинчиликлар билан суғ ривожланмоқда. Бунинг асосий сабаби ушбу жабҳада зарурий шарт-шароитлар ташкил қилинмаганидир.

Тўғри, бунинг учун ҳукуқий база амалда яратилмапти, қонунчилик нормалари қабул қилинди, имтиёзлар тизими ишляпти, шунингдек иқтисодий замин ҳам мавжуд - корхоналарни акциялаш жараёни фаол бормоқда. Ишлаб чиқариш барқарорлашмоқда, инфляция камаймоқда.

Аммо бугунги кунда қимматбаҳо қоғозлар билан ишлашга етарли иштиёқ йўқ. Бу борада тажрибамиз озлиги сезилмоқда. Бу ғоялар юртимизнинг ҳозирги замон фуқаролари мафкурасига, онгига секинлик билан сингмоқда.

Оддий қилиб айтганда, совет даври тарбиясини кўрган кўпчилик кишиларимиз дивиденд, акция ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромад олиш мумкинлигини тасаввурларига ҳам сиғдира олмайдилар. Тан олиш керакки, кишиларимиз ҳозирча, ана шуларнинг ҳисобига оила даромадини салмоқли даражада кўпайтириш, ўзининг фаровонлигини таъминлаши мумкинлигини тушуниб етмайдилар.

Шуни чуқур англашимиз шартки, биз қандай шарт-шароит яратмайлик, одамлар қимматбаҳо қоғозлар - бу оиланинг изчил даромад манбаи эканини ўз кўзи билан, аниқ мисолларда кўрмас эканлар, бу тасаввурни ўзгартириш қийин бўлади. Буни эса биз тезлик

билан ва ёрқин мисолларда одамларга кўрсатишимиз керак.

Шу йил охирига келиб, кўплаб акционерлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайлари эвазига дивиденд, яъни даромад олишлари керак. Ҳиссадорлик корхоналарининг, бирлашмаларининг, айниқса, банкларнинг раҳбарлари шуни чуқур англаб етишлари керакки, бу муҳим масалани ташкил қилиш, охирига етказиш уларнинг зиммасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий моҳиятга эга бўлган жуда катта масъулият бўлиб турибди. Бу масалани биз қаттиқ назоратга олишимиз керак.

Биз кишилар онгига қимматбаҳо қоғозлар ҳам аслида мулкка эгалик қилиш шакли эканини сингдиришимиз керак.

Қадрли дўстлар!

Бизда аҳолининг кўп қисми қишлоқда яшайди. Ўринли бир савол туғилади: хўш, қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлган ҳар бир меҳнатчи қай даражада ўзини мулкдор деб, хўжалик мулкининг, бу хўжалик эришган соф даромадга шерик деб ҳис этапти?

Қишлоқдаги ислохотларни биз энг аввало деҳқонда эгалик ҳиссини тарбиялаш билан боғлиқ деб биламиз. Ана шу мақсадда давлат хўжаликларини қайта ташкил этдик. Уларни жамоа хўжаликлари, кооперативларнинг турли шаклларига айланттирдик. Қишлоқда кооперативлаш ишларини тараққий эттиришни бошладик. Бироқ, очиғини айтиш керак: қишлоқда ислохотлар сушт бормоқда ва ҳозирча қутилган натижаларни бермаяпти. Назаримда, қишлоқдаги ислохотлар жараёнига янги туртки бериш, жамоа хўжалиги каби кооператив хўжаликнинг асл моҳиятини тиклаш ва бу хўжалик ишчиси ўзини хўжайин деб ҳис этиши учун шарт-шароитлар яратиш вақти етди.

Хўш, бу нимани англатади?

Биз мулк эгасини топиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Таассуфки, бунда баландпарвозлик, умумий гаплар жуда кўп. Амалий ҳаётда эса бу масалалар ўзининг керакли ечимини топмаётганига гувоҳ бўламиз.

Ҳа, биз фермерлар, деҳқон хўжаликларини ривожлантириб келдик ва бундан кейин ҳам уларни кўллаб-қувватлаймиз. Улар учун зарур шарт-шароитларни яратаверамиз. Аммо бугун гап бошқа нарса



ҳақида боради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида,- мен хўжаликларни ва қайта ишлаш корхоналарини назарда тутяпман,- меҳнат қилаётган ҳар бир меҳнаткаш хўжалик эга бўлган асосий фондлар ва мулкнинг умумий қийматидаги ҳар бир хизматчи пайи ёки ҳиссасини (улушини) белгилаб берадиган сертификатлар - қимматбаҳо қоғозлар тизимини жорий этиш вақти келди. Шу йўл орқали ҳар бир меҳнатчи бу хўжаликнинг умумий, кооператив мулкнинг ҳақиқий ҳамсоҳиби бўлиши билан боғлиқ масалаларни ечиш пайти етди, демоқчиман.

Бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд ҳолатни тасаввур қилсак. Бир томонда - хўжалик ва унинг умумий мулки. Иккинчи томонда - жамоа хўжалиги ишчиси, шу хўжаликнинг аъзоси.

Энди, жамоа хўжалиги аъзоси ўша хўжалик ихтиёрида бўлган бойлик - фондлар, меҳнат қуроллари, ернинг ҳамсоҳиби сифатида ўз иштироки ҳиссасини қандай аниқлайди? Бинобарин, хўжалик олган ўша фойда, якуний натижаларидаги ўз ҳиссасини қандай аниқлай олади?

Аслида умуман аниқлай олмайди. Чунки жамоа хўжалиги ишчисига даромади амалда эскичасига, алмисокдан қолган тизимга асосан ажратилмоқда.

Афтидан, барча асосий фондларнинг - ернинг, ускуналарнинг, машина ва механизмларнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда кооператив хўжаликнинг ҳар бир аъзосига унинг ҳиссаси, пайини аниқлаш пайти етди. У ана шу ҳиссаси ва пайига мувофиқ сертификатни, яъни қимматбаҳо ҳужжатни қўлига олиш керак.

Пай, содда қилиб айтсак, маълум жамоа хўжалиги ишчисининг шу хўжалик мулкидаги ҳиссаси, улуши деганидир. Унинг ҳажми қанча бўлишига қараб жамоа хўжалиги ишчиси хўжаликнинг якуний фойдасидан бир қисмини, ўз фоизини, фойданинг ўзига тегишли қисмини олиши мумкин.

Бунда хўжаликнинг бўлинмас фонд деб аталувчи жамғармасини сақлаб қолиш лозим бўлади. Чунки шу бўлинмас фонд ишлаб чиқаришни қайтадан бошлаш, яъни ўғитлар, янги ускуналар сотиб олишни, мелиорация ишларини ўтказишни таъминлаш учун зарурдир. Мактаб, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш учун

зарурдир.

Менимча, бу пайларни қайтадан сотишга йўл қўйиб бўлмайди. Улар ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг, хўжаликнинг ички мулкидек бўлиб қолади. Пайларни хўжалик аъзолари ўртасида қайтадан тақсимлаш мумкин бўлар, лекин сотиш мумкин эмас. Равшанки, жамоа ҳар бир аъзосининг улуши - пайини аниқлаш энг қийин ва энг мураккаб масала. Лекин уни ҳал қилиш мумкин. Жамоа ҳар бир аъзоси улуши миқдорини хўжалик жамоаси умумий йиғилишида низомга ва ишлаб чиқиши лозим бўлган асосланган меъёрлар - нормаларга қараб ҳал қилади. Ана шунда ва фақат шундагина хўжалик мол-мулкни асрашдан, ишлаб чиқаришни муваффақиятли юритиб, катта фойда олишдан чинакам манфаатдор мулк эгаси пайдо бўлади.

Колхозчи, кооператив аъзоси қўлида сертификат бўлса, ўзининг улуши қанчалигини ва хўжалик қанчалик яхши ишласа ўз пайига мувофиқ шунча кўпроқ даромад олишини билади. Дарвоқе, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатларда ва хорижда ҳам ана шундай тажриба мавжуд.

Биз яхши тушунамизки, бундай тартибни ҳаётда амалга ошириш осон иш эмас, албатта. Бу масалаларнинг ҳаммаси жиддий равишда ўйлаб ишлаб чиқишни талаб қилади. Олимларимиз, мутахассисларимиз, вилоятлар, туманлар, хўжаликлар, Қишлоқ хўжалик вазирлиги раҳбарлиги бу муаммони ўрганиб ўз тақлифларини киритадилар деб ўйлайман.

Хурматли депутатлар!

Бозор муносабатлари ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар чуқурлашган сари аҳолининг турмуш даражасига таъсир қиладиган камчиликлар ҳам сўзсиз пайдо бўлишини тушунишимиз керак. Шу сабабли кучли ижтимоий сиёсатни унутмаслигимиз лозим. Ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўналишини кучайтириш зарур.

Мен, аввало, жамиятимизда одамларнинг ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишига йўл қўймасликни, яъни бой-бадавлат одамлар билан бир қаторда ночор ва қашшоқ кишилар пайдо бўлишига, аҳолимиз социал тоифалари ўртасидаги асоссиз тафовут ҳаддан

ташқари катта бўлишига, уларнинг ўртасида карама-қаршилиқ пайдо бўлишига йўл қўймасликни кўзда тутяпман.

Ҳозирги қийин даврда аҳолига ижтимоий мадад бериш юзасидан 1996 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини янада кўпроқ ошириш лозим бўлади.

Фикримизча, ҳисоб-китобларимизга қараганда, бюджет тизимида ҳам, хўжалиқ ҳисобидаги корхоналарда ҳам ишлаётган меҳнатчиларнинг иш ҳақи ортиши лозим. Пенсиялар, нафақа ва стипендиялар тарзидаги тўловлар ҳам кўпаяди. Аввало болаларга берилаётган ижтимоий тўловлар, маҳалла комитетлари орқали муҳтож оилаларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам кўпайтирилади. Бозор истеъмол моллари билан тўлдирилган сари иш ҳақининг энг кам миқдори ҳам оша боради. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий ёрдам ва мададнинг барча турлари ҳам оша боради.

Шу ўринда мен меҳнатқаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳамма ишни қилишимиз лозимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Лекин биз боқимлик, боқимандалик кайфиятлари ривожланишига мутлақо йўл қўймаслигимиз керак.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан давлат амалга ошираётган чора-тадбирлар аҳолининг меҳнатдаги фаоллигини камайтирмаслиги лозим. Бу муҳофаза, биринчи навбатда, ўз меҳнати билан меъёрий турмуш шароитини таъминлашга қодир бўлмаган табақаларни қўллаб-қувватлашга, яъни бу ёрдам кимларга қаратилганини аниқ белгилаб қўйишни таъминлайдиган қилиб ташкил этиш зарур.

Аҳолининг ижтимоий ночор қисмини муҳофаза қилиш билан бирга меҳнатга рағбатлантиришнинг қудратли механизми - ихтиёримиздаги мавжуд кучларни жалб этиш, кишиларимизнинг қобилиятини юзага чиқаришни таъминлашга қодир механизмни шакллантириш ҳам керак.

Биз ҳар бир кишининг ўзи ҳамда оиласи таъминоти ва равнақини ўйлайдиган даражада эркин бўлишига имконият яратиб берадиган шарт-шароитни шакллантиришимиз даркор. Ана шунда ҳар бир кишининг ўз қобилияти ва меҳнатига суяниши фуқароларимиз турмуши фаровонлигининг энг барқарор манбаига айланади.

Шу билан бирга, биз бу шарт-шароит ва талаблар, бу ниятлар жамиятда ижтимоий адолатга риоя қилингандагина амалга ошиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Шунинг учун ҳам аҳолига, 1992 йилга қадар омонат кассага пул қўйиб, шу пайтгача куйиб ўтирган омонатчиларга нисбатан адолатни тиклаш - бундан кейинги йиллардаги ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат уларнинг олдида, хусусан кекса авлод вакиллари олдида қарздор бўлиб қолган. Бу воқеалар содир бўлган пайтларда Иттифоқ тизимлари ўта кучли эди ва жамғармаларда тўпланган пуллардан республикамиз бир тийин ҳам фойда олгани йўқ.

Бизнинг муқаддас вазифамиз, ҳатто айтган бўлардимки, маънавий бурчимиз - адолатни тиклаш, кишиларимизнинг йўқотган бойлигини қайтариб беришдан иборат. Ана шундай қилсак, биз уларнинг назарида давлатнинг фуқаролар ижтимоий ҳуқуқларининг ҳимоячиси ва гарови сифатидаги нуфузини, обрўсини янада мустаҳкамлаган бўламиз.

Даврнинг мураккабликларига, молиявий имкониятларимиз чекланганига қарамай, биз бу долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим, деб ҳисобладик. Бунинг учун аҳолининг омонатларини бугунги пул қийматидан келиб чиққан ҳолда қайтадан ҳисоблаб, 1996 йилдан бошлаб уларга бу пулни тўлаш учун маблағ манбаларини қидириб топдик.

Табиийки, нега биз бу ишни олдинроқ қилмадик, деган ҳақли савол туғилади.

Тўғриси айтганда, бу масала анча олдин пишиб етилган, бироқ уни ҳал этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган эди.

Биринчидан, миллий валютамиз йўқ эди. Биз уни фақат ўтган йилнинг июлидан бошлаб муомалага киритдик.

Иккинчидан, биз сўнги вақтгача пул юқори даражада, ҳатто кескин даражада қадрсизланган, нарх-наво эса тез ўсиб кетаётган шароитда яшадик. Пулнинг бундай қадрсизланиш суръатлари омонатларни тиклаш йўлидаги барча тадбирларимизни чиппакка чиқариши турган гап эди. Уларни йил бошида тиклаган тақдиримизда ҳам йилнинг охирига келиб яна қадрсизланиб қолган бўларди. Бунга

эса асло йўл қўйиб бўлмасди.

Биз учун бундай муайян мисолда, биринчидан, халқнинг давлатга бўлган ишончини қайта тиклаш, иккинчидан, алоҳида инсон, яъни омонатчига нисбатан адолатни қарор топтириш ва учинчидан, энг асосийси, аҳолига, биринчи навбатда пенсионерларга кадрсизланиб кетган омонатлари ўрнини қоплаш тизими орқали амалий ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга.

Кадрли дўстлар!

Биз мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ижтимоий базани - заминни мустаҳкамлашга боғлиқ эканини яхши англаб олишимиз зарур.

Биз буни ижтимоий адолат тўғрисида гапирганда, маънавият ва ахлоқни қайта тиклаш тўғрисида гапирганда эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва энг муҳими, маърифатсиз, илм-фансиз эркин демократик жамият, келажагимизни кура олмаймиз, деб гапирганда эсдан чиқармаслигимиз керак. Биз бугун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, фарзандларимиз тўғрисида ўйлашимиз, уларнинг маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, одамларнинг соғлиги, миллатнинг соғлиги тўғрисида қайғуришимиз керак.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш энг масъулиятли вазифадир. Ҳар биримиз ота ёки онамиз. Келинлар, бугунги ўта қийин шароитларда кураётган давлатимиз, мустақиллигимиз, мамлакат хавфсизлиги эртага кимларнинг зиммасида бўлишини бир ўйлаб кўрайлик. Келажагимиз, оилаларимиз ва миллат соғлиги қандай бўлади?

Очиқ иқдор бўлаيлик, қишлоқлардаги соғлиқни сақлаш, маориф тизимининг бугунги аянчли аҳволи юртдошларимиз, вояга етаётган фарзандларимиз олдида ўзимизни айбдор ҳис этишга мажбур қилади.

Самарқанд ва Қашқадарё вилоят кенгашларининг сессияларида айтилган барча гаплар қолган вилоятларга ҳам тегишли эканини ҳамма бирдай равшан англаши керак. У ерда очиқ-ойдин айтилган бемазагарчиликлар республиканинг аксарият туманларида ҳам учрайди.

Миллий тикланиш мафкурасига ва умумбашарий кадриятларни

ўрганишга асосланиши зарур бўлган таълим-тарбия, унинг янгича мазмуни тўғрисида беш йилдан бери гапирамиз. Бироқ кўпгина ўқув юртларида, айниқса, ижтимоий, жамиятшуносликка оид фанлар бўйича ҳамон эски ўқув қўлланмалари, ўқув дастурларидан фойдаланилмоқда.

Бундай аҳволни мустақил мамлакатимизнинг болаларига, ёш авлодига қарши жиноят деб баҳолаш керак.

Маориф соҳасида моддий-техник база қашшоқ бўлибгина қолмасдан, тарбия ва таълимнинг илмий назарияси ҳам ўта заифдир. Тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари, кўп сонли педагог олимлар ёш авлодни мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳаётга тайёрлашнинг яхлит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиб, давлат ва жамиятга тавсия эта олмаяптилар.

Бугун юртимизда замонавий чет эл ускуналари билан жиҳозланган намунали шифохоналар, поликлиникалар кўплаб топилади. Аммо энг зарур жиҳозлар, ҳатто, ичимлик суви ва телефон алоқаси билан таъминланмаган, мутлақо яроқсиз биноларда жойлашган қишлоқ врачлик амбулаториялари, фельдшерлик-акушерлик пунктларининг сон-саноғи йўқ. Қишлоқ мактаблари ҳам худди шундай аҳволда.

Ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик: агар биз шу икки-уч йил ичида аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳарларимизни ободонлаштириш каби энг мураккаб масалаларни ечишда жиддий силжишларга эришган бўлсак, агар биз юзлаб корхоналар, дўконлар, турар-жойлар қурган бўлсак, нега худди шу тарзда, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, қишлоқ мактаблари, амбулаториялар, фельдшерлик-акушерлик пунктларининг моддий-техник таъминоти муаммосини ҳал эта олмаймиз? Наҳотки, бунга кучимиз етмаса?

Мен бу муаммоларни ҳал этиш бизнинг тўғридан-тўғри ва энг асосий мажбуриятимиз, муқаддас бурчимиз, деб ҳисоблайман. Буларнинг барчаси учун маънавий жавобгарлик ҳокимлар, хўжалик раҳбарлари, мутасадди фаоллар ва тадбиркорларнинг зиммасига тушади.

Фарзандларимиз ва ёшларимизга нафақат замонавий

компьютерлар ва таълимнинг техник воситалари, балки, биринчи навбатда, она заминга ва унинг буюк келажагига содиқ бўлган юксак малакали педагоглар, устозлар керак. Ҳар биримиз ўқитувчилик касбини, педагогнинг оғир меҳнатини ўта муҳим ва олижаноб иш сифатида қадрлашимиз зарур.

Мен ҳозирги қийин шароитда, айниқса, қишлоқдаги ўқитувчиларга, тиббиёт ходимларига, маданият ўчоқлари ва уларнинг ходимларига ёрдам беришингизни илтимос қиламан. Токи бу ёрдам халқ ва жамият ёрдами, ҳар бир маҳалла, тадбиркорлик тузилмаси ва меҳнат жамоаси ёрдами бўлсин.

Бундай олижаноблик намунаси ўзимизда ҳам бор! Масалан, кувасойлик тадбиркор Набижон Маҳмудов шахсий маблағи ҳисобига мактаб куриб берди. Ҳозир бу мактаб гимназияга айлантирилган. Набижон Маҳмудов бу хайрли ишга фақат эзгу мақсадлар билан қўл урди. Унинг бу иши энг юксак ҳурмат ва эътиборга лойиқдир. Бу хайрли иш доимо ота-боболаримиз эъзозлаб келган юксак маънавий қадриятларга хос муносиб.

Агар ҳар бир раҳбар ўз куч-ғайратини ушбу олижаноб ишнинг муайян соҳасига сарфласа, 1996-1997 йилларда халқ таълими ва соғлиқни сақлашнинг ахволини тубдан ўзгартиришимиз мумкин бўлади, деб ўйлайман.

Мазкур устувор вазифани бажаришни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабековга ва ҳокимларга топшириш мақсадга мувофиқдир. Улар бизнинг топшириғимизни бажаришига ишончим комил. Бу ишдан халқ депутатлари ҳам четда қолмаслигига ишонаман.

Агар биз ушбу энг юксак талабларга жавоб берадиган ва одамларнинг орзу-истакларига мос келадиган олижаноб ишни уддаласак, халқимизнинг мўл-кўл дуосини олган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Биз ислохотларни чуқурлаштириш, демократик туб ўзгаришлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча

ислохотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиқидир.

Иқтисодий ислохотлар жараёни қанчалик муваффақиятли, самарали кечса, биз шунчалик яхши яшай бошлаймиз, ижтимоий ҳаётни шунчалик эркинлаштириш зарурати ва имконияти туғилади. Бу, ўз навбатида, жамиятни бошқариш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари кўлига ўтишини англатади.

Албатта, бу жараён ўз ҳолича эмас, балки ички қонунлар асосида, изчил ва босқичма-босқич ривожланиб боради.

Биз ҳокимият вазифаларининг бир тузилмадан иккинчисига ўз ҳолича, бошқарилмасдан ўтиши беқарорликка, тартибсизликка, демократия асослари, эркинлик ва инсон ҳуқуқлари оёқ ости бўлишига олиб келишини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам Олий Мажлис, депутатлар жамоаси олдида мазкур жараённи тартибга соладиган қонунлар қабул қилишдайд ўта масъулиятли вазифа кўндаланг бўлмоқда.

Муҳтарам депутатлар!

Мен бугунги сессияда сизларнинг эътиборингизни қонунчилик ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам қаратмоқчиман. Биз Конституцияга ҳамда маданиятли ва демократик жамиятда қабул қилинган қонунлар, ахлоқий меъёрларга риоя қилишга асосланган ҳуқуқий давлат қуряпмиз, деган гапларга кўникиб ҳам қолдик.

Албатта, ушбу меъёрлар бузиладиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди. Албатта, фуқаролари қонунни писанд қилмайдиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмайди.

Аммо мен бугун ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талаби - давлатимизда қонунларни амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг уларни аниқ ва оғишмай ижро этишини талаб қилиш тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Мен ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларини назарда тутяпман.

Сир эмаски, оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрувчи мансабдорларнинг ўзлари қонунларни қандай бажараётганига эътибор беради.



Агар шундай бўлмаса, агар ўша органлар ёки мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқ ости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади.

Бундай вазиятда қонунларни менсимаслик илллати бутун жамиятни захарлайди, давлат томирлари емирилади, чирий бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жамиятимизда шунга ўхшаш ҳолатларга барҳам берадиган давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилиш фурсати етди, деб айтиш мумкин. Мазкур қонунда давлат хизматини ташкил этиш принципи: кучли ижроия ҳокимияти, хизматчиларнинг сиёсий жиҳатдан бетарафлиги принципи, хизмат бурчларига садоқат ҳамда бошқа принциплар - тамойиллар ўз ифодасини топиши керак. Барча хизматчилар учун улар қаерда хизмат қилишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумий рўйхати, тайёргарлик ва малака оширишнинг умумий тизими, лаёқатлилиқ назорати, давлат хизматининг умумий меъёрлари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг умумий тизими амал қилиши керак.

Қонун жамиятнинг давлат ва маъмурият органлари: милиция, прокуратура ҳамда қонунлар ижросини таъминлашга сафарбар этилган бошқа тузилмалари фаолияти устидан самарали назоратини ўрнатиши керак.

Суд ва суд хизматчилари обрўсини кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Суд - ҳокимиятнинг учинчи тармоғидир. Давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлиқ мос келишига бевосита боғлиқдир.

Демократик давлат нормалари ва мавжуд амалиётидан келиб чиққан ҳолда, ўтган даврда мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан кўп ишлар қилинди. Лекин бу соҳада ва айниқса кишиларнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан муносабатини ўзгартириш борасида яна кўп ишларни бажаришимиз лозим.

Бугун оддий фуқаро на ўз ҳуқуқларини, на қонунларни ва на суд

жараёни тартибларини етарли даражада билмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Очиқ тан олиш керак, суд органлари ва суднинг ўзи оддий фуқаро кўз ўнгида жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гаудаланди. Эҳтимол, бу кўпол туюлиши мумкин, лекин бор гап шу.

Судга бундай муносабат илдизлари тоталитар тизим ўз сиёсатини суд қарорлари орқали юритган, ягона мафкура ҳукмронлигини ўрнатган замонларга бориб тақалади.

Булар барчаси одамлар онгига чуқур ўрнашиб қолган. Бизнинг вазирамиз ушбу кўникмаларни, психологияни синдириш, одамларнинг судга муносабатини тубдан ўзгартиришдан иборат. Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак.

Бу - ўта муҳим. Яна қайтараман, одамлар суд органларини ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак.

Бизнинг олий қонун чиқарувчи органимиз - Олий Мажлис ушбу масала билан ҳам шуғулланиши, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам такомиллаштириб бориши зарур. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунилиш таъминлаши лозим. Бу ҳуқуқий асос демократизмни, холисликни, суднинг ҳаммабоп бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайилиш таъминлаши лозим. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим.

Менинг фикримча, Олий Мажлиснинг суд ислоҳоти бўйича аниқ дастурга эга бўлиши ва шу асосда қайд этилган масалаларни ҳал эта бориши мақсадга мувофиқдир.

Қадрли ватандошлар!

Тарихимизда, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидан изчил олға бориши тарихида яна бир йил ўтиб бормоқда.

Биз ушбу йил давомида янги тажрибалар орттирдик, ўтиш даври

синовларига бардош бердик ва уларни мардона босиб ўтдик. Бугун ўтган кунларимизга назар ташлаб, жамиятимизнинг оёққа туриш давридаги энг оғир қийинчиликлар ва синовлар ортда қолди, дейишга барча асосимиз бор.

Дунё ҳамжамияти жамиятимизнинг ислохотлар ва янгиланиш йўлидан дадил ва ишонч билан ташлаётган одимларини катта қизиқиш билан кузатиб турибди.

Биз олдимизга қўйган мақсадларимизга, иншооллоҳ, эришамиз ва бунга яқин қолди. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида, бутун дунё халқларининг ягона оиласида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлғуси.

1996 йил одамларимиз учун Ўзбекистоннинг тикланиш йўлида сезиларли ўсиш йили, шу баракали заминда истиқомат қилувчи ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун фаровонлик йили бўлғай, иншооллоҳ.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил билан чин юракдан табриклайман, омонлик ва бахт-саодат тилайман!

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида  
сўзланган нутқ, 1995 йил 21 декабрь*

## ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Хурматли дипломатия миссияларининг бошлиқлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хонимлар ва жаноблар!

Янги - 1996 йил арафасида сизларни, дипломатия корпуси раҳбарлари ва ходимларини, ахборот воситаларининг вакилларини чин қалбимдан янги йил билан табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, эсон-омонлик ва мамлакатларингизга раванк тилайман.

Янги йил арафаси - ажойиб пайт. Ҳамжамият бўлажак янги дунёга назар ташлаб, ўз фаолиятидаги муҳим давр якунларини чиқармоқда. Шу кунларда биз ҳам Ўзбекистонда ана шундай сарҳисоб ишлари билан машғулмиз.

Биз эзгу мақсадимизга эришдик,- янги давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилганини мен ҳал қилувчи масала деб биламан.

Мен ташқи сиёсат маҳкамаларининг барча вакиллари билан ҳамда мамлакатларингиз ҳукуматларидан кўрсатган ёрдами ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этганлари учун самимий миннатдорман.

Хурматли меҳмонлар,

Ўзбек халқи шу йил сентябрда ўз мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлади. Бир неча кун муқаддам Олий Мажлис ўзининг тўртинчи сессиясида республиканинг конституциявий судини сайлади. Умуман янги сиёсий тузумнинг асосий бўғинларини шакллантириш тугалланди, дейиш мумкин.

1996 йилга биз ҳокимиятнинг тўлақонли ва салоҳиятли тармоқлари билан кириб бормоқдамиз. Улар ўзаро бир-бирини тўлдиради, қатъий ҳуқуқий асосда ҳаракат қилади ва мустаҳкам қонунчилик базасига эгадир.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами қонунлар тайёрлаш суръатини пасайтиришига йўл қўймайди. Олий Мажлис

депутатлари сўнги сессиянинг ўзида келгуси йил давлат бюджети масалаларини, фуқаролар ва меҳнат кодекслари лойиҳаларини, банклар ва банк фаолияти, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қонунларни, халқаро шартномаларни ва бошқа бир неча қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламентимиз иши ва депутатлар фракциялари фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада ортди. Ўзбекистондаги бир неча партия вакиллари АҚШ томонининг таклифига биноан октябрь ойида ана шу мамлакатда бўлдилар. Улар Конгрессдаги, айрим штатларнинг қонун чиқарувчи йиғинларидаги партия фракциялари иш тажрибаси билан танишдилар. Парламентимиз аъзолари вақти келиб хорижий ҳамкасбларининг кўп тажрибаларидан фойдалана оладилар, деб ўйлайман.

Хонимлар ва жаноблар,

мамлакат жамоатчилиги воқеаларга бой бўлган сентябрь ойида яна бир катта санани - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигини кенг нишонлади. Миллий комиссия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий ваколатхонаси билан биргаликда ишлаб чиққан дастурга мувофиқ юбилей тантаналари ғоят хилма-хил ва сермазмун, тадбирларга бой бўлди.

БМТ юбилей сессиясида бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларимизни айтиш имкониятига эга бўлдик. Зеро, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз умумжаҳон хавфсизлигига эришиб бўлмаслиги ҳозирги кунда мутлақо равшан.

Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан, муайян минтақадаги аниқ-равшан давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргаликдаги ҳаракатидан бошланадиган жараёнدير.

Хонимлар ва жаноблар,

1995 йилда республикамиз пойтахтида ва Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида бир қанча халқаро анжуманлар ўтказилди. Айниқса Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинар кенгашини биз ана шу анжуманларнинг энг муҳими деб биламиз.

Кўпчилигингиз анжуманни ташкил этиш ва ўтказишда фаол

қатнашдингиз. Ҳар бирингиз бу анжуманни БМТ ва шахсан жаноб Бутрос Бутрос Ғолий алоҳида қўллаб-қувватлаганига бевосита гувоҳ бўлиб, унинг нечоғли улкан аҳамиятга молик эканини ҳис этдингиз ва муносиб баҳоладингиз.

Бу кенгашда иштирок этиш учун 31 давлат ва олтита халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлигининг, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрини айтди.

Менимча, кенгаш яқунлари юзасидан қабул қилинган баёнот ҳам минтақавий, ҳам умумжаҳон хавфсизлиги муаммосига ёндашувларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг тутган ўрнини ва ноёб имкониятларини назарда тутган ҳолда бизнинг мураккаб воқелигимизни тушунишга яқинлашувни ўзида акс эттиргани учун қимматлидир.

Хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги можарони бартараф этиш йўллари излашда биз БМТ ишлаб чиққан қарорларга мувофиқ ҳаракат қилдик. Бошқа манфаатдор томонларнинг ҳам минтақа миқёсида қилаётган саъй-ҳаракатларини ҳисобга олдик.

Фақат Ўзбекистонга кўшни мамлакатлар раҳбарлари билан музокараларда эмас, бошқа давлатлар делегациялари ва вакиллари билан учрашувларда ҳам, шунингдек, халқаро анжуманларда, конференцияларда ҳам Афғонистон муаммосини ўртага қўймоқдамиз.

Покистон Бош вазири Беназир Бхутто хонимнинг ноябрь ойидаги расмий амалий ташрифи чоғида у билан олиб борилган музокараларда шу мавзу асосий ўринни эгаллади.

Афғонистонда тинчлик жараёни хусусида Ўзбекистоннинг қатъий йўлини мен бир неча бор, жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгашида баён қилиб берган эдим.

Бу масаланинг ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, сизларга бу борадаги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жиҳатларни эслатиб ўтмоқчиман. Бунингсиз можарони тинч ҳал этиш қийин кечади. Булар:

- можарони босқичма-босқич бартараф қилиш;
- музокара жараёнида барча манфаатдор томонларнинг иштирок этиши;
- ўзаро ён босиш ва оқилона ўзаро келишув асосида нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш;
- бу жараёнда БМТ, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва фаол иштирок этиши;
- мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақлаб қолиниши;
- қандай шаклда бўлмасин ташқаридан тазйиқ ёки аралашувга йўл қўйиб бўлмаслигидир.

Ниҳоят, биз бир неча йилдан буён такрорлаётган масала: Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш зарурлигидир.

Мазкур чораларни можарони бартараф этишнинг асосий жиҳатлари деб ҳисоблаб, мен БМТ Бош Ассамблеясининг юбилей сессиясида Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Афғонистонга қайси мамлакатдан бўлмасин қурол-яроғ олиб келишни тақиқлаб қўйишни таклиф этдим.

Афсуски, бу мамлакатга етказиб берилаётган қурол-яроғ ҳажми камаймаяпти, аксинча, тобора кўпайиб бормоқда.

Афғонистон ва унинг теварагидаги вазият сўнгги вақтда айниқса хавfli тус олмоқда. Бу ҳудудда турли сиёсий кучлар ва мамлакатлар жўғрофий-стратегик манфаатларининг ошқора тўқнашуви тобора равшан бўлиб бормоқда.

Хонимлар ва жаноблар,

зўр куч сарфланаётганига қарамай, афғон халқи ҳамон қонли воқеалар исканжасида қолмоқда. Шу боис можарони бартараф этишнинг асосий чораси сифатида Афғонистоннинг ўзида умуммиллий ярашув зарурлигига эътиборни қаратишгина энди етарли эмас.

Минтақавий-этник омилларнинг қоришмаси ва афғон сиёсатчиларининг ҳокимият учун олиб бораётган курашининг аниқ сабаблари бу ерда бузғунчилик тамойилларининг шаклланишига олиб келди. Ҳозирги вақтда Афғонистон теварагида жойлашган барча

мамлакатлар маълум даражада бу тамойил таъсирини сезмоқда.

Яқинда, яъни 25 декабрда совет қўшинлари Афғонистонга киритилганининг навбатдаги ачинарли санаси бўлди.

Биз қурбонлар тўғрисида, аввало, одамларнинг, собиқ Совет Армияси аскарларининг ҳалок бўлгани ҳақида гапирганимизда, Афғонистон миллионлаб кишилардан жудо бўлгани, бу жафокаш халқ бошига тушган вайронагарчиликларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Вақт ўтиши билан тарихни, афғон фожиаси вужудга келиши сабабларини унута бошладик. Менимча, собиқ Иттифокнинг буюк давлатчилик нафсонияти Афғонистондаги вазиятни портлатиб юборган детанатор бўлганини унутмаслигимиз керак. Ҳозир ҳам, бизнингча, ташқаридан бўлаётган аралашув Афғонистондаги қарама-қаршилиқни авж олдириб, уруш оловини ловуллашмоқда.

Можаро авж олган жойга бевосита яқин бўлган бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам ўз хавфсизлигини таъминлашда қонуний манфаатларини ифода қилишга ҳақлидир.

Ҳозирги кунда Афғонистонда яхши таълим кўрган мунтазам армиялар урушмоқда, уларнинг сафларида ёлланган жангчилар кўп. Шу сабабли, Афғонистондаги уруш инсон фаолиятининг ўзига хос янги тури бўлиб қолди. Шу фаолият доирасида давлатларни вайрон қилиш бўйича "мутахассислар" вужудга келмоқда.

Афғонистон танглигига қўшилиб кетган бангфурушлик, террорчилик, зўравонлик, қурол-яроғ билан савдо қилиш, афғон жамиятида тинч ҳаёт ва бунёдкорлик ҳақида тасаввурга эга бўлмаган бутун бир авлоднинг вужудга келгани, буларнинг ҳаммаси умумжаҳон муаммосидир.

Ҳозирги пайтда Афғонистон муаммосини амалий тарзда ҳал этиш йўллари излаш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида туриши, жаҳон давлатлари эътибори қаратиладиган аниқ объект бўлмоғи керак.

Бу масалалар инсониятни Босниядаги уруш ёки Араб-Исроил можароси каби ташвишга солиши лозим. Жаҳон ҳамжамияти Европа



марказида ва Яқин Шарқда энг мураккаб ва сурункали можароларни бартараф этишга қобил эканини намойиш қилди-ку, ахир.

Ҳозир биз жаҳон давлатларини Афғонистонда давом этаётган уруш туфайли бутун дунёда юз бериши мумкин бўлган жиддий оқибатларга эътиборни қаратишга даъват этишга ҳақлимиз.

Афсуски, яқин атрофдаги мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам буюк давлатлар эътиборини, кучлари ва имкониятларини жалб этишни хоҳламаётганини таъкидламоқчиман. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Афғонистондаги ҳозирги аҳвол баъзи бировларга маъқул бўлмоқда.

Афғонистон - яхлит давлат. Бу ердаги қарама-қарши кучларнинг ўзаро кураши фақат сиёсий парчаланишга ва давлатнинг вайрон бўлишига олиб бориши мумкин. Аслида эса, давлатни қайтадан тиклаш Афғонистон бўйича тинчлик режасининг муҳим жиҳати бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш осон эмас. Бунинг учун буюк давлатлар ва минтақадаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати, Афғонистон раҳбарларининг сиёсий иродаси зарур.

Афғонистонда уруш давом этаётган экан, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолаверади, буни Марказий Осиёда яхши билишади. Бу шароит демократия ва ислоҳотларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини қисқартирмоқда.

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири - ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти - эндиликда экологияни ҳисобга олиб ривожлантиришга қадар кенгайтирилиши мумкин.

Тўғри, бу вазифа ҳали пухта ўрганишни ва аниқ ҳисоб-китобларни талаб қилади. Аммо бу жабҳада янги иқтисодий стратегияни белгилаш зарурлиги равшан бўлиб қолди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нукусда ўтказган Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор тараққиёти бўйича халқаро конференция чоғида бундай стратегиянинг зарурлиги айниқса таъкидланди.

Орол муаммоси бутун инсониятга дахлдор бўлиб, ижтимоий-

иктисодий ва экологик барқарорликнинг асосий сабабидир. Мен Нукус учрашувидан мамнунман. Унинг яқунлари Орол муаммосини умумбашарий тараққиёт бўҳронининг бир бўлаги деб қараш бошланди, деб умид қилишга имкон беради.

Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳам Тошкентда ва Урганчда атроф муҳитни қайта тиклаш бўйича семинар ташкил қилиб, Орол муаммосини ҳал қилиш йўлларини излашга қўшилди. Бу анжуманда ЕХХТ Бош котиби жаноб Хойнкнинг шахсан иштироки семинарнинг муваффақиятли ўтишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бунга Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилгани ҳам ижобий таъсир қилди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг барча соҳаларида ва аввало, ҳозир жаҳонда вужудга келаётган кенг маънодаги Европа Хавфсизлигининг ишончли тизимини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ҳам мазкур халқаро ташкилот билан яқиндан ҳамкорликда ишлашга қатъий аҳд қилганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Муҳтарам меҳмонлар эътиборини яна бир санага жалб қилишни истардим.

8 декабрь куни республика аҳли Конституциянинг уч йиллигини нишонлади. Биз учун Конституциянинг қабул қилингани ҳам, Асосий Қонуннинг мазмуни демократик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос деб баҳолангани ва эътироф этилгани ҳам ғоят муҳимдир. Ўзбекистон Конституцияси - жамиятда демократия ривожланиши ва инсон ҳуқуқларига риоя қилинишининг кафолатидир.

Бу масалада адолат тикланиб, ахборот воситалари томонидан баҳо беришда ёндашувларнинг ўзгараётганини ҳам таъкидлаш муҳимдир. Мамлакатдаги ҳақиқий вазият ва ишларнинг аҳволи билан танишилгани сари, Ўзбекистон жаҳонга тобора намоён бўла боргани сари баҳо беришдаги субъективизм камайиб бормоқда.

Бу сўзларимни тасдиқлаш учун яқинда республикаимизга келган "Хьюман райтс вотч" делегацияси фикрини келтириш жоиздир. Бу делегацияга жаноб Фонтон бошчилик қилган эди.

Ўзбекистонга келган экспертлар сиёсий партиялар, жамоат

ташкilotлари ва бирлашмалари, миллий маданият марказлари, диний ташкilotлар вакиллари билан бир қанча учрашувлардан сўнг бу мамлакатда "Инсон ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида олинаётган ахборотлар ҳақиқатдан йироқ", деб эътироф этдилар.

Хонимлар ва жаноблар, мен сизларни бу масалада Ўзбекистон ҳаммага намуна бўладиган давлат деб ишонтирмоқчи эмасман. Аммо биз воқелигимизга ҳолисона баҳо беришларини талаб қилишга ҳақлимиз.

Ҳурматли меҳмонлар, учрашувларимизда вужудга келган анъанага мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ривожланаётгани ва мустаҳкамланаётгани ҳақида қисқача сўзлаб беришга руҳсат этгайсиз.

БМТнинг юбилей сессиясига борган пайтимизда АҚШ вице-президенти жаноб Альберт Гор билан учрашдик. Бир ярим соат давом этган ошқора суҳбат чоғида минтақа ва жаҳон миқёсидаги энг муҳим муаммолар, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдик.

Биз тилга олган мавзулар америкалик бизнесменлар ва молия ходимлари билан музокаралар чоғида қўллаб-қувватланди. "Чейз манхеттен банк" ва "Америкэн интернешнл групп" вакиллари ва бошқалар билан учрашув жуда самарали бўлди.

Ўзбекистон - АҚШ ўзаро қизиқишлари мамлакатларимиз тадбиркорлари учун фойда келтирадиган тарзда амалда рўёбга чиқишидан манфаатдоримиз.

Иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш суръатлари тезлашиб бормоқда. Декабрь ойида Савдо вазирлиги котибининг ўринбосари жаноб Картер бошчилигида 16 та йирик компаниянинг вакиллари билан иборат делегация Ўзбекистонда бўлди.

Делегация АҚШ Президенти жаноб Билл Клинтоннинг мактубини топширди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон - Америка ҳамкорлиги битта аниқ йўлни - биздаги ислохотларни қўллаб-қувватлашни ва икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришни кўзда тутди. Шимолий Америкадаги яна бир катта мамлакат - Канада билан ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий негизи шаклланиши

жараёни давом этмоқда.

Декабрь ойида "Икки ёклама солиқ солишни истисно этиш ҳақида"ги битим маъқулланди. Мамлакатларимизнинг мутахассислари "Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида" ва "Сармояларни ҳимоя қилиш ҳақида"ги шартномаларни тайёрлаш борасида ишламоқда.

Ташқи сиёсатимизнинг Европа йўналишини ҳам ана шундай қатъият билан ривожлантирмоқдамиз. Европа ҳамжамияти билан алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Октябрь ойида Женевада "Ўзбекистонда хусусийлаштириш: ҳамкорлик учун имкониятлар" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь ойида Лондонда ўтган "Ўзбекистонда бизнес" конференциясида иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинди.

1996 йилда Ўзбекистонда Британия Кенгаши бўлими ишлай бошлайди. Биз буни Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Буюк Британия элчиси Барбара Хей хонимга Британия кенгаши билан алоқа ўрнатишда шахсан иштирок этгани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Ўтган тўрт ой давомида Буюк Британия, Германия, Греция, Венгрия, Польша, Литва, Латвия делегациялари расмий ва амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Ноябрь ойида Тошкентда Словакия Республикасининг Бош консулхонаси иш бошлади. Ўзбекистонда Польша Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисида ахдномага эришилди.

Европа давлатлари билан алоқаларимиз мустаҳкамланаётганини Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг ГФРга ташрифи ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Немис дўстларимиз билан учрашувларимиз ҳамиша алоҳида самимият билан ўтади. Германия раҳбарлари, парламент аъзолари, дипломатлар, тадбиркорлар, олимлар янги самарали ижодий ғояларни собитқадамлик билан излашмоқда. Мамлакат юксалиб бормоқда. Бу мамлакат Ўзбекистон билан ғоят кенг алоқалар ўрнатишга

интиломқда.

Германия биз учун ишончли стратегик шерик эканлигига узил-кесил амин бўлдик. Унинг Европадаги обрўси ва Ўзбекистонга манфаатдорлик муносабати бизнинг Европа тузилмаларига кириб боришимизга кўмаклашмоқда.

Ўз навбатида Германия томони фақат давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини эътиборга олаётгани йўқ. Германияга бўлган бу ташрифнинг аҳамияти шундаки, ҳамкорлигимизнинг янги йўналиши вужудга келди.

Штутгартда бўлиб ўтган "Буюк ипак йўли мероси: Ўзбекистон" кўргазмаси маънавий соҳада биргаликда ҳаракат қилиш муддаосини намоиш этган воқеа бўлди.

Маълумки, маданий ҳамкорлик имкониятлари чексиз. Ўзбекистон - Германия маданий ҳамкорлиги бутун дунё учун Европа ва Шарқ маърифати ўртасидаги алоқаларни уйғунлаштириш намунаси бўлишига ишонаман.

Европа мамлакатлари Марказий Осиё минтақасида катта имкониятлари бўлган бозорнигина эмас, шу билан бирга ақл-зиё соҳасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва салоҳиятини ҳам кўра олишларини, бизнинг қадимий маданиятимизга ва жаҳон маърифатини ривожлантиришга қўшган ҳиссамизга баҳо бера олишларини хоҳлар эдим.

Хонимлар ва жаноблар,

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан Андижонда ўтказилган музокараларимизда Марказий Осиё муаммолари ва икки томонлама муносабатларимизнинг ҳозирги ҳолати муҳокама қилинди.

Декабрь ойида Жамбулда ўтган уч томонлама учрашув ҳам жуда самарали бўлди. Унда аввало иқтисодиёт соҳасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ягона иқтисодий маконимиз ҳали мукамал эмас. Лекин Нурсултон Назарбоев ҳам, Асқар Акаев ҳам, Ўзбекистон раҳбари - мен ҳам бундан бошқа йўл йўқлигини тушунаётганимиз муҳимдир.

Давлатларимиз ва одамларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларимиз даражаси шундайки, у ҳар қандай бўҳтонларни

осонлик билан бартараф эта олади. Назарбоев билан Каримов ўртасидаги "лидерлик муаммоси" деган гапларни мен ана шундай тухмат деб биламан.

Россия оммавий ахборот воситаларида мунтазам пайдо бўлаётган бу уйдирмалар аниқ сиёсий мақсадни - Марказий Осиё бирлиги жараёнини қийинлаштиришни кўзда тутди. Биз буни тушунамиз ва "муаммо" муаллифлари ҳаракатлари беҳуда кетишини англаб етишларини хоҳлаймиз.

Хонимлар ва жаноблар,

биз қатъий ишонамизки, Марказий Осиёдаги барқарорлик ва унинг келажаги Россиядаги демократиянинг даражасига ва сифатига боғлиқ. Шу сабабли мен Борис Николаевич Ельцинга сиҳат-саломатлик тилаш билан бирга Давлат Думасига сайлов яқунларидан қатъи назар, Ўзбекистонда Россиянинг ислохотлар ва демократия йўли ўзгармаслигига қатъий ишонишларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Россия Давлат Думасига сайлов яқунлари тўғрисида гапирганда мен шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, сайловда коммунистларнинг нисбий ютуғини олдиндан кўра билиш мумкин ва лозим эди. Бизнингча, Россияда ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган нуқсонлар ва жиддий хатолар коммунистларнинг ижтимоий сафсатабозлиги учун жуда яхши баҳона бўлди. Айти сафсатабозлик коммунистлар учун асосий анъанавий сиёсий қуролдир.

Россия қўшинларининг иқтисодий жиҳатдан кучли бўлишидан манфаатдордир, албатта. Шу оддий мантиққа мувофиқ Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконнинг вужудга келиши ва ривожланиши Россиянинг манфаатларига зид эмас, Россиянинг фаровонлиги кўп жиҳатдан МДХдаги шерикларига боғлиқ.

Ўзбекистон - Қозоғистон - Қирғизистон иқтисодий ҳамкорлиги қўшма лойиҳаси очиқ ва мунтазам равишда аниқ ғоялар билан тўлиб бормоқда.

Биз вақти келганда интеграция жараёнларининг боришини тартибга соладиган умумий Марказий Осиё органларини барпо этиш тўғрисида қатъий келишиб олдик. Бош вазирлар кенгаши бунинг мисолидир.

Иқтисодий тузилмаларга келганда эса, фақат давлат маблағини

эмас, шу билан бирга хусусий капитални ҳам тўплайдиган Марказий Осиё банки барпо этилди ва ишлай бошлади.

Айни пайтда коммуникацияларни куриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришдик.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон БМТнинг захира кучлари сифатида коллектив тинчликни сақловчи батальонни тузиш тўғрисидаги битимни имзолади.

Яқин қўшничилик мантиқи Туркменистон ва Тожикистон ҳукуматларига Марказий Осиё интеграция жараёнига тезроқ қўшилишни тақозо этмоқда. Жамбул учрашуви Марказий Осиёдаги уч республика давлатлараро муносабатлари ҳамжиҳатлигини янада кучайтирди.

Хонимлар ва жаноблар,

Марказий Осиёдаги тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор мақсадларимиздир.

Ўзбекистон барча минтақалар билан, жаҳондаги ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон 92 давлат билан икки томонлама муносабат ўрнатган. Биз бу ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаб, Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли сиёсий ва иқтисодий шерик деб биладиган барча давлатлар билан муносабатлар ўрнатишга тайёرمىз.

Араб мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимизнинг мазмуни ҳам ана шундайдир.

Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик жаҳонда тобора кўпроқ ҳурматга сазовор бўлмоқда. Ислом конференцияси ташкилоти Ўзбекистонни кузатувчи сифатида ўз сафига қабул қилиб, унинг ишончли ва масъулиятли шерик эканини муносиб баҳолади.

Ўзбекистон - Миср муносабатлари ривожланмоқда. Иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимиз тобора кенгайиб, ўрнатилган икки томонлама муносабатлар ҳар иккала томон учун фойдали эканини тасдиқламоқда.

Сўнгги вақтда бу муносабатлар ташқи сиёсат маҳкамаларининг мустаҳкам алоқалари билан тўлдирилди.

Ноябрь ойида Ар-Риёда элчихонамиз расмий равишда очилди. Биз Саудия Арабистони ҳукуматининг яқин вақт ичида Тошкентда

элчихона очиш тўғрисидаги қарорини табриклаймиз.

Сентябрь ойида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида мамлакатимизга Қувайт давлати парламент делегацияси ташриф буюрди.

Осиё - Тинч океани минтақаси билан ўзаро муносабатларимиз жўшқинлиги билан ажралиб туради. Япония билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Иқтисодий соҳадаги ютуқлар айниқса яққол кўзга ташланади. Бу соҳада иқтисодий ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган Ўзбекистон - Япония ва Япония - Ўзбекистон қўмиталари йўли билан кўп иш қилинмоқда.

Сентябрь ойида Япония ҳукумати ва савдо-саноат доиралари вакиллари билан иборат делегация билан учрашдик. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ахборотларни кенг айирбош қилиш ҳамкорлик дастури истиқболли ва ҳаётий бўлишини таъминлайдиган омиллардан биридир.

Ўзбекистон - Япония муносабатларининг алоҳида хусусияти бор. Бу мамлакат маданиятимизни ривожлантиришга беғараз маблағ сарфламоқда.

Бу инсонийликни кўрсатувчи хусусият бўлса керак.

Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимиз юксалмоқда. Октябрь ойида Хитой коммунистик партияси МК доимий қўмитасининг аъзоси жаноб Ху Цзинтао Ўзбекистонга келди. Кенг доирадаги масалалар кўриб чиқилди. Ҳозир илмий-техника ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон - Хитой ҳукуматлараро комиссияси тузиш масаласи ўрганилмоқда.

Ҳинди - Хитой давлатлари билан ҳам муносабатларимиз фаол давом этмоқда. Сентябрь ойида Камбоджа қироллиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Таиландда бош консулхона очдик.

Вьетнам Социалистик Республикаси билан имзоланган самолётлар қатнови тўғрисидаги битим август ойида кучга кирди.

Ўзбекистон - Жанубий Корея алоқаларининг ривожланиш суръати, уларнинг мазмуни бизни хурсанд қилмоқда. ДЭУ ва Самсунг каби дунёга машҳур компанияларнинг филиаллари Ўзбекистон иқтисодиётига жуда яхши қўшилди ва маҳсулот бера бошлади. Шу



кунларда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Сеулда элчихона очишга тайёргарлик кўрмоқда.

Хонимлар ва жаноблар, келгуси йилнинг январь ойида МДХ давлат бошлиқларининг мажлисини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Москвада иқтисодий иттифокнинг доимий ҳаракатдаги органи - давлатлараро иқтисодий кўмита иш бошлади. Бу ҳамдўстликнинг иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш учун замин яратадиган дастлабки ишчи органидир. Шу билан бирга МДХнинг барча иштирокчилари ҳамдўстликнинг ҳаётийлигини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Идоралараро даражадаги муносабатлар сезиларли жонланди. Хусусий фирмалар ўртасидаги хўжалик алоқалари янгича тус олмоқда.

Айни пайтда МДХ самарадорлигига унга сиёсий тус беришга, уни ҳарбий-сиёсий мақсадларга қаратишга, олдинги хўжалик алоқаларини қайта тиклаш учун фойдаланишга уринишлардан путур етмоқда.

Ишончим комилки, мутлақо янгича ишлаб чиқариш занжирлари барпо этилсагина МДХ самарали бирлашмага айланади.

МДХ тақдири тўғрисида икки томонлама алоқалар чоғида ҳам ҳамиша гаплашамиз. Тошкентда Россия, Молдова, Украина ва Грузиядан келган шериклар билан учрашув чоғида ҳам шу ҳақда гап борди.

МДХ тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, биз МДХ доирасида ҳам икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашни афзал деб биламиз. Уларнинг орасида Россия шубҳасиз биринчи ўринда туради.

Россиядаги сайлов кампанияси Россия давлатининг ташқи сиёсат йўлига муайян даражада тааллуқли бўлган жуда кўп баёнотлар эълон қилиш билан ўтди. Биз бунга бефарқ қарай олмаймиз.

Мен Жамбулда айтганимдек, яна бир бор такрорлайман: биз Россия кучли ва демократик бўлишини хоҳлаймиз. Бу масалада Борис Николаевич Ельцин Ўзбекистонга қатъий ишонаверсин. Расмий сайлов тадбирлари арафасида СССРни қайта тиклаш жараёнини тикиштиришга уринишлар хусусида Борис Николаевич Ельциннинг

айтган гаплари собиқ Совет Иттифоқи худуди тақдири учун ҳал қилувчи фикр деб биламан. Мен Россия Президентининг "собиқ Иттифокни қайта тиклаш фожиага айланиб кетади" деган гапига тўла кўшиламан.

Ҳурматли меҳмонлар, Ўзбекистон - Украина муносабатларида биз вужудга келган стратегик йўлга содиқ бўлиб қолаверамиз. Украинанинг мустақиллиги, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлиги янада мустаҳкамланишига, Украина ислоҳотлар, янгиланишлар йўлидан боришига қатъий ишонамиз.

Президент Э. А. Шеварднадзе Ўзбекистонга биринчи ташрифини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди, узок муддатли муносабатларимиз асосларини вужудга келтирадиган кўп ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, транспорт алоқаларини ривожлантиришга доир аниқ таклифлар кўриб чиқилди.

Хонимлар ва жаноблар!

Янги - 1996 йил эшик қоқмоқда. Янги йил билан бирга эшиқларимиздан халқларимизнинг эзгу орзуси тинчлик ва барқарорлик, осойишталик ва равақ кириб келсин.

Барчангизни Янги йил билан табриклайман.

*Тошкентдаги дипломатия корпуси ва республикада фаолият кўрсатаётган журналистлар билан учрашувда сўзланган нутқ, 1995 йил 29 декабрь*

## **"ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ"**

*Президент Ислом Каримов 1996 йил 16 февралда бир гуруҳ Россия оммавий ахборот воситалари мухбирларини қабул қилиб, уларга Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти, республикада демократиялаштириши жараёнининг хусусиятлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.*

*Ўзаро ишонч, ошкоралик руҳида ўтган мазкур мулоқот Ўзбекистон телевидениеси орқали намоёниши этилди ва кўпчиликда жуда катта қизиқиши уйғотди.*

*Қуйида ана шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.*

И. КАРИМОВ: Сизларни бу ерда қутлар эканман, республикаимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш ҳамда, умид қиламанки, Ўзбекистондаги вазият ва юз бераётган жараёнларни ҳолисона баҳолаш мақсадида юртимизга ташриф буюриш имконини топганларингиз учун миннатдорлик билдиришни истар эдим. Сизларнинг республикаимизнинг бир қанча шаҳар ва туманларида, давлат тузилмалари ва давлат тасарруфидан ташқаридаги тузилмаларда бўлганингиз, энг муҳими - Ўзбекистоннинг турли миллатга мансуб фуқаролари билан учрашганингиздан хабарим бор. Ўйлайманки, бу борада маълум таассуротлар, фикр ва хулосаларга эга бўлгансизлар. Президент билан учрашувга кескин саволлар ҳам тайёрлаб кўйган бўлишингиз керак. Мен барча саволларингизга жавоб беришга тайёрман. Ишончим комилки, суҳбатимиз қандай кечмасин, бу суҳбат ҳам, сизларнинг Ўзбекистонга сафарингиз ҳам давлатларимиз ва халқларимиз ўртасида бир-биримизни янада яхши англашга хизмат қилади.

Залдан овоз: Аввало, бизни қабул қилишга вақт топганингиз учун миннатдорлик билдиришни истар эдик. Ўзбекистондан олган таассуротлар ҳақида гап кетар экан, шуни таъкидлаш лозимки, бу таассуротларнинг энг асосийси - бизнинг юртингизга сафаримиз бўлади. Бу сафар Ўзбекистон ўз раҳбари тимсолида такрор-такрор баён қилган очиклик ва демократия тамойилларига содиқ эканидан далолат беради. Бу очиклик ва демократия матбуот билан ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий омили ҳисобланади. Раҳмат!

И. КАРИМОВ: Самимий фикрларингиз учун сизга ҳам раҳмат. Мен ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон барча учун очик эканини яна бир марта такрорламоқчиман. Бизда ёпиқ зоналар ёки мавзулар йўқ. Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасидагина эмас, сиёсий ҳаётда ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири - мафкурадан холиликдир. Бошқача қилиб айтганда, биз учун кимнинг қайси лагерга, қайси тузилма ёки сиёсий тизимга мансуб эканининг мутлақо аҳамияти йўқ. Биз беш йилдан бери шу ақидага амал қилиб келамиз, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ҳеч қандай мафкуравий андиша бизнинг алоқаларимизга, жаҳондаги барча мамлакатлар билан қилаётган ҳамкорлигимизга халақит беролмайди. Биз жаҳон иқтисодиётига қўшилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Буни ҳеч кимдан беркитмаймиз ҳам.

Ўзаро муносабатларимиз ёки оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигимиз хусусида гапирадиган бўлсак, шуни қайд этишим керак: ҳа, биз ёпиқ зона деб ҳисобланган, назаримизда биз тўғримизда ноҳолис гаплар айтилган ва ёзилган пайтлар ҳам бўлган эди. Бирок, бунда ўзимизнинг ҳам айбимиз бор, деб ҳисоблай- миз - чунки, Ўзбекистонда юз бераётган воқеа ва жараёнларни албатта ўз позицияларидан ҳамда турли нуктаи назарлардан ёритиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситалари билан ўша вақтларда етарли даражада алоқа ўрнатилмаган эди. Эҳтимол, бу сизларнинг матбуотингизни ўқийдиган кишиларнинг бизнинг ҳаётимиз ҳақида тўғри хулоса чиқаришига имкон берадиган фикрлар майдонини пайдо

қилган бўлур эди. Кимдир биз тўғримида ёмон фикр билдирадиган бўлса, бунга ҳам хотиржамлик билан қараш ҳамда ҳар қандай фикрни умумий фикрлар мажмуининг бир бўлаги деб ҳисоблаб, бундан керакли хулосалар чиқариш лозим. Бу ана шу САВОЛ: Мамлакатингиздаги ички сиёсий вазият хусусида қисқача гапириб берсангиз. Мен турли партияларнинг ҳокимият расмий органлари билан ўзаро муносабатларини, мухолифатнинг мавжудлигини назарда тутяпман.

**ЖАВОБ:** Ички сиёсий вазият тўғрисида гапириладиган бўлса, энг аввало республикада амалга оширилаётган, жамиятимизни, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократиялаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган ислохотлар ҳақида тўхталишим керак.

Назаримда, сизларнинг кўп нарсадан хабарларингиз бор - Олий Мажлисда, бошқа тузилмаларда Ўзбекистондаги турли ҳаракат ва партиялар вакиллари билан учрашгансизлар. Улар сизларнинг саволларингизга жавоб берган, сизларда ҳам маълум даражада умумий тасаввур ҳосил бўлган, деб ўйлайман.

Бугунги кунда демократия ҳақида айниқса собиқ шўролар худудида жуда кўп гапирилади. Ким қаёққа, қандай қилиб юриши кераклиги, демократияни қандай тушуниш лозимлиги ҳақида жуда кўп турли-туман фикрлар баён қилинган. Назаримда, дастлабки сархушлик пайти ўтиб, эҳтирослар бироз пасайган бугунги кунда ҳар ким ўз давлатида демократияни ўзича қуриши аён бўлиб қолди. Яъни, мен демократия шубҳасиз барча учун умумий талаб ва принципларга эга бўлгани билан айтиш пайтда ҳар бир муайян мамлакатда демократик янгиланишлар халқ руҳиятини, тарих ва анъаналарни, фақатгина шу жамиятга, шу халққа хос бўлган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини назарда тутяпман.

Шунинг учун ҳам, бевосита Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократиялаштириш хусусида гапирар эканман, мен, энг аввало, барча учун умумий, энг муҳим унсур бўлган сайланиш, охиروқибатда демократик фуқаролар жамиятини шакллантирадиган принципларга риоя қилишни таъкидлаб ўтишни истар эдим. Ҳа, айрим бошқа давлатлардагидан фарқли ўлароқ, бизда дастлаб собиқ

шўролар худудидида расм бўлган кўп партиявийлик йўқ эди. Бироқ янги партиялар тузилди, ҳозир ҳам тузиляпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда қанча партия бор, Олий Мажлис - Ўзбекистон парламентида қайси партиялар иштирок этмоқда - булардан хабардорсиз. Уларнинг фаолияти, жамият ҳаётидаги иштироқи, уларнинг дастур ва принциплари ҳам сизларга маълум.

Шуни рўй-рост айтишим лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган партияларнинг барчаси ҳали оёққа туриш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, агар жаҳон тарихини олиб қарайдиган бўлсак, ривожланган давлатлардаги бугунги кунда маълум тарихга, салмоққа эга, давлат ва жамият ҳаётига таъсир ўтказа оладиган барча партияларнинг салоҳияти бирданига шаклланиб қолмагани - улар жуда кўп синов ва хатолар, парвоз ва инқирозларни бошидан кечирганини кўриш қийин эмас. Кўплаб йиллар давомида демократик давлатлардаги кучли партиялар мазкур жамият билан мутаносиб равишда ривожланган, тажриба орттирган, куч тўплаган. Бунинг устига, энг ривожланган демократик давлатлар - Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия ёки Германияни олиб қарайдиган бўлсак, у ерларда партиялар унчалик кўп эмас. Бу ҳам фуқаролар жамиятининг етуклигидан далолатдир.

Фикримизча, бугунги кундаги партиялар шунчаки партия тузиш учунгина тузилмаслиги, бу шунчаки одатга айланмаслиги керак. Ҳар бир партия ўз киефасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига ҳам эга бўлиши лозим. Айни пайтда ҳар бир партия обрў-эътибор орттиришга интилиши, кўпроқ ишонч қозонишга, бинобарин, қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида, кейинчалик эса ҳокимиятнинг ижрочи органларида ҳам кўпроқ ўрин олишга ҳаракат қилмоғи даркор. Халққа сайлов олди мавсумида эълон қилган дастурининг энг тўғри эканини, мамлакат интилаётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлигини исбот қилган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Ўзбекистондаги партияларнинг шаклланиш жараёнини, биз табиий равишда, ислохотлар билан, туб демократик ўзгаришлар

йўлидан бораётган жамиятнинг аниқ талаблари билан уйғунликда кўрамыз.

Олий Мажлиснинг охириги сессиясида сўзлаган нуткимда, менинг назаримда энг долзарб бўлган муаммолардан бири - мулкдорлар синфини вужудга келтириш масаласига тўхталган эдим. Моҳиятан, бу масала биз ислохотлар жараёнида ҳал қилишимиз керак бўлган вазифадир. Агар Ўзбекистонда мулкдорлар - нафақат йирик хусусий мулк эгалари, балки, ҳиссадорлик, жамоа шаклидаги мулкка шерик ва шу мулк орқали ўзларининг фаровонлигини оширишни тушуниб етадиган кишилар пайдо бўлсагина биз жамиятнинг барқарорлигига эришамиз. Шундагина барча демократик институтлар пайдо бўлади ва мустақкамланади, ҳар бир мулкдор ўз манфаатини ҳимоя қилар экан, айти пайтда ўз давлатининг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Биз бугун мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар айнан шу йўналиш сари юзланишини истар эдик. Мулкдорлар синфининг кучайиши натижасида янги партиялар вужудга келиши, ўйлаб топилган эмас, балки, ҳаётий зарурат туфайли туғилган ҳаракатлар пайдо бўлиши аниқ. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва инсоният фаолиятига хос бошқа соҳалардаги хусусий мулк эгалари манфаатини ифода этади. Айнан шу партиялар, шу ҳаракатлар яшовчанлик ва барқарорлик касб этади, зеро, уларни юзага келтирган ижтимоий қатламларнинг ўзи яшовчан ва барқарор бўлади.

Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш - люмпенлашув - мулкий қиёфасини йўқотиш эди. Менинг назаримда, мазкур термин ва салбий кўриниш бугун собиқ шўро худудидаги барча мамлакатларга ҳам тегишлидир. Люмпенлашув инсоннинг реал ҳаётий асосни ташкил этувчи барча нарсалардан маҳрумлигидир. Агар инсонда ана шу боғлиқлик йўқ экан, унда масъулият ҳам, умрининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб нимагадир эришиш, фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғларига қолдирадиган бирор-бир нарсани қўлга киритишга интилиш ҳам бўлмайди.

Биз мазкур масалаларга, худди шунингдек бугунги кунда юзага келаётган сиёсий партиялар ва ҳаракатларга, умуман, Ўзбекистонда сиёсий ҳаётнинг шаклланиш жараёнига катта аҳамият бермоқдамиз.

Биз бу йўлдаги тажрибамизни янада бойитишимиз керак. Бу

борада Россияда юз бераётган воқеалар эса бизга тўғри келмайди. Эҳтимол, бу ҳам жамият бошдан кечириши керак бўлган бир даврдир. Бирок, парламентдан жой олиш учун ўзаро курашадиган 43 та блок тузиш - бу бир ўйин-ку. Уларни бир-биридан партиявий дастури эмас, йўлбошчилари орқали фарқлаш мумкин, холос. Ахир шу ҳам сиёсий курашми? Ахир шулар ҳам сиёсий партияларми? Буларни сиёсий оқимлар дейиш мумкинми? Кечирасизлару, шундай тизимда жамиятни демократиялаштириш ҳақида гапириш мумкинми? Қолаверса, ҳали Президент сайловида ҳам шундай ҳол юз бериши - кўнглида, кечирасизлар-у, сохта обрўга интилишдан ўзга истаги йўқ ўнлаб номзодлар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Демокриманки, бундай тизимнинг ўзи сиёсий кураш, сиёсий ҳаётнинг оддий кишилар ҳам тушунадиган амалий хусусиятга эга бўлиши учун жиддий замин ҳозирламайди.

**САВОЛ:** Жаноб Президент, Сиздан - аҳолиси асосан муслмонлардан иборат ва йирик маърифий мамлакатлардан бирининг раҳбаридан шунини сўрамоқчи эдим: Сиз Ўзбекистоннинг Ғарб цивилизацияси билан ислом дунёси ўртасида кўприк вазифасини бажаришини тасаввур қила оласизми? Мана шундай истиқбол ҳақида гапириш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Сиз ислом дунёси ҳақида гапираётганингизда, менда дарҳол бир савол туғилди: ислом дунёси нимани англатади? Демак, биз "католиклар дунёси", "христианлар дунёси" дейишимиз керак экан-да? Бугун собиқ шўро худудида гоҳ славянлар иттифоқи, гоҳ Марказий Осиё минтақаси ҳақида гапириш русум бўлган турли нарсаларни аралаштириш керак эмас. Славянлар иттифоқи - бу алоҳида тушунча. Марказий Осиё давлатлари ҳудудий яқинлигидан келиб чиқиб, ўзларининг иқтисодий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Булар буткул бошқа-бошқа нарсалар.

Шу боис, қачонки "Ислом дунёси", "Ислом цивилизацияси", "Ислом қадриятлари" ҳақида сўз борар экан, мен мазкур қадриятларни қандайдир сиёсий мақсадга хизмат қилувчи қадриятлар



деб эмас, балки умуминсоний цивилизациянинг бойлиги, дея тушунаман. Шуни ҳам айтиш керакки, Франция, Германия, Буюк Британия ҳуқуқшунослари, ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари томонидан жуда жиддий таҳлил қилинган Ўзбекистон Конституциясида давлат билан дин аниқ-равшан ажратиб қўйилган.

Дарҳақиқат, аҳолимизнинг тахминан 80 фоизи мусулмонлардир. Биз аввал бошданок қандай оқимлар юзага келиши мумкинлигини тушуниб етдик ва ўшандаёқ аниқ, динни давлатдан ажратувчи, сиёсатни, давлат ҳаётининг йўналишини диний ғоялар эмас, халқ маъқуллаган Конституция белгилаб берувчи йўлдан собит боришимизни айтган эдик. Бу ўз-ўзидан демократик давлатнинг белгисини ташкил этади. Ислом давлатларида эса Конституция йўқ. Ислом давлатида энг асосийси - шариат талабидир. Қуръоннинг асосий талабларини акс эттирувчи шариатни, афсуски, ҳар бир мамлакат ўзича шарҳлайди. Мазкур шарҳдан келиб чиқиб ҳар бир давлат маълум бир қиёфага эга бўлади.

Ҳамонки, Сиз Ўзбекистон ислом дунёси билан яна қандайдир дунё ўртасида кўприк бўла оладими, дея савол берган экансиз, очик айтаман: биз ҳеч қачон кимлар учундир қандайдир кўприк бўла олмаймиз ва бўлмоқчи ҳам эмасмиз. Биз олдимизга қўйган аниқ режалар ва ёрқин истиқбол билан жаҳон иқтисодиёти, жаҳон цивилизациясига мувофиқлашишни истаймиз. Халқимиз маънавияти, миллий хусусиятлари, анъаналари эса давлатимиз келажагини барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Булар умуминсоний тараққиётга ҳамоҳанг бўлган халқимиз тарихи ва маданияти билан боғлиқдир. "Ислом цивилизацияси" деган тушунча ва диний ҳам миллий рангга бўялган бошқачароқ тушунчалар эса қандайдир хавф туғдирадигандек, бизни эҳтиёткорликка чорлайди.

Бугунги кунда дунёда ислом хавфи тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бироқ, бу ерда масалага адолат билан ёндашиб, оқ-қорани ажрата билиш лозим. Чунки ислом дунёси жуда мураккаб. Атрофимизда рўй бераётган воқеалар, жумладан, Афғонистон, Тожикистон воқеалари бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этади. Ислом дунёсини тор маънода тушунмаслик ва у ҳақда бир томонлама хулоса чиқармаслик керак. У шундай мураккаб дунёки, ўзига ниҳоятда жиддий диққат-

этибор беришни, ақлу заковат билан муносабатда бўлишни талаб этади. Унга сиртдан, енгил-елпи қараш жуда хавфли.

**САВОЛ:** Ўзбекистон кўп миллатли давлат, қадимдан бу заминда турли миллатлар яшаб келади. Шунингдек, руслар ёки бугунги ибора билан айтганда, рус тилида гаплашувчилар ҳам анчагина. Кейинги пайтларда кўпгина Россия оммавий ахборот воситалари саҳифаларида бу ерда рўй бераётган воқеалар тўғрисида турли хабарлар эълон қилинмоқда. Миллатига қараб ишдан бўшатиш, газеталарнинг ёпиб қўйилиши каби ҳуқуқни чеклаш ҳодисалари ҳақида гапирилмоқда. Буни сиз қандай баҳолайсиз? Уларнинг давлат қурилишида, республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тугган ўрни, Россия билан алоқалари ривожига тўғрисида нима дейсиз?

**И. КАРИМОВ:** Икки йил олдин ҳам бу масалани сунъий равишда қўзғашга ҳаракатлар бўлган эди. Жумладан, бир пайтлар собиқ ташқи ишлар вазири жаноб Козирев турли хил матбуот вакилларининг катта гуруҳи билан ташриф буюрганди. Уларнинг барчаси битта самолётда, кутку қўзғотишга мўлжалланган ижтимоий соҳаларга оид терма буюртмалар билан олдиндан тайёргарлик кўриб келишганди. Учрашувда ҳали суҳбат бошланмасдан, вазир ҳатто Ўзбекистонга нима мақсадда келганини ҳам унутиб, Тошкентдаги Россия элчихонаси олдида кўп одам тўпланиб тургани ҳақида баёнот берди. Ҳиссиётларга берилган оломоннинг ҳаяжонини босиш учун жаноб Козирев ўша жойга борайлик, деди. Мен бунинг олдиндан тайёрланган томоша эканлигини тушундим ва жаноб Козиревга: келинг, аввал сизнинг ташрифингизга боғлиқ масалалар бўйича суҳбатлашиб олайлик, деб таклиф қилдим. Ундан сўнггина Ўзбекистон Президентининг у эҳтиросли митингга аралashi шартми ё йўклигини муҳокама қиламиз.

Аслида нима бўлган эди? Бу воқеа рус тилида сўзлашувчи аҳолининг Тожикистондан, аниқроғи, Ленинобод ва бошқа жойлардан оммавий чиқиб кетиши даврида содир бўлди. Улар Россия элчихонасига мурожаат қилишар эди. Элчихона вакили эса кунига 20 тадан ортиқ одамни қабул қилолмасди. Натижада навбатда турганлар

кўпайиб, асабийлик ва турли норозиликлар пайдо бўла бошлайди. Бир соат ичидаёқ, менга элчихона олдида кимлар тургани, қаердан келишгани, уларнинг қанчаси Ўзбекистон фуқароси эканлиги тўғрисида маълумот етказишди. Бу маълумотни жаноб Козиревга ҳам кўрсатишди. У бу ерда муҳокамага сабаб бўладиган бирор масала йўқлигини тан олди ва кечирим сўрашга мажбур бўлди.

Энди тўғридан-тўғри сизнинг саволингизга келсак, шундай жавоб бермоқчиман: агар сиз собиқ иттифоқ худудида рўй бераётган воқеаларни диққат билан кузатаётган бўлсангиз, албатта, Ўзбекистон парламенти яқинда тил тўғрисида янги қонун қабул қилганига эътибор бергандирсиз. Тил ҳақида олдинги қонун 1989 йил - айни, ҳамма нарса йўқ қилиниб, рад этилиб, миллатчилик руҳидаги ҳиссиётлар тўлқини қайнаб, қизишишлар ҳаддидан ошган тўполонли даврда қабул қилинган эди. Яширмайман, 89-90 йиллар эҳтимол, ҳатто 91 йилда ҳам шундай бир даврни бошдан кечирдикки, миллатчилик шамоли эсиб, Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорликка хавф солибгина қолмасдан, республиканинг келажагига ҳам жиддий таҳдид қила бошлаган эди. Фарғона воқеаларидан ташқари, рўй берган бошқа ҳодисалар, шу ерда, бизнинг атрофимизда бўлиб ўтган воқеалар агар хоҳласангиз, мен сизга уларни айтишим мумкин. Сиз ҳеч қаерда ўқимаган, билмайдиган яна кўп гаплар бор.

Биз шунда парламентда қонун қабул қилдик. Мен ўша пайтда ҳам то бу қонунга ўзгартиришлар киритилгунга қадар, унда инсон, энг аввало, рус тилида сўзлашувчи миллатлар ҳуқуқларини чекловчи жиҳатлари бор деб ҳисоблар эдим. У даврлар ортда қолди. Ҳозир бизда мутлақо ўзга, барқарор вазият. Ҳатто, бозорларда, магазинларда, жамоат транспорти ёки истикомат жойларида миллатчиликнинг айирмачилик қилиш белгиларига дуч келмайсиз. Мен бу ишларни доим кузатиб бораман. Бугун бизнинг жамиятимиз, таъбир жоиз бўлса, шаклланган бир пайтда янги қонун қабул қилишга қарор қилдик. У олдингисидан икки принцип бўйича бутунлай фарқ қилади ва замонавий демократик меъёр талабларига тўла жавоб беради.

Жумладан, биз эски қонуннинг 8-бандини бутунлай олиб ташладик. Унда бирор соҳада ишлаётган одам, 1998 йилга қадар

муомала воситаси бўлган давлат тилини билиши зарурлиги назарда тутилганди. Давлат тилини билмаган киши бирор мансабни эгаллаши мумкин эмасдек эди. Биз бу бандни бутунлай олиб ташладик. Биз бу шартни ҳеч бўлмаганда, дейлик, Болтиқбўйи республикалари қонунларида акс этган мазмундан фарқ қиладиган тарзда олиб ташладик. Аслида, у бизда ҳеч қачон бўлмаган.

Биз мутлақо тўғри йўл тутдик деб ҳисоблаймиз, яъни шу пайтга қадар давлат тилини билмаслик, давлат ва жамоат ишларида иштирок этишига ҳеч қандай тўсиқ бўлган эмас, бундан кейин ҳам бўлмайди. Бундай чеклашлар бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бу ўзгартиришлар бизнинг жамиятимизда ҳатто, 1989 йилги қонуннинг энг қизғин тарафдорлари орасида ҳам ҳеч қандай салбий муносабат уйғотмади. Чунки бир вақтлар бу ишга жон жаҳди билан хуруж қилган одамлар ҳам бугун ҳаётга бошқача, босиқ ва одилона назар билан қарашмоқда.

Иккинчи амалий янгилик илм олиш соҳасига тегишли. Давлат тилини билмаган одамнинг билим ололмаслиги тўғрисидаги ҳар қандай шарт, ҳатто унга озгина ишора ҳам олиб ташланди. Бошқаларини қўя турайлик, кам сонли миллатлар, энг аввало, рус тилида сўзлашувчи аҳоли ҳуқуқлари камситилаётгани тўғрисида бизга таъна қилмасликлари учун мана шу икки вазиятнинг ўзида ҳам биз қонунларимизнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ келишига ҳаракат қилдик.

Масалан, менга умуман "русий забон аҳоли" сўзлари тушунарли эмас. Бу тушунчани сизлар Россияда ўйлаб чиқаргансиз. Рус тилида гаплашувчи аҳоли дегани нима ўзи? Бу фақат рус миллатига мансуб одамлар эмаслиги равшан. Айрим руслар ўз она тилида гапирганига нисбатан русчани яхшироқ гапирадиган ўзбеклар ҳам бор. Уларни қайси тоифага киритасиз?. Русча гаплашувчи аҳоли таркибида Россияга алоқадор бўлмаган миллатларнинг вакиллари кўпчиликни ташкил қилади. Хилма-хил тушунчаларни киритяпмиз, уларни миллий мансубликка тааллуқли деб бўлмайди. Менимча, бу атама ҳуқуқий жиҳатдан қандайдир аниқлик киритишни талаб қилади: "рус тилида гаплашувчи аҳоли" деганда нимани тушунмоқ керак?

Бу ҳақда жон куйдираётганлар, айниқса Рус жамоалари

конгресси русча гаплашувчи аҳоли деганда нимани тушунишларини изоҳлаб беришса бўларди. Айтмоқчи, "Рус жамоалари конгресси" деб нима учун аташган? Россия ҳамиша кўп миллатли давлат бўлган, фақат рус жамоаларини ажратиб кўрсатиш мумкин эмас. Жаноб Скоков ва ана шу "конгресс"нинг бошқа мафкурачилари ҳам жавоб топиши қийин бўлган бошқа саволларни ҳам беришим мумкин. Бундай саволни яна ўзгаларга ҳам берса бўлади.- Россия ҳуқуқшунослиги ёки Адлия вазирлиги шу масалалар юзасидан нега ўз фикрини айтмаётганини тушуниш қийин. Бундай саволлар эса жуда кўп.- Уларни баъзан сиз Ўзбекистонга нисбатан қўяётган сунъий саволлардан ҳам кўпроқ уларга беришингиз мумкин.

Истиқбол тўғрисида гапирганда эса, ишончим комилки, иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий турмушда ислохотлар йўлидан илгари борганимиз сайин миллатлараро муносабатларда ҳали ҳам вужудга келаётган айрим зиддиятлар бартараф этилиши ва уларнинг аста-секин бутунлай йўқ бўлиб кетиши учун кўпроқ шарт-шароит яратилади. Ўзбекистон аҳолиси кўпчилигининг фикри ҳам шундайлигини биламан. Жамиятимизда демократик ислохотларни қанчалик кўпроқ амалга оширсак, аҳоли ижтимоий ҳаётга қанчалик кенгроқ жалб этилса, одамлар шу жамиятда юз бераётган жараёнларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб, сиёсий онги ошиб борса, баъзан сунъий равишда бўрттирилаётган бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиб, жамиятимиз ҳаётдан чиқиб кетишига ишонч шунча кўпроқ бўлади.

**САВОЛ:** Ўзбекистон Республикаси хорижий сармояларни жалб этиш нуқтаи назаридан собиқ Иттифок ҳудудидаги кўп давлатлардан ижобий фарқ қилади. Бу соҳада эришилган натижаларни умумлаштириб келгуси режаларингизни айтиб бера оласизми?

**ЖАВОБ:** Аслида биз ўз йўлимизни, иқтисодий турмушдаги ислохотларимизнинг аниқ дастурини белгилаётганимизда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳаддан ташқари бузилган тузилмаларини катта сармоялар жалб этмай туриб, иқтисодиётга кўп маблағ сарфламай туриб қайта ташкил этиш, ўзгартириш мумкин эмаслигини жуда яхши

тушунган эдик. Чунки тарихан шундай вазият вужудга келдики, Ўзбекистон СССР таркибидаги хом ашё етказиб берувчи республика бўлиб қолган эди. Мен буни кўплаб мисоллар билан кўрсатиб беришим мумкин. Бунинг устига, кўп одамлар шу мавзу теварагида ҳозир бошқача тасаввурда, хомхаёлларга берилмоқда.

Ўзбекистон ҳақиқатда ҳам табиий хом ашё захираларига бой. Мен уларни ҳозир санаб ўтирмайман, ўзларингиз яхши биласиз. Негаки, Ўзбекистоннинг бойлигини санай бошласанг, баъзи бировларнинг ичи куяди нега шундай, билмадим? Ҳар ким ўз билганича тушунади, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида ҳали қазиб олинмаган фойдали қазилмалар, минерал хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги борасидаги имкониятлар, ниҳоят, одам ва меҳнат кучи захиралари - буларнинг барчаси жамият манфаатлари, миллати ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган бугунги ва эртанги авлод фаровонлиги учун ишлатилиши лозим. Буни фақат инвестиция йўли билан ва бу инвестицияларга қулай шарт-шароит яратиб, уларга ишончли қафолат беришимиз орқалигина амалга ошириш мумкинлигини жуда яхши тушунамиз.

Инвестиция ҳам ўз-ўзидан келиб қолмайди. Мана, кеча Борис Николаевич "биласизларми, биринчи июлгача инвестиция келмайди, чунки одамлар сайлов натижасини кутишяпти" деб айтди. Менимча, инвестиция ўз-ўзидан йўналишини ўзгартирмайди. Мен буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб гапиряпман. Беш йилдан бери Давосга бориб, йирик фирмаларнинг таниқли вакиллари билан учрашаман. Ўзбекистонга келишганда ҳам улар билан учрашаман. Мамлакат раҳбарининг улар билан қизиқиши, агар билсангиз, уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром белгиси ва маълум даражада уларнинг фаолияти учун қафолат ҳамдир.

Хуллас, сармоялар бир йил - ярим йил ичида ўзининг йўналишини ўзгартирмайди. Улар жуда қийинчилик билан ва узок вақт мобайнида белгиланади. Сармоядор - капитал эгаси. Сармоядорлар - бор бойлигини бир кунда йўқотиши ҳам, ундан фойда кўриши ҳам мумкин бўлган кишилардир. Умуман олганда, иқтисод қонуни шундан иборатки, капитал капитални кўпайтириши керак. Сармоядорлар фойдали тарзда маблағ қўйиб, ундан қўшимча фойда

олиш мумкин бўлган майдонни қидиради. Капитал шунчаки ҳаракатсиз ётмайди. Бир пайтлар сиёсий иқтисод фанида қандайдир англаш қийин бўлган даромадлар ҳисобига яшайдиган рантьелар ҳақида ўқиган эдик. Бироқ мен, мисол учун, бугунги кунда Францияда ҳам, Германияда ҳам, Буёк Британияда ҳам бундай рантьеларни учратганим йўқ. АҚШда ҳам кўрганим йўқ. Ҳамма бизнес қилишни, яъни бойлигига бойлик қўшишни истайди.

Бу сармояларни жалб қилиш учун шароит яратилиши керак. Бу, албатта, энг аввало сармоядорнинг мазкур минтақада мавжуд сиёсий барқарорликка, бу давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олишни истаган фойда, даромадни кафолатлашига ишончи комил бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам узоқ танлайди. Мисол учун, японлар бизни 3-5 йил мобайнида кузатишди. Энди, мана бугун айтишим мумкинки, ниҳоят япониялик хусусий сармоядорларнинг Ўзбекистонга кириб келишига имкон берадиган "дарча" очилапти. Уни ким очяпти, деб ўйларсизлар? Энг аввало, "Мицуй", "Мицубиси", "Тойота" ва бошқа капитал эгалари очмоқда. Бироқ Японияда жуда қизиқ тартиб бор - у ерда давлат ташкилотлари ўзларининг сармоядорлари, банклари қайси минтақа маблағ қўйишда қай даражада ис тикболли эканини яхши аниқлаб олиши учун уларга малакали ахборот бериш устида жиддий иш олиб боради.

Яна такрорлаб айтаман, у ерда хусусий фирмаларнинг ўзигина эмас, давлат ташкилотлари, ҳатто ҳукумат вазирликлари бу масалалар билан жиддий равишда шуғулланади. Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистондаги вазият, унинг мен айтган талаблар доирасидаги имкониятлари ўрганилди. Ана шундан кейингина бу сармоялар мамлакатимизга кириб келмоқда.

Бугунги кунда яна бир масала мавжуд: собиқ шўролар ҳудудидаги айрим давлатлар кейинги йилларда уларга миллиардлаб доллар келганини такрорламоқда, айримлари эса уларга сармоя келмаётганидан нолимоқда. Назаримда, Ўзбекистон бу масалада тўғри йўл танлаган. Капитал, сармоя бирон-бир мамлакатга умуман кириб келмаслиги керак. Капитал, сармоялар иқтисодиётимиз тузилмаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонга энг кўп

фойда берадиган муайян лойиҳаларга берилиши тўғрилигига бизнинг ишончимиз комил.

Бундан беш йил бурун биз Ўзбекистонда қайси соҳалар устувор бўлиши лозимлигини белгилаб олган эдик. Устуворлик нима дегани? Устуворлик - иқтисодиётдаги бир ҳалқа. Айни шароитда уни тортиб олиш билан барча иқтисодий соҳаларни бир-бири билан боғлаб турган улкан занжирни тортиб олиш мумкин. Бизда мана шу устуворликлар муайян соҳалардаги лойиҳалар шаклини олган. Бу лойиҳалар эса бундан тўрт йил муқаддам тузилган эди. Биз ҳар йили уларни янгилаб турамиз.

Бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси бор. Яқинда россиялик бир шарҳловчи уни қандайдир бир аждаҳога тенглаштирибди. Дарвоқе, қачондир ҳамма ҳам шу йўлга киради.

Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси нима дегани? Биз давлат режа қўмитасини тугатиб, уни статистика билан боғладик. Статистикасиз бирон-бир нарсани белгилаб бўлмайди. Одамлар статистика тайёрлаб берган тахлилий материаллар асосидагина истиқболни белгилаш билан шуғулланади.

Дарвоқе, статистика хусусида. Бугунги кунда собиқ шўролар ҳудудидаги статистикага гоҳида унча ишониш қийин. Чунки, ҳар бир мамлакат ўзининг статистикасини яратяпти. Бизнинг статистикамизга ишонса бўлади - бизнинг халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорлигимиз статистикамиз тўғрилиги гаровидир. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки статистикадаги бирон-бир сохталикни кечирмайди. Миллий даромад, ялпи маҳсулот, инфляция суръатлари ва нарх кўрсаткичларини оширадиган дефляторлар ҳисоб-китоб қилинганида Валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг мутахассислари теран тадқиқот ўтказишади.

Шунинг учун ҳам биз гапираётган устуворлик ва лойиҳалар сармоядорлар учун қулай унсур ҳисобланиб, юртимизга эртанги кунда ҳам хорижий мамлакатлардан капитал ва сармоялар кириб келишига асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ биз бу кредитлар қотиб қолган, яъни биз олаётган фоиз билан белгиланадиган истиқболдаги ҳисоб-китобга асосланишидан манфаатдор эмасмиз. Бу тор мақсад эмас. Агар биз ким биландир ёки қандайдир банк билан 10 фоиз



фойдаси билан 1 миллиард доллар олишга шартнома тузган бўлсак, буни ютуқ деб бўладими? Бу, аслини олганда, ўзбеклар айтганидай, бўйнига аркон солиб, кейин уни ўша сармоядорнинг қўлига тутқизишдай гап. Бундай бўлмаслиги керак. Умуман, агар биз ўзимизнинг сармоя ва ресурсларимиздангина фойдалансак яхши бўларди, албатта. Лекин бунинг иложи йўқ. Ҳозирча ташқаридан келадиган сармояларсиз ишимиз олға силжимади. Бирок, Ўзбекистонга сармоялар давлат, ҳукумат кафиллигисиз келганида янада яхши бўларди.

Бизда лойиҳаси бўлган фирма, тузилма бор дейлик. Бу лойиҳани амалга ошириш учун фирманинг ўзи сармоя жалб этади ва ўзи бўлажак ишлаб чиқариш асосида ҳисоб-китоб қилади. Бизнинг ишимиз эса бу сармоянинг сўмга алмаштирилишини, бу қўшма корхонадан олинадиган даромад қаттиқ валютага айлантириб жўнатилишини таъминлашдан иборат. Бу - менинг вазирамга киради. Бошқа ҳамма ишда эса фирма, ҳар бир тармоқ, ҳар бир корпорация барча масалаларни ўзи ҳал қилиши энг яхши йўл бўлур эди.

Ўтган йили биз, Ўзбекистон 1 миллиард Америка долларини ўзлаштирдик, таъкидлаб айтаман, ўзлаштирдик. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган лойиҳаларни оладиган бўлсак, мен уларни ҳисоблаётганим ҳам йўқ. Тўғри, айрим кишилар уларни ҳисоблаб чиқиб, мамлакатимизда умумий қиймати шунча доллар турадиган мана шунча лойиҳа амалга оширилмоқда, дейишни ўз бурчи ҳисоблайди. Такрор айтаман, биз 1 миллиард доллар ўзлаштирдик. Бу кўпми, ё камми? Мен бу саволга бир хил аниқ жавоб бермоқчи эмасман. Ҳозирги пайтда қўлимизда қанча кўп ва жозибали лойиҳалар мавжуд бўлса, юртимизга шунча сармоя келиши керак. Биз уларга аввало барқарорлик, сиёсатимизнинг ўзгармаслиги нуқтаи назаридан кафолатни таъминлашимиз лозим.

Бу масаланинг бир нозик томони бор. Масалан, агар қўшма корхона барпо этилаётган бўлса, унинг ҳозирги пайтда амал қилаётган қандайдир қонун меъёрларига асосан барпо этилиши, ана шу қонунга таяниши табиийдир. Агар ўн йил давомида олдинги қонундан фарқ қиладиган янги қонунларни қабул қиладиган бўлсак, бу ҳолда мазкур фирма ўн йил давомида унинг даромадларига

кафолат берадиган олдинги қонун меъёрлари асосида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Олдинги ажратма, фойда меъёрлари, биз барпо этаётган имтиёзлар - буларнинг ҳаммаси тадбиркорлар учун ўн йил давомида сақланиб қолади. Мамлакатимизга сармоялар келишига йўл очган омиллардан бири ана шу. Қўшма корхоналарни 5 йил давомида, айрим ҳолларда эса 7 йилгача фойдадан олинадиган солиқдан, шунингдек тарифлар ва божлардан озод қиламиз.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалардан қайси бирини ажратиб кўрсатишим мумкин? Андижонда Жанубий Кореянинг "ДЭУ" фирмаси билан ЎЗДЭУ автомобиль заводи барпо этилаётганини айтиш мумкин. Бу лойиҳанинг қиймати жуда катта, ярим миллиард доллардан кам эмас. Бу корхона "Фифти-фифти", яъни "эллигу-эллик" деган қоида асосида барпо этилмоқда. Сармоянинг 50 фоизини Ўзбекистон, 50 фоизини эса "ДЭУ" фирмаси ажратган. "ДЭУ" фирмасининг ўзи эҳтимол қандайдир заём маблағларини жалб этгандир, лекин бу бизга тааллуқли масала эмас. Ёки Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини олайлик: унинг қиймати 350 миллион доллар. У ҳам "фифти-фифти" қоидаси асосида барпо этилмоқда: сармоянинг 50 фоизи бизники, 50 фоизи уларники. Ана шундай йирик лойиҳалардан ҳар бири юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорини қабул қиламиз, унда фирмаларнинг имтиёзларига, уларнинг истикболларига кафолат берамиз. Шугина эмас. Яқинда парламентнинг навбатдаги мажлисида сиёсий кафолатни таъминлайдиган, Ўзбекистонга ўз сармояларини сарфлашга тайёр турган фирмаларга фақат молиявий иқтисодий кафолат эмас, тақрор айтаман - сиёсий кафолатни ҳам таъминлайдиган тегишли қонунлар қабул қилинди. Саволингизга жавобимни яқунлар эканман, яна бир бор тақрорламоқчиман: биз эртага - 1996-97 йилларда мамлакатимизга жуда катта сармоялар келади, деб хомхаёлга берилаётганимиз йўқ. Биз аниқ лойиҳаларни, масалан, ёқилғига доир аниқ лойиҳаларни кўзда тутиб ишляпмиз. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мустақиллиги тўғрисида гапирамиз. Хўш, бу жиддий лойиҳами? Ҳа, жиддий лойиҳа. Биз 3 йил давомида шунга эришдикки, 1996 йилда четдан бирор тонна бўлсин нефт сотиб олмаймиз. Бир вақтлар пахта толамизнинг тахминан

ярмини нефтга алмаштиришга мажбур эдик. Эндиликда бу пахта толасини жаҳон бозорига чиқараяпмиз. Бу - Ўзбекистонда 1996 йилда миллий валютамыз қаттиқ валютага эркин алмаштирилишига эришамиз, деб айтишимизга имкон берадиган янги валюта манбаидир. Бу шунчаки сўз эмас. Сиз менга бундай савол берганингиз йўқ, лекин мен сизга шуни қатъий айтишим мумкинки, 1996 йилда Ўзбекистонда миллий валютамыз тўла-тўқис эркин алмаштириладиган, мамлакат ичкарисида эркин алмаштириладиган бўлади.

Бу ҳисоб-китобларимиз нималарга асосланган? Улар аввало бизнинг тасарруфимизда бўлган ҳақиқий манбаларга асосланган. Мен уларни қисман айтиб ўтдим - пахтани жаҳон бозорида сотаяпмиз. Бизнинг қўлимиздаги олтин ҳамда, энг муҳими, биз ҳар томонлама рағбатлантираётган экспорт ана шундай манбалардандир. Дарвоқе, экспорт хусусида ҳам шундай масала бор. Бизнинг қонунчилигимиз, битта қонун эмас, балки бир неча қонун ўзаро боғлиқ ҳолда экспортчиларимизга, экспорт учун ишлаётган барча корхоналарга фойдадан олинadиган солиқни 50 фоиз қисқартиради. Бундай имтиёзни яна қайси мамлакатда кўргансиз? Бу жуда яхши, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқтирадиган имтиёз. Бундан ташқари, корхона ўз маҳсулотини оз бўлса ҳам четга сотиши учун биз яна ўнлаб шароитларни яратиб бераяпмиз. Экспорт қилиш оз-оздан бошланади, сўнгра аста-секин изчил жараёнга айланади, фойдаси сезилади.

Айрим мамлакатларда шундай иш тутишади, маҳсулотни четга сотишдан тушган валютанинг ҳаммасини миллий валютага алмаштириш учун Марказий банкка олиб қўйишади. Бизда эса атиги 30 фоизи олинади. Биз бунга узоқ вақт давомида эришдик, лекин эндиликда унга қатъий амал қиляпмиз. Эртага эса бу кўрсаткични яна камайтирмоқчимиз. Биз валютанинг эркин алмаштирилишига эришсак, яъни бизда валюта биржамиз учун доимий ишлайдиган манба яратилса ва шу пулимизни эркин алмаштириш имкониятига эга бўлсак, бу иш амалга ошади.

Биз ишлаб топилган маблағларни мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиб қўйиш билан шуғулланаётганимиз йўқ. Ҳисоб-

китобларимизнинг кўрсатишича, ўтган йили валюта биржамиз орқали 1,5 миллиард Америка доллари ўтди. 1996 йилда бу рақам 2,6 миллиард долларга етади.

Баъзиларингиз бюджет билан қизиқдингиз, ҳатто бюджетга доир рақамлар нима учун эълон қилинмайди, деб ажабландингиз. Сиз мендан сўранг, бюджет қаерда эълон қилинганлигини айтиб бераман, иккинчидан, агар қизиқсангиз, бюджетнинг ҳар бир моддаси бўйича аниқ рақамларни келтиришим мумкин.

Шуни айтмоқчиманки, конвертация тўғрисида гап борганида, бу аниқ рақамлар, ҳисоб-китоблар билан мустаҳкамланади. Бюджет тасдиқланаётганда ана шу ҳисоб-китобларнинг ҳаммаси кўзда тутилган ва уларнинг ижро этилиши кафолатланади.

Ўзбекистоннинг йўли тўғрисида тўхталадиган бўлсак, гап бирор модел ҳақида бормаслигини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг йўлимиз, бюджетни шакллантиришнинг ўз усулларимиз бор. Мустақиллигимизнинг 3-4 йили ичида улар ўзини оқлади. Агар сиз буни "модел" деб аташни хоҳласангиз, майли "модел" бўла қолсин. Айрим газеталарингиз: Ўзбекистон Ўрта Осиё "йўлбарси" деб ёзиб, Жануби-Шарқий Осиёдаги айрим мамлакатларга ўхшатмоқда. Бу ҳам уларнинг ўз иши.

Кеча Борис Николаевич ўз нутқида айтган бир фикр менга маъқул бўлди. Биз ислоҳот тарафдоримиз, лекин жуда қимматга тушадиган ислоҳот тарафдори эмасмиз. Ҳақиқатан ҳам ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки халқ манфаати учун амалга оширилади. Шу сабабли биз босиб ўтган босқич танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигини тасдиқламоқда, деб ҳисоблайман.

**САВОЛ:** Жаноб Президент, сўнгги вақтда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида коммунистик партияларнинг обрўси ва таъсири кучая бошлаганини ҳамма яхши билади. Мен Ҳамдўстликда Коммунистик партия обрўси ўсмаётган атиги иккита республикани биламан. Бу - Туркменистон билан Ўзбекистондир. Бунинг сабаби нимада? Бу ерда Ўзбекистон компартияси қайта тикланиши мумкинми?

И. КАРИМОВ: Саволингизга савол билан жавоб берсам майлими? Сиз Зюгановни коммунист деб ҳисоблайсизми?

ЖУРНАЛИСТ: Ҳар ҳолда, уни ҳамма коммунист деб атайди.

И. КАРИМОВ. Ҳа, коммунистлар партиясини қайта тиклаш жараёни кечмоқда, айрим мамлакатларда эса у компартия деб аталапти. Россиянинг ўзида, менимча, ўзини компартия деб айтадиган учта ёки тўртта партия бор. Шунини айтмоқчиманки, уларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қайтадан оёққа туриши - мен бу сўзни онгли равишда ишлатаяпман - аввало Россиянинг ўзида ва бошқа республикаларда амалга оширилаётган ислохотлардаги хатолар туфайлидир.

Россия заминига унга ёт бўлган моделлар келтирилиб жорий этилгани, ислохотлар йўли, биров шовша-шошарлик билан, ўйламай амалга оширилгани, мени кечирасизу, ижтимоий сафсатабозликнинг бош кўтариши учун қулай шароит яратди.

Мафкура тўғрисида гапирадиган бўлсак, мен "Известия" да жуда саводхонлик билан ёзилган батафсил мақола ўқидим. Зюганов компартиясининг дастурини таҳлил қилувчи бу мақола муаллифининг номини айтмайман. Унда мазкур партия ё социал демократик партия бўлиши керак ёки эртага ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди, дейилган. Мен бу хулосага тўла қўшиламан.

Ҳозирги пайтда бу ижтимоий сафсатабозлик ҳеч нарсани таклиф қилмай фақат танқид қилишга асосланган. Бир вақтлар очликдан, жиноятчиликдан қафолатланган, билим олиш, тиббий жиҳатдан таъминланиш имконига эга бўлган, ҳеч ким рад этмаётган ижтимоий қафолатлар нуқтаи назаридан оддий кишилар наздида социализм, социалистик қоидаларнинг ижобий томонлари бор эди. Ана шу қафолатларни одамлар ҳозир орзу қилмоқда, улар нурафшон бўлиб кўринмоқда, ҳозирги шароитда бу одамларда, бой-бадавлат яшамаган бўлсалар ҳам ҳар ҳолда, ҳозир жамият бошидан кечириётган инқироз бўлмаган ўтмишни кўмсаш туйғулари пайдо бўлмоқда. Мен яна бу сўзни кўп жиҳатдан онгли равишда такрорламоқдаман. Биринчидан,

саноат, индустрия қуввати пасайиши, ишлаб чиқаришнинг камайиши нуқтаи назаридан жамият инкирозга учради, маънавий ҳаётда инкироз бошланди. Мен бу жиҳатларни ўзаро боғлиқ деб биламан. Буларнинг ҳаммаси одамларни Россияда эҳтимолки ёт кучларнинг ёрдами билан жорий этила бошлаган мутлақо жозибасиз бўлган янгиликлардан бездирмоқда, шу сабабли ана шундай вазиятда ҳеч нарсани таклиф этмай танқид қилувчилар ҳам яхши одам бўлиб кўринади. Шу боисдан менинг ишончим комилки, Россияда амалга оширилаётган ислохотлар йўли бироз юмшатилса, Россиядаги ислохотлар инсонпарварлик тусига киради. Беш йил ичида эмас, эҳтимолки ўн йил ичида ҳамма учун мақбул бўлган, Европа ва жаҳон ҳамжамиятига кўшила оладиган маърифий давлат вужудга келар. Буларнинг ҳаммасини аҳоли мутлақо тўғри деб қабул қилади. Ҳозирги пайтда коммунистик ғоялар қайтадан тикланаётган ижтимоий замин эса ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чунки мени Зюгановнинг рўпарасига ўтказиб кўйишса, мен билан баҳслашиш унга жуда қийин бўлади. Биласизми, нима учун қийин бўлади? Чунки мен бу тизимнинг авра-астарини яхши биламан. Зюганов - тарғиботчи. Зюганов - КПСС Марказий қўмитасининг мафкура бўлимида ўтирган одам. Мен эса хўжалик ходимиман.

Мен давлат план комиссиясида йигирма йил ишладим, уч йил молия вазири бўлдим, Москванинг, собиқ Иттифоқнинг, барча вазирликларнинг, барча план комиссиялари, Молия вазирлиги, давлат таъминоти ва бошқа идораларнинг ҳамма кабинетларини кўрганман. Буларнинг ҳаммасини жуда яхши биламан, марказдан режалаштиришнинг нақадар мустақкамлигини ҳеч бўлмаса Ўзбекистонда ҳаммадан яхшироқ биламан. Ўша моделнинг жозибадорлиги тўғрисида мен билан баҳслашиб кўришсин. Масалаларни ҳал қилиш учун идорама-идора югуришга тўғри келарди. Ҳозир ўша тартиб қайтадан тикланадиган бўлса, одамлар бундан ҳайратланибгина қолмайди, балки ғазаби келади. Шунинг учун ҳам сиз қаердадир, қандайдир республикаларда, жумладан Россияни ҳам кўзда тутиб, компартияни қайта тиклаш учун замин ҳозирланаётгани ҳақида савол берсангиз, мен буни вақтинчалик ҳодиса деб ҳисоблайман.

Энди Ўзбекистон ҳақида. Биласизларки, Ўзбекистонда коммунистик партия бор эди. Ўзим ҳам унинг аъзоси бўлганман. Шу билан бирга мен Ўзбекистонда коммунистик ғояларни кўтариб юрганлар йўқ эди, деб айта оламан. Бизда барча машҳур "бажарамиз" ибораси нуқтаи назаридангина коммунист эди. Айтилган ҳамма нарсани бажарамиз, дейиларди.

Агар Ўзбекистон тарихини 1918 йилдан, бу ерга большевиклар келган пайтдан бошлаб кузатадиган бўлсак, бу ишга жиддий қизиқсаларингиз, бир эслаб кўринглар, агар Ўзбекистонда коммунистик партия тепасида кимлар турган? У ерда биронта ўзбек бўлганми? "ТуркЦИК" тепасида кимлар турган. У одамларнинг барчасини бу ерга Ленин юборган эди-ку. Улар бу ерга келишган, юқори лавозимларни эгаллашган, кейин, агар одамларнинг бирон-бир миллий томони намоён бўлса, уларни отиб ташлашган. Йигирманчи йилларда "босмачилик" учун таъқиб қилишган, 37 йилда бутун раҳбариятни тўлиқ тугатишган. Урушдан кейинги даврни олайлик. 1983 йилда Рашидов вафот этганидан кейин "лигачёвчилик" даври бошланди. Аслида "горбачёвчилик" деб аташ тўғрироқ бўларди, чунки у буни усталик билан Лигачёвнинг елкасига ағдарган эди. СССР Олий Совети депутати нишонини тақиб юрган кишиларни, ҳеч виждони қийналмай ҳибсга олинган экан, бригадирни ҳибсга олиш учун, гўё у бирон ёққа қочиб кетадигандай, итлар билан вертолётларда қишлоқларга қўнилган экан, "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" ниқоби остида Ўзбекистонда жуда кўп одам қамалган экан, айтинглари-чи, шуларнинг барчасидан кейин бу масалаларга бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши мумкин? Шунинг учун ҳам, сизнинг бизда ва Туркманистондаги ҳолат ҳақидаги саволингизга, аслида мен бизни бошқа давлатлар билан таққосламасликни истар эдим, бизни қандай бўлсак шу ҳолимизча кўриш керак, Ўзбекистон - Ўзбекистонлигини унутмаслик керак, хуллас, шу муносабат билан саволингизга жавоб бериб айтаманки, бизда миллий коммунистик партия тузиш учун ижтимоий замин, мен ҳатто миллий замин деган бўлардим, бундай замин йўқ. Бизда Зюганов ва Шейнинлар олиб келган партия бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бизни кимларнидир сиқиштиряпти,

кимларнидир чеклаб қўяпти, деб ўйламанглар. Фақат тарихимиз, яқингинадаги тарихимиз халқимизнинг коммунистик партияга меҳри йўқ эканини кўрсатиб турибди.

**САВОЛ:** Сиз мамлакатингизда мулк эгаларига суянилишини айтиб ўтдингиз. Бизда, Россияда энг бой одамлар - мулк эгалари - банкирлар ҳисобланади. Бироқ, менинг билишимча, сизларда атиги 2 та хусусий банк бор экан. Давлат банкларига суяниш - давлат сиёсатими?

**ЖАВОБ:** Кечирасиз-у, сиз иккита саволни бир-бирига қарама-қарши қўйдингиз. Биз мулкдорлар синфи ҳақида гапирганда банкирларнигина назарда тутмаймиз. Биз асосан ўрта синф ҳақида гапирамиз. Дарвоқе, мен сессияда нутқ сўзлаганимда, сизлар бу нутқ билан танишишларингиз мумкин, мулкдорларнинг ўрта синфини назарда тутган эдим. Европада ҳам, бутун дунёда ҳам ҳозир мулкдорларнинг ўрта синфи - кичик ва ўрта бизнесни қўмсаб қолишган. Бу маънода ҳам бизнинг фикримиз қатъий: мулк эгаси бўлиш керак. Бироқ, айти пайтда, мафкурамизда, жамиятни ислоҳ қилишга принципиал қарашларимизда биз ўта бой ва ўта камбағаллар бўлишига қатъиян қаршимиз. Биз бу тўғрида баёнот бериш билангина шуғулланаётганимиз йўқ, аксинча, муайян давлат сиёсатини амалга оширяпмиз.

Ўзингиз ўйланг: одамларнинг турли қатламлари даромади ўртасидаги фарқ 40 мартани ташкил қилишига йўл қўйиб бўладими ахир? Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Сизларда бу назорат қилинмайди, давлат буни кузатмайди. Шунинг учун ҳам "янги руслар" деган қатлам пайдо бўлган. Мен умуман бу номга қаршиман. Бу қандай ном ўзи? Ким буни ўйлаб чиқарган? Нима учун "янги руслар"? "Эски руслар", "янги руслар" деб бўладими? Эҳтимол, "эски руслар" ҳар қандай ахлоқ ва маънавият бобида "янги руслар"дан яхшироқдир?

Бизда энг паст ва энг юқори маош оладиганларнинг 10 фоизи ўртасидаги нисбат бирга олтини ташкил қилади. Биз солиқ тизими орқали буни назорат қилиб тураемиз. Сизларга "Маҳалла" дастури тўғрисида гапириб беришган бўлса керак. Бу дастур бўйича Молия



вазирлиги тизими орқали ўз-ўзини бошқариш органларига маблағ ўтказилиб, маҳалла қўмиталари орқали тақсимланади. Чунки кимнинг қандай яшаётганини маҳалла фаоллари яхши билади. Серфарзанд оилаларга ёрдам кўрсатиб турилади, давлат пенсиялар даражаси турмуш даражасига мос бўлишини назорат қилади ва ҳоказо.

Биз шу тариқа ўта қашшоқ ва ўта бойлар бўлмаслигини назорат қилиб борамиз. Дарвоқе, жаҳон тажрибасида буни назорат қилиб турадиган давлатлар талайгина. Мисол тариқасида Швеция, Австрия сингари мамлакатларни келтирсак бўлади.

Хуллас, саволингизнинг биринчи қисмига оддийгина жавоб бериб шуни айтмоқчи эдимки, ҳа, биз мулкдорлар синфи тарафдоримиз, бироқ айти пайтда ҳам ҳамма нарсага эга, ҳам барча нарсадан маҳрум одамлар бўлишига қаршимиз.

Республикада банк тизими ҳам ислоҳот қилинмоқда. Шуни айтишим лозимки, унинг натижалари ёмон бўлаётгани йўқ. Бизда Россиядаги сингари дастлабки сархушлик пайтида икки мингта банк ташкил этилиб, уларнинг кўпчилиги бугунги кунда ё фаолиятини тўхтатишга ёки бирлашишга мажбур бўлганидек ҳол кузатилмайди. Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида аралаш модели кучга кирди. Кўпгина тижорат банкларида давлат ўз улушига эга. Яъни бирон-бир банкни ташкил этар экан, давлат бу банк акцияларининг, унинг асосий жамғармасининг қандайдир қисмини ўз қўлида сақлайди. Ҳозир давлат тижорат банклари ҳам барпо этилган.

Хусусий банклар ҳам бор. Оддий тижорат банклари ҳам бор. Бу банклар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Мен мулкдорлар синфи ўсиб бориши билан хусусий банклар сони ҳам кўпайиб боради, деб ўйлайман. Бугунчалик уларнинг кўпайишига ижтимоий асос, улар вояга етиши учун зарур замин йўқ. Биз ҳамма нарса мантиққа бўйсунмиши, ҳар бир нарсанинг асоси бўлиши лозимлигини яхши англаймиз.

Бизда бугунги кунда тижорат банклари ва давлат тижорат банклари бор. Марказий банк бор. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бор. У давлат тижорат банки ҳисобланади. Яъни биз унда ўз улушимизга эгамиз, банкнинг ўзи ҳам асосий жамғармада ўз капиталига эга.

Яқинда "Асака" деб номланган банк очилди. Сизлар бу банк тўғрисида маълумотга эга бўлишларингизни истардим. Сизлар албатта, йилига 180 мингта енгил автомашина чиқарадиган "ДЭУ" автозаводи Асакада қурилаётганини, биз "Асака" деб ном берган банк шу заводга хизмат кўрсатишини, унинг операцияларини амалга оширишини бирданига таққослаб кўрдинглар, албатта.

Бирок, бу банкнинг асосий вазифаси сал бошқачароқ. Биз давлат тижорат банки ташкил этиб, унга давлатнинг, ҳукуматнинг пулини қўйдик. Нима учун? Эртага, конвейердан машиналар чиқа бошлаганида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу машиналарни сотиб олишига шароит туғдириш учун шундай қилдик. Мен тахминий рақамлар келтираман. Айтайлик, энг яхши моделдаги машинанинг нархи 10 минг доллар туради. Бизнинг мўлжалимизга мувофиқ, халқ банки қўйилган маблағлар, қиримлар, аҳоли жамғармаларининг бир қисмини, тахминан олсак, машина нархининг 25 фоизини йиғиш мумкин. "Асака" банки бу фуқарога кредит беради, қолган 75 фоизни у 10 йил давомида энг кам йиллик фоиз асосида тўлайди.

Шундай қилиб, фуқаро 2,5 минг долларга энг яхши русумли машина сотиб олиши мумкин. Қолган 10 йил давомида қарздан қутилади. Бунинг учун айланма капитал, яъни Ўзбекистоннинг мана шу машинани сотиб олишга ҳаққи бор ҳар бир фуқароси манфаати йўлида бундай операциялар ўтказишимизга имкон берадиган капитал керак эди.

Сизлар биз ҳар бир фуқаро 10 йиллик муддатга кредит олиши учун шароит яратадиган айланма капитал сифатида таклиф этаётган бу пулни қаердан олганимизни сўрасизлар?

Биз қазиб олаётган олтинлар-чи? У - халқ бойлиги. У халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг мулки. Айтайлик, биз бу олтинни сотиб, пулини бу банкка қўйдик. Ҳар бир фуқаро бу банк воситасида ўз улушини олади. Яъни, унинг бу олтинда ўз улушига эга бўлишига ҳаққи бор. Шу тариқа биз бу капитални ҳар бир кишига имтиёзли нархларда машина сотиб олиш имконини берадиган айланма капиталга айлантирамыз.

Мен сизларга биттагина банкни айтиб бердим. Бунақа

банкларимиз кўп - "Савдогар- банк", "Ғаллабанк", "Пахтабанк" ва ҳоказо. Бугунги кунда бундай банклар, менимча, 25 тадан зиёд. Бирок, ҳозир собиқ шўролар ҳудуди матбуотида ёзилаётганидек, кўпчилик мамлакатларда, ҳатто Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам кўпгина банклар бугунги кунда банк ишида, капитал оламида пайдо бўлаётган меъёр ва рақобатларга бардош беролмагани учунгина ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам саволингизнинг иккинчи қисмини биринчи қисмидан ажратишни таклиф қилган бўлардим. Бизда ҳам банкирлар катта пул олади. Дарвоқе, собиқ шўролар ҳудудидаги биронта мамлакатда бундай имтиёзлар яратилгани йўқ. Мана, мисол учун, биз жамғарма банкини халқ банкига айлантирдик. Бугунги кунда деярли ҳар бир қишлоқда бу банкнинг филиалларини очяпмиз. Бу банкни беш йил давомида солиқдан озод қилдик. У бюджетга ўз даромадидан бир тийин ҳам бермайди. Нима учун? Чунки у компьютер сотиб олиши, бутун жараёнларини компьютерлаштириши керак.

Ўзбекистонда пул жўнатишнинг электрон тизими ишлаб турганини ҳозир сизларга айтишим мумкин. Бир кун ичида айтайлик, Тошкентдан Қорақалпоғистонга ва у ердан Тошкентга 7 марта пул ўтказиш мумкин. Бу соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ. Биз бунга қандай эришдик? Бунга банклар бюджетга ўтказиши лозим бўлган пулни уларнинг ўзига қолдириш йўли билан эришдик. Банклар бу пулни ҳозир қаттиқ валютага алмаштирмоқда, компьютерлар сотиб олмоқда, ҳеч бўлмаса ташқи иқтисодий фаолият миллий банкимизга бориб, у қандай жиҳозланганини, у ерда қандай операциялар амалга оширилаётганини кўришингиз мумкин.

Биз қисқа вақт ичида ҳар қандай бозорнинг асосини ташкил этадиган бундай тизимни барпо этганимиздан хурсандмиз. Яхши ривожланган банк, суғурта, молия тизими бўлмаса, бозорнинг ёрдамчи тармоқлари тўғрисида гапириш мумкин эмас. Ҳозир биз бозор ёрдамчи тармоқлари аҳамиятини аввалгига нисбатан чуқурроқ англай бошладик: бу - банк, молия, суғурта, агар лозим топсангиз, аудитор хизмати, консалтинг ҳамда бозор учун энг яхши шарт-шароитларни таъминлаши лозим бўлган бошқа тизимлардир.

Шу сабабли бизда банклар давлат мадади билан ривожланмоқда,

ўтиш даврида банкларнинг ривожланишига давлат ёрдам бериши зарур, деб биламиз.

**САВОЛ:** Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини айтиб берсангиз. 1996 йилда бюджетнинг ижтимоий йўналиши сақланиб қоладими, ижтимоий харажатларга неча фоиз ажратилган, бюджетда индексация қилиш фонди кўзда тутилганми, бюджетдан неча фоизи фуқаролар омонатларини индексация қилишга сарфланади? Раҳмат.

**ЖАВОБ:** Сизни мутлоқ рақамлар қизиқтираётган бўлса, марҳамат, айтишим мумкин. Лекин мен энг муҳими бунда эмас деб ҳисоблайман. Чунки бизда пулнинг кадрсизланиш жараёни давом этмоқда ва барибир бир йилдан сўнг бошқа рақамлар кўрсатилади. Бюджетнинг даромадлар қисми 142 миллиард 197 миллион сўмни, харажатлар қисми - 155 миллиард 621 миллион сўмни, бюджет камомади эса 13 миллиард 424 миллион сўмни ёки 3,5 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий эҳтиёжларга сарф-харажатлар икки моддада кўзда тутилган. Бу ижтимоий соҳа - маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, ижтимоий таъминот, яъни аҳолига хизмат қиладиган соҳалардир. Бу соҳаларга бюджет харажатлар қисмининг 37 фоизи ажратилган. Бундан ташқари, биз давлат бюджетида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги моддани киритганмиз. Бу - янгилик, бошқа мамлакатлар бюджетида бундай моддани топа олмайсиз.

**САВОЛ:** Бу модда 1996 йил бюджетигагина киритилганми?

**ЖАВОБ:** Йўқ, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги махсус модда бизда деярли 3 йилдан буён амал қилмоқда. 1996 йилда бюджетдан умумий харажатлар қисмининг 13,4 фоизи шу мақсадга сарфланади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ўзи нима? Бунга қайси моддалар киради? Масалан, коммунал хизматга дотация киради. Бизда коммунал хўжалик бўйича дастур тузилганини биласиз. Менимча, бу дастур 2000 йилгача мўлжалланган. Ҳозир аниғи эсимда

йўқ. Ҳар ҳолда коммунал хизмат учун дотация бу йил учун ҳам сақланиб қолинган. Чунки аҳоли ҳозирги пайтда коммунал хизмат ҳақини тўла-тўқис тўлашга қодир эмас. Шу сабабли бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизини шу дотацияга режалаштирганмиз. Болали оилаларга нафақа бериш моддаси бўйича бюджет умумий харажатлар қисмининг 7,3 фоизи айна шу мақсадга сарфланади.

Шу модданинг ўзида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қўзда тутилган. Бу ёрдамга бюджет харажатлар қисмининг икки фоизи сарфланади. Пенсия фонди бўйича трансферт - биз уни бир вақтлар дотация деб атар эдик, сўнгра субвенция деб атай бошладик, энди эса бозор иқтисодиётига мос ном билан трансферт деб атаяпмиз. Пенсия фонди бўйича ана шу трансфертга 0,5 фоиз ажратилади.

Бундай трансферт нима учун керак? Корхоналарнинг пенсия фондига ажратмалари етмай қолса, маълум бир даврда пенсияларни бюджет фондидан ўз вақтида тўланишига кафолат тарзида керак.

Шундай қилиб, ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган 37 фоизни аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилган 13,4 фоизга қўшсак, умуман ижтимоий соҳага бюджет харажатлар қисмидан 51,4 фоиз сарфланади. Бу озми ёки кўпми? Бошқа давлатлардагига нисбатан кўп бўлса керак. Ўтган ҳисобот йилдагидан кўпроқ. Чунки 1995 йили аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги модда харажатлар қисмининг атиги 9,6 фоизини, ижтимоий эҳтиёжлар 35,4 фоизни ташкил этганди. Кўриб турибсизки, 1996 йил бюджетда ижтимоий эҳтиёжларга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга маблағни кўпайтирдик.

Бу ерда савол беришди: гўёки бизнинг парламентимизда бюджет моддама-модда кўриб чиқилмай овозга қўйилиб, қабул қилинар эмиш. Тушунаман, ҳар бир журналист қийинроқ, чалкашроқ савол беришни хоҳлайди. Баъзан мен ўзим ҳам журналистларимиздан одатдан ташқари, қийинроқ саволлар беришларини сўрайман жавоблар ҳамма учун тушунарли бўлсин деб, шундай талаб қиламан.

Шуни айтишим керакки, аслини олганда бюджет умуман деярли йил давомида тайёрланади. Ҳозир 1996 йил бюджетини тасдиқладикми, энди 1997 йил бюджетини тайёрлаш керак. Бу соҳада ўзим ишлаганман, шу сабабли бировларнинг гапига қараб эмас, ўз

тажрибамга асосланиб гапиряпман.

Биз валюта фонди билан боғлиқ бўлган ҳозирги пайтда бюджетимизни мазкур халқаро молия ташкилотининг тегишли комиссиялари ва экспертлар бригадалари бир эмас, бир неча бор синчиклаб текшириб чиқади. Улар макроиктисодиёт нуқтаи назаридан, бу бюджет барқарорлиги нисбатини, бирор доирадан четга чиқиб кетмаслиги учун камомад нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқади. Бу уларнинг вазифасига киради.

Аммо депутатдан барча масалаларда мутахассис бўлишни талаб қилиш мумкинми? Депутат бир умр шу масалалар билан шуғулланаётган мутахассисдан кўпроқ нарсани била оладими?

Амалда эса бюджетимиз Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг назорати остида ҳаддан ташқари қийин экспертизадан ўтади, бундай синовга ҳамма ҳам бардош беравермайди.

Энди индексация масаласида. Индексация ҳақида қачон гап бошланганини ўқиган бўлсангиз керак, олдин биз шу индексациялаш схемасини тузиб чиқдик, яъни қарор қабул қилдик, бу қарор эълон қилинди. Бу олти ойлик меҳнат натижасидир. 1996 йилда биз қайта тикланган омонат дафтарчалари бўйича 1 июлдан бошлаб ҳақ тўлай бошласак (Халқ банкида бундай дафтарчалар сони 5 миллионга етади), у ҳолда биз омонатчиларнинг истагига мувофиқ ва йил охиригача фоиз ставкаларини ҳисобга олганда 3 миллиард 600 миллион сўм тўлашимизга тўғри келади. Қайта тикланган омонатларнинг 10 фоизигина ана шунча бўлади.

Бу пулни қаердан олиш мумкин? Биз бунинг учун қоплаш фонди ташкил этдик. Бу фонднинг 50 фоизи бюджет ҳисобидан, 50 фоизи эса бюджетга кирмайдиган фондлар ҳисобидан бўлади. Шундай қилиб, кўлимизда аниқ ҳисоб-китоб бор, омонатчиларнинг ҳаммаси қайта тикланган пулнинг 10 фоизини тўлашни талаб қилса, бунинг учун биз 1996 йил бюджетидан 1 миллиард 900 миллион сўмга яқин пул ажратишимиз лозим бўлади. Бу пухта ҳисоблаб чиқилган рақам: ҳатто Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг бюджетда кўзда тутилган умумий харажатлардан 1 фоиз миқдордаги захираси ҳисобидан ҳам бу тўловларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Нима учун мудофаа харажатларини сўрамаяпсиз? Ким шундай

савол беради?

Залдан овоз: Сиз барибир айтмайсиз.

**ЖАВОБ:** Нега айтмас эканман? Ҳамма рақамларни айтиб бераман. Баъзи жойларда сиздан яширишаётган бўлса, биз ҳеч нарсани яширмаймиз. Қулоқ солинг - маъмурий органларни сақлаб туриш учун 19 миллиард 680 миллион сўм миқдорда харажат қилиш кўзда тутилган. Бу 12,6 фоизни ташкил этади. Шундан 4,4 фоизи ёки 6,8 миллиард сўми - Мудофаа вазирлигига, 4,5 фоизи - 7 миллиард сўми Ички ишлар вазирлигига ажратилган. Яна хавфсизлик хизмати, чегарачилар ва шу кабилар бор соф мудофаага эса, яна бир бор айтаман, бюджет умумий харажатлар қисмининг 4,4 фоизи ажратилади. Бу кўпми ёки камми? Бу кам. Ҳали сизга биз ҳеч нарсани яширмаймиз деганимда, шу масалани ҳам кўзда тутган эдим.

**САВОЛ:** Жаноб Президент, сиздан сўрамоқчи эдим, яқин беш йил ичида, шу асрнинг охиригача Ўзбекистонда қандай қийинчиликлар туғилиши мумкин? Аниқроқ бўлиши учун кичик бир савол бераман: етарли даражада объектив бўлган қийинчилик - мен Ўзбекистоннинг айрим туманлари қишлоқларида аҳолининг кўплигини ва шу муносабат билан аҳоли нуфузининг ошиши туфайли муаммолар юз беришини кўзда тутяпман. Бу хусусда келгусида сиёсатингиз қандай бўлади?

**ЖАВОБ:** Бу жуда катта мавзу, албатта. "Қийинчилик" деганда сиз ички ва ташқи хавфсизлик учун "хатар"ларни кўзда тутяпсиз. Шу сабабли мен ҳозир айримларини, асосий масалаларни айтиб ўтаман.

Ташқи хавф тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ҳолда айтишим мумкин: жанубдаги ақидапарастлик бизни жуда ташвишга солмоқда. Бу жиддий масала. Бизга жанубдан хавф солаётган ақидапарастликни ёки тўғрироқ айтганда, экстремизмни оладиган бўлсак, у 17 йилдан буён Афғонистонда, Тожикистондаги беқарорликда, айтишим мумкинки, умуман шу минтақада юз бераётган беқарорликда намоён бўлмоқда.

Бизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан гапиришга

мажбур қилаётган биринчи хавф ана шу. У ерда мен икки марта сўзга чиқиш имкониятига эга бўлдим ва бу муаммони Ўзбекистон учун жуда хавфли муаммо эканини таъкидладим. Чунки тинчлик бўлмаса, бу хавфни тугатиш муаммоси ҳал қилинмаса, ислохотлар тўғрисида, истикбол тўғрисида гапириш мумкин эмас. Буни тушунмаётган, буни пайқамаятган одамлар узоқни кўра олмайдиган кишилардир.

Биз эътибор бермаслигимиз мумкин бўлмаган иккинчи хавф - элатлар ўртасидаги ва бошқа тўқнашувларни кўзда тутганда, бу минтақада вужудга келиши мумкин бўлган тўқнашувлар хавфидир, айрим сиёсатшунослар шундай тўқнашувлар эҳтимоли борлигини айтишмоқда.

Америка сиёсатшунослари 1991 йилдаёқ бу ерда халқлар ўртасида катта уруш чиқиши мумкин, деган эдилар. Бундан худо асрасин, башарти уларнинг башоратлари юз берганда эди, Қорабўғ ҳам, бошқа "қонли" минтақалар ҳам арзимаган воқеа бўлиб қоларди. Шу сабабли бу минтақада эҳтимоли бўлган элатлараро хавф ҳамиша диққатимиз марказида туради. Биз бу ҳақда ўйлаяпмиз ва бунга йўл қўймаслик учун кафолатни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Лекин бу ҳақда Россия вакиллари, сизлар ҳам ўйлаб кўрсангиз ёмон бўлмасди. Мен ҳозир ном чиқариш мақсадида қилинаётган айрим баёнотларда кўзга ташланаётган шовинистик кайфиятлар, империя жазавалари хавфини кўзда тутаяпман. Бундай баёнотлар Давлат Думасига сайлов олдидан пайдо бўлган эди, Президент сайлови олдидан ҳам бўлади, эҳтимол.

Ўзининг сайлов олди шиорларини сохта ватанпарварлик ва миллатчилик оҳангида баён қилаётган ҳар қандай партияни олинг - уларнинг барчасида ана шу нарса бор. Мен ўша Жириновскийнинг думадаги нутқларини қандай қилиб хотиржам тинглаш мумкинлигини тушунмайман - ахир, у энди иккинчи марта сайланган депутат, парламент фракциясининг раҳбари. Бироқ у Қозоғистон ғайриқонуний равишда мавжуд деган ёки шунга ўхшаш бошқа гапларни бемалол айтаверади. Унинг гапларини масхарабоз ёки қизиқчининг гапи сифатида қабул қилиш мумкиндир, албатта. Бироқ унинг мартабаси жуда баланд; у давлат Думаси депутати, парламент фракциясининг раҳбари, сайловчиларнинг маълум миқдордаги



овозини олган партиянинг раҳбари-ку.

Демак, жаноб Жириновский сингари фикрлайдиган омма ҳам бор. У, афсуски, ўзи учун ном қозониш воситаси бўлган ҳар қандай нарсани жуда тез юзага чиқаради. Ана шундай кенг қўлланилаётган усуллардан бири: вазият қанча ёмон, қанча жанжалли бўлса, шунча яхши, деган усулдир. У Брюсселда ҳам сўзга чиқиб: Сизлар Россияни Европа Кенгашига қабул қиляпсизлар-ку, ҳали кўп нарсани яхши билмайсизлар, агар мен Президент бўлганимда, сизларга кўрсатиб кўярдим, Ельцин яхши одам, шунинг учун ҳам унинг даврида Россиянинг Европа Кенгашига қабул қилиниб қолиши учун тезроқ овоз беринглар, деган эди.

Гоҳо менда кимлардир жаноб Жириновский ва унга ўхшаган "сайроқи"лардан фойдаланади, у қандайдир куч томонидан демагогияси, жанжалли баёнотлари қарама-қарши томон манфаатларига хизмат қилиши учун яратилган кимса, деган таассурот пайдо бўлади. Мана, агар мени сайламасангиз, ўрнимга қандай куч келишини кўриб қўйинг, дегандек Брюсселда ҳам у шундай таассурот қолдирди. Назаримда, бу нарсалар барча англаши мумкин бўлган ҳодисалардир, сизлар буни жуда яхши биласизлар. Бироқ, афсуски, бу тўғрида жуда кам ёзилапти.

Жаноб Зюганов ёки бошқаларнинг гапини олайлик Лигачёв ҳам яна юзага чиқиб қолди. Коммунистларнинг қурултойидан кейин у Президент сайловида ғалаба қозонамиз, кейинги қадамимиз эса СССРни қайта тиклаш бўлади, деб баёнот берди. У хатто бошқалар буни истайдими, йўқми, деган савол хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди.

У ўзига шундай савол беради, деб ўйлайсизларми? Йўқ, бермайди. Уларда аллақачондан бери шундай тартиб ҳукмрон: уларнинг фикри - қонуний фикр ҳисобланади. Улар кишиларимизнинг, халқимизнинг собиқ СССРнинг бошқа халқлари руҳиятини мутлақо ҳисобга олмайди. Ораларингизда "Независимая газета"нинг вакили бор. 10 февраль куни шу газетада Беларусда ўтказилган жамоат фикри сўрови натижалари эълон қилинди. 1991 йил декабридаги сўров шу мамлакат аҳолисининг 68 фоизи Беловеж ўрмонида қабул қилинган қарорни қўллаб-қувватлаганини, олти фоиз

аҳоли бунга қарши эканини кўрсатган эди. 1995 йилнинг декабрида билдирилган фикрлар бутунлай тескари: энди 68 фоиз аҳоли Беловеж ўрмонидаги кенгаш қарорини ғайриқонуний деб, атиги саккиз фоиз кишигина бу қарорни тўғри деб ҳисоблайди. Яъни ҳамма нарса тескари бўлиб кетган. Муаллиф бундан МДХ - сўнгги бекат эмас, собиқ шўро жамиятининг "оралиқ бекати" деган хулоса чиқаради. Мен бу муаллифга савол бермоқчиман: нима, бу эртага ягона байроқ остига бирлашинглар, деган баёнот бўлишига ишорами? Бундай конфедерациянинг славян асоси ҳақида гапирилади - бу: Беларус, Украина, Россия, Қозоғистон эмиш. Бироқ Қозоғистонда руслардан бошқа халқлар ҳам бор - қозоқлар аҳолининг ярмидан кўп қисмини ташкил қилади. Афсуски, ана шундай асосни яратиш тўғрисида гапираётган назарийчилар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди.

Гўё конфедерациянинг мана шу тўрт йирик давлатдан иборат асоси яратилса бас, кейин бошқалар унга "кўнгилли-мажбурий" равишда кираверади эмиш. Кирмай ҳам кўринглар-чи! Божхона тўсиқлари барпо этилади, коммуникациялар тўсиб қўйилади. Буни калтабин кишигина кўрмаслиги мумкин. Бундай хавф бор, биз уни ҳисобга олишимиз керак. Шунинг учун ҳам биз Россияда демократик кучлар ғалаба қилишини истаймиз. Мен МДХ давлатлари бошлиқларининг сўнгги йиғилишида сўзга чиқиб, МДХ раҳбарлигига Борис Николаевич Ельциннинг номзодини қўллаб-қувватлаганимда айнан мана шу масалани назарда тутган эдим. Сизлар президентликка истаган одамнинг номзодини тавсия қилишингиз мумкин - мен сизларнинг ўзингизнигина эмас, сизларнинг ортингизда турган сайловчиларни ҳам назарда тутяпман, албатта - бироқ барибир Ельциндан бошқа одамга умид боғлаб бўлмаслигига рози бўласизлар. Гайдар Немцов билан Явлинский ҳамроҳлиги тўғрисида гапирар экан, бу - кечирасизлар, унинг нуқтаи назари, холос.

Ельцин коммунистлар ёки "Ватанпарвар"лар, СССРни тикламоқчи бўлаётганлар билан курашда ғалаба қозониши мумкин бўлган ягона номзоддир. Шунинг учун ҳам биз Борис Николаевич Ельцинни қўллаб-қувватлар эканмиз, биз унинг ўзини эмас, Россиядаги демократик кучларни назарда тутамиз.

Мен соғлом тафаккурнинг ғалаба қилишига ишонаман. Нима,

биз яна жамоат мулкчилигига, национализацияга қайтишимиз керакми? Мен бу соғлом тафаккур, ақл нишонаси эмас, деган фикрдаман. Шунинг учун ҳам биз Григорий Явлинский ва бошқалар бугунги курашда битта кишини қўллаб-қувватлаб, уни Россиядаги тобора кучайиб бораётган ўша коммунистик ва миллатчилик оқимларига қарши кўйиш афзал эканини англаши лозимлиги тўғрисида гапиримиз. Ельцин қиладиган ишини олдиндан билиш мумкин бўлган одам. Унинг ўзига яраша камчиликлари бор, албатта, лекин у коммунистлар билан "ватанпарвар"ларга қарши тура оладиган ҳамда атрофида барча оқил кучларни бирлаштириши мумкин бўлган ягона кишидир. Менинг нуқтаи назарим ана шундай.

Бизнинг ички муаммоларимизга келсак - сиз аҳоли зичлигини тилга олдингиз - битта мисол келтираман. Мен икки марта Жанубий Кореяда бўлдим. Бу мамлакатда аҳолини боқадиган ҳосилдор ер атиги 2 миллион 100 минг гектардан иборат. Ўзбекистонда суғориладиган ер 4 миллион 200 минг гектарни ташкил қилади. Яъни Жанубий Кореядагидан қарийб икки барабар кўп. Ўзбекистоннинг аҳолиси 23 миллион кишини, Жанубий Кореянинг аҳолиси эса 42 миллион кишини ташкил этади. Демак, халқимизни боқиш учун резервларимиз жуда ҳам етарли. Айрим демограф ва сиёсатшунослар қиладиган тахминларда ҳам, агар ресурсларимиздан самарали фойдаланилса, бизга анча вақтгача аҳоли зичлиги хавф солмаслиги ҳисобга олиниши керак.

Фуқаролар тотувлиги, барқарорликни сақлаб туриш - мен учун курашса арзийдиган асосий мақсад ҳисобланади. Бу бугунги кунда ҳам ислохотларни амалга ошириш, ҳам келажакка ишонч билан қарашга имкон берадиган бойлигимиздир.

Яна бир муаммо: кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш керак. Бу тўппа-тўғри таъсир ўтказиб бўлмайдиган энг муҳим масалалардан биридир. Кишиларнинг тафаккурини қонунлар билан ҳам, фармонлар билан ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бироқ ўзгартириш керак. Энг аввало уларнинг турмуш шароитини ўзгартириш орқали бунга эришиш лозим. Одамлар ислохотларни қабул қилиши, бозор муносабатлари Ўзбекистон учун энг асосий йўл эканини, биз учун жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ўта муҳимлигини, бунинг учун тинмай

меҳнат қилиш, салоҳиятимиздан тўла фойдаланиш зарурлигини англаб етиши лозим. Одамларнинг тафаккурини шу тариқа ўзгартириш, жуда катта зарар келтирадиган боқимандачилик кайфиятидан воз кечиш керак.

Кимдир менга муҳолифларингиз борми, деган савол бериши мумкин. Ҳа, бор. Менинг энг кучли муҳолифим - бу, боқимандаликдир. Бу кайфиятни кўтариб юрганлар - ҳеч нарса қилишни хоҳламайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнғай. Улар умр бўйи эски тизимда яшаган ҳамда ўзини жуда яхши ҳис қилган. Бу энг аввало партиявий номенклатура, эски мафкуравий тизим "воёга етказган" иллатдир. Ана шу номенклатура жуда яшовчан ҳам. Улар: давлат борми, у мени боқиши керак, деган ақида билан яшайди. Биз бу ақидани ўзгартиришимиз керак. Одам, энг аввало, ўзига ишониши лозим. Барча, агар мен ўз кучимга ишонмасам, ўзимнинг қобилиятимга умид боғламасам, ақлий, жисмоний ва маънавий салоҳиятимни юзага чиқаришнинг янги-янги йўллари кидирмасам, ўзимнинг бор имкониятимни намоён қилолмасам, менинг ҳеч нарсам бўлмайди, деган ҳақиқат билан яшамоғи даркор. Акс ҳолда биз ҳеч нарсага эришолмаймиз ва барча ислохотлар боши берк кўчага кириб қолади.

**САВОЛ:** Ислом Абдуғаниевич, 2 миллионга яқин ўзбек миллатига мансуб киши Афғонистоннинг шимолий вилоятларида яшайди. Уларнинг етакчиси - Абдурашид Дўстум - анчагина нуфузга эга бўлган киши - бир неча марта қандайдир буюк ўзбек давлати барпо қилиш тўғрисида гапирган эди. Сиз бунини жиддий гап, деб қабул қиласизми?

**И. КАРИМОВ:** Биринчидан, Афғонистоннинг шимолида икки миллион эмас, уч миллионга яқин ўзбек яшайди. Россия матбуотида "Ўзбек генерали Дўстум" деган таъбир жуда кўп ишлатилади. Айтинглари-чи, "Ўзбек генерали" деган ибора қай даражада тўғри? Афғонистон фуқаросими, демак - афғон генерали. Шундай десак, тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Ўзбекистонда жуда кўп миллат вакиллари яшайди. Агар Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб

киши генерал бўлса, уни корейс генерали, деб атаймизми? Ёки олайлик, бизда юқори ҳарбий унвонга эга тожик миллатига мансуб кишилар ҳам бор. Нега уларни тожик генерали, деб атамаймиз? Бу қанақа ёндашув? Мен бунда маълум бир имо-ишорани кўраман. Шунинг учун ҳам жаноб Дўстум тўғрисида гап кетганида, унга Афғонистон фуқароси, деб қараш тўғри бўлади.

Хуллас, гап ўзбеклар тўғрисидагина эмас, умуман, Афғонистон ҳақида бормоқда. Биз Афғонистонни ягона давлат сифатида биламиз. Мен Афғонистоннинг бўлинмаслиги ва яхлитлиги тарафдори эканим тўғрисида кўп гапирганман. Афғонистоннинг қабила ва миллат белгилари бўйича парчаланиб кетишидан худо асрасин. Бу ҳодиса унинг қўшниларига, бошқа давлатларга ҳам ёмон таъсир қилади. Бунга ишончим комил.

Дарвоқе, жаноб Аҳмадшоҳ Маъсуднинг Хуросон деб аталадиган буюк тожик давлати барпо этиш тўғрисидаги фикри-чи? Дўстумни биласизлар. Маъсуд тўғрисида ҳам эшитганмисизлар? Бизнинг бу масаладаги фикримиз аниқ: биз Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши лозим бўлган пойдеворнинг асосини мамлакатнинг яхлитлиги ташкил этиши лозим, деб қараймиз. Бундан Ўзбекистон ҳам манфаатдор.

Дарвоқе, Дўстумнинг буюк ўзбек давлати барпо этиш тўғрисидаги баёноти хусусида. Мен бу тўғрида ҳеч нарса эшитганим йўқ.

**САВОЛ:** Сиз у билан тез-тез алоқа боғлаб турасизми?

**ЖАВОБ:** Шуни очик-ойдин айтишим мумкинки, мен жаноб Дўстум билан бирон марта ҳам учрашганим йўқ.

Ҳа, биз Афғонистонга, тўғрироғи, Афғонистоннинг шимолий қисмига ёрдам берамиз. Фақат инсонпарварлик ёрдами берамиз. Ғалла, текин электр энергияси берамиз, турли мурувват ёрдами кўрсатамиз. Дарвоқе, мен икки марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотида нутқ сўзлаганимда (сўнгги марта Бош Ассамблеянинг 50-сессиясида), ҳар гал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш масаласини кўтарганман. Бу мана шу мамлакатда

тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим шарти, деб биламан.

Яқинда бизни мамнун қиладиган воқеа юз берди - Европа Парламент Ассамблеяси мазкур масалани муҳокама қилиб, бу ғояни қўллаб-қувватлади. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйишга даъват этди. Мен бизнинг ғояларимиз Европа Парламент Ассамблеяси сингари нуфузли ташкилотларда қўллаб-қувватланаётганидан хурсандман.

Бугунги кунда Афғонистонда нималар юз бермоқда? Агар Афғонистон фуқаролари ўз ҳолига қўйилса, ишончим комилки, улар аллақачон тил топишган бўлур эди. Ҳозир бу мамлакатда у ерга қурол олиб кираётган катта давлатларнинг манфаатлари тўқнашмоқда. Бу мамлакатларнинг номини айтмайман. Лекин ўша давлатларнинг раҳбарларидан "Афғонистондаги таранг вазият, уруш ҳолатини сақлаб туришнинг нима фойдаси бор?" деб сўрагиси келади кишининг. Фойдаси бўлса керак, албатта. Лекин кимга, нима учун фойдали?

Масалан, биз учун фойдали эмас. Мен БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан сўзлаб, Афғонистонда тинчлик ўрнатилганида эди, биз Ҳинд океанига - Афғонистон орқали Қарочи портига чиққан бўлар эдик, дедим. Бу энг қисқа йўл бўлиб, ана шу темир йўл ва автомобиль йўллари миллионлаб афғонларни иш билан таъминлаган бўлур эди. Улар ўқ отиш ўрнига бунёдкорлик билан шуғуллана бошлаган бўлар эдилар. Карвон йўли миллионлаб одамларга яшаш имконини беради. Бу ерда эса темир йўл ва автомобиль йўли бўлади. Аммо кимдир ана шу йўл қурилишини хоҳламаяпти. Кўрдингизми, бу ерда қанчадан-қанча жаҳоншумул сиёсат мавжуд. Ораларингизда ана шундай сиёсатга ихтисослашган одамлар борлигини биламан. Сизларга шу масала теварагида биров мулоҳаза юритишни таклиф қиламан. Океанга чиқишни, янги савдо алоқаларини йўлга қўйишни хоҳлаган мамлакат у ерда урушнинг давом этишидан манфаатдор бўла оладими? Бунинг устига биз яқин қўшнилар-миз - орамиз 800 километр, холос. У ерда уруш кетаётган экан, бу ерда, Тошкентда биз хотиржам тура оламизми?

Гап нимада эканлигини ўзингиз тушуниб етасиз, деб умид

киламан. Шу сабабли сиз "ўзбек генерали" Дўстум хақида гапирганингизда, мен гап фақат Дўстум тўғрисида бораётгани йўқ, гап Афғонистон муаммоси тўғрисида бораётир, Афғонистон ички муаммолари хусусида Дўстумни истисно қилиш нотўғри бўлур эди, дея жавоб қиламан.

**САВОЛ:** Афғонистон билан боғлиқ сўнги анча жиддий можародан хабардор бўлсангиз керак. Яқинда Қозоғистонда қатта юк самолёти ушлаб қолинди. У Баграмга, яъни Қобул атрофига жўнатиш учун 30 тонна гранат олиб кетаётган эди. Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга бундай самолётлар қатнамаслигига қафолат бериш мумкинми?

**ЖАВОБ:** Бизнинг худудимизга ва унинг осмонига Афғонистон учун қурол олиб келинишидан Ўзбекистон манфаатдор эмаслигига мен қатъий қафолат бера оламан. Мен буни сизга қатъий равишда айтяпман. Яқинда жаноб Примаков ва Россия ҳарбий тузилмалари вакиллари билан учрашган вақтимизда, мен шу ҳақда гапирдим. Бизнинг худудимизда бундай самолёт қўна оладиган бирорта аэродром йўқ. Бундай самолётлар Ўзбекистон осмони орқали ўтмайди ҳам.

Қурол-яроғларни бу мамлакатга айланма йўллар орқали, яъни Афғонистонга бирор муносабати борлигида шубҳаланиш қийин бўлган давлатлар орқали олиб ўтиляпти, деган фикрлар мавжуд. Белорусдан Қозоғистон орқали 30 тонна гранат олиб ўтишмоқчи бўлганини, афсуски, энди эшитиб турибман. Шу сабабли бу воқеани шарҳлай олмайман.

**САВОЛ:** Ислом Абдуғаниевич, уч кун муқаддам АҚШ давлат котиби янги ташаббус билан чиқди. У Осиё-Тинч океани минтақасида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" деб аталган НАТО дастурининг Осиё вариантыни яратишни таклиф қилди. Бу йўлда дастлабки қадам сифатида бир-бир ярим ойдан сўнг шу давлатлар мудофаа вазирлари учрашувини ўтказиш таклиф этилди. Ўзбекистон НАТОнинг шу йўналишдаги Европа дастурини биринчилар қаторида қўллаб-

қувватлаган эди. Осиё вариантыга Сизнинг муносабатингиз қандай?

**ЖАВОБ:** Биринчидан, Ўзбекистон "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаган давлатлар орасида йўқ эди. Агар бу ишни сиз кузатиб борсангиз, биринчи қўллаб-қувватлаганлар орасида ҳозирги кунда нима учундир қарама-қарши томонга ўтиб олган давлатлар бўлганини аниқлаб олишимиз мумкин. Мен бу давлатларнинг номини келтириб ўтирмайман. Зеро, мен айрим қўшнилари ёки давлатлар номини айтиб ўтсам, эртага бу матбуотда пайдо бўлади, оқибатда хафагарчилик вужудга келади ва бу муносабатларимизда муайян қийинчилик туғдиради.

Хуллас, биз биринчилардан эмасмиз. Биз бу ғояни ҳатто Россиядан кейин қувватлаганмиз. Яқинда менга АҚШ билан муносабатларингиз нима учун тез ривожланмоқда, деган саволни беришди. Мен АҚШга сизлардан узоқ ҳам эмасмиз, яқин ҳам, деб жавоб килдим. Бу гапни Россия раҳбарларига айтдим. Чунки ёдингизда бўлса икки йил муқаддам бизни ҳамма жойда собиқ коммунистлар мамлакати деб, мени диктатор деб ва бошқа баҳоналар билан танқид қилишарди.

Кези келганда айтиб қўяй, биз ҳаммамиз собиқ коммунистмиз. Нима, Алиев, Шеварднадзе собиқ коммунист эмасми? Ельцин, Бразавуска собиқ коммунист эмасми? Умуман, бу мавзу ниҳоясига етди, Каримов эндиликда ёлғиз эмас. Коммунистлар ҳам ҳар хил эди - буниси бошқа масала, буни яхши англаш лозим.

Сиз айтаётган "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида ҳақиқатан ҳам биз иштирок этаяпмиз ва бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки бу дастурда иштирок этиш бизнинг манфаатларимизга мос келади, деб ҳисоблаймиз. Аммо баъзи бировлар қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш тўғрисида гапирганда, баъзи бировлар бундай қилиш керак, деб Россиянинг қулоғига шивирлаётганда, мен бунга мутлақо асос йўқ, деб ҳисоблайман. Бундай блок бўлиши мумкин эмас. МДХ ҳудудида ҳарбий-сиёсий блок тузиш мумкин эмас. НАТОга, агар сиз Шарққа томон борадиган бўлсангиз, у ҳолда биз ҳарбий-сиёсий блок тузамиз, деб уни кўрkitишга беҳуда уринишяпти. Жаноб Кристофернинг ташаббусига келганда эса, мен



бу ҳақда эшитганим йўқ ва ҳеч нарса дея олмайман.

**САВОЛ:** Жаноб Президент, Сиз Ўзбекистоннинг жаҳон демократия андозаларига қатъий мос бўлиш истаги ҳақида гапирдингиз. Шу билан бир вақтда Сиз республикада демократия жараёнларини ривожлантиришда қандайдир ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини айтдингиз. Бу хусусиятлар, аниқ қилиб айтганда, нималардан иборат ва сиёсий тажрибада улар қандай амалга оширилмоқда?

Масалан, муҳолифат республика сиёсий тузумининг таркибий қисмими? Агар таркибий қисми бўлмаса, бу ўзига хос кўринишми? Матбуот "тўртинчи ҳокимият"ми, агар тўртинчи ҳокимият бўлмаса, бу ҳам Сиз айтган ўзига хос хусусиятнинг бир кўринишими?

**ЖАВОБ:** Мен яна бир бор ўз фикримни такрорламоқчиман, хусусиятлар ҳақида гапирганимда, барча демократик давлатлар учун мутлақо бир бўлган умумий демократик меъёрлар ва талабларга қарама-қарши қўйишни кўзда тутганим йўқ. Сизларга тушунарли бўлиши учун яна қайтараман, хусусиятлар, масалан, Ўрта Осиёда биз бутун тарих давомида жамоа бўлиб яшаб келганмиз. Баъзи Ғарб мамлакатларида эса яққа яшашга интилиш кучли. Бу бизнинг республикамиз учун мос эмас. Айтайлик, бизда маҳаллачилик анъанаси жуда кучли. Маҳалла нима у? Бу одамларнинг ўзлари томонидан сайланадиган ва фақат моддий нуқтаи назардан эмас, балки оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, шахслар ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатларга таъсир кўрсатувчи ўз-ўзини бошқариш органидир. Бу ўз-ўзини бошқарув тизими катта ҳокимиятга эга ва биз уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз.

Мен хусусиятлар тўғрисида гапирар эканман, Америкада шахс демократияси устувор бўлса, бизда бошқача меъёрлар асосида, яъни жамоат манфаатларига мос яшаш устунлигини айтмоқчиман.

Шарқ бу - Шарқ. Бу ернинг ўзига хос хусусиятлари бор. Дейлик, Жануби-шарқий Осиё, унинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Унга тўхталиб ўтирмаймиз. Ҳатто японча хусусиятларга ҳам тўхталиб ўтирмаймиз. Япония демократияси қайсидир Ғарб мамлақати

демократиясига мутлақо ўхшамаслигини яхши тушунасиз. Мана мен гапирган ўзига хос хусусиятлар, уни демократиянинг умум меъёрларига қарама-қарши қўйишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Сиз демократиянинг умум меъёрлари, жумладан, муҳолафат, "тўртинчи ҳокимият"- матбуот тўғрисида саволлар бердингиз.

Мен ҳеч қачон бу икки тушунчани бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи эмасман. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг алоҳида демократиясини кураётгани ҳам йўқ. Мен бундай демаганман, демоқчи ҳам эмасман ва буни барча одамларга етказишда ёрдам беришингизни истардим. Ҳа, биз ўз жамиятимизда умумдемократик асослар негизида адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бироқ бизнинг ўзимизга хос хусусиятларимиз борки, уни ҳеч қачон унутмаслик керак. Мен доимо шу тўғрида гапираман.

Матбуотга келсак, тўғри, у ҳозирча ҳар қандай демократик давлатда эга бўлиши керак бўлган мавқеда эмас. Мен буни тан оламан ва вазиятни ўзгартириш учун шароит яратишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Айтмоқчи, камчиликларга ва биз яшаб ўтган собиқ тузумдан мерос қолган боқимандачиликка қарши муросасиз курашадиган мухбирларни тайёрлаш юзасидан маълум бир ҳаракатлар бор. Улар бизнинг онгли тараққиёт йўлимизга ғов бўлган ҳамма нарсага беаёв бўлишлари лозим. Шундай мухбирлар ва газеталар яратиш керак, деб ўйлайман.

Менга кеча ишдан олинган Россия телевидениесининг собиқ бошлиғи Олег Попцовнинг бир ибораси ёқади. Матбуот давлатни танқид қилиши керак, давлатнинг хатти-ҳаракатига танқидий назар билан қараши керак. Эҳтимол, айнан шу давлатни бошқараётган раҳбариятга, ҳукуматга манманлик ва коррупциядан қутулишга ёрдам берувчи воситадир.

Матбуот жамиятнинг соғломлашувига ёрдам бериши лозим. Бироқ баъзи мамлакатларда матбуот танқид қилади, аҳвол эса эскилигича қолаверади, бу бошқа масала. Бу ҳам, фикримга қўшилсангиз керак, демократия эмас. Ахир, Америкада биронта вазир бир-икки бор танқид қилинса, у шу заҳотиёқ истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Демократик давлатда худди шундай бўлиши зарур.

Россияда эса хоҳлаганча танқид қилиш, "пўстагини қоқиш", ҳатто ҳақорат қилиш мумкин. Бундан бирон нарса ўзгариб қоладими? Шундай бўлгач, Россияда матбуот эркинлиги тўғрисида гапириш мумкинми?

Сиз минг эркин бўлганингиз билан вазиятга қанчалик таъсир ўтказа оласиз? Сизнинг газетангиз рўй бераётган воқеликка қай даражада таъсир ўтказиши мумкин? Тушунаман, одамларнинг кайфиятига таъсир этиш мумкин. Турмушга-чи? Буни ҳам ҳисобга олиш керак.

Мен сизнинг саволингиздан кўзланган мақсадни жуда яхши тушунаман ва биз бу борада яна кўп иш қилишимиз лозимлигини айтишни истар эдим.

Биз журналистларимизни хорижга ўқишга, жумладан, АҚШ, Германия ва Ҳиндистонга узоқ муддатли сафарга юборяпмиз. Бизнинг бир камчилигимиз хорижий тилларни билмаслигимиздир, агар чет тилларини яхши эгаллаб олганимизда эди, яна ҳам кўпроқ кишиларни ўқишга юборган бўлур эдик.

15 март куни журналистларнинг кичик бир гуруҳи АҚШга жўнаб кетади. Улар мустақил, танқидий тафаккурга эга журналист бўлиш учун америкаликларнинг тажрибасини ўрганишади. Агар имкони бўлганида эди, биз барча хоҳловчиларни Фарбнинг энг яхши мактабларига малака оширишга юборардик ва шунда матбуотимиз ҳақиқатан ҳам тўртинчи ҳокимиятга айланган бўлур эди.

Мухолифат масаласига тўхталадиган бўлсак, мен бу саволга қисман жавоб бердим. Агар киши хоҳласа, сунъий равишда ўзига мухолиф яратиб олса бўлади. Бироқ бу мухолиф эмас. Менинг назаримда, мухолифат аниқ муқобил дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Яна қайтараман, муқобил, қандайдир дастурий позицияга таяниши лозим. Агар хоҳласангиз, расмий нуқтаи назар, расмий дастур билан рақобатлашиб, ҳурмат қозона оладиган ёки аксинча, аҳоли томонидан қабул қилинмайдиган мухолифат билан ишлашга тайёрман.

Лекин ёшларимизни Ўзбекистондан алдов билан хорижга олиб чиқиб, уларни қўл жанги санъати, отиш ва кўпорувчиликка ўргатган "Бирлик" ёки "Эрк"ни муқобил, амалий мухолифат, деб бўладими?

Биз бундай ҳаракатлар билан келиша олмаймиз. Бу мухолифат эмас. Шу боис мен яна ва яна айтар эдимки, бугун ташкил этилаётган партиялар ва ҳаракатлар Ўзбекистон давлати ва сиёсатини ривожлантириш бўйича муқобил вариантларга эга бўлиши учун интиляпмиз ва бунга эришишимиз шубҳасиз.

Лекин мен хоҳлар эдимки, ушбу муқобил вариантлар амалий характерга эга бўлсин, сиёсий кураш баррикадалар ва митингларда олиб борилмасин. Чунки бизда кишиларнинг сиёсий онги ва тажрибаси митингларга хос ҳаяжонни оқибати пушаймон билан эсланадиган воқеаларга айлантриб юбориши мумкин. Мен бу фикрни қайта-қайта такрорлашни истар эдим. Лекин биз бу соҳада анча етилиб қолдик, ушбу жараён бундан кейин янада тезлашади.

**САВОЛ:** Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари муаммоси билан қизиқаётган халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари фаолиятига қандай муносабат билдирасиз?

**ЖАВОБ:** Биласизми, очиғини айтганда, ушбу ташкилотларнинг Ўзбекистонга оид баёнотлари, дастлабки муносабатлари менда тушунмовчилик уйғотди. Лекин кейинчалик мен уларни рад қилмаслик, балки улар билан ҳамкорлик қилиш керак, деган қарорга келдим. Тажриба шуни кўрсатдики, кимки Каримовни буткул рад этса, уни Ўзбекистонга таклиф қилиш энг тўғри йўл экан. Мени рад қиладиган қанча кўп кишилар республикаимизга келса, шунча яхши эканига имоним комил бўлди. Улар бу ердаги аҳвол билан танишиши, ҳақиқий вазиятни ўз кўзлари билан кўриши мумкин. Мен ҳар қандай киши билан учрашиш ва баҳслашишга тайёрман.

Яқинда АҚШда бўлганимда, "Хельсинки вотч" ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти вакили билан учрашдим. Унинг менга берадиган жуда кўп саволлари бор экан. Шунда мен уни Ўзбекистонга таклиф қилдим. Бунга қарангки, Ўзбекистонга у эмас, ундан ҳам юқори лавозимдаги шахс келди. Мазкур ташкилот делегацияси, менимча, деярли бир ҳафта мобайнида республикаимизда бўлди, кўнгиллари истаган кишилар билан учрашди. Жўнаб кетиш олдидан делегация раҳбари мен билан учрашди ва Ўзбекистон ҳақида

ўзлари фойдаланиб келган маълумотлар асосан ёлғон-яшиқдан иборат ёки ноҳолис эканини эътироф этди.

Мен бу масалага муносабатимни бутунлай ўзгартирдим. Ўзбекистонга қанча кўп шу каби ташкилотлар вакиллари келса, бу бизнинг манфаатимизга шунча кўп хизмат қилади.

**И. КАРИМОВ:** Мен энг ўткир саволни кутган эдим, назаримда, бундай савол бўлмайди шекилли?

Биласизларми, бу қандай савол? Мен ўз ишимдан қониқаманми? Ҳар куни дуч келинадиган қийинчиликлар баъзан шундай муаммолар туғдирадики, барча нарса учун масъул бўлган киши беихтиёр ўйланиб қолади, кечалари билан тўлғониб чиқади: шу йўл тўғримикин, ҳаммаси тўғри қилиндимикин? Энг олий ҳакам, менинг шахсий фикримча, кишининг виждонидир. Агар киши виждонли бўлса, уни виждондан бошқа ҳеч нарса қийнай олмайди. Барча танқидлар, барча хужумлар - киши ўзини тафтиш қилиши, ҳар сафар турли саволлар билан қийнаши олдида ҳеч гап эмас. Мен табиатан ҳамма нарсага, барча қилинаётган ишларга танқидий кўз билан қарайдиган одамман. Бу шубҳаланиш эмас, балки ўз-ўзини танқид қилиш, қабул қилинган қарорни яна ва яна таҳлил қилиб кўришга интилишдир.

Бугун собиқ шўро худудида, қолаверса, бутун дунёдаги вазият шундайки, ҳамма нарсага ҳар доим ҳам ишониш мумкин эмас, воқеалар изчил кечаётгани йўқ. Ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлмайди ва шу боис кўп ишлашга тўғри келади. Кўзланган натижага эса эришиш қийин. Атрофингда кўплаб турли тузилмалар, одамлар, команда, ёрдамчилар бўлишига қарамай, масъулиятни зиммасига олиши шарт бўлган кишилар уни елкаларидан соқит қилса, муаммони ҳал қилиши лозим бўлганлар бу ишни қилмаса, кундан-кун кишига қийин бўлиб бораверади. Шу сабаб, менда савол туғилади: нега йилдан-йилга истиқбол ёрқин кўрина бошляпти-ю, ишлаш тобора қийинлашмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Агар бу ҳол яна давом этадиган бўлса, мен Президент, раҳбар сифатида қаерга бориб қоламан? Қачонгача барча масъулиятни зиммага олиш мумкин? Мен биламан, Ғарбда кўплаб раҳбарлар бамайлихотир турмуш кечиради. Уларда белгиланган иш куни

мавжуд. Улар шанба-якшанба кунлари дам оладилар, ҳамма каби меҳнат таътилига чиқадилар. Бунинг сабаби шундаки, уларда бирон-бир раҳбарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлайдиган тизим барпо этилган. Мен худди шундай тизим бизда ҳам ишга тушадиган кунни орзиқиб кутаман. Масалан, ҳукумат ўзгаради, иқтисодиёт эса ўз йўлида ишлайверади, ҳеч қандай муаммо туғилмайди.

Биз ҳам ана шундай мустақил, барқарор ва ишчан тизим барпо этиш учун ҳаракат қиляпмиз. Лекин йилдан-йилга иқдор бўляпманки, биз вужудга келтираётган тизим ҳали ишга тушиб кета олмаяпти.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, сизларнинг ҳар бирингиз менинг жавобларимни, Ўзбекистонда кўрганларингизни мушоҳада этасиз. Уларни ўз ҳаётини дунёқарашингиз, бугун собиқ шўро худудидида юз бераётган барча воқеаларга муносабатингиз нуқтаи назаридан ёритасиз. Мен Ўзбекистондаги вазият билан қизиққанингиздан хурсандман. Мен тушунаман, бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири ўзи тўплаган маълумотларни қайта кўриб чиқади, балки Ўзбекистонда кўрган айрим нарсалар сизлар учун бутунлай янгиликдир, балки баъзи нарсалардан кўнглингиз тўлмагандир. Лекин мен ушбу маълумотларни илк манбалардан олишга муваффақ бўлганингиз учун хурсандман. Бундан кейин ҳам сизларни шундай ҳамкорликка чорлайман, бир-биримизнинг қарашларимиздаги мавжуд қарама-қаршилик ҳеч қачон орамизга ўтиб бўлмас тўсиқ қўймасин. Биз ҳар қанча баҳслашишимиз, бир-биримизга ўзимизнинг ҳақ эканимизни ҳар қанча уқтиришимиз мумкинлигини эътироф этаман. Қолаверса, барчамиз бизга ишонган кишилар манфаати учун хизмат қиляпмиз.

Ўзбекистон раҳбарияти, Президенти билан матбуотнинг муносабатларига тўхталсак, сизлар тез-тез келиб турсангиз, мен ҳам сизлар билан кўп учрашаман, бу эса ҳар икки томонга ҳам фойдалидир.

Мен Шарқда соддалик йўқ ва у ерда кишилар сирлироқ, дейиш урф бўлганига қарамай, халқимизга хос меҳмондўстлик, энг асосийси, одамларимиз қалбининг очиқлиги ва соддалиги сизларда катта таассурот қолдирганига умид қиламан. Шунингдек, ҳар қандай меҳмондўстлик журналистнинг холислигига, позициясига таъсир

кўрсатмаслиги ҳақида бу ерда айтилган гапга тўла қўшиламан. Мен бизнинг меҳмондўстлигимизни бошқача, "Еган оғиз уялади" кабилида тушунишларига қаршиман. Яна бир марта қайтараман: ҳеч қачон мен бундай ҳолга йўл қўймайман. Агар бизда бу борада ўтмиш иллатлари сақланиб қолган бўлса, биз улардан қутулишга ҳаракат қиламиз. Сизларнинг сиймонгизда эса ўз ишини уддасидан чиқадиган профессионал журналистларнигина кўрамыз. Яратгандан сизларга омонлик тилайман, раҳмат.

## ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Хурматли дўстлар!

Аввало йил натижаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилиш жараёни ва тартиби ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Ўзи, яқун яшашнинг асл моҳияти ва мақсади нимадан иборат бўлиши лозим?

Биринчидан, содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини теран англаб етишимиз, ўтган давр мобайнида қилинган ишларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Нима ҳисобидан ва қайси омиллар эвазига қандай натижаларга эришгани мизни, ижобий силжишларимизни янада мустаҳкамлаш учун нима ишлар қилишимиз зарурлигини аниқлаб олишимиз даркор.

Асосий масала қўйилган у ёки бу вазифанинг нима учун охирига етказилмагани сабабларини излаб топишдир. Нега айрим вилоятларда, иқтисодиётнинг муайян соҳа ва бўғинларида оқсашга йўл қўйилди, бунинг сабаблари нима?

Иккинчидан, аниқланган сабаб ва омиллар асосида иқтисодиётни ҳалқалари бир-бирига чамбарчас боғланган ягона занжир деб билиб, унинг заифлашиб қолган муайян тузилма, бўлинма ва бўғинларини кўрсатиб бериш керак бўлади.

Ишни эплай олмаётган ёки янгича ишлашни хоҳламаётган раҳбарларни - менинг бундай дейишга тўла асосим бор - аниқлаш керак. Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни ислоҳ қилишда оқсашга йўл қўйган ҳақиқий айбдорни топиш вақти етди. Лекин танқид аниқ ва асосли бўлиши лозим.

Иқтисодиётни ягона тирик жонга қиёслаш мумкин. Кўп жойларда ўз мансабига нолайиқ раҳбар касофатидан бир бўғинда ишларнинг барбод бўлиши, муттасил оқшаши бутун бошли ислоҳотлар механизмининг бир жойда депсиниб қолишига олиб келиши муқаррар.



Учинчидан,- яқун яшашдан бош мақсад - танқидий таҳлил ва тегишли хулосалар чиқариш асосида амалдаги ислохотлар йўлига зарур тузатишлар киритишдир.

Муҳими, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганидек, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга қандай тузатишлар киритишни, қайси масалалар бўйича янги, қўшимча президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини қабул қилиш, бошқарув тизими ҳамда амалдаги хўжалик юритиш механизмини қай йўсинда ўзгартиришни аниқлаб олишдир.

Ислохотларнинг дастурий йўлига тузатишлар киритмай, шошилиш қарорлар қабул қилмай туриб, узлуксиз ва изчил олға силжишимизни, шунинг баробарида ислохотларимизнинг ортга қайтмаслигини таъминлаб бўлмайди.

Асосий мақсадимиз фақат яқун яшаш - сарҳисоб қилиш эмас, аксинча, муаммо ва заиф жойларни рўй-рост очиб ташлаш, улар юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш ва яна бир муҳим мақсад - ислохотларнинг ўзига керакли тузатишлар киритишдир, уларни бундан буён чуқурлаштириш учун ҳуқуқий замин ҳозирлашдир.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Сизларга тарқатилган ҳужжатлар ва қилинган маърузаларда 1995 йил иқтисодий ва ижтимоий яқунларининг кўрсаткичлари эътиборингизга етказилди.

Шунинг учун ҳам улар тўғрисида батафсил такроран гапиришга ҳожат йўқдир, деб ўйлайман.

Ислохотларнинг ўтган йилги асосий натижалари ҳақида гапирар эканмиз, биринчи ва асосий хулоса шуки, 1995 йил кўп жиҳатдан жамиятимизни, иқтисодиётимизни, қолаверса, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда туб бурилиш йили бўлди.

Йил яқунлари биз ишлаб чиққан йўналиш, иқтисодий ислохотларнинг устувор жиҳатлари тўғри эканини тасдиқлади ва ўз самараларини бера бошлади. Шуларнинг натижасида ва таъсирида Ўзбекистон иқтисодида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиши суръати амалда тўхтатилди.

1995 йилда биринчи марта асосий тармоқлар ва соҳалар бўйича ўсиш суръатларига эришилди.

Ички ялпи маҳсулот 1995 йилда 1994 йил даражасига нисбатан

96 фоиз бўлади деб мўлжал қилинган эди, аслида эса 98,8 фоизни ёки 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган миллий даромад 98,5 фоизга етди.

Давлат бюджети камомади 3,5 фоиз этиб белгиланган эди, амалда эса 3,0 фоиздан ошмади.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1994 йилга нисбатан 100,2 фоизга тенг бўлди.

Асосий тармоқларни ривожлантириш бўйича, халқимиз олдида очик юз билан ҳисобот беришимиз мумкинки, ёқилғи-энергетика соҳасида натижалар 100,7 фоиз, машинасозликда 124,6 фоизга чиқди. "Ўзавтосаноат" уюшмасининг йиллик кўрсаткичлари 250 фоиз, "Ўзмашсаноат" уюшмасида 134,3 фоиз, кимё саноатида 113,0 фоиз, мебелсозлик саноатида 111,5 фоизга кўтарилди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1,5 фоиз ўсди.

1995 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1994 йилга нисбатан 2,3 фоиз кўпроқ етиштирилди. Дехқончиликдаги ўсиш эса 5,6 фоиз бўлди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллик тарихида биринчи марта барча манбалар ҳисобидан иқтисодга қўйилган сармоя - капитал маблағлар ўсиши 102 фоизни ташкил қилди.

Азиз дўстлар, Ўзбекистонимиз эришган яхши натижаларни янада яққолроқ тасаввур этиш учун ўз юртимизни яқин кўшниларимиз билан таққослаб кўрайлик.

Барча тармоқ ва соҳаларни ўз таркибига оладиган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Ҳамдўстлик мамлакатлари билан солиштирганда 1990 йилга нисбатан 1995 йил кўрсаткичлари қуйидагича:

Ўзбекистон	- 81,1 фоиз
Россия	- 62,2 фоиз
Беларусь	- 60,5 фоиз
Қирғизистон	- 50,3 фоиз
Қозоғистон	- 45,4 фоиз
Украина	- 44,4 фоиз

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича аҳвол 1995 йилда 1990 йилга нисбатан қуйидагича:

Ўзбекистон	- 89 фоиз
Беларусь	- 73 фоиз
Россия	- 67 фоиз
Украина	- 61 фоиз
Қирғизистон	- 57 фоиз
Қозоғистон	- 54 фоиз

1995 йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йил натижаларига нисбатан - Қирғизистонда 35 фоизни, Қозоғистонда - 48, Россияда - 50, Украинада - 53, Беларусда - 61 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 99,9 фоизга тенг бўлди.

Бу рақамга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман.

Яъни, биз амалда ҳали Иттифоқ пароканда бўлмасдан саноат бир маромда ишлаган даврдаги тараққиёт даражасини қўлга киритдик.

Бу кўрсаткичларни биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Бу кўрсаткичлар Ҳамдўстлик мамлакатлари давлатлараро статистика комитетининг 1995 йил яқунларига бағишланган расмий ҳужжатларидан олинди.

Ўзбекистон эришган натижаларни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан қиёслаган, таққослаган ҳолда, бир нарсани очиқ айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканини, Ўзбекистон модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганини амалда тасдиқлайди. Бу кўрсаткичлар барча ислохотларимиз пойдеворида турган асосий тамойилларимизнинг тўғри эканини исботлайди.

Яна бир эришилган натижа: ислохотлар жараёни учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди. Бу ўз навбатида ислохотлар барқарорлигига, уларнинг узлуксиз олға силжишига имкон туғдирди.

Учинчи хулоса: иқтисодий ва молияни барқарорлаштиришда сезиларли натижаларга эришилди. Инфляция даражаси ўтган йилга нисбатан 3,7 марта қисқарди. 1995 йил январь ойидаги инфляция, яъни нарх ўсиши 16,9 фоизни ташкил этган бўлса, декабрь ойида 2,2

фоизни ташкил қилди. Бу иқтисодиётни жонлантиришни ва унинг бундан буёнги ўсишини таъминлашни олдимизга стратегик вазифа сифатида қўйишга асос беради.

Тўртинчи хулоса: миллий валютаимиз бақувватлашиб, барқарорлашиб бормоқда. Республика валюта биржасида мунтазам равишда савдо ўтказилиб турибди. Сотилаётган эркин муомаладаги валюта ҳажми кўпайди, яъни 1,3 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу 1994 йилдагидан 11 марта кўп демакдир.

Бешинчидан, кучли ва адресли ижтимоий сиёсат юритилиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутунлай янги тартиблари жорий этилиши сўнгги йилларда фақатгина одамлар турмуш даражасининг ўсишига эмас, балки уларнинг даромадлари ўсишига ҳам олиб келди.

Аҳолининг реал даромадлари, инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ҳам, 1995 йили ундан олдинги йилга нисбатан тахминан 40 фоиз ортди.

Йил давомида ишчиларнинг ўртача иш ҳақи миқдори 3,7 марта, пенсиялар миқдори 3,6, стипендиялар миқдори эса 5,1 марта ортди.

Ўтган йили 500 мингга яқин эҳтиёжманд оилалар маҳалла кўмиталари орқали ҳар ойда нафақалар олиб турди. Йил давомида эса 6 миллиард сўм нафақа тўланди.

Жамиятимиз учун янги бир жараён ўз таъсирини кўрсата бошлади. Акциялар бўйича тўланаётган дивидендлар хизматчиларнинг даромад манбаларидан бирига айланмоқда. Бир неча мисол келтиришим мумкин: "Нефтгазтаъмир" ҳиссадорлик жамияти йил якунлари бўйича 30,5 миллион сўм миқдорида дивиденд тўлади. Ҳар бир акция учун тўланган дивиденд лар миқдори 5 минг сўмдан ошиб кетди, бу акциянинг номинал қийматидан 10 баробар кўп демакдир.

Нафақат сердаромад ёқилғи-энергетика комплексида, балки бошқа тармоқларда ҳам дивиденд тўлаш имконияти пайдо бўляпти. "Қувамебель" ҳиссадорлик жамияти йил якунлари бўйича деярли 8 миллион сўм, "Тошуйжойинвестқурилиш" тизимида қарашли 159-қурилиш трести ҳиссадорлик жамияти 6 миллион сўм атрофида Андижон "Дори-дармон" ҳиссадорлик жамияти эса 3 миллион сўмдан

ортиқ дивиденд тўлади.

Ислохотларнинг яна бир якуни шундан иборатки, 1995 йилда иқтисодиётимизда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг ривожини юксак суръатлар билан ўсгани яққол кўринди. Бу секторнинг таъсири кучайиб бормоқда. Миллий даромаднинг 67 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 97 фоизи, пудрат ишларининг 62 фоизи, товар айланмасининг 91 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Ва, ниҳоят, Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизнинг тўловларга қодир ишончли ҳамкор сифатидаги халқаро обрўси тобора ошмоқда. 1995 йилда ташқи савдо оборотида 216 миллион долларлик ижобий сальдога эришилди. Ташқи савдо обороти таркиби сезиларли даражада ўзгарди - ўтган йили иқтисодий жихатдан тараққий этган хорижий мамлакатлар ҳиссасига жами оборотнинг 57 фоизи тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1994 йилда 42 фоизни ташкил этган эди.

Бугунги мажлис маърузачилари ва бошқа сўзга чиққан кишилар 1995 йилни яқунлаб, ўз соҳаларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар тўғрисида гапирдилар.

Ишимизда мавжуд бўлган хатолар ва оқсоқликлар ҳақида гапирганда, аввало, уларнинг сабаблари ва илдизларини, уларнинг мезонларини очиқ беришимиз, ўзимиз учун аниқлаб олишимиз даркор.

Хўш, бугун бизни нима кўпроқ ташвишлантирмоқда? Ислохотларни янада чуқурлаштириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз керак?

Мени, аввало, хўжалик юритиш механизми қандай шаклланаётгани қизиқтиради. У корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллиги учун қандай қулайлик туғдирмоқда.

Ташаббус ва тадбиркорликни қай даражада рағбатлантирмоқда, корхоналар ва улар раҳбарларининг иқтисодий масъулият мезони қай аҳволда?

Энг муҳими, бугун таркиб топаётган хўжалик механизми бозор қонунларига ва шароитларига қанчалик тўғри келади ва жавоб беради? Бозор талаблари қай даражада қабул қилинган қонунлар ва ҳужжатлар орқали ҳаётда ўз аксини топмоқда?

Биринчидан. Шуни очик тан олишимиз керакки, кўпгина қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳозирча тўлиқ ишлаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ташқи иқтисодий фаолият, қимматбаҳо қоғозлар бозорини вужудга келтириш юзасидан илгари қабул қилинган ва ислохотлар ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар ижроси текширилганида, улар жуда секин, чала-ярим амалга ошаётгани маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамаси бу қарорлар ижросини етарли назорат қилмаяпти.

Ўзбекистон заминида бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатларини фаол жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар замини амалда яратилди. Буни кўпчилик тан олмоқда.

Савол туғилади: нега улар ҳаётда тўлиқ амал қилмаяпти? Ким ёки нима халақит берапти? Қаерда, қайси бўғинда оқсаш рўй бермоқда? Мана шу саволларнинг барчасига жавоб топишимиз керак.

Менинг назаримда, энг заиф жойимиз ижрочиларнинг ўрта бўғини, корхона ва хўжалик раҳбарларидир. Улар ҳамон эски тасаввур билан яшамоқдалар. Фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга асосланган боқимандалик кайфиятидан халос бўла олмаптилар. Бундай кайфиятдан қутулмас эканмиз, барча хайрли ишларимиз, ташаббусларимиз тўрачилик ботқоғига ботиб, оқсоқ бўлиб қолаверади.

Иккинчидан. Бозор инфраструктурасини ривожлантириш бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда. У амалда эндигина яратилапти. Тижорат банклари тизими, молиявий хизмат, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари кўпроқ катта ва ўртача шаҳарларда, туман марказларида шаклланимоқда.

Очик айтиш керак: қишлоқ жойларда бозор инфраструктураси, бозор хизмати йўқ ҳисоби. Мавжуд 31 та тижорат банки, 69 та суғурта компанияси мамлакатимиз эҳтиёжларини қондира олмаслиги турган гап. Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятларида бирорта ҳам давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси йўқ. Лизинг, инжиниринг компаниялари каби бозорнинг муҳим муассасаларига эътибор йўқ.

Учинчидан. Бугунги кунда бизнинг энг оқсоқ жойимиз - кадрлар тайёрлаш масаласи. Аниқ айтиш мумкинки, ҳар бир участкада, ҳар

бир бошқарув бўғинида ўз касбининг устаси бўлган ғайратли кишилар турганида талай муаммолар аллақачон ҳал бўлиб кетарди. Бунинг тасдиғини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Биз кадрлар тайёрлаш тизимини жиддий қайта кўриб чиқишимиз зарур. Кадрларнинг дунё карашини тубдан ўзгартириш, тадбиркорликка, тижоратга ҳавас-иштиёқ уйғотиш бугунги куннинг энг долзарб масаласи десак ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Бизнес асосларини эгаллашга ҳаракат қилиш оммавий тус олиши лозим ва биз бунинг учун барча шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Одамлар тафаккурини ўзгартириш зарур. Биз одамларга имкон қадар тадбиркорликни, ўзига, ўз билими ва меҳнатига ишонч ҳиссини кўпроқ юктиришимиз керак.

Тўртинчидан. Вилоят ва туманларда давлат мулки ва хусусийлаштириш масалаларини ҳал этишга бир ёқлама ёндашилмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни бир масалага жалб қилмоқчиман. Расмиятчилик, яъни ишга юзаки қараш. Бугун республикадаги ва жойлардаги раҳбарлардан сўранг - улар сизга қанча корхона давлат тасарруфидан чиқарилганини, қанчаси ҳиссадорлик жамиятларига айлантилганини адашмасдан айтиб беради, қанча кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилгани тўғрисидаги рақамларни қалаштириб ташлайди.

Бирок нима учун хусусийлаштирилган корхоналарда ўзгаришлар ўз самарасини бермаяпти, нима учун ҳиссадорлар ўзларини ҳозиргача мулкнинг тўлақонли эгаси деб, мулкдорлар деб ҳис қилмаяпти, деган саволларга жавоб берадиган одамни топиш қийин.

Аслида хусусийлаштириш жараёнининг мазмун-моҳияти ҳам шунда, яъни мулк шаклини тубдан ўзгартириш, ҳар бир кишининг чин маънодаги ҳақиқий мулкдорга айланишидадир.

Бешинчидан. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари кўпгина туманларида нақд пул эмиссияси 60-70 фоизни ташкил этаётгани бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Табий савол туғилади: агар ишчилар, нафақахўрлар қўлига олган нақд пулини сарф қилмаса, яъни берилган пул қайтиб хазинага тушмаса, бундай шароитга қачонгача ва қандай тизим, қандай давлат чидаши мумкин?

Нахотки республикамизнинг аксарият аҳолиси ўзининг эҳтиёжи талабини, савдо-сотик юмушларини пойтахтга - Тошкент шаҳрига келиб ҳал қилиши, қондириши керак?

Энди биз масалани бошқача қўймоқчимиз. Эмиссия даражаси пасаймаётган, аксинча ўсаётган жойларда нақд пулларнинг банкка қайтарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрмагунча, ҳокимлар, уларнинг муовинлари ва Марказий банк бўлимлари раҳбарларининг маош олишга ҳаққи борми, шуни кўриб чиқишимиз керак.

Энди 1996 йилги асосий вазифалар ҳақида.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг охириги сессиясида 1995 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиётга яқун ясалган ва жорий йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий ва устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Барчамизнинг асосий ва устувор вазифамиз - шу йўналишларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларни амалий ишларимиз билан охиригача етказиш.

Биз ушбу масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида декабрь-январь ойларида икки марта муҳокама қилган эдик. Батафсил ва теран ўрганиш, тегишли таклифлар тайёрлаш учун энг муҳим муаммолар, шошилиш ва устувор вазифаларни ечишга доир тамойил ва ёндашувлар аниқлаб олинган эди.

Бугунги йиғилишимиз арафасида Вазирлар Маҳкамасининг барча комплексларида, шунингдек вилоят, шаҳар ва туманларда йил якунлари дастлабки муҳокамадан ўтказилди.

Мен бугун қайд этиб, айтиб ўтилган нарсалар тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Бинобарин, ҳаммангиз якуний материаллар ва тайёрланган қарорлар лойиҳаси билан танишсиз. Мажлисида иштирок этаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари уларни халқимиз эътиборига ҳавола этади, деб ўйлайман.

Бугунги асосий масала 1996 йил учун мақсадларни, белгилаб олинган устувор йўналишларни амалга оширишнинг механизм ва



йўлини излаб топишни, уларнинг аниқ лойиҳаларда акс этишини муҳим деб биламан. Демокчиманки, ўша устувор йўналишлар аниқ лойиҳаларда акс этиши - моддийлашиши ва уларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва суръатлари белгилаб қўйилиши шарт. Бу лойиҳалар мустақкам моддий асосга эга бўлиши лозим.

Энг муҳим, баъзи бир устувор лойиҳалар бўйича тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг асосий эътиборни биринчи навбатда мамлакатимиз энергетика базасини янада ривожлантиришга қаратишимиз даркор. Мен Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини жадал суръатларда давом эттириш, Қўқдумалоқ нефть-газ конденсати конларини жиҳозлаш, компрессор станцияси қурилишини тугаллаш, Мингбулоқ нефть конида қидирув ишлари олиб бориш ва очилган фаввораларни ишга солиш, Газли-Нукус газ қувурининг иккинчи навбатини қуришни назарда тутяпман.

Кўрсатилган ва бошқа бошланган лойиҳаларни бажариш аҳволи қандай эканини тафтиш қилиш, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаш зарур. Ҳар бир аниқ объект бўйича муайян иш ва инвестициялар ҳажмини, маблағлар манбасини аниқлаш, барча куч ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак бўлади.

Бу йил ишга туширилиши мўлжалланган Қизилкум фосфорит заводининг қурилиши ғоят секин бормоқда. Кимда-ким бу корхонанинг аҳамиятини тушунмаса, яхшилаб тушуниб олсин: Самарқанд, Қўқон ва Олмалик суперфосфат заводларининг тақдири шу корхонанинг ишга туширилиши билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини ниҳоятда зарур бўлган фосфорли ўғитлар билан таъминлаш масаласи ҳам шу корхона билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўтган йили фосфор ва бошқа кимёвий хом ашёни четдан олиб келиш бутун республикани оғир аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини ўз бошимиздан ўтказдик.

1996 йилда кимё корхоналарини қайта таъмирлашни тугаллаш лозим. Шундагина улар барқарор ишлаб, кераксиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан қутулиб, қишлоқ хўжалигини зарур минерал ўғитлар билан таъминлайди. Ва шу билан бирга экспорт ҳисобидан валюта

маблағини топиш имкониятини беради.

Қўнғирот сода заводи қурилишини изчил давом эттириш керак. Бу завод асосий қурилишларимиздан бири бўлиб, хорижий шерикларимиз билан биргаликда бунёд этилмоқда. Ре спубликамизда каустик, кальцийлаштирилган ҳамда озиқ-овқат содаси ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши озиқ-овқат, кимё саноатимизни, энергетикамизни зарур хом ашё билан таъминлабгина қолмай, Ўзбекистонда деразабоп ва бошқа турдаги ойна ишлаб чиқариш имконини яратади, четдан хом ашё келт иришдек қарамликка барҳам беради.

Мазкур завод импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш намунаси бўлмоғи керак. Ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, бу завод ишга тушгач, четдан келтириладиган хом ашёни қисқартириш эвазига ҳар йили камида 31 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинади.

Биз янги темир йўллар, автомобиль магист раллари ҳамда коммуникация тизимини қуриш ва фойдаланишга топширишга катта аҳамият бер моқдамиз. "Навоий - Учқудуқ - Султануиздаг - Нукус", "Ўзур - Бойсун - Қумқўрғон" темир йўллари қурилиши, Қамчик довонидан ўтадиган Тошкент - Ўш автомобиль йўлини реконструкция қилиш, Учқудуқ шаҳрида янги аэропорт қуриш бу соҳадаги устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Бу ишларни амалга ошириш нафақат транспорт коммуникацияси тизимини яхшилайти, балки мўл-кўл хом ашёга эга бўлган районларга йўл очади, ўша хом ашёни республикадаги истеъмолчилар ва экспорт учун саноатда қайта ишлаш имконини беради.

Этиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман. Устувор лойиҳалар тўғрисида гапирганда, уларни тўғридан-тўғри ва фақатгина қурилиш лойиҳалари деб қарамаслик керак. Уларга чуқурроқ ёндашиш талаб этилади.

Бу соҳада ҳам, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигимиз учун муҳим бўлган республикадаги илк холдинг компанияси - "Ўзқишлоқхўжаликмасхолдинг"ни тузишни ниҳоясига етказиш зарур. Нима учун биз маҳаллий шароитимиз учун ўта зарур бўлган қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаяпмиз,

деган савол кўпдан бери олдимизда турибди.

Нега ҳозиргача қишлоқ хўжалиги учун ягона техника сиёсати ишлаб чиқилмаган? Қачонгача техникани четдан сотиб оламиз? Наҳотки, бунинг учун нафақат кўплаб валюта маблағлари сарфлаётганимиз, балки эртага чет эл фирмаларига қарам аҳволга тушиб қолаётганимиз тушунарли бўлмаса? Ахир эртага бу техникани ишлатиш, эҳтиёт қисмлари топиш, таъмирлаш ҳам керак бўлади-ку! Шунда яна бировларга таъзим қилиб борамизми?

Нафақат пахтачилик, қолаверса, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари, аввало, ғалла етиштиришга зарур техника ишлаб чиқариш учун обрўли чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар тузишга дадил киришиш керак. Бу бугунги кунда энг долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан биргаликда лизинг операцияларини, яъни ижарага ишлатишни ҳам кенгрок ривожлантириш керак. Масалан, бизга техника олиб келишдан манфаатдор бўлган Америка "Кейс" фирмаси билан бирга лизинг компанияси тузиш мумкин эмасми?

Менинг фикримча, "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир" ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан бирга ушбу йўналишда ишлаши керак. Бунда халқаро молия корпорацияси имкониятлари ва таклифларидан фойдаланиш мумкин.

Яна республикаимиз аҳолиси ва иқтисодиёти учун муҳим тармоқлардан бири, бу - халқ истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва саноат молларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузиш ва қуриш орқали ташкил қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Бу масалага биринчи навбатда эътибор беришимиз даркор.

1996 йил учун лойиҳаларни танлаб олишда улар бизнинг четдан мол келтиришга қарамлигимизни камайтиришини ҳисобга олишимиз керак. Ўзимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш орқали энг зарур эҳтиёжларимизни қондиришимиз мумкин бўлади. Бунинг учун зарур база бор.

Албатта, биз яхши тушунамизки, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун давлатнинг ёрдами керак. Биз бундай ёрдамни беришга тегишли ресурслар ва имкониятларни топишимиз лозим.

Иккинчидан. Албатта, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини кўпроқ жалб этиш лозим. Биз бунинг учун барча зарур ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий шарт-шароит ва имтиёзларни ҳозирлашимиз керак. Биз мазкур устувор вазифаларни рўёбга чиқариш, қўшма корхоналар тузиш учун чет эл сармояларини жалб этишни ҳар томонлама рағбатлантира борамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Мен яна бир жуда долзарб масалани ўртага ташламоқчиман. У ҳам бўлса, шартнома ва контрактлар тузишнинг мавжуд тартибини ва аҳамиятини тубдан ўзгартиришимиз керак.

Табиий бир саволга жавоб беришимиз зарур.

Умуман, шартнома-контрактация нима учун тузилади? Шартномалар қандай тузилаётгани ва амалга оширилаётганини бирор киши бирор марта таҳлил қилиб кўрдими? Бирор хўжалик мисолида, бирор шартнома мисолида ушбу шарт нома мажбуриятлари ортида нима турганини ўйлаб кўрдими? Уни тузган томонларнинг мажбуриятлари қандай?

Ва энг муҳими, шартномани тасдиқлаган, имзо чеккан мутасадди раҳбарларнинг ва мутахассисларнинг масъулияти, керак бўлса - жавобгарлиги қандай?

Буни шу вақтгача ҳеч ким суриштирмаган, суриштиришни истамайди ҳам.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бунинг сабаби нима?

Энг муҳими - маҳсулот, товар ишлаб чиқарувчиларнинг бугунги аҳволи қандай? Тан олишимиз керак, қишлоқ жойларда инфраструктура тармоғи - савдо-сотик ва тайёрлов тизими тараққий этмаган. Тайёрловчиларнинг ўзлари яққаҳоқимлик қилиб, хўжаликларга зуғум ва зулм ўтказди, зиммага олинган шартларни бажармаслик ҳолларини ҳар қадамда учратиш мумкин.

Мисол тариқасида мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашнинг мавжуд аҳволини кўриб чиқайлик. Бирор киши шартномалар қайси нарх да ва қай даражада адолатли тузилаётганини текшириб кўрдими? Помидор ёки узум етиштирадиган хўжаликларда рентабеллик бўлмаган, айрим хўжаликлар зарар кўраётган бир пайтда консерва ва вино заводларининг рентабеллиги осмонга чиқиб кетяпти. Бундай

дейишимизга асос бор.

Қашқадарё вино-консерва заводи, Наманган вино-консерва заводида рентабеллик 30 фоизни, Шахрисабз вино заводида 25 фоизни ташкил этди. Айни вақтда помидор ва узум етиштирадиган хўжаликларнинг рентабеллиги 2-5 фоиздан ошмади, кўпгина хўжаликлар, масалан, "Наманган", Сурхондарё вилоятидаги "Термиз" каби агрофирмалар йилни зарар кўриш билан яқунлади.

Товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш тармоғининг аҳволи жуда аянчли. Уларни ҳеч ким суғурта қилмайди. Ахир, кимдир ишлаб чиқарувчиларни, тузилган шартномаларни суғурта қилиши керак-ку! Бу иш бизда мутлақо йўлга қўйилмаган.

Ғарб мамлакатларида фермерлар ўз маҳсулотини қаерга топширишни, қайси нархда сотишни, қанча фойда олишни билмаса, сигирларини сўйиб юборади, ерларини ҳайдаб ташлайди. Ўзига зарар келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаргандан кўра суғурта пули олишни афзал деб билади. Бизда эса бунинг бутунлай тескариси.

Шартнома тузишга тузилади, бироқ у бажарилмагани учун ким жавоб беришини ҳеч ким тушунмайди. Шартноманинг бирор-бир моддаси бажарилмай қолса, қанчалик зарар кўришини товар ишлаб чиқарувчи на тасаввур этади, на тушунади, унга қўл қўйган бошқа томон эса ҳеч нарсага жавоб бермайди.

Адлия вазирлиги ва Прокуратура бу иш билан шуғулланмаяпти. Бунинг учун, умуман, жавобгарлик йўқ. Бизда шартномалар мазмун-моҳиятига кўра хўжакўрсинга тузилиши анъанага айланиб қолди.

Ҳақли савол туғилади: хўжалик шартнома тузгандан кейин унинг бу йилни фойда ёки зарар билан яқунлашини ким олдиндан айтиб бера олади?

Ғарб мамлакатларида фермерлар даромад олишига кўзи етмаса, ҳеч нарсага қўл урмайди. Бизда-чи? Ҳеч ким иқтисодий таҳлил билан шуғулланмайди, ҳеч нарсани йил бошида ҳисоб-китоб қилиб кўрмайди. Ҳаммамиз жўжани кузда санашга ўрганиб қолганмиз. 1995 йилни нега 143 хўжалик зарар билан, 673 хўжалик эса учма-уч яқунлаганини билмагандай елка қисамиз.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Биринчидан, шартнома тузиш маданиятини, шартномалар

маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак.

Иқтисоднинг қандай соҳаси ёки тармоғидан қатъи назар, унинг ижросига жавобгар томонларнинг масъулиятини кучайтиришимиз даркор. Шартномаларнинг мақомини кўтаришимиз ва уларга қонуний асос яратишимиз лозим. Бу борада Олий Мажлис ва ҳуқуқшунослар тер тўкишига тўғри келади. Шартнома қоғозда қолиб кетмаслиги зарур.

Иккинчи хулосамиз товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Модомики, мен товар ишлаб чиқарадиган бўлсам, шунга сарфланган харажатлар қопланиши ва даромад келтиришига олдиндан ишончим комил бўлиши керак.

Мисол учун, мен маълум бир маҳсулот ишлаб чиқармоқчиман. Айтинг-чи, ишлаб чиқараётган маҳсулотим, ҳеч бўлмаса, сарфлаган харажатларимни қоплашига, оз бўлса-да, фойда келтиришига ишонмасам, уни ишлаб чиқаришимнинг маъноси нима!- Афсуски, бизда йилни қандай яқунлашини билмайдиган ўнлаб корхоналар бор. Энди бунга чек қўйиш вақти етди.

Бунинг учун нима қилишимиз лозим? Мен бу ҳақда биринчи марта гапираётганим йўқ. Текинга ишламаслик учун буюртмалар "портфели"ни ташкил қилмасдан, яъни харидорни олдиндан аниқламасдан ишни бошламаслик керак.

Яна бир муҳим хулоса: товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини тузишимиз лозим. Бу борадаги зарур ҳужжатларни тайёрлаш Давлат мулк кўмитаси зиммасига юклатилади.

Яна бир принципиал масала: тизим яратиш, шартнома тузиш маданиятини юксалтириш устида жиддий иш қилиниши керак. Бу - ўта муҳим масала. Одамлар эскича йўсинда ишлашга ўрганиб қолишган. Товарни ишлаб чиқарганлар ва уни қабул қилиб олмаганлар ўртасидаги можаро судга мурожаат қилиш йўли билан ҳал этилиши лозим.

Мен қонунлар ижросига масъул адлия вазири, прокурор ёки хўжалик суди раисига шундай савол бермоқчиман: шартномага қўл қўйиб, уни бажармаган бирор-бир хўжалик ёки корхонага жазо

сифатида жарима солиндими, улардан бирортаси маъмурий жавобгарликка тортилдими? Катта зарар кўрган корхона ортида йил бўйи меҳнат қилиб, иш ҳақини ололмаётган бутун бошли жамоанинг тақдири турибди. Бунинг учун нимага ҳеч ким жавоб бермайди.

Зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган яна бир муаммо бор. 1996 йил бошланиб кетди. Мени эса корхоналарнинг қанчаси бутун бошли йилга мўлжалланган буюртмалар "портфели"га эга деган савол қийнайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қанча қисми учун шартномалар тузилган?

Республикада талаб ва таклифни ўрганиш масаласи қай аҳволда?

Ушбу масала республика миқёсида, иқтисодиёт тармоқлари, муайян ишлаб чиқариш ва корхона миқёсида қандай ҳал қилиняпти?

Қачонгача кераксиз моллар ишлаб чиқариш давом этаверади? Корхоналар қачонгача, эртага маҳсулотини қандай сотишни ўйламасдан, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтираверади?

Қачонгача улар касодга учраган молларини омборларга қалаштириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришни сўраб, ялиниб юради?

Агар корхона буюртмалар "портфели"га ва амалда муайян харидорга эга бўлмас экан, уни ёпиб қўя қолган маъқул. Бу давлатга беҳуда сарфланган хом ашё харажатларини қоплашдан, зое кетган меҳнат ҳақини тўлашдан кўра анча арзонга тушади. Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товар кўринишидаги ўлик капиталнинг бизга нима кераги бор?

Айни пайтда "Ўзмашсаноат"да (нормативдан ортикча 980 миллион сўмлик қолдиқ бор), "Ўзэлектротехсаноат"да (701 миллион сўмлик), "Ўзкимёсаноат"да (598 миллион сўмлик), шунингдек "Ўзбекенгилсаноат" ва "Маҳаллийсаноат" тизимида бундай ўлик капитал миқдори оз эмас. 1996 йилнинг 1 январига келиб корхоналарнинг омборларида касодга учраган 5,5 миллиард сўмлик маҳсулот тўпланиб қолди. Нега бунга йўл қўйилди?

Бугун эскича фикрлаб, ҳар хил фондлар, моддий ресурсларга умид боғлаб юрган кишилар билиб қўйсин: энди уларни вақтида хом ашё билан таъминлаб, тайёр маҳсулотини сотиш масаласини ҳал қилиб берадиган идоралар йўқ. Эски замондаги Госплан, Госснаб

деган зўравон тақсимотчилар энди йўқ. Эски замон ўтди, тугади. Шунинг ҳамма тушуниб, миясига михлаб олсин. Эски замонга қайтиш йўқ!

Зарар кўриб ишлаётган корхоналар бўйича республика комиссияси, хўжалик суди кўнгилдагидек ишламаяпти. Банкротлик тўғрисидаги қонун амал қилмаяпти. Мен яна бир бор қарорлар қоғозда қолиб кетмаслигини, расмийчиликка йўл қўймасликни талаб қиламан. Истиқболи йўқ, узлуксиз зарар кўриб ишлашдан бошқасига ярамайдиган корхоналар, хўжаликларни тарқатиб юбориш, уларни кимошди савдосида ҳақиқий эгаларига сотиш вақти келди.

Азиз дўстлар!

Барчамизга яхши маълумки, ҳаётимизда, рўзгоримизда, турмуш тарзимизда, ҳар қайси оила, ҳар қайси инсоннинг туриш-турмушида бозорнинг ўрни катта.

Ахир эскидан қолган "отанг - бозор, онанг - бозор", деган гаплар бежиз айтилмаган. Бу ҳикматли сўзлар халқнинг кўп асрлик тажрибасидан келиб чиқиб айтилган. Бозор қадим замонлардан буён ҳалол меҳнат ва ҳалол савдо намоён бўладиган жой ҳисобланади.

Мана шунинг инобатга олган ҳолда кейинги йилларда биз Ўзбекистонда янги бозорлар барпо қилиш, борларини эса янада кенгайтириб, қайта таъмирлаб, янада обод қилишга катта эътибор қаратдик. Бу мақсадлар учун кўп маблағ ва куч-ғайрат сарфладик. Нафақат пойтахтда, нафақат катта шаҳарларда, балки олис туман ва қишлоқларда ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бозорларимизнинг ободлиги, тўқинлиги фаровонликка қараб олға юришимизнинг яна бир далили, яна бир исботи бўлиб қолмоқда.

Лекин биз шунча эътибор, шунча маблағ сарфлаб бир нарсани унутиб қўймоқдамиз: хўш, обод бозорларни кимнинг қўлига топширдик? Бугун бозорларимизда ким ҳукмрон? Ҳақиқий деҳқон, ҳақиқий маҳсулот эгаси шу бозорларда эмин-эркин савдо қиляптими?

Афсуски, бугун бизнинг кўп жойлардаги бозорларимизда чайқовчи-олибсотар ҳукмрон. Бугун пештахталарда пешона тери билан ҳосил етиштирган деҳқон ёки боғбоннинг эмас, иймон-инсоф кўчасидан умуман ўтмаган, бирни ўнга пуллаётган чайқовчининг ошиғи олчи.



Бундай кимсалар биз давлат ҳисобидан яратиб берган имкониятлардан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланяпти. Шу боис ҳам бозорларда нарх-наво осмонда, бечора деҳқон эса молини бир тўда товламачига арзон-гаров бериб кетишга мажбур.

Азиз биродарлар, йил бўйи кунни кун, тунни тун демасдан ҳалол меҳнат қилиб, пешона тери билан ҳосил етиштирган деҳқоннинг аҳволини бир тасаввур қилинг. У ҳосилни йиғиштирди, энди маҳсулотини олиб бориб бозорда сотиши, меҳнати натижасини пуллаши керак.

Етиштирган ҳосилни шаҳарга элтиш учун деҳқон қанча азоб ва қанча синовлардан ўтади!

Аввалига у машина топади, отанг яхши, онанг яхши деб ҳайдовчини кўндиради, йўлқира пулини беради. Йўлда икки-уч марта ола-була таёғини кўтариб чиққан гаичи шоввозларни рози қилиши ҳам керак бўлади.

Шунча азоб билан шаҳарга етиб келади. Бозор олдида уни пихини ёрган олибсотарлар кутиб олади. Улардан бир амаллаб қутулса, дарвоза олдида турган барзангиларга пул беради. Кейин бир амаллаб бозорга кириб, давлат ҳисобига қурилган омборларда икки-уч қоп молини сақлаш учун яна пул беради.

Ниҳоят, бечора деҳқон мингта синовдан ўтиб, бозор ичкарисига ҳам етди. Растада ким зўравон? Албатта, тарозибон билан паттачи! Пештахта ёнидан жой оладими ёки яланг ердан жой тегадими, паттачи билан тарозибоннинг ҳам томоғини "мойлаш" керак.

Хўш, бозорда аҳвол шу экан, минг азоб билан мева-чева, сабзавот ўстирган деҳқон нима қилсин?

Фойда олмаса ҳам майли, лоақал қилган меҳнати ва кетган харажатини қоплаш учун нархни оширишга мажбур бўлади.

Бу аҳволга қандай чидаш мумкин?

Бундай аҳвол билан қандай мурося қилиш мумкин?

Мен бугун шу саволни сизларнинг олдингизга қўймоқчиман.

Ёдингизда бўлса, шу саволни икки йил бурун ҳам қўйган эдим.

Хўш, бизда бозорнинг эгаси, бозордаги тартиб, тош-тарозини назорат қиладиган бирор одам борми ўзи?!

Одамларни алдаш, нарх-наводан, тош-тарозидан уриш - қадим

замонларда ҳам, мусулмончиликда ҳам гуноҳи азим ҳисобланади.

Бундай ортиқ чидаб бўлмайдиган ҳолга кескин зарба бериш, адолатли тартиб ўрнатиш мақсадида олибсотарларнинг уруғини қуритиш учун бугун тегишли давлат органлари томонидан ҳуқуқий чора-тадбирларни кескинлаштириш устида қатъий иш олиб бориляпти.

Дехқон бозорлари нафақат деҳқон ўз маҳсулотини сотадиган жой. Аслида деҳқон бозорлари биз тасаввур этганимиздан ҳам кенгрок мазмунга эга. Биз бозорларимизда қадимий анъаналар тикланиши, яъни улар одамларнинг муомала маркази бўлиб қолиши тарафдоримиз.

Шунинг учун ҳам бозорлар ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган даражада қурилиши ва қайта таъмирланиши - сотувчи-деҳқон ва харидор учун ҳар томонлама қулай бўлмоғи лозим.

Юқорида айтилган муаммоларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда шаҳарлардаги деҳқон бозорларини "Ўзтайёрловсавдо" тасарруфидан чиқариб, маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига ўтказишга қарор қилдик. Шунга тегишли фармон яқин кунларда қабул этилади.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳадемай диёримизга баҳор фасли кириб келади.

Мен баҳорги дала ишларига тайёргарлик борасидаги энг долзарб масалага тўхталмоқчиман. Маълумки, баҳорнинг бир куни йилга татийди. Биз бу масъул паллага пухта тайёргарлик кўришимиз шарт. Бунинг учун, аввало, нималарга эътибор бериш керак?

Биринчидан. Меҳнатсевар деҳқонимизнинг бугунги аҳволидан батафсил хабардор, унинг ташвишларига ҳамдард бўлишимиз даркор. Унинг меҳнат ҳақини вақтида ва тўлиқ олишини таъминлашимиз лозим.

Бунинг учун ўтган йилги ҳосил учун қишлоқ хўжалик қорхоналари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилишимиз, қарзларни қисқа муддатларда қайтаришимиз керак.

Мазкур масалага, аввало, Молия вазирлиги, Марказий банк, ундан кейин ҳокимлар шахсан жавобгардир.

Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий шарт-шароитлари ҳақида ўйлашимиз керак. Қишлоқ аҳолисига пенсия, нафақа ва бошқа

ижтимоий тўловлар ўз вақтида берилиши керак. Гап фақат тўловлар ҳақида эмас.

Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилинган, ҳукуматга қишлоқ мактабларини таъмирлаш, қишлоқ тиббий пунктларининг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича икки йилга мўлжалланган махсус ижтимоий дастур ишлаб чиқиш топширилган эди.

Мен мазкур дастурни ҳамон кутяпман. Қани ўша дастур? Мана бу ерда ижроия ҳокимият вакиллари ўтирибди. Бу сизларнинг асосий вазифаларингиз эмасми?! Қисқа муддатда, пишиқ ва пухта ўйлаб, мазкур дастурни тайёрлаш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг молиявий манбаларини қидириб топиш сизларнинг зиммангизда. Бундай дастурни тайёрлаш 1 апрелдан кечикиб қолмасин. Исмоил Жўрабеков бу масалага жавобгар.

Умуман, нега ҳеч ким бу масала ҳақида шу пайтгача жиддий бош қотирмаяпти, жон куйдирмаяпти?! Ёки шундай масалаларнинг изидан ҳам фақат президент юриши керакми?..

Қишлоққа ихчам саноат корхоналарини жойлаштириш орқали унинг инфраструктурасини ривожлантириш, унинг қиёфасини ўзгартириш ҳали кўп вақт фавқулодда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Тадбиркорликни, касаначиликнинг турли шаклларини фаол ривожлантириб, хусусий тадбиркорликка шарт-шароитлар яратишимиз, янги иш жойлари ташкил этишимиз зарур. Энг муҳими - инсонни, дала меҳнаткашларини ер ва мулкнинг ҳақиқий эгаси бўлишига имкон туғдиришимиз лозим.

Кўкламги дала ишларига киришишдан аввал хўжаликларни ёқилғи-мой ва уруғ билан таъминлаш, тегишли машина-техникани шай қилиб қўйиш лозим.

Яна бир бор таъкидлашимиз керак: бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири ҳисоб-китоб масаласидир.

Айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун ҳисоб-китоб қилаётган корхоналарга оборот, айланма маблағларини ажратиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, янги, бўлғуси ҳосилдан харид қилиш учун хўжаликларга аванс тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди ва унинг тадбирлари шу кунларда амалга оширилади.

Буларнинг ҳаммаси хўжаликларнинг "Ўзагрокимёсервис", "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" ва "Ўздавнефтмаҳсулот" билан етказиб берилган минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва ёнилғи учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишига имкон яратади. Ўз навбатида, юқорида номлари тилга олинган идоралар ҳам баҳорги дала ишларига масъулдирлар. Улар буни ёддан чиқармасликлари керак.

Долзарб масаладан яна бири шуки, ер-тупроқ унумдорлигини, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳақида ҳар доим бош қотириш лозим. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва кўкламги экиш ишларига тайёргарлик учун И. Жўрабеков, Р. Гиниятуллин ва ҳокимлар шахсан жавобгардирлар. Бу масалаларни кўриб чиқиш сизларга топширилган ва бу билан жиддий шуғулланишларингиз керак.

Қишлоқда мулкдорлар синфини вужудга келтириш тўғрисидаги масалага яна бир бор эътиборингизни жалб этмоқчиман. Мен маърузаларимда бир неча марта таъкидлаганимдек, қишлоқда ислохотлар қанчалик муваффақиятли бораётганини, уларнинг олға силжишига нималар тўсқинлик қилаётганини билиш биз учун ниҳоятда муҳимдир. Ҳамма бало шундаки, қишлоқда чинакам мулкдорлар йўқ.

Бугунги кунда қишлоқда таркиб топган иқтисодий муносабатлар хўжаликларни ортиқча ишчи кучидан халос бўлишга рағбатлантирмайди. Ўз навбатида бундай ҳолат ортиқча харажатга ва даромад миқдорининг камайишига олиб келмоқда. Меҳнат сарфи ҳаддан ташқари юқорилигича қолмоқда.

Бундан қутулишнинг йўли битта - у ҳам бўлса, эски тузумдан қолган муносабатларга кескин барҳам бериш, мулкнинг муайян қисмини пай ва улуш ҳолида ходимларга бириктириб қўйишга асосланган хўжалик юритишнинг янги шаклларида дадилроқ ўтиш зарур. Жадал суръатда хўжаликларни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантира бориш керак.

Мен бунга тегишли зарур меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш тўғрисида топшириқлар берган эдим. Маълум бўляптики, уларни тайёрлаш бўлар-бўлмас муҳокамалар ботқоғига ботиб қолган, натижадан эса ҳамон дарак йўқ.

Биз бу масалаларни идоралараро кенгашнинг яқинда ўтказиладиган мажлисида кўриб чиқмоқчимиз. Бу ишни ҳозирнинг ўзидаёқ тажриба тариқасида бир қанча хўжаликларда бошлаб юбориш зарур. Республикамизда ҳам, Ҳамдўстликнинг айрим мамлакатларида ҳам бу борада муайян тажриба ортирилган.

Ҳурматли дўстлар!

Мен бугун қишлоқ хўжалигида ҳозирги мавжуд бўлган молиявий вазият ҳақида гапириб ўтдим.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволини чуқур ўрганиш ва уни ўнглашга оид аниқ-равшан чоралар кўриш тўғрисида топшириқ берилган. Айни вақтда биз қишлоққа ёрдам бермоқчимиз.

Зарар кўриб ишлаётган, истиқболи йўқ корхоналарга эмас, балки зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир, ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтож бўлганларга кўмаклашиш керак. Маҳсулотни харид қилиш тизими орқали, имтиёзлар тизими орқали шундай ёрдам бериш механизмини пухта ишлаб чиқиш лозим.

Шунга доир яна бир масала.

Қачон ер кадастри тайёр бўлади? Олдин ҳам айтилган бу масалага яна қайтмоқчиман. Дастлаб кадастрни ишлаб чиқиш, у орқали ер бонитетини белгилаш, ер шароити ўта ёмон бўлган деҳқончилик зоналарини, сўнгра эса мазкур зоналардаги хўжаликларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларининг муайян тизимини аниқлаб олиш керак бўлади.

Хуллас, биз қишлоққа ёрдам бериб келдик ва бундан буён ҳам ёрдам бераверамиз.

Бунга ҳеч ким ҳеч қачон шубҳа қилмаслиги керак.

Яна бир бор айтмоқчиман: давлатимизда деҳқон даромади, ҳаёти, насибаси бутун экан, юртимиз обод, иқтисодимиз мустаҳкам бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, биз йўл қўйилган хатоларни тузатишга қаратилган аниқ қарорлар қабул қилишимиз, ислохотларни янада

чукурлаштириш чораларини белгилаб олишимиз керак. Бу айтилган фикрлар бугунги мажлисимиз қарорларида, албатта, ўз аксини топади. Белгиланаётган барча чоралар қаттиқ назоратга олинади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсизлар.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил  
якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда  
сўзланган нутқ,  
1996 йил 29 февраль*

## **ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР**

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Улуғ айём - Наврўз байрами арафасида, униш, ўсиш ва улғайиш фаслида сизларни сихат-саломат, бардам ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан ғоят хурсандман. Хоразм аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини бу қутлуғ сана билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Янги йилимиз эзгуликлар йили, юксалиш йили, кут-барака, фаровонлик ва тинчлик-осойишталик даври бўлсин.

Яқунланган 1995 йил мамлакатимизнинг мус тақил тараққиёти йўлида муҳим босқич бўлди. Жумладан, у Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ишлаб чиқаришнинг пасайиши бутунлай тўхтатилган, халқимизнинг турмуш шароити барқарорлаша бошлаган, ҳуқуқий давлатнинг демократик тамойиллари чуқурлашган йил сифатида ёдимизда қолади.

1995 йилда ислоҳот жараёнлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди, турмуш тарзимиз ва онгимизга чуқурроқ кириб борди. Боқимандалик кайфиятлари чекина бошлади. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатлари йўлидаги тўсиқлар камайди. Давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида дастлабки ютуқларга эришилди. Бу ҳақда яқинда Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил яқунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда батафсил гаплашиб олган эдик.

Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролар ҳамжихатлиги республикаимиз иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги туб ислоҳотлар муваффақиятига асосий кафолат бўлди. Бу натижалар, энг аввало, дунёқарашимиздаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Фидойи, меҳнатқаш, танти халқимиз мустақиллик ва мамлакатимизнинг буюк истиқболига интилиб, Ватаннинг кадру қиммати, миллатнинг шаъни эканини англаб,

истеъдодини, бутун имкониятини, бутун кучини элу юрт истиқболига бахшида этмоқда.

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарақ ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназзулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислохотларга қодир бўла олмайди.

Ана шу жиҳатдан қараганда, Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири экани қувончли ҳодиса.

Хоразм вилояти заминида камол топган не-не алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб буюк инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хева шаҳри тарихи билан боғлиқдир.

Хева шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда бўлиб ўтган 28-сессияси Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ҳукумати бу халқаро ҳужжат асосида ўзининг махсус қарорини қабул қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг кенг нишонланиши ва 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ҳам ўзбек маданияти, маънавияти ва тарихининг жаҳон саҳнида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб кадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Худди ана шу кадриятлар ўтиш даврининг қийинчилик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад бўлмоқда.

Айни вақтда миллатимиз, халқимиз, шу жумладан, мард ва танти



хоразмликлар ҳам ўз меҳнатлари ва фидойиликлари билан она юртимизнинг ҳар томонлама равнакига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бироқ бугун фурсатдан фойдаланиб, Хоразм халқининг оғир меҳнатини, заҳматкаш ва мисл сиз бунёдкорлик фазилатларини чуқур эътироф этган ҳолда, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ва ҳал этилиши зарур бўлган айрим муаммолар тўғрисида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят аҳли бир қанча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, халқ хўжалиги тармоқларида мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлмоқда. Кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Бироқ иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва кадрлар билан ишлаш борасида қатор муаммолар, хато ва камчиликлар ҳам бор.

Улар нималарда кўринади?

Аввало, хусусийлаштириш ва кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантиришда юзакичилик, унинг моҳиятига чуқур етиб бормаслик ҳоллари мавжуд. Вилоятнинг Дружба шаҳри, Гурлан, Шовот, Урганч туманларида асосий ҳудудий дастур бўйича давлат корхоналарини хусусийлаштириш режалари бажарилмапти.

Вилоятда кўчмас мулк ва қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам бажарилмаган. 1995 йили бор-йўғи қурилиши тугалланмаган 8 та объект сотилган, холос.

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаганлиги оқибатида вилоят бизнес-фондидан бор-йўғи 17 та корхонага кредит берилган.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш бозор иқтисодиётининг асосидир. Биз ана шундай кичик, аммо самарали соҳани ривожлантирмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга етиш қийинлашади.

Хоразм азалдан тадбиркорлар, ишбилармонлар юрти. Бироқ кейинги йилларда бу ерда оқсаш юз бермоқда. Биз мустақилликнинг дастлабки йилларида бу ерга келиб, 1992 йилдаёқ қурилган дўкон

расталари, тадбиркорлар ишини кўриб, бутун мамлакатга ўрناк қилиб кўрсатган эдик.

Афсуски, ўтган уч йил давомида иш суръати жуда сустлашиб кетди. Айниқса, вилоятнинг Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгибозор туманларида аҳвол ачинарли. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси, бизнес-фонд, банк бўлимлари томонидан етарли эътибор ва зарур ёрдам кўрсатилмаганлиги натижасида 1995 йилда вилоятда рўйхатдан ўтказилган жами корхоналардан 2700 га яқини ёки ҳар уч корхонадан бири фаолият кўрсатмаган.

Урганч шаҳрида кичик, хусусий ва бошқа корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, ссуда пуллари, уларнинг ундирилиши ва бошқа ишлари ўрганилмасдан, "фаолият кўрсатмаяпти" деган асосда давлат реестридан тушириш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилинган.

Кичик, ўрта ва хусусий корхоналарни ташкил этишда бир ёқламалик кўзга ташланади. Улар ўз низомларида кўзда тутилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўрнига кўпроқ олди-сотди, воситачилик билан шуғулланишдан нарига ўтмаётир.

Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашимиз мумкин. Бу ҳақда халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари сессияларида ҳамда мамлакат Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида айтиб ўтилди.

Бу ерда яна бир бор такрор айтмоқчиман: саноатни қишлоқ жойларга олиб бориш, уни кенг ривожлантириш, янги кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва қўшимча иш жойларини яратиш билан чекка жойларда яшаётган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш керак. Аҳоли ўсишини ҳисобга олсак (вилоятда бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил этади), бу тадбир нақадар муҳим ва долзарб эканини англаш қийин эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналарни ташкил этиш

ва чет эл инвестицияларини жалб этиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мавжуд қўшма корхоналарнинг самарадорлиги паст. Ҳатто уларнинг учдан икки қисми ўз фаолиятини турли сабаблар билан тўхтатиб қўйган.

Урганч шаҳридаги Ўзбекистон-Жанубий Корея "Савдо уйи", Қўшқўпир туманидаги "Диёр", Дружба шаҳридаги "Питнак" ўзбек-турк қўшма корхоналари икки йилдан буён ишламаяпти.

Бунинг сабаби нимада? Нега хорижликлар катта умид билан келишади-ю, кўп ўтмай ноумид бўлиб қайтиб кетишади? Улар ё турли расмиятчилик, тўрачилик тўсиқларига ё таъмагирлик иллатларига учрамоқдалар. Айрим раҳбарлар ўзларининг шахсий нуқсонлари билан халқ ризқини кесмоқдалар.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 40 мингдан зиёд фойдали меҳнат билан банд бўлмаган киши бор. Энди бунга қишлоқ хўжалигидан озод қилинадиган ортиқча ишчи кучларини қўшинг. 1995 йилда меҳнат бўлимларига 13672 киши мурожаат қилган, 9734 киши иш билан таъминланган.

Адолат нуқтаи назаридан айтиш лозим:

кейинги йилларда Хоразмда саноатнинг ривожланиши кўзга ташланмоқда. 1995 йилда вилоят саноат корхоналари томонидан 1994 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 29 фоиз кўпайтирилди. Умумий саноат маҳсулотининг асосий қисми давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилган. Бироқ бу умумий кўрсаткичнинг орқасида ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда барқарорлик мавжуд эмас. Кўпчилик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйилмоқда. Баъзилари эса ўз фаолиятини тўхтатиб қўймоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсганлигига қарамай, зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, нон ва кондитер, ун ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги бизни ташвишлантирмоқда.

Умуман, вилоятдаги 12 та туман ва шаҳардан 8 тасида, жумладан, Хева шаҳри, Урганч, Қўшқўпир, Ҳазорасп туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайтириб юборилган.

Вилоятдаги энг катта саноат корхоналари ҳисобланган "Хева гилами" ҳиссадорлик жамиятида, 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 28 фоиз, Урганч шаҳридаги "Ширин" ҳиссадорлик жамиятида эса 56 фоиз маҳсулот кам ишлаб чиқарилганини қандай тушуниш мумкин?

Капитал қурилиш соҳасидаги сансалорлик, айниқса, боқимандалик кайфияти вилоятда сурункали касалликка айланган. Маҳаллий раҳбариятнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги натижасида қурилишни маблағ билан таъминлашда турли молиявий манбаларни қидириб топиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Республика бўйича капитал маблағларнинг 67 фоизи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ва халқ хўжалиги тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлса, Хоразм вилоятида эса шу мақсадларга жами маблағларнинг 49 фоизи ажратилган.

Мамлакатимиз олдида янги технологияларни яратиш, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарни жаҳон стандартларига мос дастгоҳлар билан алмаштириш вазифаси турибди. Шунга асосан янги ускуналар сотиб олиш ва ўрнатишга аталган капитал маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда.

1995 йилда шу мақсадлар учун республика бўйича жами маблағларнинг 30 фоизидан кўпроғи ажратилгани ҳолда, бу кўрсаткич Хоразмда атиги 8 фоизни ташкил этади.

Вилоят раҳбарияти капитал қурилишларни вилоятнинг ўз кучи ва имкониятларидан фойдаланиб пул билан таъминлашда оқсаб қоляпти.

Шу ҳолда ажратилган капитал маблағларини ўзлаштирмасликни чидаб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайман. Масалан, Туямўйин - Урганч сув қувири қурилишига ажратилган маблағнинг атиги 39 фоизи ўзлаштирилганлиги кечирилмас ҳолдир.

Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти. 1994 йилда 796 минг сўмлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилган бўлса, 1995 йили бу кўрсаткич 128 минг сўмни ташкил этди.

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир даврда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган талаблар бор. Булар, аввало, маҳсулот сифатини ошириш, рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб

чиқариш, нархини камайтириш, истеъмолчиларнинг талаб-истакларини ўрганиш, улар билан бевосита алоқалар боғлашдир.

Мана шу масалаларга етарли эътибор берилмагани оқибатида саноат корхоналари оморларида қарийб 3 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан турибди. Бу нима деган гап?

Республикамизда бозор муносабатлари ривожланиши баробарида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу тадбирларни амалга оширишимиздан асосий мақсад - мамлакатимизда мулкдорлар сафини кенгайтириш. Чунки мулк эгаси ҳеч қачон қўлидаги мулкка хиёнат қилмайди, авайлайди, уни ўз моддий фаровонлигининг манбаи деб билади .

Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Акциядорлар ўз улушларининг моҳияти ҳақида тўлиқ тушунчага, ўз пайларига мувофиқ олишлари лозим бўлган дивидендлар миқдори тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

Умуман олганда, 1995 йил якунига кўра акция сотган корхоналарнинг 30 фоизи сотилган акциялари учун дивиденд тўлай олмади! Жумладан, Хева сут, Янгибозор агрохимсервис, Урганч туман тайёрлов-сотиш ҳиссадорлик жамиятлари, Боғот агроқурилиш механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқа ташкилотлар бу соҳада оқсамоқдалар.

Бундай нохуш аҳволни қандай изоҳлаш мумкин? Бу аҳоли ўртасида қимматбаҳо қоғозларга бўлган ишончни йўқотиш эмасми? Бу бутун иқтисодий ислохотларимиз обрўсини, самарасини ҳам пасайтирадиган, айти пайтда кечириб бўлмайдиган ҳол-ку!

Банклар, солиқ идоралари ва ҳокимларнинг таъсирчан чоралар кўрмаганлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эътиборсизлик билан қараётганликлари натижасида вилоятда пул эмиссияси ортиб бормоқда. Йил якунига кўра вилоятда эмиссия миқдори 64 фоизга етди. Бу режалаштирилган миқдорга нисбатан 42 фоиз кўп демакдир.

Боғот, Янгибозор, Қўшқўпир туманлари ҳокимликларининг бу соҳадаги фаолиятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик.

Эмиссия миқдори Боғотда 77,6 фоизни, Янгибозорда 80,1

фоизни, Қўшқўпирда 85,5 фоизни ташкил этади. Ана энди мазкур туманлар ҳокимлари ўз фаолиятларига ўзлари баҳо беришсин.

1995 йил якунлари бўйича вилоятда чакана савдо обороти 1994 йилга нисбатан 88,5 фоизни ташкил этган. Дружба шаҳри, Хева, Боғот туманларида эса қарийб икки баравар камайиб кетган.

Мен Олий Мажлис сессиясида қишлоқ аҳолиси учун маиший хизмат шохобчаларини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхтаган эдим. Бу жуда муҳим масала. Бу турмуш тарзимизни, маданий савиямизни белгилайдиган ҳодиса. Бироқ вилоятда маиший хизмат шохобчалари аҳоли эҳтиёжига нисбатан 2-4 баробар кам ташкил этилган.

Вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ўтган йили аҳолига жами 530 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган, бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан таққосланган нарҳда 52 фоизни ташкил этади. Жон бошига маиший хизмат кўрсатиш вилоят бўйича бор-йўғи 70 сўмга тўғри келмоқда.

Вилоятдаги 124 та ҳаммомдан 43 таси ишламайди. 13 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Қўшқўпир туманидаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида битта ҳаммом бор, у ҳам ишламай турибди. Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Ҳурматли депутатлар!

Дикқатингизни бир далилга тортмоқчиман. 16-асрда, Ҳожибхон замонида Хева хонлигида жами 800 минг, Хева шаҳрининг ўзида эса 18-20 минг одам яшаган.

Ўша замонда Хева шаҳрида 3 та катта очиқ бозор, 1 та тим, яъни ёпиқ бозор, 15 та бозорча, 3 та катта ҳаммом, яна йигирмата масжид-мадрасанинг ҳар бирида тўла жиҳозланган ҳаммом мавжуд бўлган, яъни жами 23 та ҳаммом хизмат қилган. Ҳозирги кунда 52 минг одам яшаётган Хева шаҳрида ҳаммаси бўлиб 4 та ҳаммом, битта бозор ишлаб турибди, холос.

Буни қандай тушуниш мумкин?

Аҳоли сони ўсган, дунёқарашимиз ўзгарган, турмуш тарзимизни жаҳон андозаларига мослаштираётган бир пайтимизда бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

Маиший хизмат соҳасини ривожлантириш вилоят, туман, хўжалик раҳбарларининг зиммасига юклатилган. Ҳар бир раҳбар ўз ташкилоти ҳудудида аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратиш учун жавобгар. Буни тан олмайдиган ёки тушунмайдиган кишининг раҳбар бўлиб ишлашга маънавий ҳаққи йўқ.

Хурматли дўстлар!

1995 йилда вилоят меҳнаткашлари деҳқончиликда юқори ҳосилдорликка эришиш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ кондириш борасида фидокорона меҳнат қилдилар. Давлатга пахта сотиш режаси барча туманларда ошириб бажарилди.

Кези келганда яна шуни алоҳида таъкидлашим керакки, биз деҳқончиликда туб ўзгаришлар ясашимиз даркор. Бу ҳақда яқинда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам гапирган эдим. Энди мамлакат турли минтақалари табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, меҳнат сарфи ва унинг қийматини белгилаш тизимини яратишимиз керак.

Ер шароити ўта ёмон бўлган зоналарни аниқлаш, мазкур зоналардаги хўжаликларга ёрдам бериш тизимини ишлаб чиқишимиз даркор. Деҳқончиликда эскилик сарқити сифатида ҳозиргача мавжуд бўлган "тенглик" ижтимоий ва иқтисодий адолат тамойилларини қўпол равишда бузишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Энди бунга чек қўйиш керак. Ана шунда деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ошади!

Шу ерда яна бир масала хусусида гапириб ўтишни лозим топаман. Биз умуман деҳқон, деҳқончилик ва ерга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Илгариги жамоачилик, умумий манфаатдорлик кайфиятидан тезроқ қутулиб, ҳар қарич ер ризку рўзимиз манбаи эканлигини, ундан шахсий манфаатдор бўлаётганимизни чуқур англамоғимиз даркор.

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Зотан, азалдан шарқда яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган! Келинг, энди аждодларга муносиб бўлиб, қутлуғ анъаналарни бойитайлик!

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш

натижасида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиб, мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳукумат қарорлари асосида вилоятда 40 дан зиёд давлат хўжаликлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ва 110 та чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Айни пайтда 878 деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қўзланган натижани бермаяпти. Хусусан, ўтган йили ғалла етиштириш бўйича топшириқлар барбод бўлди. Режалаштирилган 55 минг тонна ўрнига зўрага 38 минг тонна буғдой етиштирилди.

Республикаимиз аҳолиси учун зарур бўлган шоли етиштириш ва давлатга сотиш режасини бирорта ҳам туман уддалай олмади. Дон ва шоли ҳосилдорлиги Урганч, Ҳазорасп туманларида 5, Хонқада 10, Хева, Янгибозор, Шовот туманларида 4-8 центнерга камайиб кетди.

Вилоятда бу кўрсаткич асосан ердан унумли фойдаланмаслик, илғор тажрибаларга суянмаслик, лоқайдлик ва меҳнатга муносабатнинг бўшашганлиги, раҳбар кадрларнинг эса жавобгарлик ҳисси камайганлиги оқибатида рўй бермоқда.

Ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотларнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган чорвачилик фермалари фаолиятини ташкил этиш борасида жиддий хатоларга йўл қўйгани туфайли моллар сони 15 минг бошга камайган. Бу хўжаликларда сут, гўшт етиштириш ва сотиш эса 1995 йилда аввалги йилга нисбатан пасайтириб юборилган. Ҳар юз бош сигирдан бузоқ олиш 6 тага камайган.

Вилоятда фермер хўжаликлари сонининг ўсишига қарамасдан, уларнинг улуши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмида сезиларсиз бўлмоқда.

Энди биз қишлоқ жойларда пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ олиш тизимини ривожлантиришимиз, хўжаликлар раванқини таъминлашнинг турли шаклларида фойдаланишни йўлга қўйишимиз даркор. Умуман биз қишлоқ хўжалигида энг замонавий, энг халқчил ва тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг манфаатига мос келадиган усулларни эгаллашимиз лозим.

Шу ерда бир амалий таклифни яна такрорламоқчиман. Қани,



ораларингизда билимдон, мард ҳокимлар бўлса, уларнинг ҳар бири битта ёки иккита хўжаликни пай услубига ўтказиш, бу янги усулнинг самарасини амалда исботлаш учун майдонга чиқсин!

Ҳар бир ҳоким белни маҳкам боғлаб, ишга ижодий ёндашиб, янги усулни амалга оширишда яхши тажриба орттириб, ўзининг энг оқил ва тадбиркор раҳбар эканини бутун мамлакатга, халқимизга намоён қилсин.

Ҳурматли депутатлар!

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш нафақат тиббий, балки ижтимоий, сиёсий муаммо ҳамдир. Маълумки, ҳукумат мамлакатда физкультура ва спортни такомиллаштириш, айниқса, энг оммавий спорт тури бўлган футболни ривожлантириш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилди.

Энди биз футболчиларнинг янги авлодини тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз лозим. Ватанимиз спортининг халқаро нуфузини ошириш борасида кўп ишлашимиз лозим.

Спортнинг халқаро нуфузи дегани аслида нима ўзи? Спортимиз дунёга машҳур бўлса, демак, халқимизнинг ўзи ҳам барча мамлакатларга машҳур бўлади, нуфузи ошади, жаҳон аҳли кўнглида кизиқиш ва ҳавас уйғотади.

Шу ўринда ўтган йили Хитойга қилган сафаримизни яна бир марта эслаб ўтмоқчиман. Расмий сафар арафасида миллий футбол командамиз хитойлик рақибларини енгиб, Осиё чемпиони бўлган эдилар. Сафар чоғида бизнинг делегациямизни хитойликларга таништиришга эҳтиёж туғилгани йўқ. Қаерга бормайлик, ҳукумат қабулидан тортиб, оддий фирмалар жамоасига қадар, ҳамма-ҳаммаси бизнинг футболчиларимиз ютуғини албатта эслатиб ўтишди.

Сиз энди бир тасаввур этинг. Хитойда салкам бир миллиард икки юз миллион одам яшайди. Биргина футбол ўйини туфайли бизнинг ёш мустақил давлатимизни дунё аҳолисининг бешдан бир қисми таниди, билди, бизга ҳавас қилди!

Биз жон куйдириб, диёримизда спортни равнақ топтиришга шунчалик катта эътибор бераётганимизнинг боиси ҳам ана шунда. Яна такрор айтаман: спорт туфайли соғлом авлодлар вужудга келади ва мамлакат шухрати жумлаи жаҳонга тарқалади.

Ўтган йили Урганчнинг "Динамо" жамоаси олий лига таркибига кирди. Бу сўзсиз катта муваффақият. Бироқ бу вилоят спортида муаммо йўқ, деган гап эмас. Биз мамлакатнинг ҳар бир туманида қайсидир тур бўйича ғолиблар бўлишини хоҳлаймиз.

Яна бир ойдан кейин катта мусобақаларни бошлаймиз. Ана шу спорт кўригида барча туман ва шаҳарлар вакиллари иштирок этиши лозим. Бу олис истикболни кўзлаган Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш йўлидаги амалий иш. Халқ соғлиғини, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан биридир. Биз ҳеч кимнинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Республикамизда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади. Шу боисдан ҳам оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, хизмат турлари сонини кескин кўпайтириш лозим. Вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз. Бугунги кунда вилоятда умумий касалланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 1,3 баробар юқори.

Муҳим ижтимоий масала, яъни қишлоқ аҳолисининг 45 фоизи, шаҳар аҳолисининг 20 фоизини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳал этилмаган.

Касалхоналар ва поликлиникаларни тиббиёт техникаси билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Мавжуд диагностика аппаратлари эскириб, яроқсиз аҳволга келган. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида кейинги 5 йил ичида бирорта ҳам санитар машинаси олинмади.

Айтинглар-чи, юқорида келтирилган фактлар экологик жиҳатдан ниҳоятда қийин минтақада жойлашган вилоят учун тўғри келадими? Бунинг учун қим жавоб бериши керак? Маҳаллий раҳбар ташкилотлар нима билан шуғулланыпти?

Энди бу соҳани ривожлантириш учун барча шаҳар ва туман ҳокимлари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар халқ саломатлиги ҳақида жиддий бош қотиришлари лозим.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу - маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва рухий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган давридан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий кадрятлар асосида тарбиялашимиз лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир. Уларга чет тилларни мукамал билиб олишлари, эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг жаҳон миқёсига чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тўғриси айтиш керак, халқ таълими муассасалари ўз ишини янгича шароитларда ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда. Бу бевосита Хоразм вилояти халқ таълими раҳбарларига ҳам тегишли.

1994-95 ўқув йилида вилоятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг ҳар беш нафаридан бир нафари ҳанузгача иш жойларига етиб келгани йўқ.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 780 нафар ўқитувчи етишмайди. Математика, информатика, ўзбек тили, физика, химия, тарих фанлари ўқитувчиларига эҳтиёж ниҳоятда катта.

Вилоят бўйича болаларни боғчаларга жалб этиш 20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 12 фоиз камайган. Ҳозирги кунда 4490 ўринга эга бўлган 53 та болалар боғчаси ёпиб қўйилган. Мавжуд боғчаларнинг ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Уларнинг аксарияти Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли.

Хонқа тумани "Хоразм" жамоа хўжалигидаги боғчалар текшириб кўрилганда, биналарнинг яхши иситилмаслиги, сув йўқлиги, 90 ўринга мўлжалланган "Пахтаой" номли боғчада атиги 30 нафар бола борлиги, тайёрланаётган овқатларнинг сифатсиз экани аниқланди, болалар сариеғ, гўшт истеъмол қилмаяпти. Аксарият мактабгача тарбия муассасаларида идиш-товоқлар етишмайди.

Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. Шаник ов эса ўтган йили 7 миллион сўм фойда олганига қувониб юрибди. Болалар боғчалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари аҳволидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш, муаммоларини ҳал этиш ҳам раҳбар зиммасида-ку!

Фақат режа кетидан қувиб, катта даромад олингани билан кеккайиб юриш замони ўтиб кетди. Ҳозирги раҳбар хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши керак. Ёнида пули бўлиб, ундан фойдаланишни билмаган раҳбарни ёки бойлигини фарзандидан қизганган отани қандай баҳолаш мумкин?

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти тизимнинг ҳозирги аҳволи билан ҳар томонлама етук, янгича фикрлайдиган, янги технологияларни жорий эта оладиган, маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда фаолият кўрсата биладиган ёшларни тайёрлашга қодирми?! Афсуски, йўқ! Биз бу соҳадаги фаолиятимизни бутунлай ўзгартиришимиз, жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан Шарқ педагогикаси анъаналари уйғунлашган мукамал тизим яратиб, дастур ишлаб чиқишимиз лозим.

Вилоятдаги аксарият кутубхоналарнинг иши бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тарғиб қилиш йўлга қўйилмаган. Мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар йўқ ҳисоби.

Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съездлари материаллари, ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисодиёт масалаларига доир адабиётлар авайлаб сақланмоқда.

Шовот туманининг баъзи жойларида собиқ КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари ҳамон кўз-кўз қилиб қўйилганини, бу ердаги стадион ҳалигача Ленин номида эканлигини қандай тушуниш мумкин?

Бу нима деган гап?! Эски тузумни қўмсашми ёки лоқайдликми? Бу ўтмишни соғинишми, уни ташвиқ қилишми ёки янгиликни онгли равишда инкор этишми?

Бу туманларда, "Э, оғайни, кўзингни оч, уйғон, замон ўзгарганига, янги ҳаёт ва янги сиёсат кириб келганига беш йил бўлаяпти. Тур, кўрпангни йиғиштир", дейдиган зот борми?!

Очиғини айтаман: айрим қўшни мамлакатлардаги хаёлпараст "сиёсатдон"лар ўтмишга қайтиш ҳақида сафсаталар тўқишмоқда. Бу орамиздаги баъзи эътиқоди заиф, иймони суст кишиларни чалғитмоқда. Истиклолимиз ғанимлари худди ана шу "заиф" томонларимиздан усталик билан фойдаланишмоқда.

Кези келганда яна такрор ва такрор таъкидлайман: Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта - озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислохотларни амалга ошириш!

Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши турамыз. Шунинг учун биз ношуд, лаёқатсиз ёки онгли равишда ишимизга халақит берадиган кишилар билан келиша олмаймыз.

Ҳурматли депутатлар!

Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниш, дунёни англаш, шу билан бирга дунё саҳнига чиқиш демакдир. Биз ана шу муҳим соҳани ривожлантиришимиз, унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хева каби шаҳарларимизнинг 2500 - 3000 йиллик тарихи бор. Бу - жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин.

Қолаверса, дунё халқлари юртимизга қанча кўп келса, шунча кўп таниламыз, шунча кўп имкониятларимизни кўрсатамыз. Бунинг учун, энг аввало, меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишимиз, уни жаҳон андозаларига тенглаштиришимиз керак.

Европада шундай мамлакатлар борки, хариталарда кўринмайди. Бироқ ўз аҳолиси сонидан 90-100 баробар кўп сайёҳларни қабул қилади. Фақат шу йўл билан бутун мамлакат тараққиётини таъминлайди.

Бу йил 2500 йиллигини нишонлайдиган Хева шаҳрига эса кейинги тўрт йилда ҳаммаси бўлиб 15 мингдан ортиқроқ хорижлик сайёҳ келган. Бу ўзининг кенг имкониятларини кўрсата

билмасликдан, ношудлик ва уқувсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Азиз дўстлар!

Биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат куриш йўлидан бораёпмиз. Биз, мамлакат фуқаросининг кимлигидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига, қонун устуворлигига эришишга интиламиз. Афсуски, ҳаёт ҳали бу борада қатор тўсиқларни енгиш кераклигини кўрсатмоқда.

Албатта, бу борада анча-мунча иш қилинди. Жумладан, республикада содир этилаётган жиноятлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Таққослаш учун олганимизда, ҳар 10 минг аҳолига тўғри келадиган жиноятлар Россияда 184 та, Қозоғистонда 98 та бўлса, Ўзбекистонда 30 тани ташкил этади. Хоразм вилоятида ҳам бу соҳада сезиларли иш олиб борилмоқда.

Бироқ бизни ташвишга соладиган айрим ҳолатлар ҳам мавжуд. Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмидан кўпини гиёҳвандлик ва мулкни ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилмоқда. Маълумотлар гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, Дружба шаҳрида, Боғот, Ҳазорасп туманлари ва Урганч шаҳрида кенг тарқалганини кўрсатмоқда. Наркотик моддаларни ташиш ва уни истеъмол қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Фуқаро Е. Мадаминов 30 килограмм миқдордаги наркотик моддани сотиш мақсадида сақлагани учун Урганч шаҳар суди томонидан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ваҳоланки, қонунда 15 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўрсатилган. Бу иш вилоят судининг ҳайъатида қайта кўриб чиқилиб, тайинланган жазони ноқонуний равишда икки йил муддат қилиб белгилаган.

Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмига яқини гиёҳвандлик билан боғлиқ. Хўш, наркобизнесга қарши кураш кучайтирилиши лозим бўлиб турган бир пайтда вилоят суди ҳайъатининг бундай "муруввати"ни қандай тушунса бўлади? Бу кўнгилчанликми, уқувсизликми ёки инсонпарварлик ниқоби остидаги шахсий манфаатпарастликми?!

Бунинг орқасида фақатгина пора - порохўрлик бор.

Вилоят суди ҳайъатининг хатоси Республика Олий суди томонидан тузатилиб, дастлабки суд ҳукми ўз кучида қолдирилди. Энди вилоят суди раиси Ҳ. Жуманиёзов ўзини нима билан оқлайди?

Вилоятда суд жараёнида адолат принципларини мустаҳкам ушламаган, мавжуд қонунчиликни қўпол равишда бузган 10 дан ортиқ судья ўз лавозимларига қайта тайинланмади.

Жиноятларнинг ҳар учтадан биттаси ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрганлар томонидан содир қилинмоқда. Ўтган йили ҳали 18 ёшга тўлмаган 81 нафар ўсмир жиноятга қўл урган. Бу ҳолат тарбиявий ишларнинг суст ва самарасиз эканлигидан дарак беради.

Бедарак йўқолган 24 киши қидириб топилмаган. Олдинги қонунбузарлиги учун судланиб, жазони ўтаган, айниқса, қамоқхонадан озод қилинган шахсларга нисбатан профилактик тадбирларнинг самарасизлиги оқибатида такрорий жиноятлар 11,0 фоиз кўпайган. Жиноят содир этишга мойиллиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турганлардан 41 киши яна жиноят содир этган.

Талон-торож, дўкон ва омборхоналардан товарларни ўғирлаш, гуруҳ бўлиб жиноят қилиш ҳоллари йилдан-йилга ошмоқда. Ўтган йили 117 жиноят очилмай қолган, 41 жиноят ишини ким содир қилгани аниқланмаганлиги учун тергов ишлари тўхтатиб қўйилган.

Вилоятда Шарқ аёлларига хос бўлмаган ҳодисалар юз бермоқда. Жумладан, улар ўртасида товламачилик, ўғирлик, ўз шаънига доғ тушириш каби жиноятлар кўпайиб, бир йилда 163 тани ташкил этади.

Вилоятда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари борми ўзи? Улар нима билан шуғулланыпти? Ташкилий-тарбиявий, маданий-маърифий ишларни жонлантиришга масъул бўлган шахслар қаерда?

Ташкилотларда кўзбўямачилик, нотўғри ҳисобот бериш ҳоллари авж олмоқда. Худди ана шундай ҳолатдаги 31 жиноят ҳисобдан яширилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, жиноятга қўл урмоқда.

Урганч шаҳар ички ишлар ходимлари, милиция катта лейтенанти Лобжанидзе ва милиция капитани Бобожонов таъмагирлик қилиб пора олгани учун жиноий жавобгарликка

тортилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Божхона хизмати ходими Р. Абдуллаевнинг ўзи ноқонуний равишда республика ташқарисига қорамол терисини чиқаришда қатнашгани ва сохта ҳужжатлар тузгани учун жиной жавобгарликка тортилган.

Хукукни муҳофаза қилувчи идораларни ва, айниқса, ички ишлар идораларини нолийқ ходимлардан тозалаш шу идора раҳбарларининг бурчи эмасми? Уларга ўз вазифаларини таъкидлаб, уқтириб туриш керакми?

Хукукни муҳофаза этувчи идоралар - милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим.

Вилоятда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги иқтисодий ислохотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислохотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганликларига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Бунинг учун биз янгича фикрлай оладиган, янги технологиялар асосида ишлай биладиган, замонавий соҳаларни чуқур эгаллаб, самарали фаолият кўрсатадиган ёшларни тарбиялашимиз ва уларга таянишимиз лозим.

Хоразм вилояти ҳокимлиги бу муҳим ишга юзаки ёндашмоқда. У атрофлича таҳлилларга ва кадрлар сиёсатининг аниқ концепциясига эга эмас. Айрим шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари билан ўтказилган суҳбатларда уларнинг ҳаётдан узилиб қолганлиги, ҳамон эскича ишлашга мойиллиги кўзга ташланди. Уларнинг аксарияти иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонун-қоидаларни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини чуқур англаб етмайди, ўз фаолиятларини замон талабларига мослашга қодир эмас.



Вилоят ҳокимлиги тасарруфига олинган кадрларнинг ўртача ёши 51 ёшни, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёш даражаси эса 52 ёшни, янги захирага танланган кадрларнинг ўртача ёши эса 40 ёшдан юқорини ташкил этмоқда.

Нима учун орангизда 30-35 ёшлардаги навқирон йигит-қизлар оз?! Бу кимнингдир ҳаловат истагими, ёшларнинг шиддатидан ҳадиксирашми ёки янгича ишлашга қодир бўлмаган ношуд раҳбарнинг мансаб курсисидан айрилиб қолишдан чўчишими?

Бу саволларга жавоб топишимиз керак.

Ҳокимият тасарруфидаги масъул лавозимларга танланган 586 кадрдан бор-йўғи 9 фоизга яқинроғини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини нима билан изоҳлайсизлар?

Яна бир камчилик шуки, вилоятда ва туманларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик иллатлари илдиз отмоқда. Айрим туман ҳокимлари ўғилларини ўзлари бошқараётган ҳудудда раҳбарлик лавозимларига тайинлаганига, ҳокимликдаги турли вазифаларга эса қариндошлари, таниш-билишларининг ўғилларини қабул қилганлигига нима дейиш мумкин? Мана сизга ҳокимнинг маънавий қиёфаси!

Биз жуда яхши биламиз: айрим туманларда талай аҳмоқгарчиликлар содир этилган. Уй сотиш ва уй олиш, машина сотиш ва машина олиш масаласида айрим ҳокимларнинг иштаҳаси жуда зўрайиб, ҳаддан ошиб кетган.

Бундай ҳолатларни ўрганиб, тегишли чоралар кўришни биз албатта охирига етказишимиз шарт.

Вилоят ҳокимлигида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларни ўзлари эгаллаган лавозимларига нисбатан масъулиятини оширишда жиддий нуқсонлар аниқланмоқда.

Ўтган йили вилоят ҳокимлигининг руҳсати билан қиймати 5 миллион 900 минг АҚШ доллари бўлган 25 минг тонна гуруч, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тақиқланганига қарамай, вилоятдан ташқарига маҳсулот айирбошлаш йўли билан чиқариб юборилган. Эвазига автомобиль, мотоцикл, конфет, мебель, спиртли ичимликлар сингари кундалик турмушимизга унчалик зарур бўлмаган маҳсулотлар олиб келинганлигини қандай тушуниш мумкин?

Айни пайтда аҳоли эҳтиёжини қондириш учун республикага четдан 10 минг тонна шоли олиб келинган. Бундай қимматбаҳо маҳсулотни кераксиз молларга айирбошлашдан ким манфаатдор?

Ёш кадрларни тарбиялаш, улар фаолиятини назорат қилиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунинг оқибатида Урганч шаҳар Ёшлар иттифоқининг биринчи котиби С. Оллоберганов рэкет гуруҳи ташкил этиб, жинойт содир қилганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу шаҳарда ёшлар билан ишлаш муаммосининг нақадар аянчли эканлигидан далолат беради.

Биз ҳамма вақт, фаолиятимизнинг ҳар бир дақиқасида кадрлар тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Раҳбарликнинг турли даражасида ишлаганимиз билан биринчи навбатда ота-она эканлигимизни, фарзандлар камоли учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак.

Кейинги йилларда туман ва шаҳар ҳокимликларида ташкилот ва корхона раҳбарларининг давлат ҳамда жамоа мулкига тўғри муносабатда бўлишига ва уни асраш масалаларига эътибор берилмаяпти. Натижада 1995 йилда молиявий текшириш ўтказилган 495 ташкилот ва муассаса раҳбарларидан 303 нафари давлатга 4,5 миллион сўм зарар етказганлиги маълум бўлди. Шу жумладан, халқ таълими муассасаларида 616 минг сўмлик, соғлиқни сақлаш муассасаларида эса 283 минг сўмлик камомад, ўғирлик, маблағларни ноқонуний сарфлаш ҳолатлари аниқланган.

Халқнинг дардига бефарқ қарайдиган, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнакига, халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди. Бизга шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим деб, юртим деб куйиб-ёнсинлар, ўз ҳаловатидан кечиб меҳнат қилсинлар!

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

Қадрли дўстлар! Муҳтарам Хоразм аҳли!

Мен мамлакат Президенти сифатида бу ерга фақат сизларни

танқид қилиш учун, деҳқонча тил билан айтганда, "дўппослаш" учун келганим йўқ.

Камчилик ва нуқсонларни фош этиш, тартиб ўрнатиш учун мамлакат Президенти келиши мутлақо шарт эмас. Яна айтаманки, ёшулли Каримов келиб хатоларимизни айтади, кейин биз уларни тузатамиз, деб ўйлаганлар катта хато қилади!

Шу юрт фарзанди эканман, Хоразмда рўй берган ҳар бир кўнгилсиз ҳол учун менинг ҳам жоним оғриydi. Шу юртнинг раҳбари сифатида ҳар бир кўнгилсиз ҳол учун мен ҳам жавобгарман.

Яхшилаб тушуниб олингларки, мен бу муқаддас заминга қаттиққўл терговчи ёки тафтишчи сифатида келганим йўқ.

Сизлар билан, дунё кўрган ёшулли инсонлар билан Хоразм вилоятининг бугуни ва келажаги ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Бугунги учрашувдан муддао шуки, сизу биз Хоразмнинг ўзига хос муаммолари, олдимизни тўсиб турган тўсиқлар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Ниятимиз шуки, муаммоларни аниқлаб олиб, ундан кейин вилоятдаги мавжуд имкониятларни, агар вилоятнинг ўз кучи етмаса, унда бутун мамлакатда мавжуд салоҳиятни, имкониятлар ва ресурсларни Хоразмдаги муаммоларни ечишга, хоразмлик инсонларнинг оғирини енгил қилишга сафарбар этишимиз даркор.

Қандай масалалар ҳақида биринчи навбатда гап кетяпти?

Биринчи навбатда Хоразмда ер муаммосини оқилона ечиш лозим.

Бу масаланинг бир неча қирраси бор. Ҳаммамиз яхши биламиз: Хоразм вилоятида ҳар бир қарич ер олтин билан тенг. Бу ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдор ерларнинг оборотдан чиқиб кетишига чек қўйиш, керак бўлса, барча имкониятларни ишга солиб янги ерларни ўзлаштириш Хоразм учун энг долзарб вазифа.

Агар шу вазифани уддаласак - марра бизники, хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроққа бир қарашда бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу

заминда яшайди.

Мен Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ер бонитети баллари асосида мамлакатимизда ер кадастрини тузишга ва шу кадастрга биноан деҳқонларимизнинг меҳнатига ҳақ тўлашни талаб қилганимдан хабардорсизлар.

Орол фожиаси кўшни Қорақалпоғистон билан Хоразм воҳасига, унинг иқлими-табиатига ҳам таъсири жуда салбий бўлаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу фожианинг энг ёмони, энг оғир таъсири шу заминда яшаётган одамзотнинг соғлиғи-саломатлигига бўлса, шу қаторда деҳқон тақдирига тушаётган оғирлигини ўлчаб бўлмас. Фақатгина бир мисол: Хоразм деҳқонлари ҳар йили 15 миллион тонна тузни даладан ювиб чиқаради!

Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари гектарига 25-28 центнердан ҳосил кўтарадиган бўлса, Хоразм вилояти йилига ернинг шўрини 3-4 марта ювиб, 30-35 центнердан ҳосил олади. Буни ким ҳисоблайди, буни ким кадрлайди?

Бунинг илдизи ва асоси, аввало - хоразмлик деҳқонларнинг фидойи экани, заминга меҳрида, Ватанга муҳаббатида, ориятида, иймонида!

Бундай ҳолни нафақат пахтачиликда, балки ғаллакорлик, сабзавотчилик ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги муаммоларнинг энг муҳими Хоразмда янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини сақлашдир.

Муҳтарам дўстлар, агар биз Хоразм воҳасида янги ерларни ўзлаштириш имконини топсак, унда минглаб одамлар ишли бўлади.

Иккинчи масала биринчиси билан чамбарчас боғлиқ. Хоразмдаги энг йирик муаммо - сув муаммоси. Деҳқончилик сув билан тирик. Бу ҳақиқатни сизлар мендан ҳам яхшироқ биласизлар.

Ер суғориладиган сув ҳам, ичимлик суви ҳам Хоразмда бирдай муаммо. Хоразм даласига келадиган сув, аввало, 1 миллион гектар ернинг шўрини, дренаж оқизикларини ўзида жамлаб, кейин бу ерга келади. Хоразм даласига келадиган сув аввал 5-6 миллион одам яшайдиган вилоятлардан ўтиб келади.

Айниқса, ичимлик сувининг ҳар томчиси бу ерда жуда қиммат. Туямўйин - Урганч сув қувурининг иккинчи навбатини тезроқ тугатиш керак. Одамларнинг эҳтиёжини, соғлиғини ҳимоялаш мақсадида Хоразмда шиша идишда ичимлик сув чиқарадиган завод қуриш қўлимиздан келмайдими? 3-4 миллион доллар топиб, Америкадан ёки Европадан энг замонавий технологияга асосланган завод олиб келишни ҳукумат зиммасига юклаш керак.

Токи тоза ва ширин сув ҳар бир қишлоққа, ҳар бир хонадонга кириб борсин. Бу айниқса ёшлар учун, болалар учун керак. Хоразмда сариқ касали кўп. Мен буни жуда яхши биламан. Бир вақтлар мен ўзим ҳам шу дардга чалиниб, Украинанинг Трускавец деган жойига бориб даволанардим. У ерда кимни кўп учратиш мумкин? Хоразмдан ўз дардига даво кидириб борган инсонларни.

Бирор юкумли касаллик қўпайса, биринчи навбатда тиббиёт ходимларини айблаймиз. Лекин айб асли бечора медикларда ҳам эмас, балки сувнинг ва табиатнинг тоза эмаслигида. Ичимлик суви масаласини ҳал этиш билан биз энг катта ижтимоий муаммони ҳам ҳал этамиз. Бу шунчаки қуруқ ваъда эмас, насиб этса, бир-икки йил ичида амалга ошадиган иш.

Учинчи масала - Хоразмда коммуникацияни ривожлантириш, темирйўл, автомобил йўли, телекоммуникация, замонавий алоқа қанчалик тез ривожланса, Хоразм вилоятининг равнақи ҳам шунчалик тезлашади. Бошқа вилоятлар билан, мамлакат маркази билан, қўшни давлатлар билан алоқаси янада яхшиланади.

Тўртинчи масаланинг бир қисмини олдинроқ ҳам айтиб ўтдим. Айбга буюрмайсизлар, дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб гапиради: сизларда эски замондан қолган "гигантомания" касали бор. Ҳаддан ташқари катта корхоналарни қуришга, шу билан ўзларингизни кўрсатишга ҳаракат қиласизлар.

Мен неча йилдирки, кичик, ихчам корхоналар қуришлар деб гапираман. Мана, биргина Хеванинг ўзини олиб қарайлик. Хева фақат меъморий обидалар билан эмас, балки косиблари санъати билан ҳам дунёга донг таратган эди.

Нега Хевада, бошқа шаҳарларда, шаҳар атрофидаги қишлоқларда касаначиликни ташкил қилиб бўлмайди? Шу баҳонада

уйда ўтирган қанчадан-қанча опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш мумкин-ку?

Турли касблар - кулоллар, тунукачилар, пичоқчилар, кадоқчилар, дўппидўзлар, телпақдўзлар ва ҳоказо касбларни қайта тирилтириб, неча минглаб одамларни иш билан, бозорни эса мол билан тўлдириб бўлмайдими?

Бўлади. Бунинг учун қунт керак, ҳафсала керак, меҳр керак, янада муҳими масъулият керак. Шу ишни қилинглار. Керак бўлса, майда косибларни солиқ тўлашдан махсус қарор билан озод қилиб берамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни айтишим керакки, танқид қилиш ёки тасаннолар айтиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади.

Мен бугун сизларга Хоразм вилоятининг келажак тараққиётини белгилайдиган махсус давлат дастурини тузишни таклиф қиламан. Вилоятнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер-сув масалаларини ҳал этиш - асло кечиктириб бўлмайдиган масала.

Керак бўлса, ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва мутасадди раҳбарлар шу ерга келиб ўтирсин, масалани ечсин, ҳал қилсин.

Бешинчи масала - кадрлар масаласи. Хоразмда кадрлар етарли. Сизларга четдан одам олиб келиб, мансабга тайинлаш ақлдан эмас. Лекин масаланинг бир тарафи борки, бу - ёш авлодни, ёш мутахассисларни, ёш раҳбарларни тарбиялаш, ўқитиш, уларни жаҳон миқёсига чиқариш.

Бу - аслида барчамизнинг вазифамиз. Хоразмдаги ёшларни ўқитиш, нафақат юртимизда, балки чет эллардаги энг нуфузли олий мактабларда ўқитишни ўз зиммамизга олишимиз даркор. Хоразмда махсус коллеж, лицей ва бошқа ўқув юртлари тизимини кенгайтириш лозим.

Мен аниқ ишонаман: гурланлик ёки хевалик, ҳазораспик ёки хонқалик болалар, худо хоҳласа, Оксфорд ёки Гарвардга бориб таълим олади, дунёнинг мана мен деган олим одамлари билан бемалол баҳслашадиган бўлади!

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Халқи шижоатли, бунёдкор, янгиликни ўз вақтида илғаб, уни

химоя қила оладиган мамлакатнинг келажаги буюк бўлади. Чунки ҳар қандай буюклик халқ даҳоси, халқ қудрати, халқнинг беқиёс иродаси билан дунёга келади. Мен ҳар доим мамлакатимиз ва халқимиз ҳақида ўйлаганимда унинг сиймосида ана шундай бунёдкорни кўраман ва фахрланаман.

Ўйлайманки, Хоразм вилояти фаоллари, барча меҳнаткашлари ориятли, шижоатли, фидойи ва мард халқимизнинг ҳақиқий вакиллари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиб, 1996 йилда туб ислохотларни янада чуқурлаштириб, янги, илғор тажрибаларни ўзлаштириб, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақига ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни кўшишингизга қатъий ишонаман.

Сўзимнинг охирида сизлар хоразмлик биродарларимиз хусусида яна икки оғиз сўзлашга ижозат бергайсиз.

Албатта, биз ҳаммамиз ягона миллат, ягона халқмиз. Айни замонда, Ўзбекистон шундай бир ажойиб мамлакатки, унинг турли минтақаларидаги одамлар ўз табиатлари, феъл-атворлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Фарғона водийсида вилоятлар аҳлини дўппидаги "қалампир" шаклига қараб ажратиш расм бўлган. Биламизки, хоразмлик ёшуллилар бошларига кўпроқ чўгирма-телпак кийишни маъқул кўрадилар. Аммо гап дўппи ёки чўгирмада эмас. Гап - бизнинг бирлигимизда, иймонимизнинг бутунлигида, ғайратимиз зўрлигида, меҳнатга бўлган чексиз меҳримизда.

Хоразмнинг меҳнаткаш аҳли олдида ҳар қанча бош эгсак, таъзим қилсак арзийди. Бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ўзбек дехқони деб айтганда, энг аввало, шундай оғир шароитда, ҳали киш захри кетмаган бир пайтда ернинг шўрини юваётган хоразмлик инсонларни тасаввур қиламан.

Шундай тажрибали, сабр-тоқатли, қаноатли инсонларимиз бор экан, мен қаттиқ ишонаманки, бизнинг барча ишларимиз албатта олға кетади. Биз, албатта, кўзлаган мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга етишамиз.

\* \* \*

Азиз дўстлар!

Юртдошлар!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни, Ўзбекистон аҳлини қизиқтирадиган яна бир долзарб масала ҳақида икки оғиз ўз фикримни, муносабатимни билдирмоқчиман.

Биз бугун қандай аҳволда яшаяпмиз? Атрофимизда нима ишлар бўляпти? Собиқ Иттифоқ минтақасида қандай интилишлар, қандай ҳаракатлар бўлаётгани ва умуман бугунги вазият тўғрисида сизлар хабардорсиз, деб ўйлайман. Лекин яқинда пайдо бўлган баъзи бир фикрлар, баъзи бир ҳаракатлар замирида СССРни қайта тиклаш ғояси ҳар томонлама тарғибу ташвиқ қилинмоқдаки, биз бунга ўз фикримизни билдиришимиз лозим.

Гап кеча Россия парламенти - Россия Давлат Думаси коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган бир қарор хусусида. Хабарингиз бор, 1991 йил 8 декабрь куни Россия, Украина, Беларусь давлатларининг раҳбарлари Белоруссиянинг Беловежская Пуша деган бир жойида СССР давлатининг тарқатилиши ва унинг ўрнига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДХ) ташкил этиш ҳақида баёнот қабул қилган эди. Бу баёнотни Россия давлатининг ҳозирги раҳбари Борис Ельцин, Украина давлатининг собиқ президенти Леонид Кравчук, Беларусь давлатининг собиқ бошлиғи Станислав Шушкевич имзолаган эди.

Орадан беш йил ўтиб, Россия Давлат Думаси Беловеж ўрмонида тузилган ўша битимни ноқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан бирга эски СССР давлати яна тиклансин, деб мурожаатнома ҳам қабул қилди.

Хўш, бунинг тагида нима асоси бор?

Бу қарор билан яқиндан танишиб чиқилса, улар авваламбор 1991 йил 17 мартда, ҳали собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган бир пайтда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларини далил қилиб келтиради. Маълумки, бу референдумда собиқ Иттифоқ ҳудудида яшаган халқларга СССРни янги бир шаклда сақлаб қолиш бўйича фикр билдириш таклиф қилинган эди.



Коммунистлар устун бўлган бугунги Россия Давлат Думаси ана шу референдум якунларига таяниб, уни рўқач қилиб, керак бўлса, байроқ қилиб кўтармоқда.

Давлат Думаси қарорини эълон қилгандан кейин Россия Президенти Борис Ельцин телевидение ва оммавий ахборот воситалари орқали унга ўз муносабатини баён қилди. Бу баёнотга кўра жаноб Ельцин, Давлат Думаси қарорини албатта бекор қилишини, уни тасдиқламаслигини билдирди. Аммо гап ҳозир бунда эмас.

Гап шундаки, бу қарорни қабул қилган кимсалар, "биз аниқ бир нарсага суяниб иш тутдик, чунки бугун собиқ Иттифоқнинг барча халқлари мана шундай кайфиятда юрибди, биз уларнинг фикрини ифода қилиб, уларнинг айтайлик, хошиш-иродасига биноан шу қарорга келдик", деб даъво қилиши, бу гапни эртага ҳар томонлама дўмбира қилиб чиқиши мумкин.

Хўш, Ўзбекистоннинг бунга муносабати қандай? Бу масалага ўтишдан олдин, мен сизларга 1991 йил 19 - 20 август кунлари содир этилган ГКЧП деган воқеа (аслида уни давлат тўнтариши деса ҳам бўлади)ни эслатиб ўтмоқчиман: 19 - 20 август кунлари Москванинг ўзида коммунистик партия марказий раҳбарияти аъзоларининг бир гуруҳи, яъни тепада ўтирганлар, шу собиқ Иттифоқни, унинг эски тизимларини сақлаймиз, деган мақсадда, демократик ўзгаришларга қарши чиқиб, большевикча усуллар билан мамлакат президенти Горбачевга қарши тўнтариш уюштириб, энди тизим ўзгарди, бизлар ҳокимиятни қўлга олдик, деб эълон қилган эди.

Ўша пайтда бу воқеага бизнинг муносабатимиз қандай бўлган? Мен сизларга шуни айтиб бермоқчиман. 17 - 19 август кунлари мен Ўзбекистон делегацияси билан бирга Ҳиндистонда эдим. 19 августда у ердан қайтиб келгач, шу кунлик мен раҳбарият аъзоларини, ҳукумат ва парламент аъзоларини тўплаб, махсус йиғилиш ўтказдик. Йиғилишда мен ўз фикримни айтдим. Ва ўйлайманки, бу ҳаммамизнинг, жамоатчиликнинг ҳам фикри бўлди. Бу пайтда ҳали ГКЧП ҳукмрон, телевизорда "Оққуш кўли" балетини бетўхтов кўрсатиб туриб, янаевлар, бизлар энди ҳукмрон бўлдик, деб дағдаға қилиб турган бир пайтда, биз ўз фикримизни қатъий баён қилдик.

Менинг баёнотим шундай бўлди: Ўзбекистонга бунинг дахли йўқ, Ўзбекистон ўз йўлини, ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олди, Ўзбекистон эркин бўлади, деб узил-кесил айтганмиз. Бу қарорни барча вилоятларда, барча туманларда бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади. Яъники, шу масала бўйича халқимизнинг фикри, давлатимизнинг фикри очиқ-ойдин билдирилди.

Энди Россия Давлат Думаси бекор қилмоқчи бўлаётган қарорга қайтсак. Бу қарор, яъни СССРнинг тарқатилиши муносабати билан МДХни ташкил этиш ҳақидаги қарор 1991 йил 8 декабрда Беловежская Пушада қабул қилинган. Такрор айтаман: бу воқеа 1991 йил 8 декабрда бўлган.

Мен сизларга шундай бир савол бермоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги қачон эълон қилинди? 31 август, яъни мазкур уч давлат раҳбари Белоруссияда қабул қилган қарордан тўрт ой олдин. Шу қарорни қабул қилгач, уларнинг биринчи ҳаракати нима бўлди? Славян давлатлари ҳамдўстлигини эълон қилмоқчи бўлди. Ҳозир мавриди келди, сизларга шуни очиқ айтиб бермоқчиман. Энди савол туғилади: бизлар ундан тўрт ой олдин ўз мустақиллигимизни эълон қилган эканмиз, Беловежская Пушада қабул қилинган бу қарорнинг бизга қандай алоқаси, қандай дахли бор?

Иккинчидан, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда биринчи бор Президент сайлови пайтида биз, референдум - умумхалқ сўрови ўтказдик. Референдумдан мақсад мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг хоҳиширодасини, фикрини аниқлашдан иборат эди. Бу референдумда шундай мазмундаги савол қўйилган эди: Ўзбекистон фуқароси сифатида сизнинг Олий Кенгаш, яъни парламент эълон қилган Ўзбекистон мустақиллигига муносабатингиз қандай - қўллайсизми-йўқми? Бу саволга фуқароларнинг 98,2 фоизи ижобий баҳо бериб, мустақиллигимизни қўллаб-қувватлади. Хулоса: халқимиз ўз тақдирини шу пайтда белгиладими, йўқми?

Энди бизга бу ҳар хил ўйинларнинг нима дахли бор? Ўз-ўзидан аёнки, Давлат Думаси қабул қилган бу қарорнинг Ўзбекистон аҳлига, Ўзбекистон тақдирига, Ўзбекистон халқига, унинг келажагига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Улар дастак қилиб кўрсатаётган 1991 йил 17 март умумхалқ

референдуми масаласини ҳам кўриб чиқайлик. У пайтда совет даври - хукмронлик, зўравонлик даври эди. Бинобарин 17 март референдуми ҳам ана шундай мустабид бир шароитда ўтказилган эди. Шу пайтда Ўзбекистонда референдумга иккинчи бюллетень киритилди. Биз мамлакатимиз ҳудудда Ўзбекистон фуқаролари учун иккинчи бюллетень таклиф қилдик. Яъни Марказнинг умумиттифок референдуми саволи билан бирга биз ўзимизнинг саволимизни ҳам қўйган эдик. Моҳиятан бизнинг саволимиз Марказ томонидан қўйилган саволга мутлақо қарши, уни бутунлай йўққа чиқарадиган, уни бартараф қиладиган мазмунга эга эди. Биз шу савол билан одамларга мурожаат қилдик. Шунинг учун тўла асос билан айтиш мумкинки, 1991 йил 17 март куни ўтказилган умумхалқ референдумига Ўзбекистон халқининг муносабати шу пайтда аниқ ва қатъий билдирилган эди. Бу - учинчи масала.

Тўртинчи масала. Бугун ҳар хил гаплар чиқаяпти. Яқинда Москвада Беларусь раҳбари Лукашенко билан Россия Президенти учрашганида, улар бир-бири билан яқин бўлиш - интеграция ҳақида фикр юритдилар. Бироқ Россия телевидениеси ва матбуотида шундай гаплар ҳам бўлдики, гўё ўзаро имзоланган ҳужжатларга кўра, Россия билан Беларусь бирлашар эмиш. Конфедерациями, федерациями ё ундан ҳам мустақкамроқ бир уюшмами, янги бир Иттифокми ташкил қилинади, деган овозаларни сизлар ҳам эшитгансизлар. Халқимиз ҳам эшитган. Энди бунинг номини конфедерация дейдими, федерация дейдими ё бошқа бир ном олган Иттифок дейдими, бундан қатъи назар, яна бир бор айтаман: бизнинг бунга муносабатимиз олдиндан маълум. Бизлар бундай ўйинларни ўйнамаймиз. Бу ҳаракатлар бизнинг мақсадимизга кирмайди. Бунақа, айтайлик, нағмаларни бошқалар қилаверсин. Кимники аҳволи ночор бўлса, кимники ўз халқини бошқариш, уни фаровон ҳаётга, ёруғ кунларга олиб чиқишга қурби етмаса, ўз салоҳиятига ишонмаса, ўйлайманки, бу ўзининг иши. Шу мамлакатнинг ўз иши, раҳбариятининг ўз иши. Ва шу халқнинг ўз иши, хоҳиш-иродаси.

Ҳар қайси халқ ўз келажаги ва тақдирини ўзи белгилаб олиши керак. Шунинг учун Ўзбекистондан сўрамоқчи бўлса, бизлар шу масалани кўндаланг қўйиб, унга аниқ ва равшан жавоб беришимиз

керак.

Жавобимиз эса қисқа ва қатъий: сизларнинг ихтиёрингиз ўзингизда, лекин Ўзбекистоннинг йўли олдиндан маълум. Ўзбекистон халқи ўз қўлига кишан урдириб, алдаб-сулдаб, онгини бузиб, эски охурга қайтадан ипсиз боғлаб қўйилишига ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бермайди. Бу - аниқ гап.

Яна бир бор айтаман: тарих ғилдираги ортга айланмайди. Бу - табиат, бу - ҳаёт, бу - тарих. Бу азалий қонуниятга қарши ким нима дея олиши мумкин?!

Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлидан, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Бизнинг мақсадимиз, бизнинг истиқболимиз шу. Ўйлайманки, шу залда ўтирганлар ва бугун бизни тинглаб турган фуқаролар халқимизнинг азму қарорини қўллаб-қувватлайди. Биз шу йўлга бир вақтлар яхши ният билан бел боғлаганмиз ва иншооллоҳ, албатта, ўз мақсадимизга етамиз.

Барчангизга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий тотувлик, осойишталик, бахт-саодат тилайман.

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 16 март*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ БИЛАН СУХБАТИ**

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовдан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги интеграция жараёнлари ривожини билан боғлиқ бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди*

**САВОЛ:** Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениесида собиқ СССР худудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусдаги фикрингизни билишни истар эдик.

**ЖАВОБ:** Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет худудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мўлжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотларнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь президенти ўртоқ А. Г. Лу кашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бухрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб тураемиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан

айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир "конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустахкамроқ бирор уюшмага" етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

**САВОЛ:** Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

**ЖАВОБ:** Бундай "ўта фаоллик"ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки, қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун қуюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам - ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ночорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳсининг ўзига ўрин йўк: интеграция керак, мен ҳатто, интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни, менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўргандагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафқурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

**САВОЛ:** Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

**ЖАВОБ:** Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда,

сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча, аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомхаёлга учмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир хатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг ҳолисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

*1996 йил 23 март*



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

Муҳтарам дипломатия миссияларининг бошлиқлари,  
Халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари,  
Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари,  
Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан яна учрашиб турганимдан, сизлар бундай мунтазам учрашувлар анъанасини қўллаб-қувватлаётганингиздан хурсандман.

Сизлар Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини диққат билан кузатиб турибсиз, демак, ҳукумат мажлисларидаги, ваколатли органлар депутатлари ҳузуридаги сўнгги нутқларимдан хабардорсиз.

Анъанага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг ривожланиши ва мустақамланиши хусусида фикрларимни баён қилишга ижозат бергайсиз.

Шу йилнинг бошланишида, январь ойида Россия Президенти Б. Ельцин билан учрашувимизда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг февralида ташқи ишлар вазири Е. Примаков расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалалар, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль ойида мамлакатимизнинг катта делегацияси Давосда ҳар йили ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида тўртинчи марта иштирок этди. Унда иштирок этиш анжуман аҳлини Ўзбекистон ва унинг салоҳияти билан таништиришда, хориждан сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга. Давосдаги бу галги учрашувда ҳам шундай бўлди.

Швейцарияда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро молия ташкилотларининг, йирик банклар ва компанияларнинг раҳбарлари билан бир неча бор учрашдик.

Давосда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари Ханс

Ван Ден Брук билан қилган суҳбатимиз яқинда Ўзбекистон диёрида давом этди. Европа Иттифоқининг Европа Ҳамжамияти комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалари билан шуғулланувчи раҳбарларидан бирининг ташрифини мен Европа Иттифоқи Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаётганининг, ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга тайёрлигининг далили деб биламан.

Февраль ойида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокара бошлашга қарор қилди. Музокаранинг биринчи босқичи март ойида Брюсселда муваффақиятли ўтди. Апрельнинг охиригача битим матни тасдиқланади ва шу ярим йилликда имзоланади деб, умид қиламиз.

Бу ҳужжат ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этади.

Бу битим Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиш учун тайёргарлигини тезлаштиради, фақат иқтисодий, илмий-техника, маданий алоқалар учунгина кенг имкониятлар яратибгина қолмай, Европа Иттифоқи билан мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий замин яратади, деб умид қиламиз.

Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик икки томонлама асосда ҳам ривожланмоқда.

Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири М. Рифкиндининг ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош қотиби Б. Дюфурк билан суҳбат савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда бўлгани каби, сиёсий соҳаларда ҳам, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Осиё мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари юксалиб бормоқда. Бу

ҳамкорлик ижтимоий соҳа, Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларига Япониянинг катта сармоялар киритиши билангина чекланиб қолмайди.

Сўнгги вақтда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда - хавфсиз ва барқарор тинчликка эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида ўзининг манфаатдорлик билан фаол иштирок этишини кўрсатди.

Март ойининг охирида Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вьетнамга расмий ташриф буюрди. Биз бу мамлакат раҳбарияти билан маҳаллий ва халқаро муаммоларни, сармоялардан тортиб туризмгача бўлган турли соҳаларда ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилдик.

Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини таъминлайдиган бир қанча муҳим ҳужжатларни имзоладик.

Сайёрамизнинг турли томонларида Ўзбекистоннинг ишончли ва манфаатдор шериклари мавжудлиги мени қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Бугун эса яна бир мамлакат Бангладеш Тошкентда элчихона очиш истагини билдирганини сизларга айтиш менга мамнуният бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар,

Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан ва мунтазам ривожланиб бормоқда.

МДҲ мамлакатларида АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси Ж. Коллинз иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган сўнгги Ўзбекистон-Америка сиёсий маслаҳатлашувларида 1996 йил аввало минтақа хавфсизлиги соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Америка томони АҚШ Ўзбекистонга нисбатан ўз сиёсатини "хавфсизлиги таъминланган мустақил Ўзбекистон"ни барпо этишни қўллаб-қувватлайдиган тарзда қуришини баён қилди.

Бугун НАТО каби ўзига хос ташкилотда ҳам мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида гапириш мумкин. Биз "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида

иштирок этишни ўз мустақиллигимиз ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолаймиз.

АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хантернинг мамлакатимизга яқинда қилган ташрифи жаҳон ва минтақа хавфсизлиги муаммолари бўйича фикрларимиз ўхшашлигини яна бир бор намоиш қилди. Ўзбекистоннинг салоҳиятини минтақадаги барқарорлаштирувчи омил деб ҳисоблаётган АҚШнинг нуқтаи назарига биз тўла қўшилаемиз.

Йилнинг бошида қўшни мамлакатлар билан дипломатик мулоқотларимиз янада фаоллашди.

Февраль-март ойларида Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари Тошкентга ташриф буюрди.

Бу ташрифлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалаларидан ташқари, Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятни бартараф этиш билан боғлиқ равишда минтақа хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

Жаҳон ҳамжамияти Афғон моjarосини бартараф этиш юзасидан фаолроқ чоралар кўриш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Бундай чоралар кўриш тўғрисида мен БМТ Бош Ассамблеясининг 48- 50-сессияларида гапирган эдим. Европа парламентининг шу йил 18 январдаги резолюцияси ва Европа Иттифоқининг 14 мартдаги баёноти моjarо зонасига қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Яқинда Афғонистон теварагидаги вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилди. Бу ҳол жафокаш Афғонистон диёрида хунрезлик тўхтатилишига, моjarони тинч йўл билан бартараф этиш жараёни ҳақиқатда бошланишига умид бахш этади.

Мен бир неча бор таъкидлаганимдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирок этмаса, мулоқот йўли билан моjarоларни тўхтатишнинг синондан ўтган механизмларидан фойдаланилмаса, ўзаро мақбул қарорлар, ўзаро ён босишлар ва оқилона мурсою мадора йўллари изланмаса, бу жараён бошланмайди.

Ишончим комилки, бу масалалар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан 23 апрелда Тошкентда бошланадиган "Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари" симпозиумининг кун тартибида акс этади.

Хонимлар ва жаноблар, ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина эмас, балки иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳам кўзда тутати. Зеро, ушбу жиҳатлар минтақамиз, қолаверса, бутун сайёрамиз - умумий хонадонимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнашида муҳим ўрин эгаллайди.

12 январда Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёда интеграция дастури қандай бажарилаётгани тўғрисида фикрлашиб олинди.

Президент С. Ниёзов таклифига биноан 16 январда менинг Туркманистонга амалий ташрифим амалга ошди. Учрашув чоғида 21 та давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу битимлар транспорт коммуникацияси ва алоқа, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, энергетика, банклараро ҳисоб-китоблар, бож тартиби, фан ва маданият каби соҳаларни ўз ичига олади.

Асосий ҳужжат дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида давлатлараро шартнома ҳам имзоланди.

5 апрель куни Тошкентда ягона иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Бош вазирлари транспорт ва коммуникация соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш, ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан, шунингдек, газ қувурларидан фойдаланиш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний тарзда айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, "Центразэлектрон" трансмиллий молия-саноат гуруҳини тузиш, ернинг давлатлараро ижараси ва бошқа масалалар бўйича ўндан ортик ҳужжат имзолашди.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Россия Давлат Думасининг анчагина шов-шувга сабаб бўлган қарор қабул қилгани, Тўртлар (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон,

Белоруссия) шартномаси ҳамда Иккилар (Россия ва Беларуссия) шартномаси имзоланганига ҳам анча бўлиб қолди.

Матбуотимиз саҳифаларида, телевидениеда бугунги кунга қадар бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг собиқ совет ҳудудидаги "интеграция" деб номланган бу жараёнга муносабати баён қилинмоқда.

Бугун Ўзбекистон раҳбарияти илгари бу жараёнлар ва имзоланган ҳужжатларга нисбатан билдирган муносабатини жамоатчилик ва Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўп қисми қўллаб-қувватляпти, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Мен парламентимиз - Олий Мажлис қўмиталарининг баёнотини, Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотини, Хоразмда сўзлаган нутқимни, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатим ва бошқа воқеаларни ҳам назарда тутяпман.

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, турли миллат ва эътиқодга мансуб кишилар бир хил фикр билдирмоқда.

Бу ерда шуниси таъкидламоқчиман: собиқ совет ҳудудида интеграция масалалари бўйича юз бераётган воқеалар, шу муносабат билан имзоланган ҳужжатлар ҳар бир алоҳида давлат ва унинг раҳбарлик тузилмаларининг ҳуқуқи ва ички ишидир.

Ҳар бир давлат ва унинг раҳбарлари энг аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳужжат ва давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга.

Бироқ ҳозир масала мана бундай қўйилган: Ўзбекистон учун бу шартнома ва ҳужжатлар мақбулми, Ўзбекистон бу шартномаларга қўшилиши мумкинми ёки йўқми? Бунинг устига, қатъийлик билан бизни ҳамжамият ёки интеграциялашган давлатлар иттифоқи деб аталмиш уюшмаларни тузиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолашга таклиф этишмоқда, гоҳида эса бу нарса Ўзбекистонга фойдалими-йўқми эканини биз учун ўзлари ҳал қилишмоқда.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим.

Шартномалар имзоланганидан кейинги эҳтирослар ва

сархушлик ҳолати бироз пасайган, ниҳоят расмий материаллар ва кўп сонли баёнотлар билан қандайдир даражада танишиш имконияти пайдо бўлган бугунги кунда муаллифлар тилга олинган битимларнинг имзоланишига асос қилиб кўрсатаётган айрим принципиал ҳолатлар, яъники зикр этилган шартномалар фалсафаси қурилган пойдевор хусусидаги мулоҳазаларим ҳамда муносабатимни баён қилишни истар эдим.

Тўғри, шу пайтга қадар ҳам Белоруссия билан Россия ўртасидаги шартнома сўнгги таҳрирда қандай аталгани Россия билан Белоруссия ўртасидаги ҳамдўстлик ҳақидаги шартнома дейилганми, ёки унга имзо чекиш пайтида баландпарвозлик билан баён қилинганидек суверен республикалар ҳамдўстлиги ҳақидаги шартнома деб, бошқача айтганда ССР, яъни айрим муаллифларнинг қалбидан чуқур ўрин олган жарангдор СССР деган номга ўхшаш ном билан аталганми бирон нарса дейиш қийин.

Мен ҳалиям дастлаб бу янги давлатлараро уюшманинг ягона герби, байроғи ва гимни бўлиши, вақти келиб ягона конституция қабул қилиниши ҳақида гап бўлганини айтиб ўтирмайман.

Шу билан бирга, ном шунчаки ном эканини англаган ҳолда, мен қабул қилинган шартномалар моҳиятига оид принципиал ўринлар - тилга олинган шартномалар фойдасига хизмат қилиши лозим бўлган далил-дастакларга тўхталмоқчи эдим.

Биринчи далил. МДХ бугунги ҳолида талабга жавоб бермайди (лекин кимнинг талабига?), бу мўрт уюшма ҳеч нарсани ҳал қилмайди ҳамда у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаяпти, деб таъкидланди.

Ҳа, бу мулоҳазаларда ҳам жон бор.

Бироқ ҳақиқатан ҳам МДХ доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдиган механизмларни астойдил излаш, давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни аниқ ва муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, бизда кўпинча эски замонларни кўмсаш намоён бўлмоқда. Бугунги кўпгина раҳбарларнинг ўтмиш совет тарбияси ўз кучини кўрсатаяпти, шекилли. Собиқ иттифоқнинг улкан ҳудудидаги ҳамма нарсани: анҳорга оддийгина кўприк қуриш ёки 50

ўринли болалар боғчасини қуришдан тортиб, улкан саноат иншоотлари БелАЗ, КамАЗ, БАМ, Тольяттидаги улкан автомобиль заводини қуришгача бўлган ҳамма масала марказнинг ўзида туриб ечилган пайтдаги тартиблар уларнинг онгига чуқур ўрнашиб қолган.

Нима учундир, агар бирор давлатлараро бирлашма тузиладиган бўлса, у албатта амалдорларнинг катта штатига эга бўлган парламент, қонунчилик, ижроия-мувофиқлаштириш ёки Олий Кенгаш, Ижроия Қўмитаси ёки маъмурий қўмитаси, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шунга ўхшаш давлатдан юқори турадиган тузилмалари бўлиши лозим деб ҳисоблашади.

Давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ва МДХ бошқа тузилмалари бошлиқларининг сўнги мажлислари кун тартибига эътибор берсангиз бир тамойил кўзга яққол ташланиши тасодиф эмас: иқтисодий ва ижтимоий интеграциянинг етилган муаммоларини ҳарбий-сиёсий масалалар, бирлашган қўмондонлик тузиш, чегараларни биргаликда қўриқлаш каби ва бошқа масалалар билан алмаштиришга ҳаракат қилинади. Бунда муайян тамойил кўриниб турибди.

Бирок барчага равшан бўлиши лозимки, ташкил этиладиган ҳамжамиятларда бевосита амал қиладиган, яъни барча органлар ва ташкилотлар бажариши мажбур бўлган қарорларни шартномада иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг тегишли органларини четлаб ўтиб қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлатдан юқори турувчи тузилмалар ташкил этилган тақдирда, бу давлатларни мустақил давлат дейиш қийин бўлади.

У ҳолда бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) бўлмайди. У ҳолда бу Ҳамдўстликни ҳар бир давлат ўз мустақиллигининг бир қисмидан воз кечиши лозим бўлган қарам давлатларнинг ҳамжамияти деб аташ керак.

Ўзининг ваколатли ва сайлаб қўйилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳарбий-сиёсий ва суд органлари билан бирга алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ҳамжамиятнинг янги тузилган давлатдан юқори турувчи тузилмалари билан алоқасини рамзий тилда айтганда бири-бирига туташ томирлар каби тасаввур этиш мумкин. Ҳамжамиятнинг давлатдан юқори турувчи тузилмаси ўзига қанча ваколат талаб қилса,



ҳозир мустақил бўлиб турган ҳар бир давлат шунча ваколати ва ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Давлатдан юқори турадиган тузилмалар билан биргаликда ҳамжамият унда иштирок этувчи ҳар бир мамлакат истиқлолини ёки мустақиллигини тўла сақлаб қолган ҳолда тузилади, деб бизни ишонтиришга уриниш жиддий гап эмас. Буларнинг барчаси ҳамма нарсага ишонаверадиган кишиларга мўлжалланган.

Яна бир фикр: МДХнинг тасдиқланган низоми доирасида (дарвоқе, нима учундир бу ҳақда гапирилмайди ва эслатилмайди) иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришимизни, маърифий тўловлар масалаларини ҳал қилишимизни, ижтимоий интеграция йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашимизни ҳеч ким тақиқламайди. Бунинг учун аввало, жўғрофий-сиёсий тусдаги шартномаларни имзолаш шарт эмас.

Ҳозирги пайтда турли мустақил давлатларда яшаётган одамларнинг мулоқоти қийинлашган экан, бунинг сабаби кимнингдир сунъий ғовларни барпо этаётганида эмас. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги транспорт тарифлари ва йўл харажатларининг қиймати Россия миқёсининг ўзида ҳам ҳар кимга бир йилда бир марта ўз қариндошларини бориб кўришга, айтилик, Москвадан Сибир ёки Узоқ Шарқ шаҳарларига етиб олишга имкон беравермайди.

"Теран интеграция" деб аталган интеграция муаллифлари ва ташаббускорлари пеш қилаётган иккинчи далил. Юз берган танглик вазиятининг, одамлар ночор аҳволга тушиб қолганининг асосий сабаби, асосий иллат бир вақтлар қудратли бўлган иттифок республикалари ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик алоқаларининг узилиб қолганидир, деб ҳаммани ишонтиришга уринишмоқда. Бу ҳам етмаганидек, хўжалик алоқаларининг узилиб қолиши сабабли ишлаб чиқариш қайси республикада қанча камайиб кетганини ҳисоблаб чиқишга ҳам уринишмоқда.

Айни пайтда тушунмаган ва беҳабар одамларни эртага ана шу алоқалар тикланса, ҳамма жойда тартиб бўлади, корхоналар, фабрикалар ва заводлар яна ишлай бошлайди деб, ишонтиришмоқда.

Бу собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бошланган бўҳроннинг ҳақиқий сабабларидан одамларни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар иқтисодиётидаги таназзулнинг асосий сабаби, аввало умри тугаган тоталитар мафкуранинг маъмурий-буйруқбозлик ва марказдан тақсимлаш тизимининг бузиб ташланиб, янги бозор муносабатларига ҳозир бутун дунёда амал қилинаётган эркин иқтисодиётга ўтиш эканлиги соғлом фикрловчи ҳар бир кишига равшандир.

Ҳозир Россиянинг ўзидаги кўплаб корхоналар ночор аҳволда бўлиб, деярли ишламаётганини ҳам фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг аксарияти бугунги кундаги мустақил давлатлар корхоналари билан алоқаси узилиб қолгани ёки бундай алоқалар амалда иш бермаётгани туфайли тўхтаб қолгани йўқ. Россия ҳудудидан ташқаридаги кооператив алоқалар билан боғлиқ бўлмаган юзлаб корхона ишламай турибди.

Бунинг сабаблари бутунлай бошқа нарсада. Бу корхоналар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаяпти, маҳсулотини сотиш йўлини тополмаяпти, уларнинг ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун маблағи йўқ. Айтайлик, Россиянинг Иваново вилоятидаги фаолияти анъанавий тарзда Ўзбекистондан етказиб бериладиган хомашё билан боғлиқ бўлган тўқимачилик саноати корхоналари бугунги кунда энг аввало пахта толаси сотиб олиш учун маблағи йўқлиги туфайли ишламаяпти.

Бу ўринда 1995 йилда Ўзбекистондан етказиб берилган пахта толасининг асосий қисми, "Известия" газетаси саҳифаларида ёзилганидек, Россия ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилгани, яъни содда қилиб айтганда, Россиядаги айрим тузилмалар мана шу операциядан мўмайгина пул ишлаб олганини эслатиб ўтиш жоиз.

Шундан кўриниб турибдики, гап алоқаларнинг узилиб қолганида эмас экан. Гап ҳар жойнинг ўзида ҳисоб-китобда зарур маърифий тартиб ўрнатишда қолган.

Бу биринчидан.

Иккинчидан эса, узилган алоқаларни тиклаш хусусида кўп жар солаётганлар гапнинг ярмини ютиб юборишяпти. "Труд" газетасининг 6 апрель сонидан Россиянинг "Политика" жамғармаси президенти

жаноб Никонов мана бундай деб ёзади:

"Собиқ СССРнинг барча республикалари, жумладан, Россияда ҳам ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши асосан улар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг узилгани, СССРнинг ягона иқтисодий макони бузилгани билан изоҳланиши сир эмас. Табиийки, агар сал узоқроққа қарайдиган бўлсак шунга амин бўламиз, бу маконнинг тикланиши йўлида қадам ташланиши Россия манфаатларига тўла мос келади".

"Теран интеграция" деб аталаётган ташаббус муаллифлари билан фикри бир жойдан чиқадиган жаноб Никонов ўз мулоҳазаларини қанчалик очик баён қилаётганини кўрдингизми?

Гап қандай иқтисодий макон ҳақида кетяпти, деган савол туғилади.

Равшанки, гап қачонлардир меҳнатни умумиттифоқ даражасида таъминлаш деб номланган, ҳар бир республикага маълум ўрин ажратилган, яъни кимдир арзон хомашё етказиб берадиган, кимдир эса бу хомашёни қайта ишлаб, даромад олган ҳамда ўзининг миллий даромадини барпо қилишини таъминлаган маконни тиклаш ҳақида кетяпти.

Айтайлик, бу халқ хўжалиги комплекси деб аталган маконда Белоруссияга "йиғув цехи" вазифаси топширилгани, собиқ иттифоқнинг барча бурчакларидаги корхоналарнинг деярли ҳаммаси шу "цех" учун ишлагани ҳам сир эмас.

Хўш, Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларга қандай ўрин ажратилган эди? Энг аввало, арзон хомашё, биринчи ўринда жуда кўп меҳнат талаб қиладиган техник экин пахта етказиб беришдек "шарафли" ўрин ажратилган эди. Бу пахта билан иттифоққина эмас, бутун социалистик лагер ҳам таъминланар, етиштирилган бутун ҳосилнинг атиги 15 фоизигина республикада қайта ишланар эди.

Ваҳоланки, бутун суғориладиган майдонларнинг қарийб 90 фоизига экилгани учун минтақа экологиясини бузган, Оролни қуритган, республика аҳолисининг генофондини хавф остида қолдирган бу пахта меҳнаткашларимизнинг оғир, ҳатто айтган бўлардимки, қулларча меҳнати билан етиштирилар эди.

Москвадаги кабинетларда пахтага қўйилган нарх халқаро

нархлардан юзлаб баравар кам бўлганини кўпчилик билмайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, собиқ СССРнинг ўрта машинасозлик вазирлиги республикамиз заминидан қанча олтин ва бошқа қимматбаҳо ва стратегик металлари сўриб олганини ҳамда улар қаерга ишлатилгани, бундан қандай катта фойда олинганини Ўзбекистонда деярли ҳеч ким, шу жумладан, раҳбарлар ҳам билмас эди.

Республика мустақилликка эришганидан кейингина маълум бўлдики, Ўзбекистон валюта олтини ишлаб чиқариш бўйича СССР таркибидан Россиядан кейин иккинчи ўринни, жаҳон бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаб турган экан.

Ўзбекистон бунинг эвазига нималарга эга эди? Биз 3040 фоиз дотация асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ иттифоқдаги энг паст турмуш даражасига эга эдик. Ҳар қадамда бизни боқимандаликда айблашар, сизлар Москва бўйнига осилган тошсизлар, деб таъна қилишар эди.

Халқ бундай ҳақсизликка чидашга мажбур эди. Нимага асосланиб ва нима учун шундай бўляпти, деган савол берган кишилар чиқса, шу заҳотиёқ репрессия чоралари кўриларди.

Ўзбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги Горбачев-Лигачев командаси халқни жиловда тутиб туриш, унинг ўсиб келаётган миллий ва сиёсий онгини бўғиш ниятида "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" деб аталмиш тухматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожеали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди. Бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юзлаб ва минглаб гуноҳсиз кишилар қамокқа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қирғин уюштирилган эди.

Турли-туман иттифоқлар, ҳамжамиятлар, федерациялар ва конфедерациялар мафкурачиларининг деярли барчаси тиклаш тўғрисида гап юритаётган собиқ иттифоқдаги меҳнат тақсимоти амалда Ўзбекистон учун мана шу маънони англатар эди.

Соғлом ақлга эга бўлган бирон-бир киши юртимизга яна шундай даврлар қайтиб келиши, марказдан туриб ресурсларимизга эгалик қилиниши, халқимиз тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиниши билан келиша оладими?

Бундай интеграция муаллифларининг баёнотларида эшитилаётган учинчи далил: "Бутун дунёда интеграция аниқ-равшан кўриниб турган эзгу иш деб англанади. Жаҳондаги кўпгина минтақаларга бу жараён хосдир".

Бу ўринда кўпинча Европа Иттифоқи тузилиши мисол қилиб келтирилади.

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Ҳа, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бири билан боғлиқ, албатта. Бугунги кунда дунё харитасида бошқалардан, айниқса, ўзини қуршаб турган мамлакатлардан мутлақ ажралган бирон-бир давлатни топиш қийин. Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллардан ҳисобланади.

Бироқ Европа Иттифоқининг интеграция жараёнларига ёндашуви интеграциялашаётган давлатларнинг тўла суверенитети, хоҳиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш принципларига асосланади.

Ҳа, Европа Иттифоқи асосланган принциплар МДҲ мамлакатлари учун ҳам мақбул бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким рад этмайди. Бироқ собиқ совет ҳудудида Европа Иттифоқидаги вазиятдан кескин фарқ қиладиган бир неча ҳолат мавжуд.

Биринчидан, бу энг муҳими ҳам Европа Иттифоқининг шаклланиши бир неча ўн йилларни ўз ичига оладиган узок тарихга эга, Маастрих битимлари эса - давлатлар, уларнинг раҳбарлари жуда кўплаб муросалар асосида босиб ўтган улкан йўл натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқида барқарор, асосли демократик жамоат ва давлат тузилмаларига эга бўлган, мустаҳкам бозор ва ҳуқуқий, қонунчилик меъёрларини, уларни амалга оширувчи механизм ва инфраструктураларни шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик ташкилот ва кадриятлар бу мамлакатлар аҳолисининг мутлақ кўпчилигининг ижтимоий онгидан мустаҳкам ўрин олган.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги кўпчилик мамлакатлар деярли бир хил, анчагина юксак иқтисодий салоҳиятга эга. Ўз тараққиёти бўйича бошқалардан устунлиги кўриниб турган давлатлар

йўқ. МДХ доирасида эса, Россия ўз миқёслари ва салоҳияти билан МДХдаги бошқа давлатлардан устун, уларнинг ҳаммасини қўшганда ҳам бир неча марта устун турадиган улкан салтанат эканини таъкидлаб ўтириш ҳам ортиқча.

Бешинчидан, техник ва иқтисодий жиҳатдаги қолоқлик, жуда эскириб кетган, рақобатга бардош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга оладиган бўлсак собиқ СССР доирасида қандайдир иттифоқларга биқиниб олиш ҳаракати бундай сиёсат ўтмишнинг қандайдир мафкуравий қолипларини тиклаш йўлида ўзимизни жаҳон иқтисодиётининг овлоқ жойларида жунжикиб ўтиришга маҳкум этиш бўлади. Келажак авлодлар бунинг учун бизни кечирмайди.

Жаҳон тажрибасида давлатлар иқтисодий жиҳатдан ё ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ўзларига жаҳон товарлар бозорида ўрин олиш (дарвоқе, бу Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония муносабатларида кўзга ташланади), ёки ўз худудлари ўртасида товар ва капитал ҳаракати йўлидаги божхона тўсиқларини имкон қадар қисқартириш учун бирлашади.

Бу ҳолда шартноманинг ҳар бир алоҳида иштирокчисининг манфаатлари ҳисобга олинади, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланади ҳамда ҳарбий-сиёсий ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлар бутунлай соқит қилинади.

Пайдо бўлаётган мана шу масалаларни ҳисобга олиб ҳамда теран интеграция деб аталаётган, собиқ совет худудида турли-туман ҳамжамият ва иттифоқлар тузиш мафкурасини мана шу масалалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган бўлса, бу ўринда:

ёки масалага юзаки, охиригача ўйлаб кўрилмаган ҳолда ёндашилмоқда;

ёки аслида бу шартномалар замирида турган барча нарса атайлаб бузиб кўрсатилмоқда, деган хулосага келади киши.

Биз бу шартномаларда иштирок этаётган ҳар бир томоннинг ўз мақсади ва ўз манфаати борлигини яхши биламиз.

Биз бугунги кунда Россиядаги сайловолди мавсуми қандай сиёсий майдонда ривожланаётганини, турли сиёсий ва ижтимоий блоклар ўртасида президентлик курсиси учун бораётган курашда қай

даражада танглик вужудга келаётганини кўриб турибмиз.

Россия ҳамда МДХдаги бир қанча давлатларда интеграция, оддий қилиб айтганда собиқ иттифокни у ёки бу шаклда қайта тиклаш ғояси (ҳатто радикал коммунистлар ҳам СССРни олдинги ҳолида тиклаб бўлмаслигини билади) кезиб юрибди.

Бу ғоя турли ижтимоий қатламлар онгида ҳам мавжуд. У, айниқса, "фалаж қилиб даволаш" туридаги чуқур асосланмаган, ўзини кўрсатиш учунгина ўтказилган ислохотлар кўпчилик аҳолини оғир аҳволга солиб қўйган, аҳолининг ижтимоий ҳимояси кескин ёмонлашиб кетган жойларда айниқса кучлидир.

1991-1992 йиллардаги суверенитетлар сархушлиги даврида МДХ халқларига улашилган ваъдалар амалда бажарилмаяпти. Векселлар ҳамда илгари олинган мажбуриятлар бўйича тўлов тўлаш пайти келди. Бироқ, бу кўпчиликнинг қўлидан келмаяпти.

Одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиши, ўтмишни қўмсаш мана шундан келиб чиқмоқда. Ижтимоий вайсақилик, танқид ва янги ваъдалар учун мақбул бўлган замин ҳам мана шунда пайдо бўлган. Бугун бундан, энг аввало коммунистлар, социал-ватанпарварлар ва "Буюк Россия", "салтанат" сингари баландпарвоз сўзларни айтиб бақириб-чақираётган турли шовинистик руҳдаги унсурлар усталик билан фойдаланмоқда, тўғрироғини айтганда, улар шу билан кун ўтказмоқда. Буни пайқамаслик мумкин эмас.

Сайловчиларнинг бундай кайфиятини Россия президентлигига номзодлардан биронтаси ҳам, шу жумладан Борис Николаевич Ельцин ҳам ҳисобга олмаслиги мумкин эмас.

Россия Давлат Думасининг Давлат Думасидаги коммунистларнинг десак тўғрироқ бўларди бу пойгада ташаббусни қўлга олиш мақсадида қабул қилган Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақидаги қарорини ҳам мана шу нуктаи назардан баҳолаш лозим. Бу қарордан мақсад собиқ СССРни қайта тиклаш борасидаги барча жараёнларни жилдириб юбориш, тезлатишдан иборат. Шуниси ғалатики, МДХдаги бошқа суверен давлатлар аҳолисининг бу ҳақдаги фикри қандай экани бу ҳаракатлар уларнинг мақсад ва интилишларига мос келиш ёки келмаслиги билан мутлақо ҳисоблашилгани йўқ.

Агарда Лукьянов ва унга ўхшаган собиқ СССРнинг айрим собиқ раҳбарлари, ҳозирги Давлат Думаси депутатлари, Лигачёв ва у каби ўтмишдаги барчамизга машҳур мафкурачиларнинг телевидение экрани ва Россия матбуоти саҳифаларидан бераётган қатъий баёнотлари, уларнинг собиқ СССРни имкон қадар тезроқ қайта тиклаш зарур деган гапларига ҳам эътибор бериладиган бўлса, бу хавфли ўйинлар Россияни қаёққа бошлаб кетаркан, деган ўй кишини ташвишлантиради.

Жаноб Сергей Кургиян "Завтра" газетаси саҳифаларида мана бу гапларни ёзади, уларни "Аргументы и факты" ҳафтанома кўчириб босади (1996 йил апрелидаги 14-сонига қаранг):

"...Улкан юртни (СССР деб тушунаверинг) қайта бирлаштириш, буюк мамлакатни қайта тиклаш Россиянинг ҳар бир ватанпарвари учун олий давлат сиёсати борасидаги юксак устуворлик ҳисобланади. Б. Ельцин ҳақиқий интеграция учун қандайдир қадам ташлай оладими-йўқми бу қадамга беписандлик билан қараб бўлмайди. Чунки мақсад жуда буюқдир. Мана шундай, фақат мана шундайгина натижага эришиш йўлида, ҳатто стратегик муроса қилиш ҳам мумкин ва бу муроса самарали бўлади. Қайта бирлашишга хизмат қиладиган ҳамма нарсдан фойдаланиб қолиш керак".

Бундан ҳам очикроқ айтиш қийин бўлса керак.

Биз ўзбекистонликлар кимни Президент этиб сайлаш, Россиядек буюк мамлакатнинг тақдири ва сиёсатини ким белгилашини аниқлаш фақат россияликларнинг иши, бошқа бирон кишининг бу ишга аралashiши мумкин эмаслигини яхши англаймиз, албатта.

Бироқ, МДХ мамлакатлари тақдиридаги, ҳатто Европа ва бутун жаҳон тақдиридаги кўп нарсалар энг аввало Россия танлайдиган йўл ва унинг сиёсатига, у кейинчалик қайси йўлдан ва кимнинг раҳбарлигида боришига боғлиқ эканлиги учун ҳам биз бу танловга бефарқ қарай олмаймиз.

Биз Россиянинг демократик тараққити ва гуллаб-яшнашидан манфаатдор эканмиз, Президент Б. Ельцин номзодини қўллаб-қувватлашимиз тўғрисида гапирганда айнан мана шу шароитни ҳисобга оламиз.

Гап унинг бизга ёқиш-ёқмаслигида эмас, гап шундаки,



фақатгина Ельцин ўтмишга қайтишга қарши тура олади, Россияда бошланган ислохотларни олға силжита олади.

Ўзбекистон Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали сиёсий ва иқтисодий муносабатларни, унинг Ўзбекистон халқи асрлар давомида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва қардошлиқ ришталари билан боғланган халқи билан маънавий алоқаларни ўзаро мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан ўта манфаатдор экани ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак.

Россия билан Белоруссия, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги шартномалар ҳақида гапирар эканман, бу шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш - энг аввало бу давлатларнинг ички иши эканини яна бир бор таъкидлашни истардим. Ҳар бир давлат ўз тақдири ва келажагини ўзи ҳал қилади. Бу жараён ихтиёрий эканини назарда тутган ҳолда унга аралашинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Худди мана шунинг учун ҳам, шунингдек, бизнинг интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини ўзимизга хос тарзда англашимизни, қандайдир давлатлараро блоklar ҳамда барча яхши ниятли, манфаатдор давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилиш йўлидаги чеклашлар биз учун мақбул эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон бу шартномаларга кўшила олмайди.

Марказий Осиёдаги интеграция йўлида қандайдир қийинчиликлар пайдо бўлмасмикан, деган савол туғилиши мумкин. Назаримда, бундай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Биз Марказий Осиё интеграциясига худудий бирлик, коммуникацияларнинг, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи соҳаларининг умумийлиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш, энергия ресурслари билан таъминлаш зарурати туфайли туғилган объектив зарур ҳодиса, деб қараймиз. Чуқур умумий илдизлари бир-бирига чирмашиб кетган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий яқинлигини эслатиб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Бу умумийликни рўёбга чиқариш, шубҳасиз, халқларимиз манфаатига жавоб бериши, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашишига ишончим комил.

Хонимлар ва жаноблар,

Бир ҳафтадан кейин Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи бошланади. Ташриф муддати буюк аждодимиз, мислсиз саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан боғлиқ юбилей тадбирлари ўтказилаётган пайтга тўғри келишидан жуда ҳам мамнунман. Европанинг юраги - Парижда, ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳонга машҳур олимлар иштирокида илмий конференция ўтказилади, кўргазма ташкил этилади, етакчи ўзбек артистлари иштирокида концертлар бўлади.

Амир Темур тарихдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кучли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган ўрта асрларнинг энг йирик давлат арбоби ва саркардаси сифатида ўрин олган. Бу давлат пойтахти - ҳозирги Самарқанд ўрта асрлар оламининг маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақл-заковати ва истеъдодининг ноёб намунаси бўлган, бугунги кунда ҳам сақланиб турган мислсиз меъморлик обидалари билан донг таратган.

Мен ЮНЕСКОнинг Амир Темур юбилейини нишонлаш ҳақидаги қарорига Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунига ҳурмат-эҳтиром белгиси, даврлар ўртасида мавжуд бўлган узлуксиз алоқани, бугунги кунда бизга куч-қувват ва келажагимизга ишонч бахш этиб турган буюк аждодларимизнинг улкан маданий ва маънавий меросини намоиш этиш имкони, деб қарайман.

Мен тарихни зиддиятлар ва душманлик эмас, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва бир-бирига бўлган ишонч олға қараб жилдиришига аминман.

Шу фикрлар билан сўзимни тугатишга ҳамда эътиборларингиз учун ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

*Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан  
учрашувда сўзланган нутқ, 1996 йил 12 апрель*

## КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ

*Маълумки, 1996 йил 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хориж журналистлари билан учрашди.*

*Қўйда Ўзбекистон раҳбарининг журналистлар саволларига жавоблари келтирилмоқда.*

Моника Уитлокк, Би-Би-Си (Англия): Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия ўртасида тузилган шартнома кўпчилик учун мавҳум иборалардан иборат: уларда аниқ-равшан гаплар йўқ. Агар мумкин бўлса, ўзингиз тилга олган, давлатлардан устун турувчи тузилмалар тўғрисидаги маълумотларни қаердан билиб олганингизни сўзлаб берсангиз.

И. КАРИМОВ: Агар сиз мазкур ҳужжатлар билан синчиклаб танишганингизда (дарвоқе, улар ҳали ҳеч қаерда чоп қилинган эмас), саволингизга жавоб топган бўлардингиз.

Тўртлар шартномасининг 17- ва 24-моддаларида таъкидланганидек, давлатлардан устун турувчи тузилмалар, яна ҳам аниқроғи, Давлатлараро Кенгаш, Парламентлараро комитет ҳамда Интеграцион комитет тузиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатларда олий ва ижроия органлари ўша Ҳамжамият таркибига кирувчи республикаларнинг ташкилотлари ва органлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга экани таъкидланади.

Чамаси, сиз ўша ҳужжатларни имзолаш чоғида берилган баландпарвоз баёнотлар мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмагансиз.

Биз куни кеча Россия Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган бир ҳужжатни олдик. Унда ўша шартномаларнинг моҳияти изоҳланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида мен ҳам мазкур ҳужжатларни имзолашга таклиф этилган эдим. Шунинг учун ҳам мен бу тайёрланган лойиҳаларнинг муайян моддалари билан батафсил танишиб чиқиш имконига эга бўлган эдим.

Менинг бундай хулосалар чиқаришимга асос берган манбалар ана шулардир.

Имтиёз ул-Ҳақ, Навои вақт газетаси (Покистон): Яқин вақт ичида Тошкент ёки Самарқандда Покистоннинг йирик тижорат банки очилишига умид боғлаш мумкинми? Ўзбекистон-Покистон савдо палатасини ташкил этиш имконияти борми?

И. КАРИМОВ: Ўзбекистонда қўшма корхоналар ва бошқа қўшма тузилмалар ташкил этиш бўйича қонунлар қабул қилинган. Бунинг учун қонуний асос яратилган. Покистон ҳам бу ерда ўша қонунлар асосида сиз айтаётган тузилмаларни ташкил этиши мумкин.

Ёнқуб Турон, Озодлик радиоси: Марказий Осиёда жойлашган уч мамлакат - Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий макон тузиш юзасидан шартномага қўл қўйган эди. Қозоғистон ва Қирғизистон сиз эслатиб ўтган Тўртлар шартномасини имзолагандан сўнг бу икки мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни қайта қўриб чиқиш ниятингиз борми?

И. КАРИМОВ: Йўқ, бизнинг бундай ниятимиз йўқ. Шу жавоб билан ҳам чекланишим мумкин эди.

Лекин сизни ҳурмат қилган ҳолда бу масалага сал кенгрок тўхталмоқчиман. Гап шундаки, ҳар бир раҳбар Марказий Осиё минтақасида мавжуд воқелик билан ҳисоблашишга мажбур. Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясини вужудга келтириш, ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида гапирганда, аввало, бундан бир йил олдин имзоланган битимни эсга олиш керак.

Бундай интеграция ҳар бир давлатнинг манфаатларига мос келади. Бизни бирлашишга бир тарафдан халқларимиз, иккинчи тарафдан эса минтақа эҳтиёжи ундамоқда.

Менинг сизга маданий, тил ва маънавий илдизларимиз бирлиги, шу минтақада истиқомат қилаётган ҳар бир қозоқ, туркман, ўзбек, қирғиз ва тожикнинг руҳидаги бирлашишга бўлган интилиш тўғрисида гапириб ўтиришим шарт бўлмаса керак. Агар биз буни ҳисобга олмасак, тарих бизни кечирмайди.

Сиз тилга олаётган Тўртлар шартномасида унинг иштирокчиларига бошқа давлатлар билан мустақил равишда муносабат ўрнатиш ва шартномалар тузишга изн берадиган модда бор.

Муҳими, мен дўстим Нурсултон Назарбоевни Қозоғистоннинг ва бутун минтақамизнинг ватанпарвари деб биламан. Асқар Акаев тўғрисида ҳам шуни айтишим мумкин.

Булар барчаси бизнинг ҳамкорлигимиз учун шарт-шароит яратади.

Ю.Галимов, Деловой мир (Россия): Жаноб Президент, Сиз Россия ҳамон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолаётгани тўғрисида гапирдингиз. Бу икки мамлакатнинг кўплаб бизнесменларига ҳам тааллуқли. Бизнинг ўқувчиларимизни шундай савол қизиқтиради: зикр этилган тўрт давлатнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви валюта бозори шаклланишига қандай таъсир кўрсатади? Мен МДХ худудида юмшоқ валюталарнинг курсини аниқлаш механизми, давлатлар ўртасидаги тўловлар механизмини назарда тутишман.

И. КАРИМОВ: Менинг Тўртлар шартномаси қатнашчилари номидан гапириш ваколатим йўқ. Шунинг учун фақат ўз мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. МДХ доирасида имзоланган битимларда сиз сўраётган муаммоларни ҳал этишнинг анча мақбул йўллари кўзда тутилган. Булар сирасига божхоналар иттифоқи, тўловлар иттифоқи тўғрисида битимлар имзолаш ва ундан кейин валюта иттифоқи тўғрисидаги битим билан боғлиқ масалаларни ечиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугун божхоналар иттифоқи унинг таркибига кирган мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, товар айланмасини

кескин кўпайтириш имконини берди, деб гапирилганда, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Агар тўловлар ҳамда бунинг учун маърифий меъёрлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаса, товар айланмасининг ўзи давлатларнинг маърифий муносабатларида ҳеч нарсани англамайди. Энди айтинг-чи, қайси корхона, қайси савдо тузилмаси, ўзаро тўловлар таъминланмай туриб, бошқа мамлакатга товар юбориши мумкин? Ахир бугунги кунда Россия корхоналари ўртасидаги ўзаро қарзлар миқдори, Россиянинг ўз матбуоти хабарларига қараганда, ниҳоятда кўпайиб кетган. Афсуски, улар камаймаяпти. Мазкур принципиал масалани ҳал этмай туриб, қандай қилиб савдо айланмаси тўғрисида гапириш мумкин? Агар Россиянинг ўзида тўловлар масаласи ҳал этилмаса, қандай қилиб уларни давлатлар ўртасида ҳал этиш мумкин?

Валюта ва валюта курси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалани ҳал этиш ўта муҳим, бундан кейинги барча муносабатларимиз шу билан бевосита боғлиқдир. Россия Давлат банки бошқарувчиси жаноб Дубинин яқинда Россия тез орада Халқаро валюта фонди билан валютани жорий ҳисоб-китоблар бўйича конвертация қилишга тегишли битимни имзолашга ва мазкур фонд Уставининг 8-бандига қўшилишга тайёр эканини билдирди. Демак, ҳозирча валюта эркин конвертация қилинмайди, бироқ жорий ҳисоб-китоблар конвертация этилади. Бу Россия рублининг катта ютуғидир.

Бизга маълум бўлишича, бугунги кунда Россиянинг олтин-валюта ресурслари, захираси 14 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва бу Россиянинг уч ойлик импортини таъминлаши мумкин. Бу миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шартларидан биридир. Россия билан савдо-сотик қилишни истаётган шерикларнинг аҳволи қалай, улар ҳам Россия билан тенг бўлишга тайёрми? Мендаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида бу масалада Россия билан бир қаторда тура оладиган ягона мамлакатдир. Буни Халқаро валюта фонди ҳам тасдиқлайди.

Захираларимиз, жумладан, олтин-валюта захираларимиз билан импорт операцияларни уч ой эмас, олти ой ҳам қафолатлаш имкониятига эгамиз. Россия ўз рублини қандай қафолатлаган бўлса,

миллий валютаамизни биз ҳам барча мезонлар ва шартлар бўйича шундай кафолатлашга қодирмиз.

Бошқа давлатларга келсак, мен уларнинг ички имкониятларидан хабардор эмасман, шуни аниқ биламанки, том маънодаги савдо ва тўловни йўлга қўйиш учун барча ўша мезонларга интилиши, ўша шартларга сўзсиз амал қилиши керак.

Ш. Ғаниева (РЖТ мухбири): Мухтарам Президент, МДХдаги вазият Россияда воқеаларнинг бундан кейин қандай кечиши билан боғлиқ, дедингиз. Башарти сайловларда коммунистларнинг қўли баланд келса, чуқур интеграциялашув шартномасига имзо чеккан давлатлар тақдирига мазкур салбий ходиса қандай таъсир этиши мумкин? Россия билан Ўзбекистоннинг муносабатлари қандай бўлади? Воқеаларнинг қандай кечишидан қатъи назар, Россия бари бир Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан асосий шериги бўлиб қолиши муқаррар-ку?!

И. КАРИМОВ: Агар Россияда шу воқеа юз берса, рўй-рост айтмоқчиман, вазият мушкуллашади.

Россияда коммунистлар ҳукумат тепасига келса, иқтисодиётни бошқариш, мулкчилик масалалари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чигаллашуви, ўзгача тартиблар ўрнатилиши турган гап. Гарчи жаноб Зюганов Давосда ва бошқа жойлардаги учрашувларида, хавотир олманглар, биз маърифий мезонлар ва қонунчиликка шак келтирмаймиз, деб жар солаётган бўлса-да, вазият кескинлашмаслигига кўзим етмайди.

Жаноб Зюгановнинг баёлотларида чалкаш, мужмал мулоҳазалар жуда кўп. Коммунистлар замони келса, собиқ Иттифоқ худудидаги давлатлар ўтмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти муносабатлари мезонлари чиппакка чиқиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиёти муносабатлари билан коммунистлар ўз дастурларида олға сураётган ғоялар, йўл-йўриқлар шу қадар йироқки, бу илон билан типратиконни чатиштиришдек гап.

Сайловда коммунистларнинг ютиб чиқиши, аввало Россиянинг ўзини умумжаҳон тарақ-қиётидан бир неча йиллар орқага улоқтириб юборди ва табиийки, бу ҳол Россиянинг бошқа давлатлар билан,

аввало МДХ давлатлари билан ўзаро муносабатларига путур етказди. Комил ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмайди. Менинг қатъий фикрим шу.

Х. Убайдуллаев, Би-Би-Си мухбири: Президент жаноблари, агар янглишмасам, ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган бир мажлисда, сиз Ўзбекистон матбуотини аямасдан танқид қилдингиз. Мана, орадан анча вақт ўтди. Ўзбекистон матбуоти ва телевидениесига бугун сиз қандай баҳо берган бўлардингиз?

И. КАРИМОВ: Жуда яхши савол бердингиз. Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Модомики, Ўзбекистон эркин, очик ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариши керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди.

Афсуски, мен буни ошқора тан олмоқчиман, республика тизимларининг нафақат ўрта, юқори раҳбарлик бўғинларида буни ҳали ҳам тўла тушуниб етмаган кишилар бор. Ўтмишнинг қотиб қолган андозалари таъсиридан қутулиш жуда қийин кечаётир. Вазиятни фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди. Одамларнинг, айниқса, раҳбарларнинг дунёқарашини ўзгартириш керак. Бу - ўта муҳим масала.

Газеталаримиз саҳифаларида, радио ва телевидениеда танқид пайдо бўлса, негадир уни мамлакатимизда ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар мавжудлигининг аломати, деб тушуниш расм бўлган. Россия журналистлари билан мулоқотимда мен танқидий руҳ барча ривожланган давлатлар матбуоти, радио ва телевидениеси учун хослигини, пировардида бу услуб олға силжиш, эришилган ютуқлардан эсанкираб қолмасликнинг таъсирчан, изчил омили эканлигини таъкидлаган эдим. Ҳар бир инсон, хусусан раҳбар ўз камчиликларини кўриб туриши, бу қусурлардан тезроқ қутулишга ва ўз қобилигига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиши керак. Бу коррупцияга ва қонунбузарликка қарши курашнинг энг муҳим



шартидир.

Туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки бирор-бир вазир газетада танқид қилинса, осмон узилиб ерга тушгандай бўлади. Албатта, танқид холис бўлиши, кишилар шахсиятига, иззат-нафсига тегмаслиги керак.

Лекин танқиднинг бўлиши шубҳасиз. Бусиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур этиш қийин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу журналистларнинг савияси билан боғлиқ. Хўш, журналистларимизнинг ўзлари шу вазифани адо этишга, холис ёндошувга тайёрмилар? Афсуски, ўз фаолиятини мазкур мезонлар билан ўлчайдиган, мулоҳаза юритадиган мухбирлар ҳали жуда кам.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури, Европа мамлакатлари ва АҚШ билан ҳамкорлик тизими бўйича Ўзбекистонда ўтказилаётган турли тадбирларни мен чин юракдан қутлайман, қўллаб-қувватлайман, улар ҳамкасбларига касбий маҳорат сирларини эгаллашда яқиндан ёрдам беришяпти. Би-Би-Си мониторинг ваколатхонасининг Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Мамлакатимизда куни-кеча Озодлик радиостанциясининг ваколатхонаси ҳам иш бошлади. Ўзбекистонда Си-Эн-Эн ва жаҳоннинг бошқа етакчи телевидение ва радиостанциялари ҳам ўз ваколатхоналарини очишса, журналистларимиз Фарб матбуоти вакиллари билан бақамти ҳамкорлик қилиб, газеталарнинг қўшма сонларини чоп этишса, мен жуда мамнун бўлардим. Етакчи газеталаримиз хорижий тилда илова ёки махсус сонлар тайёрлашса, кейин ўзбек тилига ўгирилса ёки аксинча, ўзбек тилидан бошқа тилга таржима қилинса, бунинг нимаси ёмон?!

Яна такрорлайман: мақола ва газета сонларини тайёрлашда катта тажрибага эга бўлган хорижий журналистларнинг мухбирларимиз билан ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Ҳамкорликнинг мазкур янги тармоғи сир-синоатларини эгаллашда бизга яқиндан ёрдам берган бўлардингиз.

Биз дунёга юз очдик деганда, қилишимиз керак бўлган ишларнинг нари борса ярмини тасаввур этамиз, холос. Ваҳоланки, биз бизнесменларга, молия, тижорат тизимларига хорижий

компанияларга эмас, аввало Ғарб матбуотига юз буришимиз, чет эллик мухбирлар ва Ғарб оммавий ахборот воситалари вакилларига газеталаримиз саҳифаларидан кенг ўрин беришимиз керак.

Хуллас, қисқача қилиб айтганда, ахборот воситаларининг бугунги аҳволи мени қониқтирмайди.

Т. Қоратоев, Ўзбекистон телевидениеси мухбири: Мухтарам Президент, собиқ Иттифокни тиклашга доир масалага сиз аниқ, қатъий фикрингизни айтдингиз. Бошқа мамлакатлар, дейлик МДХга аъзо Тожикистон, Туркменистон, Грузия, Арманистоннинг мазкур масалага муносабатлари сизга маълумми? Уларнинг Тўртлар шартномасига қўшилиш эҳтимоли борми?

И. КАРИМОВ: Бир эмас бир неча марта айтдим: мазкур шартномага қўшилиш ёки бошқа шартномаларга имзо чекиш алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ички иши.

Мен ўз маъруза ва суҳбатларимда бир неча марта такрорлаганманки, бошқа мамлакатлар бу шартномага қўшиладими ёки қўшилмайдими, шартномани имзолайдими-йўқми бу ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқи ва ички ишидир. Ҳар бир мустақил давлат бугун ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоқда ва халқи олдида ҳам ўзи жавоб беради. Шартномага ким қандай қараётганини менинг чиқишларимдан эмас, матбуотдан ўқиб, коса тагида ним коса борлигини мулоҳаза қилиш керак.

Р. Тэлль, Рабочая трибуна газетаси мухбири: Ўзбекистоннинг МДХ доирасига кирмайдиган бирон-бир битимда қатнашишини қатъий рад этадиган қандайдир бирорта бошқа таклифи борми? Агар бўлса, бу таклифни сиз МДХ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўладиган учрашувида ўртага қўясизми?

И. КАРИМОВ: Мен ўзимнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларимда собиқ Иттифок ҳудудида бўладиган ҳар қандай интеграцияга қўшилишимизнинг бешта шартини айтиб ўтган эдим. Буларни яна

такрорлаб ўтаман.

Биринчидан: бу ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқликлик, мустақилликни сақлаб қолиш.

Иккинчидан: интеграцияга қўшилаётган ҳар бир давлат бир хилдаги қонуний базага, бир хилдаги ислохотлар йўналишига эга бўлиши лозим.

Учинчидан: интеграцияга қўшилаётган давлатлар ўз режаларини бировлар ҳисобига тузмаслиги, яъни боқимандаликка йўл қўймаслиги керак.

Тўртинчидан: интеграция жараёнларини сунъий тарзда тезлатиш керак эмас. Интеграция бу - ўта жиддий ва узоқ давом этадиган жараёндир. Уни амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилмоғи лозим.

Бу жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш жуда хавфли. Ва сўнгги - бешинчи шарт, интеграцион жараёнларга мафқуравий тус бермасликдир. Аравани отдан олдин қўйиб бўлмайди.

Давлатлараро тизимлар тузиш, шундан кейин иқтисодий масалаларни, иқтисодий интеграцияни ҳал этиш биз учун мутлақо номақбулдир.

Иқтисодий вазият, ягона иқтисодий ҳудуд табиий суратда етилиши ва амал қилиши керак. Шундан кейингина интеграциянинг бошқа шакллари, жумладан, сиёсий интеграция пайдо бўлишига майдон яралади.

Энди менинг ҳам сизларга бир савол беришимга ижозат этсангизлар: интеграциябозлик хуружи қаердан келиб чиқди ўзи? Бу сўзсиз амалга оширилиши зарур бўлган мақсадми? Негадир бирор мамлакат интеграцияга қўшилмаса, эртагаёқ ҳалокатга учрайди, деган башоратларнинг замирида нима бор?

Интеграция ғоясини чайқовга солмаслик керак. Интеграция ва кооперация тараққиётга, иқтисодий юксалишга хизмат қилмоғи, иқтисодий ўсиш ва юксалиш йўлида ўртадан тўсиқларни кўтармоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир давлат аввало ўз кучига таяниб нимадир қилиши лозим. Ислохотларни ўтказиш баробарида қонуний ва ҳуқуқий асослар яратиш, одамларни ўқитиш, фойдаланилмаётган

имкониятларни ишга солиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни топиш ва жалб этиш, янги иш жойлари яратишни ўрганиш зарур. Бу олға боришимизнинг бош шартларидан бири. Биз Ўзбекистонда ўз келажагимизни шундай тасаввур этамиз. Шу ва фақат шу асосда интеграция имкониятларидан фойдаланиш, оқилона кооперация йўлидаги турли тўсиқларни олиб ташлаш лозим бўлади. МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ўзи интеграция учун етарли даражада асос яратади. Биз эса бошланган ишни охирига етказмай, қабул қилинган қарорларни амалга оширмасданоқ улардан юз ўгирамиз ва яна янгидан-янги иттифоқлар тузмоқчи бўламиз. Бу қандайдир интеграция ўйинига, ўйин бўлганда ҳам сўнгсиз ўйинга айланиб қолмоқда. Яқинда мен оддий бир одамдан бу жараёнлар ҳақида ғалати бир таърифни эшитдим. Унинг айтишича, беш йил ағдар-тўнтар қилишди, энди яна беш йил қайтадан тиклашади. Халқ эса кутиб тураверади. Бу - одамларни кундалик муаммолардан чалғитишга, моҳиятан камчиликлар учун масъулиятдан қочишга қаратилган хатти-ҳаракатдан ўзга нарса эмас. Бу - оддий одамнинг фикри.

Ю. Черногаев, Постфактум ахборот агентлиги: Ижозатингиз билан бир вазиятни аниқлаштириш учун шундай савол бермоқчи эдим. Бу бизнинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегараларимиздаги ўта либерал божхона тартиби билан боғлиқдир. Бу икки мамлакат Тўртлар битимини имзолагани сабабли божхона тартибида ўзгаришлар бўладими? Сиз ушбу ҳужжатларни имзолашимиз учун Ўзбекистон аллақандай бир тазйиқни сезиб турибди, деб айтдингиз. Бундай тазйиқ қай шаклда амалга оширилмоқда?

И. КАРИМОВ: Бизнинг тарафимиздан мол айрибошлашни чегараловчи, одамларнинг ўзаро муносабатларини чекловчи, умуман бу икки мамлакат билан мавжуд ҳамкорликни чекловчи бирон-бир қўшимча тадбир амалга оширилмайди. Мен буни қатъий айтаётirman. Биз бу ҳолга йўл қўймаймиз ҳам.

Иккинчи саволингизга келсак, айтишим керакки, мен бизга

тазйик кўрсатиляпти деганим йўқ, сўзма-сўз айтганда, бизни астойдил таклиф қилмоқдалар, дедим. Кўриб турибсизки, бунда фарқ бор. Мен сизларни бу масалаларга жиддий ёндашишга даъват этаман.

Агар кескинроқ гапирган бўлсам, шу боисданким, мен собик Иттифоқ у ёки бу шаклда қайта тикланиши эҳтимоли ҳақида эшитишни қатъиян истамайман. Мен бу Иттифоқни ич-ичидан яхши биламан.

Унинг барча иллатлари ва Ўзбекистон халқи учун номақбуллигини яхши биламан.

Афсуски, инсоннинг хотираси унутиш касалига гирифтордир. Аммо мен 83-йилдан то 89-йилгача бўлган яқин тарихимизни, бизнинг бошимиз узра, ўзбеклар ва Ўзбекистон узра қандай бебошликлар - қонунга хилоф ишлар амалга оширилган даврни асло унута олмайман. Ўша манзаралар ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди. Улар хусусида юрагим тўлиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан гапиролмайман. Ўзбекистонда қандай мудҳиш ишлар қилинган бўлса, ҳаммаси КПСС МК ва Сиёсий Бюросининг хоҳиш-иродаси билан содир этилган.

Биздан сўрамай-нетмай, розилигимизни олмай яна орқага қайтайлик, яна бирга яшайлик, деб турадиган Е.Лигачёвга ўхшаш кимсалар пайдо бўлгандан кейин, мен ҳаяжонимни босиб гапиролмайман. нки Лукьяновни олайлик... Қирғизистон билан чегарада, Ўшда фожеалар юз бериб турганда, мен унга Тошкентдан туриб уч марта қўнғироқ қилдим. Горбачев ҳақида, шахсан ўзим гаплашган бошқа арбоблар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Мен уларга шахсан мурожаат қилиб, одамлар ўлмокда, тўкилаётган қон эрта-индин бутун Ўрта Осиёни хонавайрон этади, деб худонинг зорини қилдим, ёрдам беринглар, деб қанчалар ёлвордим. Қанақа жавоб олдик бу мурожаатларга? Фақат ўзимиз - ўзбеклар ва қирғизлар бу муаммони ҳал қилдик. Фақат ақл-идроқ, фақат ақл-фаросат, одамларимизнинг яхши ният ва олижаноблиги ўша даҳшатли фалокатнинг олдини тўсди. Шу боис айтмоқчиман, менинг яккаю ягона хоҳишим - Ўзбекистонга ҳеч ким ҳалақит бермасин! Ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этаётган бошқа республикаларга ҳам ҳалақит берилмасин!

## **ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ**

Ижроия Кенгаш раиси жаноблари!

Бош директор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга анжуманингизда, жаҳондаги атоқли интеллектуал кучлар анжуманида Ўзбекистон номидан гапириш шарафи муяссар бўлгани учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан сиз - анжуман иштирокчиларини шонли юбилей - жаҳон назарида ҳақли равишда энг нуфузли маънавият ва эзгулик ташкилоти ҳисобланадиган ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги билан муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

ЮНЕСКОнинг ноёблигини биз энг аввало сайёрамиздаги катта ва кичик халқларнинг ўтмиши ва бугунги кунига бир хил ҳурмат ҳамда авайлаб қилинаётган муносабатни сақлаб қолган ҳолда, ЮНЕСКО доирасида ўзига хос ва бетакрор миллий маданиятлар ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқларини кенг намойиш этиш учун гўзал имкониятлар яратилаётганида кўрамиз.

ЮНЕСКО - халқаро ташкилот сифатида бугунги кунда илм-фан, маданият ва маорифнинг миллий тизимларини бирлаштирган ҳолда, айни пайтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиётининг интеграция тажрибаси билан бойитаётган, халқларни бутун инсониятнинг жуда бой маънавий мероси билан ошно қилаётган кўприкка айланган.

ЮНЕСКОнинг барчага - катта ва кам сонли халқларга ўз тарихий ва маданий ютуқларини намойиш этиш, уларнинг жаҳон интеллектуал маконига интеграциялашуви йўлидаги интилишларини рўёбга чиқариш учун мутлақо бир хил имконият яратиб бераётган муҳим халқаро анжуман сифатида тутган ўрни бебаҳодир.

Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясиз тараққиёт ҳам

бўлмаслигига аминмиз.

Шунинг учун ҳам тараққиётнинг мустақил йўлидан бораётган Ўзбекистон ЮНЕСКО билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда, жаҳоннинг эзгулик сиёсатини ривожлантиришда иштирок этиш мақсадида халқаро миқёсда маънавий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун олдимизда очилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланмоқда.

Бош директор Федерико Майор жанобларининг яқинда мамлакатимизга ташрифи ЮНЕСКО билан алоқаларимизни янада янги босқичга кўтарганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз. Бу - илдизлари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан кўхнароқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўраемиз. Ниҳоят бу - ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири ҳисобланган, Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий халқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз - Ал Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

XIV асрдаги улкан ва ёрқин сиймо - Амир Темурнинг тутган ўрни ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталишни истар эдим. Амир Темур жаҳон тарихига қудратли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этиб, ўрта аср дунёсининг асл маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақли ва истеъдодининг ноёб ижоди бўлиб, бугунги кунда ҳам сақланиб қолган мислсиз меъморий обидалари билан

машхур Самарқандни унинг пойтахтига айлантирган атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатидагина кирган эмас.

Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоирлар, ҳофизу машшоқларга ғамхўрлик қилишда ҳам ном қозонган эди. Темурийлар даври ҳақиқатан ҳам илм-фан, маданият ва маорифнинг беҳад равнақ топишини таъминлаган Шарқ уйғониш даври эди.

Биз бу йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга қарор қилгани учун ЮНЕСКОдан самимий миннатдормиз.

Бугун Парижда сизларнинг иштирокингизда очиладиган маданият ҳафталиги тарихдаги бу буюк шахснинг кенг микёсда шарафланишининг бошланишидир.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни шу йил октябрь ойида Тошкент ва Самарқандда ўтказиладиган юбилей байрамимизга таклиф этишни истардим.

1997 йилда ЮНЕСКОнинг қарорига биноан Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Ўзбекистонда жаҳон маданиятининг ноёб гавҳарлари бўлган, жаҳон мероси рўйхатига киритилган бу қадимий шаҳарлар юбилейига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон - тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни санаб адоғига етиш қийин бўлган мамлакатдир.

Уларни объектив равишда илмий ўрганиш учун тинимсиз тадқиқотлар олиб бориш керак.

Шу муносабат билан қадимий Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этгани учун ЮНЕСКОга самимий миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Мазкур институт бу қадимий минтақадаги цивилизациянинг мислсиз парвозлари ва оғир кулашлари тарихини ўрганишда ўз ҳиссасини қўшишига, шунингдек бу минтақанинг XXI асрда гуркираб ривожланиши истиқболлари хусусида жиддий илмий мунозаралар уюштириб, бу истиқболларни қидириб топиш йўлларини аниқлашига аминман.

Мен, Ўзбекистон Президенти сифатида, турли мамлакатлар олимларининг Самарқанд институти раҳнамолигида гўзал кўп жилдлик халқаро тадқиқот - "Марказий Осиё цивилизациялари



тарихи" сингари йирик илмий лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига ҳар томонлама ёрдам беришга ва уларни тўла қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Раис жаноблари!

Қайтадан ўз эрки ва мустақиллигини қўлга киритган янги Ўзбекистоннинг асосий вазифасини тавсифлашга ҳаракат қиладиган бўлсак, бу вазифа энг аввало мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига фаол ва табиий равишда кириб бориши, ўзининг тинчликка, тенг ҳамкорликка, демократияга, инсон ҳуқуқларига, асл умуминсоний қадриятларга содиқ эканини кўрсатишдан иборат бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади.

Ўзбекистон жаҳон, айниқса Европа тузилмалари билан кенг интеграциянинг энг фаол тарафдори бўлгани билан, у бундан фақат иқтисодий мақсадларнигина кўзламайди. Биз энг аввало маънавий, илм-фан, маданият, маориф ва ахборот соҳаларида интеграциялашишга даъват этамиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистоннинг ўзига хос янгилашиш ва тараққиёт йўли қуйидаги учта муҳим шартга асосланади:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;
- ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қиладиган Ўзбекистонда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

Ўзбекистон битмас-туганмас табиий ва минерал-хомашё

бойликларига, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур.

Бирок, бизнинг энг катта бойлигимиз - тикланиш, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан дадил бораётган оққўнғил, меҳнаткаш, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

Бугунги кунда, айниқса собиқ советлар худудида (СССРнинг собиқ худудида) дунёда ҳаммабоп, барча учун мос келадиган тараққиёт модели йўқ экани аён бўлиб қолди. Бирорта модел, биронта схемани шу туришида барча мамлакатларга татбиқ қилиб бўлмайди.

Шуниси диққатга сазоворки, ЮНЕСКОнинг тажрибаси ва фаолияти маълум даражада давлатларнинг ижтимоий соҳада бир хил ривожланиши моделининг номақбул экани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Биз ЮНЕСКО мисолида ижтимоий ва интеллектуал ҳамкорлик муаммоларига янги ижодий ёндашувлар ишлаб чиқувчи ноёб манбани кўрамиз.

Ўзбекистон ЮНЕСКО Бош директорининг ЮНЕСКО низомидаги асосий қоидалар: кишилар онгига тинчлик ғоясини сингдириш ҳамда барқарор тараққиётга кўмаклашишга содиқлигини сақлаб қолишига қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг "Ўрта муддатли стратегия"си барқарор тараққиётнинг инсон ўлчовига жамланган янги шакллари тинимсиз изланаётганидан дарак беришини сезмаслик мумкин эмас.

Бош директор Майор жаноблари мамлакатимизга сафари пайтида бугунги кунда Ўзбекистоннинг қиёфасини тинчлик ва осойишталик, диний ҳамда умуман мафкуравий мураса, маданиятларнинг уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши белгилашига гувоҳ бўлди.

Муросаи мадора асрлар давомида халқининг асосий белгиси бўлиб келган Ўзбекистон БМТнинг навбатдаги сессиясида мураса тамойиллари баённомасини фаол қўллаб-қувватлаш ниятидадир.

Бизда муросанинг илдизлари узок асрларга бориб тақалади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг ўлмас ва мангу кадамжолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яхудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар - мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яхудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шохобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин.

Раис жаноблари!

Назаримизда, ЮНЕСКО ёшлар муаммоларига жиддий эътибор бериши зарур. Биз замин ва дунёни мерос қилиб қолдирадиган авлодларнинг эҳтиёжларига қаратилган келажак авлодлар ҳуқуқлари конвенциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг бўлажак тараққиётимиз асоси ҳам мана шунда. Айнан ёшлар орқалигина келажак жамиятлар шуурига маданият маънавиятини, тараққиётнинг интеллектуал кадриятларини сингдира оламиз.

Бу ҳол - бизга жуда ҳам таниш. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг ярмини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ўзбекистонда "Соғлом авлод учун" декларацияси қабул қилинган, халқаро жамғарма ишлаб турибди, ўсиб келаётган авлод тарбиясига қўшилган улкан ҳисса учун бериладиган "Соғлом авлод учун" олий давлат ордени таъсис этилган.

Ўзбекистоннинг ҳажми республика бюджетининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган ижтимоий дастурларида аёлларга алоҳида ўрин ажратилган. Биз бундан бунё ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрнини яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган барча ташаббусларни қўллаб-қувватлайверамиз.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш, маданий ва табиий меросни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланмоқда. ЮНЕСКОнинг Шарқ меъморлиги жавахирлари - Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хевадаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва табиий офатлардан сақлаш бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб

чиқиш ва амалга оширишдаги ҳиссаси ҳам жуда сезиларлидир.

Биз БМТнинг, ЮНЕСКОнинг таълимни секторлар бўйича таҳлил қилиш бўйича кўшма лойиҳаларига фаоллик билан қўшилганмиз. Аҳолиси мутлақ саводхон бўлган Ўзбекистон бу лойиҳалар доирасида АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа мамлакатларнинг давлат муассасалари билан ҳам, давлатга тобе бўлмаган ташкилотлари билан ҳам самарали ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ЮНЕСКО ҳомийлигида бу йил Тошкентда ўтказиш мўлжалланаётган фундаментал фанларни ривожлантириш бўйича минтақавий семинарнинг муваффақиятли ишлаши учун зарур бўлган барча шароитни яратади. Мазкур семинар олий таълим ва фундаментал фанлар бўйича жаҳон конференциясига зарур тайёргарлик босқичи бўлиши шубҳасиз.

Раис жаноблари!

Биз истиқболли, ўтмишнинг эзгу анъаналарини тикловчи ҳамда тинчлик ва инсоний мулоқотлар сари янги йўл очувчи "Ипак йўли - мулоқот йўли" дастурини амалга оширишда бундан бунё ҳам фаол иштирок этамиз. Шу муносабат билан мазкур дастурни янаги ўн йилликка узайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу лойиҳада Ўзбекистон 1997 йилда Бухорода ЮНЕСКО ижроия кенгашининг барча ҳурматли аъзолари иштирокида "Инсониятнинг илмий ва маданий мероси - учинчи минг йилликка" деб номланган кенг миқёсдаги халқаро симпозиумни ўтказиш бўйича барча ташкилий масалаларни ўз зиммасига олишга тайёр.

Ҳурматли Ижроия Кенгаши аъзолари!

Таклиф тариқасида эътиборларингизни турли минтақаларда экология муаммоларини ҳал этиш бўйича ишларни кучайтириш зарурлигига қаратмоқчи эдим.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё экология ҳалокатининг марказида туриб қолган. 60 миллиондан ортиқ киши бу ҳалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Мен атроф муҳит билан стратегик хавфсизлик муаммоларининг ўзаро бир-бирига таъсирига яққол мисол бўлиб турган Орол фожиасини назарда тутяпман.

Бугунги кунда оламшумул аҳамият касб этаётган Орол

муаммоси экология масалалари билангина чекланиб қолмаслигига менинг ишончим комил.

Бу, шунингдек, инсониятнинг бир-бирининг дардига шерик бўлиш ва ҳамкорлик қилиш қобилятини синовдан ўтказадиган маънавий муаммо ҳамдир.

Бизнинг тажрибамиз экология ўлчовларини халқаро гуманитар сиёсатнинг муҳим мезонларидан бирига айлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Ҳалокатнинг оламшумул миқёсларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жаҳон ҳамжамиятининг интеллектуал ва моддий-техник кучларини мана шу экология фожиасини ҳал этишга жалб қилишдаги ҳиссасини қутлайди. Биз атроф муҳит соҳасидаги таълим бўйича учинчи халқаро конференция ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Жаҳон мамлакатлари ҳукуматлари ЮНЕСКО ўсиб, ривожланиб бораётган ташкилот эканига тобора кўпроқ амин бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланиш жараёнининг ўзи бу ташкилотнинг мазмун ва ташкилий жиҳатдан янада такомиллашувига, унинг фаолият доираси янада кенгайишига қўмаклашишига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан биз ЮНЕСКОнинг Тошкентда қароргоҳи барпо этилишини қизғин қутлаган бўлур эдик.

Ўзбекистон ҳукумати бу қароргоҳнинг минтақада жаҳоннинг гуманитар сиёсатини амалга ошириш бўйича самарали мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолиши учун барча зарур шароитни яратиб беради, деб сизларни ишонтираман.

Муҳтарам раис!

Мен ХХI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман.

Мен ақл-идрок ва инсонийлик кучлари ғалаба қозониши кераклигига ишонаман.

Сайёрамиздаги халқлар ва давлатларнинг тадрижий тараққиёти тантана қилишига имоним комил.

Назаримда, инсоният тараққиётининг мантиқи ҳам шунда. Бу буюк ва олижаноб мақсадга эришишнинг асосий шarti - сизлар,

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг хурматли аъзолари намояндаси бўлган ЮНЕСКО ўзида жамлаган бирдамлик ҳамда интеллектуал кучларнинг, ақл-идрок кучининг, эзгулик ва адолат кучининг тантанаси ҳисобланади.

Мен барчангизни биз Ўзбекистонда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ЮНЕСКО низомида кўрсатилган олижаноб мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз, деб ишонтиришни истар эдим.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг умумий маънавият ва маданият йўлидаги бу сессияси ишига муваффақият тилашга ижозат бергайсизлар.

Бугун барчангиз Ўзбекистоннинг темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнашига бағишланган янги кўргазмасининг очилишида азиз меҳмонимиз бўлишингизга умид қиламан. Сизларни қабул маросимида азиз меҳмонимиз сифатида, шунингдек ЮНЕСКОнинг мажлислар залидаги Ўзбекистон санъат усталари концертида кўрсам хурсанд бўлар эдим.

Раис жаноблари!

ЮНЕСКОга миннатдорлик рамзи сифатида Ижроия Кенгашига машхур ўзбек рассомининг суратини тақдим этмоқчиман.

Хонимлар ва жаноблар!

Менга, шунингдек бу хуш имкониятдан фойдаланиб, ЮНЕСКОнинг Бош директори жаноб Федерико Майор ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги бекиёс хизматлари, Марказий Осиё халқларининг бой маънавий меросини тиклаш ва тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси, "Ипак йўли - мулоқот йўли" халқаро дастурини амалга оширгани учун Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти - "Дўстлик" ордени билан мукофотланганини маълум қилишга ижозат бергайсизлар.

Жаноб Федерико Майорни бу юксак мукофот билан чин қалбимдан табриклайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,*

*1996 йил 24 апрель, Париж*

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН**

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши" ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда - Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда "Турон", "Туркистон" ва "Мовароуннаҳр" номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон худудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли қарвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик, инсоний алоқалар йўллари ва албатта - халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, хунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги Сўғд, Хоразм, Бактрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва



меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими - бу маънавият манбаларига, миллий илдиэларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга "Европанинг халоскорига" деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

"Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир", деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни

сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий мурсага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратегик, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур "Қонунлар ва урф-одатларга асосланган" давлатни барпо этди.

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг "Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!" деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг кўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир, Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яқсон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Қўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир.

Ишончим комилки, меъморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Ғарбдами ёки Шарқдами - қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий кадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Францияни таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий кадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти - "Шухрат" медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*ЮНЕСКО қароргоҳидаги "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши" кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель Париж*

## **ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК - МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИДИР**

Муҳтарам Раис жаноблари,  
Муҳтарам Бош котиб жаноблари,  
Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари,  
Хонимлар ва жаноблар,

Менга Ўзбекистон делегацияси номидан Туркменистон Республикаси раҳбариятига, энг аввало, Сапармурот Ниёзовга бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Жаноб Ниёзов янаги навбатга ташкилотимиз раҳбари этиб сайланган. Мен уни бу воқеа билан табриклаш имконияти пайдо бўлганидан мамнунман.

Менга, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларини ҳам қутлаш ва халқларимиз равнақи йўлидаги ишимизнинг самарали бўлишига ишонч билдиришга ҳам ижозат бергайсизлар.

Муҳтарам Раис жаноблари,

Кейинги йилларда юз бераётган сиёсий ва иқтисодий воқеалар жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг умумий жараёнида интеграция ва кооперациянинг ўрни нақадар ошиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Ўн беш Европа давлатининг интеграциялашгани, НАФТАга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлик фаолияти, АСЕАН доирасида тараққиётнинг жаҳон эътирофи этган: минтақавийликдан оламшумуллик сари деган шиорни янада баланд кўтарган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари эришган муваффақиятлар бу фикрни исботлаб турибди.

Яқинда Бангкокда ўтказилган Европа Иттифоқи ва АСЕАНга аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг учрашувида ҳам оламшумул интеграция жараёнларининг шакл-шамойили чизиб берилди.

Ўзбекистон Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда табиийлик касб этган Марказий Осиё интеграциясининг чуқурлашуви ҳамда яхши ривожига қаратилган изчил йўлдан бормоқда. Айни пайтда биз миллий иқтисодий жаҳон ҳамжамиятига кенг равишда интеграциялаш мақсадида халқаро доирада ҳамкорлик қилиш ниятимизни ҳам аниқ баён этганмиз.

Мен Ўзбекистоннинг янги мустақил давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасидаги интеграцион жараёнга муносабати хусусида ҳам кўп марта гапирганман. Биз шериклик тенг ҳуқуқли бўлиши ҳамда бизнинг эркимиз ва мустақиллигимизни, сайёрамизнинг турли томонлари билан ўрнатилаётган алоқаларимизни мутлақо чекламаслиги лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, бу жараённи тезлаштириш ҳамда унга сиёсий ва мафқуравий тус беришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Интеграция ихтиёрийликка, шерик танлашда ҳам, бу жараёнда иштирок этиш даражасида ҳам тенг ҳуқуқ ва тўла эрка асосланиши керак.

Жаноб Раис!

Кейинги пайтда интеграция ҳаракатларини амалга ошириш билан бирга халқаро интеграциянинг концептуал асосларини ишлаб чиқишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан давлатлар эмас, уларнинг мафқура ва сиёсатдан холи иқтисодий ва бозорлари интеграциялашуви лозимлигини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти айнан мана шу тамойилларга асосланганидагина у ҳақиқий интеграцияловчи ташкилот бўла олади.

Ўзбекистон бошқа олти мамлакат қаторида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлганидан буён орадан тўрт йил ўтди. Бу даврда ҳамкорликнинг истиқболлари ҳамда унинг турли соҳаларидаги устуворликларни белгилаб берувчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Биз қабул қилган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамлар қўйилган. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ишини такомиллаштириш, унинг бир қанча янги ташкилотларини таъсис этиш бўйича муҳим битимлар имзоланган.

Мен яқин келажакда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг савдо, транспорт, алоқа сингари соҳалардаги фаолиятининг амалий натижаларини кўрамиз, деб умид қиламан. Бугунги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти транспорт ташкилотининг бир қисми - биз учун жанубий денгиз портларига йўл очиб берадиган Марказий Осиё давлатлари билан Эрон ўртасидаги темир йўл тизимини бирлаштирадиган Тажан - Сарахс - Машҳад - Бандари Аббос темир йўл тармоғи қурилиши амалга оширилгани қувонарли ҳолдир.

Бу Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти имкониятларининг амалга оширилишини кўрсатадиган яхши мисолдир. Биз бу ташкилот доирасида кучларимиз, ресурс ва имкониятларимизни бирлаштирган ҳамда миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда мазкур минтақа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мураккаб иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишини енгиллаштиришимиз мумкин.

Давлатларнинг мухтарам бошлиқлари,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг асосини бизнинг иқтисодий манфаатларимизнинг умумийлиги ташкил этади. Бу манфаатларнинг қай даражада бир-бирига яқинлиги тўғрисида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Биз ўзаро фойдали ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятларини нималарда кўрамиз?

Биринчидан, умумий самарали ҳамкорликни, мамлакатларимизнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш.

Иккинчидан, транспорт коммуникацияси муаммоларини ҳал этиш. Зеро, замонавий ривожланган транспорт тизимини йўлга қўймасдан туриб, давлатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ҳолда намоён қилиб бўлмайди.

Умид қиламизки, Тажан -Машҳад - Бандари Аббос темир йўл тармоғининг ишга туширилиши билан Марказий Осиё мамлакатлари жаҳондаги бошқа иқтисодий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг янги имкониятларига эга бўлади.

Биз янги транспорт йўлининг аҳамиятини мутлақо камситмаган ҳолда бу йўл 300 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидек улкан минтақанинг барча эҳтиёжларини

кондирилмаслигини ҳам эътироф этишимиз керак.

Шунингдек, ташкилотимизга аъзо бўлмаган, бироқ жанубий денгизларга чиқиш йўлига жуда муҳтожлик сезаётган бошқа давлатларнинг ҳам бу ҳаракатга қўшилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Вазиятнинг ўзи яна бошқа коммуникация лойиҳаларини ҳам барпо этиш ва амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттиришни тақозо қилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг транспорт дастури Термиз ёки Кушка орқали Покистон портларига олиб чиқадиغان янги жанубий йўналишларни ривожлантиришни ҳам назарда тутиши керак.

Шу муносабат билан биз Ҳирот орқали ўтадиган коммуникацияларни тиклаш хусусидаги Покистон ташаббусини маъқуллаймиз. Бу йўналиш яқин келажакда бутун минтақа тараққиётига улкан ҳисса қўшадиган Транссиё автомобил ва темир йўллари барпо этиш имконини беради.

Бошқа бир истиқболли йўналиш - Туркманбоши шаҳри орқали амалга ошириладиган Транскавказ йўлидир. Европанинг бир қанча халқаро ташкилотлари, энг аввало, Европа Иттифоқи бу лойиҳани маъқуллайди. Бу - Грузия портлари орқали Европа бозорларига чиқиш, Марказий Осиё минтақасининг транспорт соҳасидаги мушқулини осон қилиш имкониятидир.

Шу муносабат билан Сараҳса сизларнинг иштирокингизда имзоланган Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги тўрт томонлама битим Осиё билан Европанинг бирлашиши борасидаги яна бир аниқ истиқболни очиб беради. Транспорт коммуникациялари тараққиётининг бу йўналиши ҳам анжуманимизда иштирок этаётган, минтақа доирасидагина эмас, балки жаҳон миқёсида савдо, иқтисодий, маданий ва технологик интеграцияга қўшилишга интилаётган барча давлатларнинг туб манфаатларига мос келишига ишончим комил.

Орада албатта пайдо бўладиган ташаббус ва ғоялар мусобақаси бир лойиҳани бошқасига қарши қўйишга эмас, умумий манфаатларимиз бир-бирини тўлдиришининг мукамал йўллари кидиришга қаратилмоғи лозим.

Раис жаноблари!

Мен эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлган учинчи жиҳат Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида иштирок этувчи мамлакатларнинг илмий-техникавий ҳамкорлигидир.

Халқаро ташкилотнинг илмий-техникавий салоҳияти унга аъзо бўлган давлатлар салоҳияти мажмуидан иборат бўлиб, унинг жаҳон иқтисодий тизимидаги ўрнини кўп жиҳатдан шу салоҳият белгилаб беради.

Илмий-техникавий салоҳиятларимизни интеграциялаш, илмий ишланмаларни мувофиқлаштириш ва уларнинг устувор йўналишларини белгилаш борасидаги куч-ғайратларни бирлаштириш ҳаётий заруратдир. Бу эса Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида илмий ахборот айирбошлаш тизимини барпо этиш вазифасини ўртага қўяди.

Тўртинчидан, маданий, маънавий соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш муҳимдир. Бизнингча, давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ана шу соҳаларда аждодларимизнинг энг яхши анъаналарини тиклашга қаратилган хилма-хил алоқалар билан мустаҳкамланиши керак.

Ҳозирги кунда халқларимизнинг жисмоний ва маънавий саломатлигига хавф солиш билан боғлиқ масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Мен ҳақиқий хавфга айланган бангфурушлик муаммосини назарда тутяпман. Ташкилотимиз доирасида наркотик моддалар етиштириш, ишлаб чиқариш, мамлакат орқали олиб ўтиш ва истеъмол қилишга қарши минтақа дастурини ишлаб чиқишимиз керак.

Кези келганидан фойдаланиб, шу ерда ҳозир бўлган ва делегациялари 3-4 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган наркотик моддаларни назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган халқаро семинар-конференцияда иштирок этганларга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Тошкент учрашуви чоғида қабул қилинган "Наркотик воситалар, психотроп моддаларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, сотиш, суиистеъмол қилиш устидан назорат қилиш соҳасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида Меморандум" фақат кенг кўламли, мувофиқлаштирилган халқаро сазой-ҳаракатларгина XX асрдаги бу



хавфли иллат тарқалишига чек қўйиши мумкинлигидан далолат беради.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик шу дастурнинг таркибий қисми бўлиши мумкин. Она ва бола саломатлигини яхшилаш, юқумли касалликларга қарши кураш, миллий соғлиқни сақлаш тизимларини дори-дармон ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалалари бу соҳада устувор ҳисобланади.

Ниҳоят, мен тўхталиб ўтмоқчи бўлган, сўнгги масала. Мен Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг фаолиятини сиёсийлаштиришга ва мафкуралаштиришга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида гапирар эканман, бунда мазкур ташкилотнинг ҳарбий-сиёсий тузилмага айланиш хавфини кўзда тутган эдим.

Менимча, бундай истикбол ҳеч кимга маъқул бўлмаса керак. Биз шунга қатъий равишда аминмизки, ўз моҳияти, ўз номи ва вазифаси бўйича иқтисодий, гуманитар ва коммуникацион муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган бу анжуманни турли сиёсий баёнотлар минбарига айлантириш мумкин эмас. Бундан ташқари, бу минбардан Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлмаган бошқа давлатлар шаънига турли-туман айб ва бўҳтонлар ёғдириш мақсадида фойдаланиш борасидаги уринишларга ҳам мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз ҳамда бундай уринишларга кескин қарши чиқамиз.

Биз айрим мамлакатлар ва уларнинг раҳбарларининг анжуманга муҳим халқаро муаммоларни ҳал этиш масаласида ўзларининг нуқтаи назарларини тикиштиришга бўлган уринишларини ҳам ҳазм қилолмаймиз. Бундай нуқтаи назарлар, хусусан, Ўзбекистон учун мақбул эмас. Мен шуни қатъий равишда баён қиламанки, агарда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини сиёсийлаштиришга бўлган бундай уринишлар бундан буён ҳам давом этаверса, Ўзбекистон бу ташкилотдан чиқишга мажбур бўлади.

Муҳтарам давлат бошлиқлари,

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар улкан бунёдкорлик салоҳиятига эгадир. Муддаоларимизнинг софлиги, мақсадларимизнинг олижаноблиги, бир-биримизга самимий ёрдам бериш истагимиз бизни бирлаштириб турган экан, давлатларимизнинг

Ўзаро иқтисодий макони кенгайиб, мустаҳкамланаверади. Бу эса мамлакатларимиз гуллаб-яшнашининг, халқларимиз фаровонлигининг, ўзаро ишончни, минтақаларимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг гаровидир.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар  
раҳбарларининг IV учрашувида сўзланган нутқ,  
1996 йил 14 май,  
Ашгабат шаҳри*

## МУНДАРИЖА

БИЗ ҚУРИШ, ЯРАТИШ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАМИЗ.  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 30 август

ВАТАН МАНГУ ҚОЛАДИ. Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзланган нутқ, 1995 йил 31 август

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛСИН.  
Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлар академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 2 сентябрь

СПОРТ БИРДАМЛИК ВА ТОТУВЛИККА ЧОРЛАЙДИ.  
Тошкентда I Марказий Осиё ўйинлари очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 2 сентябрь

ДЎСТЛИК, ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН. Грузия давлати раҳбари, Грузия Парламенти Раиси Э. Шеварднадзе шарафига уюштирилган қабул маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 4 сентябрь

МИНТАҚАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН.  
Тошкентда Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаш-семинарида сўзланган нутқ, 1995 йил 15 сентябрь

ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 3 октябрь

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК, БАҲҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК  
ФАН РАВНАҚИСИЗ БУЮК ДАВЛАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯ

ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЧОҒИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА  
УЮШТИРИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙЛИК. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 ноябрь

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ. Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблар, 1995 йил ноябрь

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА  
ФОЙДАЛАНАЙЛИК. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 29 ноябрь

ВАТАН МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА  
СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 1995 йил 7 декабрь

АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ ТАНТАНАСИ.

БУНЁДКОРЛИК - ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 декабрь

ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ. Тошкентдаги дипломатия корпуси ва республикада фаолият кўрсатаётган журналистлар билан учрашувда сўзланган нутқ, 1995 йил 29 декабрь

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ  
КОМИЛ

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТЪИЯТЛИ  
БЎЛАЙЛИК. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда сўзланган нутқ, 1996 йил 29 февраль

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА  
ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 16 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ

КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
МУХБИРИ БИЛАН СУЎБАТИ. 1996 йил 23 март

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ.  
Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувда  
сўзланган нутқ, 1996 йил 12 апрель

КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН  
ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК, ҲАМКОРЛИКСИЗ ТАРАҚҚИЁТ  
БЎЛМАЙДИ. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,  
1996 йил 24 апрель, Париж.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА  
ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН. ЮНЕСКО  
қароргоҳидаги "Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва  
маорифнинг гуллаб-яшнаши" кўргазмасининг очилиш маросимида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель, Париж

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК - МАМЛАКАТЛАРИМИЗ  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИДИР. Иқтисодий ҳамкорлик  
ташкilotига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг IV учрашувида  
сўзланган нутқ, 1996 йил 14 май, Ашгабат шаҳри